


**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

КАРШИ МУХАНДИСЛИК - ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия хисоби, иктисодий тахлил ва аудит» фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ
(туплами)



КАРШИ - 2005й

Тузувчи:

С. Эгамбердиева

Такризчилар:

и.ф. н., доц Зиётов Х.

и.ф.н.,доц Файзиева ш.

Маъруза матнлари «Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси йигилишида (Баён №_____200 й) ва Иктисодиёт факультети услубий комиссиясининг йигилишида (Баён № _____200 й) куриб чикилиб фойдаланишга тавсия этилган.

Ушбу маърузалар матнлари Давлат таълим стандартлари асосида тайёрланган булиб, унда В 340100 «Иктисодиёт» ва В 340200 «Менежмент» таълим йуналиши намунавий дастурида курсатилган асосий маърузаларнинг кискача мазмуни ёритилган.

Аннотация

Мазкур маъруза матнлари «Бухгалтерия хисоби, иктисодий таҳлил ва аудит» фанининг асосий мазмунини, тушунчалар, Бухгалтерия хисоби ва унинг асослари, унинг предмети, усуллари, бухгалтерия хисобининг тамойиллари, бухгалтерия хисоби счётлари, бухгалтерия хисобида хисобот ва унинг шакллари, аудит ва уни ташкилий -назарий асослари, иктисодий таҳлил ва уни ташкил этиш масаларини қуриб чиқишга қаратилган.

Айниқса, Бухгалтерия хисоби, иктисодий таҳливи аудит бўйича қийин тушуниладиган терминлар изоҳи, талабаларни тулик узлаштириш бўйича уз – узини текшириш саволлари бозор иктисодиёти талабларига мос ҳолда ҳар томонлама баён этилган.

Ушбу маъруза матни В 340100 «Иктисодиёт» ва В 340200 «Менежмент» таълим йуналиши йуналишида таълим олаётган талабалар учун мулжалланган.

Аннотация

Данный текст лекции по предмету «Бухгалтерия учет экономический анализ и аудит» вбирает в себя основные темы, значение и методы бухгалтерского учета экономического анализа и аудита сборник

Кроме этого текста лекций раскрывает принципы бухгалтерского учета, его основные счета и отчетность а также методы и организацию экономического анализа и аудита

В тексте лекции внимание уделено основным терминам бухгалтерия учета экономического анализа и аудита

Этот текст лекций предназначен для студентов направления «Экономика» и «Менеджмент».

Anatation.

The following complex lecture text consist of the meaning of the subject « Accounting , economical analizing and audit» . There are accounting, means, predmets and methodics of accounting,

Especially, that are not understood easily the economical term about « accounting , economical analizing and audit»/

The text lecture is intended for students directions of the «Economic» and «Management»

Бухгалтерия хисоби, иктисодий тахлил ва аудит фанидан мавзуларнинг тақсиманиши.

№	Мавзулар	Маъруза	Амалий Машгу
1.	Бозор иктисодиёти шароитида хужалик хисоби ҳақида тушунча.	2	1
2.	Бухгалтерия хисобининг предмети ва услуби, шакллари ва регистрлари.	6	3
3.	Хужалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хисобини ташкил қилиш.	2	2
4.	Пул маблағлари ва ҳисоблашиш муомалаларини ҳисобга олиш.	6	2
5.	Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш.	, 6	3
6.	Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш.	6	2
7.	Меҳнат ва унга ҳақ тулашни ҳисобга олиш.	6	2
8.	Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш.	2	2
9.	Ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг таннархини калькуляция қилиш.	2	2
10.	Фондлар ва молиявий натижаларни ҳисобга	4	2
11.	Молиявий ҳисобот	4	2
12.	Корхоналар хужалик фаолияти таҳлилининг мазмуни ва вазифалари.	1	1
13.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (реализация) режасининг бажарилиши таҳлили	3	2
14.	Корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таҳлили.	2	1

15.	Фонда ва рентабеллик тахлили	2	1
16.	Корхона молиявий ҳолати тахлили.	4	1
17.	Аудит асослари	2	1
18.	Пул маблаглари, ҳисоб-китоб муомалалари аудити.	4	2
19.	Асосий воситалар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг аудити.	4	2
20.	Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, тайёр маҳсулот ва унинг сотилиши аудити.	2	1
21.	Молиявий ҳисоботни текшириш.	2	1
ЖАМИ		72	36
ХАММАСИ 108соат			

Кириш.

«Бухгалтерия хисоби, иктисодий тахлил ва аудит» фанини уқитиш

маркетинг, иктисодиёт ва статистика соҳасидаги бакалавр - иктисодчиларни тайёрлаш бўйича қўйилган талаблардан келиб чиқади. Фанни ўқитишдан асосий мақсад эса келажакда шу соҳадаги мутахассисларга бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш. ишбилармонлик фаолияти бўйича мустақкам назарий билим бериш, тажрибаларни ўргатиш, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, молиявий сиёсат, иктисодиётни бошқаришда асосланадиган ва тегишли қарорлар қабул қилинадиган ахборотларни йиғиш ва уларга илмий асосда ишлов бериш усуллари ўргатишдир.

Маркетинг, иктисодиёт ва статистика мутахассисликларини **тайёрлаш** тизимида «Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий тахлил ва аудит» фани ҳисобланиб етакчи ўринни эгаллайди.

Шу мақсадда Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий тахлил ва аудит» ўрганиши учун «Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий тахлил ва аудит» фани киритилган. Ушбу фан бевосита иктисодиёт назарияси, статистика, макро ва микро иктисодиёт, Бухгалтерия ҳисоби каби бир қатор фанлар билан боғлиқ. Бу фанни ўрганиш талабаларга ўқаш фанларни чуқур ўрганиш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Чунки улар ўқиш жараёнида мутахассислигини чуқурлаштириш мақсадида «Бухгалтерия ҳисоботи», «Молиявий тахлил», «Бошқарув тахлили», «Аудит асослари», «Ўчки ва ташки аудит» каби фанларни мукамал билиши керак.

Ушбу маъруза матнлари талабаларга «Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий тахлил ва аудит» фанини ўзлаштиришда ёрдам беради деган умиддамиз.

1-Мавзу: Бозор иктисодиёти шароитида хужалик ҳисоби ҳақида тушунча

Режа

- 1.1. Ҳисоб ҳақида умумий тушунча.
- 1.2. Ҳисоб турлари.
- 1.3. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари ва субъектлари.
- 1.4. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва функциялари.
- 1.5. Бозор иктисодиётига утишда бухгалтерия ҳисобини ислох қилиш босқичлари.

Адабиётлар: 1,3,4,18, 20, 23.

Таянч суз ва иборалар:

Хужалик маблағлари, хужалик маблағларининг манбалари. Ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби, оператив ҳисоб, статистик ҳисоб, улчов бирликлари, хужалик жараёнлари.

1.1. Ҳисоб ҳақида умумий тушунча

Иктисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида ҳисоб корхона маблағларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида моддий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш ва раҳбарлик қилиш учун жуда муҳим ҳисобланади. Корхона фаолиятининг барча жараёнларини узлуксиз кузатиб бориш зарур. Корхона хужалик фаолиятида юз берадиган айрим ҳодисаларни кузатиш, улчаш ва рўйхат қилиш унинг фаолиятини микдорларда ақс эттиришдан иборатдир. Бу ҳисобнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ҳисоб ишлари жуда қадим-қадимларда вужудга келган. У турли ижтимоий-иқтисодий босқичларда мавжуд бўлган. Турли ижтимоий-иқтисодий босқичларда ҳисобнинг мазмуни, аҳамияти, вазифаси, техникаси ва шакллари узига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар бевосита шу ижтимоий-иқтисодий босқичларнинг ишлаб чиқариш усули

билан белгиланган. Хисоб моддий ишлаб чиқариш тараккиётининг ҳамма боскичларида фойдаланилган ва у тобора такомиллашиб борган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ҳисобнинг бажарадиган вазифаларини белгиладшмиз мумкин. Қуйидагилар ҳисобнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади:

- корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳужалик фаолиятида содир бўладиган жараёнларни кузатиб бориш; кузатиш натижасида олинган маълумотларни микдор курсаткичларда ифодалаш; корхона, ташкилот ва муассасалар ҳужалик фаолиятида содир бўладиган жараёнларни ҳужжатларда акс эттириш; махсус ҳужжатларда қайд қилинган ҳужалик муомалаларини умумлаштириш ва гуруҳлаш; корхона, ташкилот ва муассасалар ҳужалик фаолияти устидан узлуксиз назорат олиб бориш ва унга таъсир этиш.

Мамлакатимиз мустакилликка эришганидан кейин эркин бозор муносабатларига асосланган жамиятни барпо этишдек улкан масъулиятли вазифани уз олдига мақсад қилиб қуйди. Факатгина бозор иктисодиёти орқалигина биз туқин-сочин жамиятни ҳамда эркин, фаровон ҳаётни бунед этиш мумкин.

Бозор муносабатларига утишда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини узгартириш, бошқаришнинг маъмурий буйрукбозлик усулидан демократик бошқарувга асосланган жамиятга утиш, иш юритишда ишбилармонлик ва уддабуронлик имкониятларини куллаб-қувватлашга кенг эътибор берилмокда. Шу билан бирга мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келмокда. Бу узгаришларнинг ҳаммаси ҳисоб ишларини такомиллаштириш ва уни сифат жихатдан янги боскичга кутаришни такозо этади.

Ҳисобнинг олдига қуйиладиган талаблар

Мана шу жараёнда ҳисобни тугри ташкил қишш ва корхонани самарали бошқариш учун маълум талабларга риоя қилиш керак. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

1. *Ҳисоб ва режа курсаткичларининг бирлиги.* Бу талаб корхонада режа курсаткичларини ҳисоб курсаткичлари билан таккослаш ва режа курсаткичларининг бажарилиши устидан узлуксиз назорат олиб боришни таъминлайди. Режа ва ҳисоб курсаткичларини таккослашнинг зарурлиги шундаки, корхонанинг истикболдаги ишлар режасини тузиш учун ҳисоб курсаткичлари ёрдамида утган даврда қандай натижаларга эришилганлиги тугрисида маълумотлар олади.

2. *Ҳисобнинг аниқлиги ва тугрилиги.* Барча ҳисоб маълумотлари аниқ ва тугри бўлиши ҳамда улар айна вақтда объектив бўлиши лозим. Ҳисоб маълумотлари фақат ютукдарни эмас, балки камчиликларни ҳам ошқора акс эттириши лозим.

3. *Ҳисобнинг оддийлиги ва тушунарли бўлиши.* Бу талабга кура, ҳисоб курсаткичлари оддий ва барча фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши

керак, бу эса хужаликни бошқаришда қар бир ходимга ҳисоб маълумотларидан фойдалана олиш имкониятини беради.

4.*Ҳисобнинг тежамкорлиги.* Ушбу талабга қура, ҳисоб ишларини узлуксиз такомиллаштириш ва соддалаштириш, ҳисоб олиб боришнинг замонавий ва арзон усулларини жорий қилишга ҳисоб ходимлари сонини камайтириш йули билан эришиш мумкин.

5.*Ҳисобнинг тулиқлиги ва уз вақтида бажарилиши.* Ҳисоб хужалик жараёнининг ҳамма томонини эгаллаши ва у тугрида тулиқ маълумот бериши лозим. Содир бўлаётган хужалик муомалалари тугри сидаги маълумотлар уз вақтида берилиши лозим. Уз вақтида ва тулиқ олиб борилган ҳисоб ёрдамидагина корхонанинг хужалик фаолиятига тугри раҳбарлик қилиш, хужалик жараёнини мукамал урганиш, содир бўлган камчиликларни уз вақтида аниқдаб, уларни бартараф этиш имкониятларига эга бўлиши мумкин.

Ҳисобда қулланиладиган улчов бирликлари. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳамма иш-ларини ҳисобга олиш микдорий ифодалаш ва сифат жиҳатдан туъри тавсифнома бериш учун зарурдир. Шу боисдан ҳам ҳисоб ёрдамида қузатиладиган объектлар сон курсаткичлари билан ифода этилади. Ҳисобда шу мақсад учун натура, меҳнат ва пул улчовларидан фойдаланилади.

Натура улчови хужалик маблағлари ва уларнинг иш жараёнидаги ҳаракатларини натура ҳолда ифодалаш учун хизмат қилади. Натура улчовларини қуллаш ҳисобга олинаётган объектнинг хусусиятларидан, яъни унинг физик ва истеъмол хоссасидан фарқ қилади. Масалан, ҳисоб объектлари: оғирлик бирлигида (грамм, килограмм, тонна); узунлик бирлигида (сантиметр, метр) ва бошқаларда улчанади.

Меҳнат улчови маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш еки бирон-бир ишни бажариш учун сарфланган иш вақтини аниқлаш учун хизмат қилади. Бу улчовга мисол қилиб *киши/кунни, киши/соатни* келтириш мумкин.

Пул улчови корхонанинг хужалик маблағларини ва уларнинг манбаларини, шунингдек, хужалик жараён-ларини ҳисобга олиш ва улар устидан назорат урнатиш мақсадида умумлашган маълумот олиш учун фойдаланилади. Пул улчови ёрдамида ҳисобнинг муҳим асосий — хужалик фаолияти устидан пул билан назорат урнатилади. Бундан ташқари, пул улчови сифат курсаткичи — маҳсулот бирлигининг таннарахини аниқлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида пул улчовининг бирлиги сифатида сум ва тийин бирликлари қулланилади.

1.2. Ҳисоб турлари

Иқтисодий ҳаётда қуй бераётган узғаришларни уз вақтида ва тугри ҳисобга олиб бориш мураккаб жараён ҳисобланади. Иқтисодиётдаги мана шу узғаришларни акс эттиришни соддалаштириш борасида ҳисобни туркумларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бугунг кунда ҳисобнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- оператив хисоб;
- статистик хисоб;
- бухгалтерия хисоби.

Оператив хисоб ишлаб чиқаришнинг айрим бўлинмаларида содир бўлаётган хужалик жараёнлари ва хужалик муомалалари ҳақида зарур маълумотларни тезкор ҳолатда етказиб беришга қаратилган жорий кузатиш ва назорат қилиш усулидир. Хужалик муомалаларини амалга оширишда бу хисоб ёрдамида режалаштирилган курсаткичлар ҳақиқатда эришилган курсаткичлар билан ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан солиштирилади, олинган маълумотлардан корхона ёки унинг бўлинмалари фаолиятини бошқаришда фойдаланилади.

Оператив хисобнинг узига хос хусусияти шундаки, бунда хужалик жараёни тугрисидаги маълумотлар тезлик билан қайд қилинади ва тегишли жойга зудлик билан етказилади. Бундай маълумотлардан эса муайян корхонада хужалик жараёни, шунингдек, бутун халқ хужалигига оператив раҳбарлик қилиш учун фойдаланилади. Оператив хисобда барча улчовлар — натура, меҳнат ва пул улчовларидан кенг фойдаланилади.

Статистик хисоб муайян шароитда халқ хужалиги-нинг бутун миқросида ҳамда айрим соҳаларида ижтимоий ривожланиш қонуниятларини миқдорий ифодада урганади. Демак, статистик хисоб оммавий-ижтимоий ҳодисаларни урганиш ва назорат қилиш тизимидан иборатдир.

Бухгалтерия хисоби — бу қундалик ва умумий маълумотлар олиш мақсадида корхоналар хужалик фаолиятини узлуксиз равишда кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборатдир.

Бухгалтерия хисоби ягона халқ хужалиги хисоби тизимининг бир тури бўлганлиги сабабли хисобга хос бўлган ҳамма умумий вазифалар унга тегишлидир.

1.3. Бухгалтерия хисобининг объектлари ва субъектлари

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, уз сармояси, резервлар, даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хужалик операциялари *бухгалтерия хисобининг объектлари* ҳисобланади. Бухгалтерия хисобининг объектини умумлаштирилган ҳолда қуйидагилар ташкил этади: хужалик маблағлари, хужалик маблағларининг ташкил топиш манбалари, хужалик жараёнлари ва молиявий натижалар.

Қуйидаги чизмада бухгалтерия хисобининг объектлари курсатиб утилган:

Бухгалтерия хисобининг объектлари

Хужалик мблағла ри	Хужалик мблағларининг ташкил топиш манбалари	Хужалик жараёнлари	Молиявий натижалар
--------------------------	---	-----------------------	-----------------------

--	--	--	--

Корхоналар молия-хужалик фаолиятини амалга ошириши учун маълум турдаги маблағларга эга булиши керак. Улар хужалик жараёнида турли функциядарни бажаради ва шунинг учун улар бухгалтерия ҳисобида хужалик маблағлари деб юритилади. Бухгалтерия балан-сида хужалик маблағлари активлар сифатида эътироф этилади.

Активлар — субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият на-тижасида олинган иқтисодий ресурслардир. Корхона, ташкилот ва муассасаларда активлар асосан қуйидаги турларга бўлинади:

- узок муддатли активлар;
- айланма (жорий) активлар.

Узок муддатли активлар деб, узок муомала муддатига эга бўлган (12 ойдан ортиқ) ва инвестициялаш мақсадида сақлаб турилган ҳамда ҳисобот қунидан бош-лаб 12 ой давомида сотилиши мумкин бўлмаган активлардир. Уларнинг таркибига асосий воситалар, но-моддий активлар, узок муддатли молиявий инвестициялар, капитал қуйилмалар ва бошқа узок муддатли активлар қиради.

Айланма (жорий) активлар деб, асосан қайта, такрорий сотиш мақсадида ёки қисқа муддатда ушлаб турилган ва ундан ҳисобот қунидан кейинги 12 ой мобайнида фойдаланиш қўйилаётган активларга айти-лади. Айланма активлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот ва товарлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қуйилмалар ҳамда жорий дебиторлик қарзлари қиритилади.

Корхона маблағлари ҳар хил манбалар ҳисобига шаклланади. Бухгалтерия балансида биноан хужалик маблағларининг ташкил топиш манбалари 2 турга бўлинади:

- узлик маблағларининг манбалари;
- мажбуриятлар.

Уз маблағлари манбалари таркибига корхона ташкил этиш пайтида ҳосил қилинган устав капитали, шу-нингдек, қўшилган капитал, резерв капитали, мақсадли тушумлар, корхонанинг ишлаб топилган соф фойдасидан шакллантирилган бошқа воситалар қиради.

Мажбуриятлар шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топширишни бажариш, пул тулаш ва бошқа мажбуриятларидир ёки муайян хатти-ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир.

Ҳар бир корхона муайян турдаги фаолиятни амалга оширишга ихтисослашган. Бирор-бир турдаги фаолиятни амалга ошириш, хусусан,

махсулот ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз давом этиб туриши учун аввал таъминот, кейин эса сотиш жараёнини амалга ошириш лозим.

Таъминот жараёни корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг нормал бориши учун мунтазам равишда хом-ашё, материал, ёкилги, шунингдек, турли хилдаги асосий воситаларнинг харид қилиб турилиши зарурлиги билан изоҳланади. Бу жараён ишлаб чиқариш жараёни учун зарур воситаларни мол етказиб берувчилардан пулга сотиб олиб, корхонага келтириш билан чегараланади.

Ишлаб чиқариш жараёни моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ бўлган энг мураккаб ҳужалик муомалаларини уз ичига олади. Бу жараёнда меҳнат буюмлари, меҳнат воситалари ҳамда ишчи кучи ёрдамида истеъмол қийматига эга бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқарилади.

Сотиш жараёни ҳужалик маблағлари айланишининг сунгги босқичи бўлиб, бу босқичда корхона томони-дан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидор ва истеъмолчиларга шартномалар асосида етказилади. Сотиш жараёни ҳужалик жараёнини тугаллайди ва яна янгидан таъминот жараёни бошланади ҳамда бу жараён олдингига қараганда кенгрок тус олади.

Хисобот давридаги корхона фаолиятининг якуний курсаткичи бўлиб молиявий натижа ҳисобланади. Молиявий натижа — ҳужалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир.

Молиявий натижа, яъни фойда ёки зарарни улчашда даромадлар ва харажатлар бевосита дахлдор элементлар ҳисобланади.

«Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Конуннинг 3-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ҳоҳ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ҳоҳ унинг ташқарисида жойлашган барча ҳужалик субъектлари юридик шахслар, уларнинг шўба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланадилар.

Юридик шахс ҳисобланмайдиган, аммо банкда сўётга ва тугалланмаган балансга эга бўлган ҳужалик субъектлари ҳам бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланадилар ва ҳисобни "Бухгалтерия ҳисоби тугрисида"ги Конунга мувофиқ юритадилар.

1.4. Бухгалтерия ҳисобининг максади ва функциялари

Бухгалтерия ҳисобининг максади фойдаланувчиларни тулик ва ишончли молиявий ҳамда бухгалтерия ахбороти билан уз вақтида таъминлашдан иборат. Хар қандай бошқарув тизими ахборот билан таъминлашнинг тегишли тизимига эҳтигж сезади. Ахборот туплаш, умумлаштириш ва қайта ишлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бухгалтерия ҳисобидир.

Бундан ташқари, корхона янги фактлар ва ҳодисаларни уз вақтида ҳамда тугри ҳисобга олиши, талкин этиши ва ана шу асосда барқарор ривожлана

олиши учун у маълумотлар йиғиш ва қайта ишлашнинг самарали тизимига эга бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхонада содир бўлаётган ҳужалик муомалаларини ҳужжатларда уз вақтида расмийлаштириш;
- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тугрисида тулик ва ишончли маълумотларни шакллантириш;
- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- молиявий ҳисоботни уз вақтида тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш.

Бухгалтерия ҳисобининг функциялари қуйидагилардир:

- режали;
- назорат;
- ахборот;
- таҳлилий функция (баҳолаш);
- ҳисоб.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисобини икки ёклама усулида юритиш;
- узлуксизлик;
- ҳужалик операциялари, активлар ва пассивлврнинг пулда баҳоланиши;
- аниқлик;
- ҳисоблаш;
- олдиндан кура билиш(эҳтиёткорлик);
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- курсаткичларнинг кигсланувчанлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- ҳисобот даври даромадлари ваҳаражатларининг мувофиқлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

1.5.Бозор иқтисодиётига утишда бухгалтерия ҳисобини ислох қилиш босқичлари.

Республикамиз мустақилликка эришган вақтдан бошлаб бозор иқтисодиёти талаблари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларига мувофиқлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби доими босқичма-босқич ислох қилиб келинмоқда, ушбу ислохотни иқтисодий, фуқаролик-ҳуқуқий соҳада юз бераётган жараёнлар ва бухгалтерия ҳисоби бобида халқаро миксда уйғунлаштириш зарурияти тақозо этди.

Бозор иқтисодиёти бухгалтерия ҳисоби фақат ҳисоб юритиш сифати ва статистика вазифасини бажариб қолмасдан, балки манфаатдор томонларга тасарруфида мавжуд бўлган молиявий ресурслардан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш тугрисида ҳолис ва асосланган қарор қабул қилиши учун

хужалик юритувчи субъектнинг фаолияти тугрисида ахборот туплаш, уни кайта ишлаш ва узатиш воситасига айланди.

Хозирги пайтда бухгалтерлар ишига куйиладиган талаблар тубдан узгармокда. Бухгалтер корхона рахба-рига молиявий ахволнинг баркарорлигини оширишга имкон берадиган йулларни курсатиб бериши, иктисодий тахлил, умуман корхонанинг пул окимлари ва молиясини бошкариш билан, яъни молиявий менежмент билан шугулланиши керак.

Бунинг учун, энг аввало, бухгалтерлар БХМАларини ва хисоб ишларига оид меъёрий-хукукий хужжатларни билишлари лозим. Ана шундагина бухгалтерия хисо-бини самарали ташкил килишга эришиш мумкин.

Мавжуд халкаро амалиёт бухгалтерия хисобини меъёрлар ёрдамида бошкаришнинг 4 даражали тизимини кузда тутди.

Биринчи даража — конун хужжатлари, масалан, "Бухгалтерия хисоби тугрисида"ги Конун.

Иккинчи даража — асосий коидалар мажмуи, яъни бухгалтерия андозалари. Мазкур даражада бухгалтерия тушунчалари ва коидалари шундай белгиланадики, токи улар бухгалтерия хисоби билан боглик шахслар томонидан бир хилда талкин этилсин.

Учинчи даража — турли идоралар томонидан турли тармокдар ва умуман мамлакат буйича ишлаб чикила-диган, бухгалтерия хисобини юритиш буйича хилма-хил услубий курсатмалар, тавсиялар.

Туртинчи даража — хисоб сигсатини белгилаш ва хужжатлар айланишини юритиш учун корхонада чиқарилган ички иш хужжатлари.

Хозирги кунда мамлакатимизда бухгалтерия хисобини меъёрий бошкарувининг ана шу турт даражали тизимини жахон андозалари талаблари даражасида ташкил килишга ҳаракат килинмокца. Маълумки, жахон амалиётига мос келадиган "Бухгалтерия хисоби тугрисида"ги Конунсиз миллий хисоб тизимини етарли даражада кайта куриш

мумкин эмас. 1996 йил 30 августида қабул килинган ушбу Конун, энг аввало, бухгалтерия хисобини ташкил этиш, бух-галтерия хужжатлари ва регистрлари, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация килиш ва баҳолаш-нинг асосий тамойиллари ва коидалари, уз ва карзга олинган капитал хисоби, молиявий хисоботлар олдига куйилган асосий вазифалар, мақсад ва талабларни белгилаб беради. Бундан ташқари, мазкур Конун бухгалтерия хисобини юритишда хужалик юритувчи субъектларнинг ҳукуки, бурчи ва маъсулиятларини, шунингдек, молиявий хисоботларни топишириш ва чоп этиш буйича куйиладиган талабларни белгилаб беради.

"Бухгалтерия хисоби тугрисида"ги Конундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби қамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисидаги Низом» ҳамда бухгалтерия хисобининг миллий андозаларининг амалиётга татбиқ этилиши бухгалтерия хисобининг ислох килиш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмокда.

Бухгалтерия хисобининг миллий андозаларини амалга киритиш зарурати асосан бухгалтерия хисобининг базавий коидалари ва тамойилларини тушунтириш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, у ёки бу бухгалтерия усулларини хисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида хисобнинг узига хос хусусиятларини кулладан иборатдир.

«Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг курсатмалари ва моддалари бухгалтерия хисобининг миллий андозаларида (БХМА) ўз ривожини топди. Ҳозирга қўлга келган қўйидаги БХМАлар тасдиқланди:

- 1— Ҳисоб сифати ва молиявий ҳисобот;
- 2— Асосий ҳужалик фаолиятидан олинган даромадлар;
- 3— Молиявий натижалар тугрисида ҳисобот;
- 4— Товар-моддий захиралар;
- 5— Асосий воситалар;
- 6— Лизинг ҳисоби;
- 7— Номоддий активлар;
- 8— Консолидалашган молиявий ҳисоботлар ва шўба ҳужалик жамиятларига қўйилган инвестициялар ҳисоби;
- 9— Пул оқими тугрисида ҳисобот;
- 10— Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдами изохлаш;
- 11— Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатлар;
- 12— Молиявий инвестициялар ҳисоби;
- 15— Бухгалтерия баланси;
- 16— Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги қўйилмаган ҳодиса ва ҳужалик фаолиятида содир бўладиган воқеалар;
- 17— Капитал қўрилиш бўйича қўйилган шартномалари;
- 19— Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш;
- 20— Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тугрисида;
- 21— Ҳужалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳужалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йуриқнома.

Бухгалтерия хисобининг турлари. Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда, энг аввало, ривожланган мамлакатлардаги бухгалтерия ҳисоб-би тизимидан кенг фойдаланиш лозим. Мамлакатимизда амал қилиб келатган бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро андозалар ва меъёрлар талаблари даражасида ташкил этиш давр талаби ҳисобланади. Хорижий давлатлар амалиётидан маълумки, ушбу давлатларда бухгалтерия хисобининг 3 тури амал қилади:

- бошқарув ҳисоби;
- молиявий ҳисоб;
- солиқ ҳисоби.

Назорат саволлари

1. Ҳисоб ҳақида тушунча.

- 2.Хисобни тугри ташкил килишга куйиладиган талаблар.
- 3.Хисобда кулланиладиган улчов бирликлари.
- 4.Хисобнинг кандай турлари мавжуд?
- 5.Оператив, статистик ва бухгалтерия хисобининг ухшаш ҳамда фаркли томонлари нималардан иборат?
- 6.Бухгалтерия хисоби кайси даврда вужудга келган?
7. Бухгалтерия хисобининг кандай маутаб ва йуналишлари мавжуд?
8. Бухгалтерия хисобининг максоди нимадан иборат?
- 9.Бухгалтерия хисоби кандай вазифа ва функцияларни бажаради?

2-Мавзу:Бухгалтерия хисобининг предмети, усули, шакллари ва регистрлари.

Режа:

- 2.1. Бухгалтерия хисобининг предмети
- 2.2. Бухгалтерия хисобининг усуллари хакида тушунча.
- 2.3.Бухгалтерия хисоби хисобварақлар режаси ва унинг иктисодий мазмуни.
- 2.4.Бухгалтерия хисоби шакллари, уларнинг мохияти ва тарихий ривожланиши.
- 2.5.Бухгалтерия хисоби регистрлари, шакллари ва уларнинг мохияти.

Адабиётлар: 1,3,9,14,15,16,17,22.

Таянч суз ва иборалар:

Инвентаризация, хужжатлаштириш, баҳолаш, калькуляция, хисобварақлар тизими, икки ёклама ёзув, бухгалтерия баланси, хисобот, маблаглар қирими ва чикими, маблаглар манбаси, бухгалтерия хисоби регистрлари, шакллари, хронологик, систематик, комбинациялашган регистрлар, айланма кайднома, бухгалтерия хисобининг журнал-ордер шакли, бухгалтерия хисобининг бош журнал шакли, бухгалтерия хисобининг мемориал-ордер шакли, информатсион технологияларга асосланган бухгалтерия хисоби шакли

2.1. Бухгалтерия хисобининг предмети

Мулкчилик ва тармок шаклидан катъий назар, барча корхоналарда бухгалтерия хисоби юритилади. У корхонадаги хужалик маблагларининг тузилиши, жойланиши, кайси манбалардан ташкил топганлиги ҳамда хужалик жараёни ва муомалалари таъсири остида булаётган узгаришларнинг бориши устидан узлуксиз назорат олиб боради.

Бухгалтерия хисобида корхона ихтигридаги маблаглар, хужалик жараёни ва унинг таъсири остидаги хужалик маблагларининг хажми, тузилиши, жойланиш ва тайинланишидаги содир буладиган узгаришлар акс эттирилади ҳамда корхоналар хужалик фаолиятининг молиявий натижалари аниқланади.

Бухгалтерия хисоби воситасида корхоналар хужалик фаолияти жараёни, маблаглари акс эттирилади ҳамда уларнинг ташкил топиш манбалари нималардан иборат эканлиги тугрисидаги маълумотлар олинади. Шуниси ҳам борки, бухгалтерия хисобида факат пул улчовида фойдаланиш мумкин булган хужалик жараёни ва маблагларигина уз аксини топади. Пул ифодасига эга булмаган корхоналарнинг мулклари бухгалтерия хисобида уз аксини топмайди. Агар уларнинг киймати аниқпаниб, пулда ифодаланган булса, у холда булар ҳам бухгалтерия хисобида хисобга олинади.

Демак, бухгалтерия хисобининг предмети корхонанинг пул ифодасида акс эттириладиган хужалик маблаглари, шу маблаглар манбалари, уларнинг хужалик фаолияти ва молиявий натижаларидир.

Бухгалтерия хисоби предмети бундай таърифлаш билан барча корхоналар учун умумий булган халк хужалигининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини олиб бориш курсатилади. Бу бухгалтерия хисобининг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Мамлакатимизда бухгалтерия хисоби саноат, қишлоқ хужалиғи, қурилиш ва бошқа тармоқлари корхоналарида, тижорат банклари, сугурта компаниялари, ноишлаб чиқариш тармоғи корхоналари ва умуман олганда барча корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда юритилади. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва бутун иқтисодиёт бўйича бухгалтерия хисоботларини йиғиш ва бу маълумотларни керакли курсаткичларда гуруҳлаштириш натижасида ҳамма корхоналарнинг хужалик маблаглари, уларнинг тузилиши, жойланиши ва тайинланиши, хужалик фаолияти ҳақидаги бухгалтерия хисобининг маълумотларига эга буладилар.

Бухгалтерия хисобининг предмети ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун бухгалтерия хисобининг объектлари билан яқиндан танишмоғимиз лозим.

2.2. Бухгалтерия хисобининг усуллари ҳақида тушунча

Бухгалтерия хисоби узининг предмети хусусиятларига мос урганиш усулларидан фойдаланадики, булар маълум кузатиш натижаларини пул курсаткичида ифодалаш, қайд қилиш ҳамда уни зарур езувлар ёрдамида тартибга солиш, унинг натижаларини аниқлашдан иборатдир. Ҳар бир фанда бўлгани каби, бухгалтерия хисоби фанида ҳам унинг предмети урганиш усуллари мавжуд. Бу усулларга қуйидагилар қиради:

Хужжатлаштириш. Бу корхона хужалик фаолиятини кузатиб бориш, хисобга олинadиган хужалик операцияларини назорат қилиш ва акс эттиришнинг асосий усулидир. Хужжатлаштириш бухгалтерия хисобида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар қандай содир булган хужалик муомаласининг хужжатларда уз вақтида ҳамда тугри акс эттирилишини тақозо этади. Хужжатсиз бухгалтерия хисобида ёзувлар амалга оширилмайди. Хужжат юридик асосга эга бўлиб, улар корхона фаолияти-га баҳо беришда бухгалтерия хисоби маълумотлари-нинг ишончлилигини таъминлайди.

Инвентаризация. Бу бухгалтерия хисоби маълумотлари билан ҳақиқат уртасидаги тафовутни бартараф қилиш мақсадида корхона маблағлари натура ҳолатини, ушбу корхонанинг бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб ишларини текшириш усулидир. Инвентаризация ёрдамида ҳақиқатдаги мавжуд моддий қийматликлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, дебитор ва кредиторлар бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан таққосланади. Аниқланган тафовут, яъни маблағларнинг ортиқча ёки кам чиқиши тегишли далолатномаларда расмийлаштирилади ва ҳисобда акс эттирилади.

Баҳолаш. Баҳолаш ҳужалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва ҳужалик жараёнини пул улчовида ифодалаш усулида намоён бўлади. Бу усул бухгалтерия ҳисобида натура улчовидаги мулкларни қиймат улчовига келтириш ва бир хил улчовда акс эттириш ҳамда умумлаштириш учун фойдаланилади. Ушбу усул ёрдамида мулклар умумлаштирилиб, умумий баланс чиқариш имкони мавжуд бўлади.

Калькуляция. Бу корхона фаолиятини бошқариш жараёнида сарфланган харажатларни ва ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ёки хизмат бирлигининг таннархини аниқлаш усулидир.

Ҳисобварақлар тизими. Ҳисобварақлар тизими ҳисоб объектларини уларнинг иқтисодий белгиларига қараб гуруҳлаштиришга асосланган. Ҳисобот даври мобайни-да ҳужалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида турли-туман муомалалар содир бўлади. Улар ҳисобварақлар тизимидан фойдаланиб, ҳужалик муомалаларининг маълум иқтисодий мазмунига қараб умумлаштирилади.

Ҳисобварақлар тизими бухгалтерия ҳисобини икки томонли тизимда юритиладиган акциядорлик жамиятлари, корхоналар, хусусий фирмалар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган ягона ҳужжат ҳисобланади.

Икки ёклама ёзув. Бу корхонада содир бўлган ҳужалик муомаласини ҳисобварақлар тизимида акс эттириш усулидир. Бу усулнинг муҳим бир хусусияти шундан иборатки, ҳар қандай ҳужалик муомаласига тегишли бир сумма бухгалтерия ҳисобида шу вақтнинг узида қаида иккита ҳисобварақда акс эттирилади.

Бухгалтерия баланси. Ҳужалик маблағлари ва ман-баларини маълум бир санага бўлган ҳолатини акс эттириш усули ҳисобланади. Балансда корхона маблағлар-рининг жойланиши ва таркиби, маблағлар манбалари-нинг ташкил топиши ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Ҳисобот. Маълум даврга бўлган ҳужалик фаолиятини акс эгтирувчи умумлаштирилган ҳужалик жараёни ва муомалаларини уларнинг иқтисодий мазмунига қараб маълум тартибда гуруҳлаштирадиган ва узаро алоқадорлигини таъминлайдиган курсаткичларни акс эттирувчи шакллар йиғиндиси ҳисобот ҳисобланади. Ҳисобот корхонанинг маълум бир давр бўйича ҳужалик фаолиятининг якунини курсатади.

Бухгалтерия ҳисобварақлари ҳақида тушунча. Корхона баланси муайян вақт даври учун бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича утқазилган

хужалик муомалаларига доир йигма маълумотларнигина акс эттиради. Кундалик ва жорий фаолиятда балансда йиг-ма ракамлар олиш учун корхонада хужалик воситалари ҳолати ҳамда ҳаракати тугрисида бутун батафсил ахборот акс этадиган ва жамулжамликда бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклари тизимини ташкил этадиган ҳисоб-вараклар кулланилади.

Ҳисобвараклар — бухгалтерия ҳисобининг асосий элементларидан бири бўлиб, бухгалтерия ҳисоби объектларини иқтисодий гуруҳлаш усули, хужалик муомаласини бажариш давомида моддий воситалар ва пул маблағлари ҳаракатини, уларнинг ҳолати ва ҳосил бўлиш манбаларини акс эттиришдир. Бухгалтерия ҳисоби объектининг ҳар бир тури учун алоҳида ҳисобварак очилади, унда маблағлар кирими — дебети ва чиқими — кредити акс этирилади. Ҳисобваракпар бўйича ёзувлар якунлари оборотлар, дебет ва кредит оборотлари уртасидаги тафовут эса сальдо (қолдик) деб аталади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳар бир ҳисобварак корхона бухгалтерия бўлимига келиб тушаётган бирламчи ҳужжатлар асосида хужалик муомалалари бўйича ҳаракатларни назорат қилиш ва унда акс эттириш учун мулжалланган.

Бухгалтерия балансига мувофиқ, ҳисобвараклар 2 га бўлинади: актив ва пасив ҳисобвараклар. Актив ҳисобвараклар деб, хужалик маблағларининг ҳолати ва узгаришини ҳисобга оладиган ҳисобваракларга, пасив ҳисобвараклар деб, маблағларнинг келиб чиқиш ман-баларининг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга оладиган ҳисобваракларга айтилади.

Актив ҳисобварак куйидагича ифодаланади:

Дебет	ҳисобваракнинг номи	Кредит
Ой бошидаги сальдо		
Маблағлар купайиши		Маблағлар камайиши
Ой охиридаги сальдо		

Актив ҳисобваракнинг ой охиридаги сальдоси (СКА) куйидаги формула ёрдамида топилади:

СКА к Снд Одт — Окт,
бу ерда — Снд — ҳисобварак дебети бўйича бошланғич сальдо; Одт — дебет бўйича оборот;
Окт — кредит бўйича оборот.

Пассив ҳисобварак куйидагича ифодаланади:

Дебет	ҳисобваракнинг номи	Кредит
	Ой бошидаги сальдо	

Маблаглар	Маблаглар манбаининг
камайиши	купайиши
	Ой охиридаги сальдо

Пассив хисобваракнинг ой охиридаги сальдоси (Скп) куйидаги формула ёрдамида топилади:

Снк

Окт —Одт,

бу ерда: Снд — хисобварак кредити буйича бошлангич саль-до; Окт — кредит буйича оборот; Одт — дебет буйича оборот.

Бухгалтерия баланси. Бухгалтерия баланси молиявий хисоботнинг асосий шаклларида бири хисобланади. У корхона маблағларини гуруҳлаш ва таркибини пул баҳосида акс этгириш ҳамда пул маблағларини, уларни ҳосил этиш манбаларини муайян санага жойлаштириш усулидан иборат.

"Баланс" атамаси латинча *bis*— «икки марта», *banx* — «тарози палласи» сузларидан таркиб топган булиб, том маънода "икки палла" деган маънони анг-латади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

2.4.Бухгалтерия хисоби шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши.

Бозор иктисодиётига утиш бухгалтерия касбининг гоятда масъулиятли ва машаққатли эканлигини яна бир бор курсатмоқда. Бухгалтер касбининг шарафли ва машаққатли касб эканлигини тарихга бир назар ташлаш орқали ҳам сезиш мумкин.

Хужалик хисоби тахминан эрамиздан 4 минг йил илгари хужалик фаолиятининг талаблари асосида юзага келган. Ижтимоий босқичларнинг узгариб бориши натижасида хисоб объектлари ҳам алмашиб турган ва биринчи хисоб услуги — *инвентаризация*, иккинчиси *контокоррент* билан, яъни хужалик жараёнида шахс-лар орасидаги хисоб-китобларни олиб бориш билан тулдирилган.

Молиявий муаммоларни акс эттирувчи ёзувлар илк бор бундан 4000 йил мукаддам килинганлиги аниқланган. Хусусан, мисрлик ер эгалари далаларни сугоришда Нил дарёси сувидан фойдаланганликлари учун дон ва олган ҳосилларидан солиқдарни тулаш буйича хисоб юритишган. Солиқчилар ер эгаларининг уй деворларида туланган солиқ ҳамда тилхатни бил-дирувчи белгилар ёрдамида ёзувлар қолдиришган. Археологларнинг фикрича, Месопотамиядан топишган лойдан ясалган ёзувли жадваллар ҳам илк хисоб тамойиллари пайдо бўлганлигидан далолат беради. Хисоб тизимлари эрамиздан аввалш 2000 йилда ри-вожланган, икки екдама бухгалтериянинг элемент-лари эса илк христианлик давридаги Римда пайдо бўлган. Уша даврда римликларга «амортизация» тушунчаси ҳам таниш эди.

Икки екдама ёзув тизими 13—14 асрларда Шимолий Италиянинг айрим савдо марказларида қулланила бошлаган. Икки ёклама бухгалтерия тула

тизимининг илк хужжатида 1340 йил санаси акс эттирилган ва бу Генуя муниципал ёзувларида булганлиги аниқданган. Биринчи бухгалтерия хисоби тизими Лука Пачоли исмли роҳиб томонидан юритилган. У ёзган китобнинг номи «Арифметика ва геометрия суммаси, пропорция ва нисбатлар ҳақидаги билимлар» эди. Асосан математикага бағишланган бу китоб 1494 йилда ёзилган. Баъзи олимларнинг таъкидлашича, ушбу меҳнатнинг бир қисми булмиш «Счёты и меры» айнан бухгалтерия хисобининг пайдо бўлишини билдиради. Унда биринчи бўлиб счётыни юритиш, бухгалтер ва харидорларга қўйиладиган талаблар, икки ёклама бухгалтериянинг асосий ҳолатлари таърифи, инвентарларнинг узгартирилиши каби тушунчалар, бухгалтерия баланси тушунчаси ва бухгалтерия хисобининг асосий ҳолатлари (процедураси) баён қилинган. Лука Пачоли асари илк маротаба бухгалтерия хисобига тизимий ёндоштишни акс эттирганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир.

«Бухгалтер» (немисча buch — китоб, halter — тутмоқ, сакламоқ) сузи эса илк маротаба Германияда 1498 йил 13 февралда, Лука Пачолининг асари нашр этилгандан 4 йил ўтгач пайдо бўлди. Император Максимилиан I нинг фармонида шу суз қўлланилган эди.

Россияда бухгалтерия хисоби 18-асрнинг бошларида, илк саноат корхоналарининг пайдо бўлиши билан вужудга келган. Бу давлатда бухгалтерия хисобининг ривожига Петр I узининг салмоқди ҳиссасини қўшган.

19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида Туркистонда ҳам бухгалтерия фани ривожлана бошлаган. Уни ривожлантиришда катта ҳисса қўшган, ҳатто ўзбек бухгалтерия хисоби асосчиси сифатида эътироф этиладиган шахс Мулла Зайниддиндир. У киши рус тилини мукамал билиб, Санкт-Петербургда бухгалтерия хисобини асосларини урганиб, Тошкентда биринчи бухгалтерия маутабини ташкил этган ва бухгалтерия фанини талабаларга ўргатган. Бухгалтерия хисобида назорат, шахмат мемориал-ордер шакллари ривожини унинг номи билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда республикада бозор иқтисодиёти талабларидан қилиб чиққан ҳолда бухгалтерия хисоби-га алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ўзбекистонда бухгалтерия хисобини қўшқарга олиб чиқиш учун ўзбек олимларидан С.Қодирхонов, А.Қотволдиев, Р.Қажабов, С.Қохидов, О.Қобожонов, М.Қулахужаева, Э.Қадоев, Т.Қураевлар ўз ҳиссаларини қўшган ва бу ишларни самарали давом эттирмоқда.

2.5.Бухгалтерия хисоби регистрлари, шакллари ва уларнинг моҳияти.

Қорхонада қодир бўладиган ишлаб қикариш, молия-хужалиқ фаолиятида қодир бўладиган ва амалга ошириладиган операциялар бухгалтерия хисобининг бошланғич хужжатларида акс эттирилади, улар кейинчалик йиғилади ва йиғма қайдномалар тузилади. Уларнинг маълумотлари тегишли регистрларга ёзиб қикилиш тартибига ва иқтисодий мазмунига мувофиқ гуруҳланиши қерак.

Бухгалтерия хисобининг регистрлари деб, бошлангач ва йигма хужжатларда акс эттирилган хужалик маблаглари, уларнинг ташкил топиш манбаларини иктисодий мазмунига кура гурухлаш ҳамда хужалик муомалаларининг таркиби ва харакатини хисобга олишда кулланила-диган махсус шаклдаги жадвалларга айтилади. Бу жадваллар бухгалтерия хисобида хисобварақдарнинг узаро алоқаси ва хисобварақдардаги ёзувларнинг иктисодий мазмунини хисобга олган ҳолда ишлаб чикилади.

Бухгалтерия хисоби регистрларига журналлар, кайдномалар, дафтарлар, карточкалар ҳамда тасдиқланган бланклар киради.

Ёзув турларига кура хисоб регистрларининг куйидаги турлари мавжуд:

- Хронологик;
- Систематик;
- Комбинациялашган.

Хронологик хисоб регистрларида корхонада амалга оширилган ёки содир булган хужалик операциялари ҳеч қандай тизимга солинмаган ҳолда факатгина хуж-жатларнинг бухгалтерияга келиб тушиш вақтига қараб руйхатга олинади. Хронологик хисоб регистри вазифа-сини бухгалтерия хисобининг мемориал-ордер шаклида кулланиладиган "Хужалик муомалаларини руйхатга олиш журнали" бажаради. Ушбу журналда хужалик опе-рациялар содир булиш вақтига қараб кетма-кет ёзиб борилади.

Систематик хисоб регистрлари корхонада содир буладиган хужалик муомалаларини маълум белгиларига қараб систематик равишда ёзиш учун мулжалланган. Систематик хисоб регистрларига "Бош дафтар", аналитик хисоб карточкалари мисол булади.

Комбинациялашган хисоб регистрлари корхонада амалга ошириладиган хужалик операцияларини ҳам систематик, ҳам хронологик тартибда гурухлаштиришни таъминловчи хисоб регистрларидир. Ушбу турдаги хисоб регистрлари бухгалтерия хисобининг такомиллашуви натижасида вужудга келган булиб, унда хужалик муомалалари бухгалтерия хисобининг хисобварақларида узларининг иктисодий мазмунига кура ажратилган ҳолда бир вақтда акс эттирилади.

Хисоб регистрлари улардаги маълумотнинг ҳажмига қараб икки турга булинади:

- Синтетик хисоб регистрлари;
- Аналитик хисоб регистрлари.

Синтетик хисоб регистрларида ёзувлар умумлашган ҳолда пул ифодасида ҳеч қандай тушунтиришсиз қайд этилади. Синтетик хисоб регистрларида ёзувлар олинган айрим хужжатларга мувофик олиб борилмайди, бунда олдиндан иктисодий мазмунга кура гурухланган бир хилдаги хужжатлар йигиндиси бўйича акс эттирилади. Ушбу турдаги хисоб регистрларига бош дафтар, хужалик муомалаларини руйхатга олиш журнали ва бошкалар киради.

Аналитик хисоб регистрлари хужалик маблаглари ва уларнинг ташкил топиш манбалари, хужалик жараёнлари тугрисида батафсил маълумотларни акс эттириб, аналитик гурухларга булиб руйхатга олиб бориш учун

мулжалланган. Аналитик ҳисоб регистрларида корхонада амалга ошириладиган хужалик муомалалари синтетик ҳисоб регистрларидагига нисбаган деталлаштирилган ҳолда акс эттирилади. Бундай турдаги ҳисоб регистрларига «Асосий воситалар», «Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» ва бошқа ҳисобварақлар бўйича юритиладиган карточкалар мисол бўлади.

Кайдномалар ҳисоб регистрларининг ажралмас бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Кайдномаларда корхонада содир бўлган бир хил маълумотларни англатувчи хужалик муомалалари тизимга солиниб, маълум бир даврга ҳисобварақлар бўйича йигма проводкалар берилади. Бухгалтерия ҳисобида қулланиладиган кайдномалар 2 турга бўлинади:

-Йигма кайдномалар;

-Гуруҳловчи кайдномалар. Йигма кайдномаларда маълум бир ҳисобот даври ичида айрим бухгалтерия ҳужжатларининг маълумот-лари бўйича бир хилдаги хужалик муомалалари жамла-ниб борилади. Бундай турдаги кайдномаларга махсулотларни жунатиш ва сотиш бўйича кайднома ҳамда бошқа кайдномалар мисол бўла олади.

Гуруҳловчи кайдномаларда бир хилдаги ижро ҳужжатларининг ойлик маълумотлари йигиб ёзилади. Бунга иш ҳақини тақсимлаш кайдномаси ва бошқа кайдномалар мисол бўла олади.

Айланма кайднома

Ҳисобварақ №	_____ га сальдо		Ой лавомидаги		_____ га сальдо	
	дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит
Жами						

Шахматли кайднома

г	0110-	1010-	2010-	2810-	5110-	-	Дебет
Кредитланув	0199-	1090-	"Асо-	"Тайёр	"Хи-с-		буйи-ча
-Н. чи	"Асо-	"Ишлаб	сий ишлаб	махсулот"	китоб		жами
ҳисобва-Н.	сий	чиқариш	чиқариш	счёти	счёти"		
рақлар	воси-	захира-	"				
Асосий							
восита-лар							
Материалла							
Тайёр							
Ҳисоб-							
китоб							

Валюта							
Бюджет билан							
-							
Кредит буйича							

Бухгалтерия хисоби регистрларининг энг куп кулланиладиган тури— карточкалардир. Карточкалар корхонада амалга ошириладиган хужалик муомалаларини руйхатга олиш учун мулжалланган бир хил шаклдаги коғоз ёки картондан тайёрланган бир неча устунли жадваллардир. Улар бир хил булганлиги учун махсус белгиланган яшикларда сакланади. Карточкалар мажмуасига *картотека* дейилади.

Бухгалтерия хисобининг шакли деб, бухгалтерия хисоби ёзувларини маълум техника воситасидан фойдаланиб ташкил қилишга айтилади. Бунда корхона хисоб ишларида содир булган ҳар бир хужалик муомаласининг уз вақтида, тугри ва изчиллик билан хисоб регистрларининг аниқ бир тизимида жамланиши таъминланади.

Ҳозирги вақтда амалиётда бухгалтерия хисобининг мемориал-ордер, журнал-ордер, бош журнал ҳамда ин-формацион технологияларга асосланган шакллари амал қилиб келмоқда.

. *Бухгалтерия хисобининг мемориал-ордер шакли.* Бухгалтерия хисобининг мемориал-ордер шакли давлат корхоналари ва кичик корхоналарда кенг қулланилади. Мемориал ордер шаклининг моҳияти шундан иборатки, хужалик муомалаларини қайд этиш учун синтетик ва аналитик хисобнинг махсус жамгарув оборот қайдномаларидан, яъни: асосий воситалар, хисобланган амортизация ажратмалари; ишлаб чиқариш харажатларини хисобга олиш қайдномаси; ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, шунингдек, улар буйича туланган ККСни хисобга олиш қайдномаси; пул маб-лағларини хисобга олиш қайдномаси; маҳсулот сотилишини хисобга олиш қайдномаси; мол етказиб берувчилар билан хисоб-китобларни хисобга олиш қайдномаси; меҳнатга ҳақ туланишини хисобга олиш қайдномаларидан фойдаланилади. Корхона бухгалтериясига қелиб тушган бирламчи ҳужжатлар уларни тулдириш учун асос бўлиб хисобланади.

Мемориал-ордерларнинг тузилишига мисол келтирамиз:

«Касса»

1-мемориал-ордери

2002 йил ойи учун

Муомала мазмуни	дебет	кредит	Сумма
Корхона кассасига пул олинди	5010	5110	
Маҳсулотни сотишдан	5010	4010	
Иш хақи берилди	6710	5010	
Хисоб-китоб счстига кассадан пул топширилди	5110	5010	

Кредит буйича жами			
--------------------	--	--	--

Бухгалтер

Ижрочи _

Мемориал-ордерларни руйхатга олиш журнали
Хисобварак

м/о	Сана	Муомала мазмуни	Сумма

Бухгалтерия хисобининг журнал-ордер шакли. Бухгалтерия хисобининг журнал ордер шакли 1960 йил 1 январидан жорий этилган. Бухгалтерия хисобининг ушбу шакли жорий этилгунига кадар мемориал-ордер шакли амал қилган эди.

Бухгалтерия хисобининг журнал-ордер шаклида ёзувлар йигма ва гуруҳловчи кайдномаларда (журнал ордерлар), шунингдек, ёрдамчи кайдномаларда гуруҳлаб борилади. Бухгалтерияга келтирилган бошлангич ҳужжатлар мемориал-ордерларда акс эттирилмасдан, бевосита шу журналларнинг узида акс эттирилади, чунки бухгалтерия хисобининг бу шаклида қулланиладиган журналлар бир вақтда ҳужалик муомалаларини бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирувчи ордерлар хисобланиб, мемориал ордерларни тузиш заруриятини йукотади. Бу ерда мемориал-ордерларнинг урнини аввалдан хисобваракларнинг корреспонденцияси тузиб қуйилган махсус хисоб регистрлари тузилади.

Бухгалтерия хисобининг бош журнал шакли. Бухгалтерия хисобининг бош журнал шаклида жамама хисоб регистри бош журнал оркали юритилади. Ушбу шаклда хронологик ва систематик ёзувлар бир хисоб регистрида, яъни бош журналда олиб борилади. Бухгалтерия хисобининг ушбу шаклида ҳар бир ҳужалик муомаласига бошлангич ҳужжатлар асосида мемориал-ордер ёзилади ва унга асосланган ёзув бош журналга қучирилади. Ҳар бир мемориал-ордер ва унга илова қилинган бошлангич ҳужжатлар асосида хисобваракларга ёзувлар ёзилади. Хисобот ойининг охирида эса хисобвараклар буйича оборот кайдномалари тузилади, Ушбу кайднома жами бош журналдаги тегишли хисобвараклар обороти билан таққосланади.

"Бош дафтар" журнали
2002 йил ойи учун

м/о №	М/О сумма буйича	хисобварак№		Хисобварак №		хисобварак№		Жами оборотл:	
		Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
	1.05.2002 йилга сальдо								
1									
2									
3									

4									
5									
6									
7									
Жами оборот									
2002 йил 1 _____ га									

Информацион технологияларга асосланган бухгалтерия хисоби шакли. Корхона ва ташкилотларда хисоб ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда вақтни тежаш мақсадида бухгалтерия хисобининг замонавий шакли — информацион технологияларга асосланган шакли ҳаётга татбиқ этилиб келинмоқда. Ушбу шаклнинг бир канча афзалликлари мавжуд:

—бухгалтерия хисоби ҳужжатларидаги маълумотларни қайта ишлашни тезлаштиради;

—иктисодий маълумотларни қайта ишлашда банд булган ходимлар сонини қисқартиради ҳамда меҳнат унумдорлигини оширади;

—хисоб ишларида аниқлик ва изчилликни таъминлайди;

— хисоб ишларини юритиш билан боғлиқ харажатларни камайтиради.

Электрон хисоблаш машиналари ҳозирги вақтда хисоб-китоб ишларини амалга оширишда қулланилиши билан бирга хисоб маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, жамлама ва тахлилий хисоб регистрларини тузиш, хисобот шакллариини тулдириш ва бошқа бир канча хисоб ишларини бажаришда кенг қулланилмоқда. Амалиётда компьютерлардан кенг фойдаланиш бухгалтерия хисобини ташкил қилишнинг янги усулларини вужудга келтирди.

Назорат саволлари

- 1.Бухгалтерия хисоби фанининг предмети нимадан иборат?
- 2.Бухгалтерия хисобининг объекти деганда нимани тушунасиш?
- 3.Ҳужалик жараёнлари қандай босқичлардан ташкил топади?
- 4.Бухгалтерия хисобининг субъектларига қимларни қиритишимиз мумкин?
- 5.Бухгалтерия хисобининг қандай усуллари мавжуд?
- 6.Бухгалтерия хисобварақлари ҳамда уларнинг турлари.
- 7.Икки ёқлама ёзув деб нимага айтилади?
- 8.Бухгалтерия баланси деб нимага айтилади?

3-Мавзу: Ҳужалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хисобини ташкил қилиш.

Режа:

3.1.Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти.

3.2. Бухгалтерия хисоби ишларини ташкил қилиш

3.3.Корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг ҳуқуқ ва бурчлари.

3.4. Хисоб юритиш сифати
Адабиётлар:1,3,4,9,17,22,24,25,
Таянч суз ва иборалар:

Активлар, мажбуриятлар, хисоботининг типик шакллари, хисобварақлар режасини, бош бухгалтерининг ҳуқуқ ва бурчлари, бухгалтерия ҳисоби тизими, бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб, солиқ ҳисоби, ҳисоб юритиш сифати.

3.1.Узбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар Узбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни уз вақтида тулиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир. Маълумки, жаҳон амалиётига мос келадиган "Бухгалтерия ҳисоби тугрисида"ги Қонунсиз миллий ҳисоб тизимини етарли даражада қайта қуриш мумкин эмас. 1996 йил 30 августида қабул қилинган ушбу Қонун, энг аввало, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлари, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва баҳолашнинг асосий тамойиллари ва қоидалари, уз ва қарзга олинган капитал ҳисоби, молиявий ҳисоботлар олдига қуйилган асосий вазифалар, мақсад ва талабларни белгилаб беради. Бундан ташқари, мазкур Қонун бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳужалиқ юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи, бурчи ва маъсулиятларини шунингдек, молиявий ҳисоботларни топшириш ва чоп этиш бўйича қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

3.2. Бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилиш

Бозор иқтисодиёти шароитида қорхонада бухгалтерия ҳисоби ишларини тугри ташкил қилиш ҳолат муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қорхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби содир бўлаётган ҳужалиқ жараёни ҳамда муомалаларини қўзатиб ва қайд этиб қолмасдан, ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, режалаштириш, назорат қилиш ва иқтисодиётни бошқариш ишида асосий вазифаларни бажаради. Шу боисдан ҳам ҳисоб ишларини ташкил қилиш масалаларига қатта эътибор қаратилади.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилишга қўйилган энг асосий талаб — бу унинг қам қаражатли ва содда бўлишлигидир. Қорхонада ҳисоб ишлари ана шундай ташкил этилгандагина, бухгалтерия ҳисоби юқори самарага ҳамда яхши натижаларга эришиш мумкин. Бунинг

учун эса, энг аввало, хар бир корхонанинг узига хос тармоқхусусиятларини ва бошка жихатларини чуқур урганиш лозим.

Хар бир корхонада ташкил этилган бухгалтерия хисоби хужалик фаолияти жараёнида содир бўлаётган хужалик муомалаларини узлуксиз кузатиш, кузатиш натижаларини сон курсаткичларида ифодалаш, кейин уларни ёппасига махсус хужжатларда акс эттиришни таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда корхона бизнес-режасини ва келгусидаги стратегик дастурларини тузишда керакли маълумотлар билан таъминлаши ва уларнинг бажарилиши устидан амалий равишда назорат олиб бориши керак.

Мамлакатимизда бухгалтерия хисоби бўйича умумий рахбарлик килиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бухгалтерия хисоби ва аудити услубияти бошкармаси зиммасига юклатилган. Бу бошкарма дастлабки хисоб масалалари бўйича халқ хужалиги тармоқларига умумий рахбарлик килиб, бухгалтерия хисоби бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакаси-ни ошириш бўйича иш олиб боради ҳамда дастлабки хисобнинг типик шакллари ишлаб чикиб, нашр қилдиради, барча хужалик юритувчи субъектлар учун мажбурий бўлган хисоб ва хисобот масалалари бўйича йуриқнома, услубий курсатмалар ишлаб чиқади.

Бухгалтерия хисобини тугри ташкил килиш бўйича методологик рахбарлик ҳам Молия вазирлигининг бухгалтерия хисоби ва аудити услубияти бошкармаси томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишилган ҳолда бухгалтерия хисоби хисобварақлар режасини, бухгалтерия хисоби ва хисоботининг типик шакллари, улардан фойдаланишга оид йуриқномаларни тасдиқлайди, бухгалтерия хисобини яхшилаш ва такомиллаштиришга доир таклифларни жорий қилади.

3.3. Корхона рахбари ва бош бухгалтерининг ҳуқуқ ва бурчлари.

«Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Қонунга мувофиқ, бухгалтерия хисоби ва хисоботини ташкил этишни хужалик юритувчи субъект рахбари амалга оширади.

Рахбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

—бош бухгалтер рахбарлигида бухгалтерия хисоби ишларини ташкил килиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

—бухгалтерия хисоби ишларини юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия субъекти ҳам қирадиган хужалик бирлашмасининг марказлаштирилган хисобга олиш бўлимига юклаш;

—бухгалтерия хисобини мустақил юритиш.

Шу билан биргаликда корхона рахбари қуйидагиларни таъминлаши шарт: ички хисоб ва хисобот тизимининг ишлаб чиқилишини, хужалик муомалаларини назорат килиш жараёнини, бухгалтерия хисобининг тулик ва аниқ горитилишини, хисоб-китоб хужжатларининг сақланишини, ташки

фойдаланувчилар учун молиявий хисобот тайёрланишини, солик хисоботлари

ва бошка молиявий хужжатлар тайёрланишини, хисоб-китоблар уз вактида амалга оширилишини.

Рахбар бухгалтерия хисоби тугри юритилиши учун барча зарур шароитларни яратиши, корхона, муассасанинг барча булимлари ва хизматлари, хисоб-китобга алокаси булган барча ходимлари томонидан бош бухгалтернинг хужжатлар ва маълумотларни расмийлаштириш ҳамда хисоб учун такдим этиш хусусидаги талаблари огишмай бажарилишини таъминлаши шарт.

Бош бухгалтер корхона, муассаса амалга оширадиган барча хужалик операцияларини назорат килишни ва бухгалтерия хисоби хисобварақларида акс эттирилишини, тезкор ахборот такдим этилишини, белгиланган муддатларда бухгалтерия хисоботи тузишни, ички хужалик резервларини аниклаш ва сафарбар хилиш мақсадида бухгалтерия хисоби ва хисоботи маълумотлари буйича корхонанинг молиявий-хужалик фаолияти учун иктисодий тахлилини амалга оширилишни таъминлайди.

Бухгалтерия ишларида амалга оширилган муомалалар учун жавобгарлик имзо билан уз тасдигини топади. «Бухгалтерия хисоби тугрисида»га Конуннинг 8-моддасига биноан, хужалик юритувчи субъект рахбари хужалик муомалаларини амалга ошириш рухсатномасига ва субъект номидан хужжатларни имзолаш ҳукукига эга булган шахслар руҳиятининг мавжудлиги учун жавобгар булади. Руйхатда эгаллаб турган лавозимига кура имзолаш ҳукуки иерархияси шаклида ва рахбарлик вазифасини ҳамда субъект вакили сифатида ҳаракат килишга вакил килинган ҳар бир мансабдор шахс бухгалтерия хисоби вазифаларини амалга оширади. Субъект электрон имзолардан фойдаланганида, унинг хужалик хужжатлари учун электрон имзолардан фойдаланиш ва уларни ишлатишга алоқадор керакли зхтиёткорлик ва назорат чоралари белгиланиши керак.

Корхона бош бухгалтери рахбар билан биргаликда товар-моддий бойликлар ва пул маблағларини қабул килиш ҳамда бериш учун асос буладиган хужжатларга, шунингдек, хисоб-китоб, кредит ва молиявий мажбу-риятлар ҳамда хужалик шартномаларига имзо чекади. Ушбу хужжатларда бош бухгалтернинг имзоси булмаса, у ҳақиқий деб топилмайди. Хужжатларга имзо чекиш ҳукуки корхона, муассаса раҳбарининг ёзма равишдаги фармойиши билан бунга ваколат берган шахсларга берилиши мумкин.

Корхонада моддий жавобгар шахсларни (кассир, омбор мудири ва бошқаларни) ишга тайинлаш, вазиясини узгартириш ва ишдан бушатиш бош бухгалтер билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Агарда корхона бош бухгалтери узгартирилса, олдинги бош бухгалтер ишлари янги тайинланган бош бухгалтер зиммасига юклатилади, ушбу жараёнда бухгалтерия хисобининг ҳолати ва хисобот маълумотларининг аниқлиги текширилиб, корхона рахбари тасдиқлайдиган тегишли далолатнома тузилади.

Корхонанинг чораклик ва йиллик молиявий хисоботларига рахбар ва бош бухгалтер имзо чекади.

Агарда корхонанинг бухгалтерия хисоби ишлари шартнома асосида ихтисослаштирилган ташкилот ёки мутахассис томонидан юритилса, молиявий хисоботга корхона рахбари ва бухгалтерия хисобини юритадиган мутахассис имзо чекади.

Бирламчи хужжатлар, хисоб регистрлари, бухгалтерия хисоботи белгиланган тартибга мувофиқ мажбурий тарзда сакданиши керак. Улар билан ишлаш даврида саклашни таъминлаш ва уларни архивга уз вақтида топшириш учун бош бухгалтер масъулдир.

Бухгалтерия булими хужжатларни ишлаб чиқиши, бухгалтерия регистрларида хисоб ёзувларини оқилона олиб бориши ва улар асосида бошқарув ва молиявий хисоботларни ҳамда солиқ хисоб-китобларини тузишни таъминлаши зарур.

Бухгалтерия хисоби тизими, унинг тузилиши ва вазифалари.

Бухгалтерия аппарати, одатда, куйидаги булимлардан ташкил топади:

Материал булими. Бу ерда сотиб олинган моддий кийматликларни, мол етказиб берувчилар билан хисоб-китобларни, материалларни саклаш ва фойдаланиш жойлари буйича киними ва сарфланишини хисоби юритилади.

Хисоблашиш булими. Бу ерда дастлабки хужжатлар-га асосан иш хаки хисоблаш ва ундан ушланмалар буйича барча хисоблашишлар олиб борилади, меҳнат хаки фонди ва истеъмол фондидан фойдаланиш буйича назорат амалга оширилади, ижтимоий сугуртага ажратмалар буйича хисоблашиш хисобини олиб боради.

Ишлаб чиқариш-калькуляция булими. Бу булимда барча турдаги ишлаб чиқаришга килинган харажатлар хисоб-и юритилади, махсулотларнинг хакикий таннарни аникланади ва хисобот тузилади.

Умумий булим. Бу булимда юкорида санаб утилган булимларда хисобга олинмайдиган муомалалар хисоби юритилади, бош дафтар юритилади ва бухгалтерия хисоботи тузилади.

Бухгалтерия хисоби булимларида хисоб-китоб жа-раёнининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш хисобчи ходимлар меҳнатини илмий ташкил этишдан ажралмасдир. Меҳнатни илмий ташкил этиш чоратадбирлари тизимида иш жойларини фан ва техника ютук-лари асосида мақсадга мувофиқ ташкил этиш муҳим урин тутди.

3.4. Хисоб юритиш сиёсати.29

Хисоб юритиш сиёсати деганда хужалик юритувчи субъект рахбарининг бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботни тамайил ва асосларига мос равишда юритиш ва тузиш учун кулланиладиган усуллар мажмуи тушунилади.

Хужалик юритувчи субъектнинг хисоб юритиш сиёсати субъект томонидан молиявий хисоботни тайёрлаш ва тузишда кулланиладиган узига хос коидалар ва амалий ёндошувларни ифодалайди.

Хужалик юритувчи субъектнинг хисоб сисмати субъект рахбари томонидан «Хисоб юритиш сисмати ва молиявий хисобот» номи 1-сон БХМА асосларида тақдим этиладиган молиявий хисоботнинг йилма-йил қисқаниши учун тузилади. Хисоб юритиш сисмати шундай ташкил қилиниши керакки, унда молиявий хисобот барча учун қулай бўлган БХМА асосида тузилиши мумкин бўлсин.

-Хужалик юритувчи субъектнинг хисоб сисмати қуйидагича бўлиши лозим:

-фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;

-ишончли бўлиши;

айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг молиявий хисоботларини таққослаш имкониятини бериши;

- тушунарли ва оддий бўлиши шарт.

Бухгалтерия хисобини юритиш ва хисобот тузишни ташкил қилишнинг аниқ йўналиши бўйича субъектнинг хисоб юритиш сисмати шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги қонун ҳужжатларини қўллаш лозим.

Қорхонанининг хисоб юритиш сисматини танлаш ва асослашга қуйидаги омиллар таъсир этади;

-мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл;

-фаолият тури ёки тармоқ бўйсунуви;

-ишлаб чиқариш қулаи ҳамда ишловчи ходимларнинг сони;

-солиқ солиш тизими билан муносабат (ҳар қил солиқдардан озод бўлиш, солиқ ставкалари, солиқ солиш бўйича имтиёзлар);

-бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳаракат қилиш эркинлигининг даражаси;

-молия-ҳужалик фаолиятининг ривожланиш стратегияси (ўзқ келажакда қорхонанинг иқтисодий ривожланиш масалалари ва мақсадлари, сармояларнинг қўтилаётган йўналишлари, келажакдаги масалаларни ечишдаги тактик ёндошувлар);

-бошқарув фаолиятининг техник жиҳатдан қўролланганлиги;

-қорхона маълумотлар билан таъминлашнинг самарали тизимининг маъжудлиги;

-бухгалтерия ходимларининг маълака даражаси, қорхона раҳбарларининг ташаббусқорлиги, талабчанлиги ҳамда тадбирқорлиги;

-қорхона иши самарасидан моддий маънафатдорлик ва маъжбуриятлар бўйича моддий жавобқарлик тизими.

Қуйидаги ҳолларда ҳужалик юритувчи субъектнинг хисоб юритиш сисматида ўзгаришлар бўлиши мумкин:

-субъект қайта ташкил этилганида;

-мулкдорлар ўзгарганида;

-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисоботини меъёрий тартибга солиш тизимида ўзгаришлар бўлганида;

-Бухгалтерия хисобининг янги омилларини ишлаб чиқишда.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг оқибатлари бухгалтерия ҳисоби юритишда ўзгартирилган омилларнинг қулланилиш қуни (ойнинг биринчи санаси)дан субъект томонидан текширилган қиймат қуринишида баҳоланиши керак.

Назорат саволлари

- 1.Хужалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилишга умумий раҳбарлик қим томонидан амалга оширилади?
- 2.Қорхонада раҳбарнинг ҳуқуқлари ва бурчлари нималардан иборат?
- 3.Бош бухгалтер қандай вазифаларни амалга оширади?
- 4.Бухгалтерия аппарати қандай бўлимлардан ташкил топди?
- 5.Ҳисоб юритиш сисмаси деганда нимани тушунасан?
- 6.Бухгалтерия ҳисобининг қандай тамойиллари мавжуд?

4- Мавзу: Пул маблағлари ва ҳисоблашиш муомалаларини ҳисобга олиш

Режа:

- 4.1.Пул маблағлари ва ҳисоблашиш муомалалари ҳисобининг аҳамияти ва вазифалари.
- 4.2. Касса муомалаларини ҳисобга олиш.
- 4.3. Ҳисоб-китоб счёти бўйича муомалалар ҳисоби.
- 4.4. Банкларда очилган махсус ҳисобварақларда бажариладиган пул муомалаларининг ҳисоби.
- 4.5. Валюта муомалалари ҳисоби.
- 4.6 Ҳисоблашиш ва кредит муомалаларини ҳисобга олиш.
- 4.7. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Адабиётлар:3,4,9,13,14,16,22,24,25.

Таянч суз ва иборалар:

Касса қирим ордери, касса қиким ордери, миллий валютадаги пул маблағлари, хорижий валютадаги пул маблағлари, йулдаги пул маблағлари, ҳисобдор шахслар , тулов топширикномалари, чеклар, аккредитивлар,тижорат банклари векселлари, тулов талабнома-топширикномалари ,тулов талабномалари, инкассо топширикномалари.

4.1.Пул маблағлари ва ҳисоблашиш муомалалари ҳисобининг аҳамияти ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларининг ривожланиши жараёнида шартномавий асослари меҳнат воситалари ва кредитларини харид қилиш, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш бобида битимлар тузаётган қорхоналар уртасида муносабатлар қенгайиб бормоқца. Бундан ташқари, бюджет, банклар, сугурта органлари, турли жамоат ташкилотлари, хайрия фондлари, бевосита ходимлар ва хоказолар билан тулов муомалалари амалга оширилмоқца. Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг гоётда қенг ва қилма-қил доираси билан

амалий алокалар корхона хужалик фаолиятининг мунтазам ва объектив жихатдан мукаррар белгисига айланмокда. Корхоналар уртасидаги хар хил туловлар ва узаро хисоб-китоблар моддий, меҳнат ёки бевосита пул муносабатлари асосида пайдо булиши мумкин, лекин охир-окибатда улар одатда муайян томоннинг фойдасига пул карзи тусини олган мулкый мажбурият курунишида намоён булади

Барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг пул маблағлари, ҳоҳ у уз маблағи булсин, ҳоҳ карзга олинган булсин, кассада пул колдикдари ва оборотда фойдаланиладиган тушумнинг бир қисмидан ташқари, унинг банкдаги хисоб-китоб счётида сақланиши лозим. Банк корхонанинг хисобварақларидан пулни утқазиш ва бериш тугрисидаги ҳамда банк қоидалари ва банк билан корхона уртасидаги шартномада қузда тугтилган бошқа муомалаларни утқазиш ҳақидаги фармойишларини бажаради.

Хисоб-китоб счётидан туловлар мол етқазиб берувчилардан олинган материал ва асосий воситалар учун, бюджет ва сугуртага булган қарзларини тулаш учун, иш ҳақи бериш учун кассага пул маблағлари олиниши ва бошқа мақсадлар учун амалга оширилади. Хар бир тулов корхона билан, яъни хисоб-китоб эгаси билан қилишган ҳолда амалга оширилади, лекин қуйидаги ҳолларда банк корхонанинг хисоб-китоб счётидан маблағларни бошқа ташкилотлар ҳужжатлари асосида ечиб олади: молия органларининг буйруқлари асосида, агар солиқдарнинг тулаш муддати утиб кетган булса; кре-дитдан фойдаланганлик учун фоиз; банк хизмати учун ва ҳоказо.

Бухгалтерия ҳисоби олдида пул маблағлари ва қиска муддатли инвестицияларни хисобга олиш бобида қуйидаги асосий вазифалар туради:

- корхонанинг пул маблағларини самарали бошқариш мақсадлари учун зарур ахборот билан таъминлаш;
- мақкур шароитларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этган ҳолда нақд пулсиз утқазишлар ва нақд пуллар воситасида зарур туловлар ва хисоб-китобларни уз вақтида амалга ошириш;
- хисоб регистрларида тулов ва хисоб-китоб муомалалари пул маблағларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракатини тулик ва тезкор акс эттириш, зеро корхона пул маблағларининг ҳаракати корхона амалий фаолиятининг асосий қурбатқичларидан бири хисобланади;
- пул маблағларидан корхонада ишлаб қилган лимитлар ва сметаларга мувофиқ фойдаланишнинг амалдаги қоидаларига риоя қилиш;
- пул маблағлари ва узаро хисоб-китоблар ҳолатининг инвентаризациясини ташкил этиш ҳамда белгиланган муддатларда утқазиш;
- кассада, банклардаги хисоб-китоб, валюта ва бошқа хисобварақларда пуллар мавжудлиги ва бутлигини назорат қилиш;
- пул ресурсларининг ҳаракат оқимини проёнозлаш ва пул маблағларининг ҳаракат оқимини мақбул ҳолга қелтиришни тартибга солиш буйича тегишли бошқарув қарорларини тайёрлаш;
- қиска муддатли инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни уз вақтида

хисобга олиш.

4.2. Касса муомалаларини хисобга олиш

Касса муомалаларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган "Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари" билан тартибга солинади.

Бевосита қорхона кассасидан нақд пулни олиш ва сарфлаш билан боғлиқ бўлган муомалалар касса муо-малалари жумласига қиради. Барча мулкчилик шаклидаги қорхоналар ўз кассаларида нақд пул қолдиқлари лимитлари чегарасида нақд пулларни саутаб туришлари ва уларни тушумдан олиб, меъёрлар чегарасида фой-даланишлари мумкин.

Касса муомалаларини олиб бориш учун қорхона штатидан кассир ажратилади. У ўзи қабул қилиб олган барча бойликларнинг бут сакланиши учун тулик моддий жавобгар шахс ҳисобланади. Кассирни тайинлаш бўйича бўйруқ чиққанидан сўнг қорхона раҳбари уни касса муомалаларини олиб бориш тартиби билан таништириши, тулик яқка моддий жавобгарлик ҳақида у

билан шартнома тузиши шарт. Кассир ўз вазифаларини ҳеч кимнинг зиммасига юқлай олмайди. Кассирни вақтинчалик алмаштиришга эҳтигж тугилганида қорхона раҳбарининг қарори асосида унинг вазифалари бошқа ходим зиммасига юқланади. Ўз навбатида, у билан тулик моддий жавобгарлик тугрисида шартнома тузилади. Кассир тусатдан ишни ташлаб кетишга маж-бур бўлганида (қасал бўлганида ва бошқа ҳолларда) унинг ҳисобдорлигидаги бойликларни қорхона раҳба-ри тайинлаган шахслардан иборат комиссия бошқа кассирга утқазади. Бунда қайта ҳисоблаш натижалари ва бойликларни бериш ҳақида далолатнома тузилади, унга комиссия аъзолари имзо чекади.

Қорхона кассасига нақд пулларни қабул қилиш КО-1 шаклидаги касса қирим ордери билан амалга оширилади. У икки қисмдан иборат: қирим ордери (бланкнинг чап қисми) ва унга оид қвитанция (унг қисми). Касса қирим ордерини бухгалтерия ёзиб беради ва бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Қирим ордерини кассага топширишдан оддин, албатта, қирим ва қиким ҳужжатларини қайд қилиш журналида (КО-3 ёки КО-4 шакли) қайд қилиниши лозим. Журнал икки қисмдан иборат: чап қисмида касса-га қелиб тушган пул маблаглари, унг қисмида сарф-ланган пул маблаглари қайд қилинади.

Нақд пуллар кассадан **касса қиким ордерлари (КО-2 шакли)** ёки касса қиким ордерларининг урнини босадиган, махсус штамп билан босилган бошқа ҳужжатлар (тулов қайдномалари, пул бериш учун ариза, ҳисобварақпар ва хоказо) асосида берилади.

Агарда ходимлар ўшбу пулларни ўз вақтида олмасалар (яъни 3 кун ичида), улар депонентга утқазилади.

Қирим ва қиким касса ордери ёки уларнинг урнини босувчи ҳужжатлар бўйича пул олинганидан ёки берилганидан сўнг дарҳол кассир уларга имзо

чекади, уларга илова килинган хужжатларга эса "Олинган" (ки-рим хужжатларига) ёки «Туланган» (чиким хужжатларига) штампи босилади ёки сузлар кулда ёзилади ва сана, яъни кун, ой, йил курсатилади. - Касса ордерига ҳеч қандай узгаришларни, ҳатто изохдарни ҳам қилишга йул қуйилмайди. Агар унда ҳато борлиги аниқланса, касса ордери бошқатдан ра-мийлаштирилади.

Ҳар бир ордер ёки унинг урнини босувчи хужжат бўйича пул олинганидан ёки берилганидан сунг кас-сир даркол касса бўйича нақд пуллар ҳаракатини ҳисобга олиш учун мулжалланган КО-4 шаклли касса дафтарига буни қайд қилади.

Касса дафтари

Касса: «___» 2002 йил учун

Варак

Хужжат ракам	Кимдан олинган ёки кимга берилган	Узаро боғланган ҳисобварақлар раками	Кирим	Чиким
1	2	3	4	5
	Кун бошига қолдик			
	- чек билан банкдан			
	Иш ҳақи			
	Бир кунда жами			
	Кун охиридаги қолдик			
	Шу жумладан иш ҳақи			

Кассир _____ (имзо)

сони

Касса _____ дафтаридаги _____ қайдларни

текширдим

ва _____

(езувда)

_____ қирим ва чиким хужжатларини олдим.

Бухгалтер _____ (имзо.)

Корхонада факат битта касса дафтари юритилади. У рақамланган, шнурланган ва сургучли ёки мастика муҳр билан муҳрланган бўлиши керак. Касса дафтари охириги варағида рақамланган бетлар сони курсатилиб, корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси билан тасдиқлаб қўйилади. Касса дафтаридаги қайдлар қора қоғоз орқали икки нусхада қилинади. Ҳар қуни иш охирида кассир бир кунда қилинган муомалалар якунини ҳисоблаб чиқаради, кейинги кунга кассада қолган пул миқдорини ва тулов қайдномаси бўйича чикимга ҳисобдан чиқарилмаган суммани чиқаради. Иккинчи қирқма варақ (кассирнинг ҳисоботи — бир кунда касса дафтарида қилинган қайдларнинг нусхаси) қирим ва чиким хужжатлари билан бирга бухгалтерияга топширилади ва бу ҳақда касса дафтарида қайд этилади.

Республикада миллий валюта қадрини оширишда нақд пул муомалалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам кейинги пайтларда нақд пул

муомалаларини тартибга солиш буйича купгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банк-дан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тулашдан буйин товлашнинг олдини олиш мақсадида 2002 йил 3 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тугрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорнинг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қумитаси ва Марказий банки зиммасига алоҳида-да йирик миқдордаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан, нақд пул берилиши буйича ахборотларни электрон айирбошлаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси юклатилган. Бундан ташқари, ушбу Қарорнинг 10-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига тижорат банклари билан биргаликда 2002 йил 1 октябригача кредит пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Касса муомалалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

5010—«Миллий валютадаги пул маблағлари»;

5020—«Хорижий валютадаги пул маблағлари».

Ушбу ҳисобварақларнинг дебет томонида корхона кассасига пул маблағларининг қирими акс эттирилади. Кредит томонида корхона кассасидан туланадиган пул маблағлари ва лимитдан ортиқча пулларни банкка топ-шириш акс эттирилади.

5000-"Кассадаги пул маблағлари"ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар корреспонденцияси

	Хужалик мазмун	Хисобварақлар корреспонден- цияси		Ўзунларни тасдиқловчи хужжатлар
			Крелиг	
1.	Банкдаги тегишли ҳисобварақлардан пул маблағлари-нинг кассага келиб тушиши (иш хақи, нафақа, мукофотлар)	5010	5110, 5210	Пул чеки паттаси ва банк кучирмаси, кассанинг қирим ордери, касса қи-тоби
2.	Йулдаги пул маблағларининг келиб тушиши	5010	5620	Қирим тугрисидаги тасдиқнома
3.	Маҳсулот, иш ва хизматларнинг нақд пулга соти-лиши	5010	9010- 9030	Сотиш қайдномаи ва кассанинг қирим
4.	Ҳисобдор шахслар томонидан олинган ва ишлатил-маган ортиқча муомалаларнинг қайтарилиши	5010	4230	Бунақ ҳисоботи ва кассанинг қирим ордери
5.	Пул маблағларининг кассадан ҳисоблашиш ҳисобварағига	5110	5010	Топшириш эълони ва банкнинг кучирмаси

6.	Кассада иш хаки ва бошка туловларнинг (ёрдам пуллари, мукофотлар, иштирок этишдан даромадлар)нинг берилиши	6710	5010	Тулов кайдномаи ва касса чиким ордери
7.	Бир марталик ёрдам пулининг кассада туланиши	9430	5010	Касса чиким ордери, рахбарнинг буйруги ва ариза

Журнал-ордер шакли бўйича ҳисобга олишда касса бўйича муомалалар 1-журнал-ордерда (5000—"Касса" ҳисобварагининг кредит оборотлари) ва журнал-ордерга кирувчи 1-кайдномада (5000—"Касса" ҳисобварагининг дебет оборотлари) акс эттирилади. Айтиб утилган регистрларга қилинадиган кайдлар кассирнинг текширилган ва ишлов берилган ҳисоботлари асосида ҳар куни олиб борилади.

Касса муомалаларини олиб бориш тартибида кассани тусатдан инвентаризация қилиш кузда тутилган. Бунда кассадаги пул бирма-бир қайта саналади ва кассадаги бошка бойликлар текширилади. Касса инвентаризацияси «Инвентаризацияни ташкил этиш ва утказиш» номли 19-сон БХМАга биноан ҳар ойда утказилади.

4.3. Ҳисоб-китоб счёти бўйича муомалалар ҳисоби

Корхоналар бошка юридик шахслар, давлат назорат органлари ва бошка ташкилотлар билан буладиган ҳисоб-китобларини асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуринишида амалга оширади. Маблағларни бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига нақд пул иштирокисиз, пул утказиш йули билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар дейилади.

Банк муассасасида ҳисоб-китоб счётини очиш учун корхона қуйидагиларни тақдим қилиши лозим:

- ҳисобварақни очиш ҳақида ариза (0401025-шакл); уни корхона раҳбари имзолаши шарт;
- корхонанинг давлат рўйхатидан утказилганлиги ҳақида ҳужжат;
- корхонанинг нотариус тасдиқлаган устави нусхаси;
- имзолар намуналари ва муҳр нусхаси туширилган, нотариус тасдиқлаган варақча (0401026-шакл);
- корхонани тузиш ҳақидаги таъсис шартнома (муассиснинг қарори, таъсисчилар умумий йигилишининг қарори) нусхаси;
- солиқ органида рўйхатдан утганлиги ва идентификациялашган солиқ туловчи номери берилганлиги тугрисида нотариусда тасдиқланган гувоҳнома қучирмаси еки шахс солиқ туловчи субъект эмаслиги тугрисида маълумот.

Корхонанинг ҳисобварағида олинган материаллар, асосий воситалар учун мол юборувчига туланмалари, бюджетдан, ижтимоий сугуртадан булган қарзни тулаш, иш хаки бериш учун кассага олинган пул ва бошка заруриятлар учун туланган пул маблағлари акс эттирилади.

Одатда, банк томонидан ҳар қандай пул утказиб бериш ёки нақд пул бериш корхона ёки ҳисобварақни тасарруф этувчининг буйруғи ёки у билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Лекин банк қуйидаги ҳолларда корхона розилигини олмай бошқа ташкилотларнинг ҳужжатлари бўйича унинг ҳисоб-китоб счётидан пулни мажбурий утказиб беради: молия ва солиқ органларининг буйруғи бўйича туланмаган солиқ ва йигимлар, шунингдек, улар бўйича жарима ва боқимондалар суммасини; қондирилган давволар суммасини — ижро варақлари, ҳужалиқ судининг буйруғи бўйича; кредитдан фойдаланганлиги учун фоиз суммасини; банк томонидан қурсатилган хизматлар суммасини.

Ҳисоб-китоб счёти бўйича барча муомалалар ҳисоб-китоб счётининг эгаси розилиғи билан белгиланган шаклдаги тулов (банк) ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Тулов шакллари деганда, одатда, ҳуқуқий меъёрларда қўзда тутилган, кредитор ҳисобига маблағларни утказиш усули, ҳисоб-китоб ҳужжати тури ва ҳужжатлар айланиш тартиби билан фарқланувчи нақд пулсиз туловлар шартлари қўзда тугилади.

Қорхоналар уртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар:

- тулов топшириқномалари;
- чеклар;
- акуредитивлар;
- тижорат банклари векселлари;
- тулов талабнома-топшириқномалари;
- тулов талабномалари;
- инкассо топшириқномалари;
- режали туловлар воситасида амалга оширилади..

Тулов топшириқномаси қорхонанинг узига хизмат қурсатувчи банкка уз қисобварағидан муайян суммани бошқа қорхонанинг ва шу банкдаги ёки ана шу шаҳарда ёхуд бошқа шаҳарда жойлашган банк муассасасидаги счётига утказиш тугрисидаги топшириғи ҳисобланади. Бунда туловчи банкка белгиланган шаклдаги бланкда топшириқнома тақйим этади.

Топшириқномалар ёзилган қундан бошлаб 10 қун давомида амал қилади (ёзилган қун ҳисобга қирмайди).

Туловларнинг тулов талабнома-топшириқномалари шаклида мол етказиб берувчи маҳсулотни юқлаб жунатгандан сунг тулов талабномасини ёзиб, унга хизмат қурсатадиган банкка топширади. У харидордан пулни ундириш ва уни мол етказиб берувчининг ҳисоб-ки-тоб счётига қиритиш учун талабномани харидорнинг банкига жунатади. Туловчининг акцепти (*розилиғи*) мавжуд булганда, ҳисобварақлар хақи туланади.

Тулов талабномаси 0401001 — сонли бланкларда тугилади. Агар талабнома спецификация билан мувофиқлаштирилмаган булса, унга товар транспорт ҳужжатлари ёки улар урнини босувчи ҳужжатлар илова қилиниши қерак. Банк бошқа иловаларни қабул қилмайди, амалдаги қоидаларда қўзда тугилган ҳоллар бундан мустансно.

Корхона бухгалтериясида хисоб-китоб хисобварагидаги пуллар ҳаракати банк кучирмалари бўйича «Хисоб-китоб счёти» номли 5110—актив хисобварақца хисобга олинади. Ушбу хисобварақ бўйича кредит оборотлари 2-журнал-ордерда ёзилади, дебет бўйича оборотлар эса турли журнал-ордерларда акс эттирилади. 2-журнал-ордерга 2-кайднома юритилади, унда 5110-«Хисоб-китоб счёти» хисобварақ дебетида киритилган суммалар хисобга олинади.

Инкассо топшириқномаларига биноан туловлар хисоби корхоналар хисобварақларидаги маблағларни улар розилигисиз хисобдан учирининг куйидаги ҳол-ларида кулланади: бюджетга туловлар бўйича боқимондалар, жарималарни ундиришда ва маблағларни хисобдан учирининг сузсиз тартиби белгиланган бошқа ҳолларда: ундирувчиларнинг фармойишлари бўйича; ижро этиш ва унга тенглаштирилган ҳужжатлар бўйича.

Маблағларни хисобварақлардан сузсиз тартибда хисобдан учирини ундирувчиларнинг тулов талабнома-топшириқномаси бланкида тақсим этиладиган фармойишлари асосида амалга оширилади.

Режали туловлар орқали олиб бориладиган хисоб-китоблар хисоби мол юбуровчининг балансида 4110-«Харидор ва буюртмачилардан олинладиган счётлар» хисобварагининг "Режали туловлар хисоб-китоби» ана-литик хисобварагида юритилади.

К-т 4110—«Харидор ва буюртмачилардан олинладиган счётлар».

Мижоз (корхона) чек дафтарчаларини унга хизмат курсатувчи банк муассасасидан олади.- Мехнатга ҳақ тулаш, пенсиялар, касаллик варақаси бўйича нафақа-лар, мукофотлар, хизмат сафарлари ва ҳужалик хара-жатлари учун нақд пулларни банк чеки асосида корхона-нинг хисоб-китоб хисобварагидан шу корхона кас-сасига беради.

Пул чеки корхонанинг хисоб-китоб хисобварагидан чекда курсатилган нақд пул суммасини бериш тугриси-да банкка берган фармойишидан иборат. Чек сиёҳда ёки шарикли ручкада туддирилади. Унда сумма, чек берил-ган вақт, олувчининг номи, шунингдек, олинган сум-манинг нима мақсадда ишлатилиши курсатилади.

Пул бадаллари ҳақидаги эълон билан хисоб-китоб хисобварагига нақд пуллар топширилганлиги расмий-лаштирилади. Ушбу ҳужжат бир нусхада тулдирилади ва унда туланадиган пулнинг ҳосил бўлиш манбаи курсатилади. Банк қабул қилинган пулга кассирга қвитанция беради, у бухгалтерияда касса чиким ордерини тузиш ва касса бўйича пул маблағларини хисобдан чиқариш учун асос вазифасини утайди.

Хисоб-китоб хисобварагидаги барча узғаришлар ҳақида банк уз миждзини хисоб-китоб хисобварагидан кучирмалар бериш орқали хабардор қилади. **Банк кучирмаларида** хисоб-китоб хисобварагига маблағларнинг тушиши ва ундан хисобдан чиқарилиши, кун боши ва охири учун ундаги маблағ қолдиқлари курсатилади..

Корхонанинг хисоб-китоб счётидаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги пул маблағларининг миқдори ва ҳаракатини хисобга олиш учун 5110— «Хисоб-китоб счёти» актив пул хисобварагидан фой-

даланилади. 5110-хисобварақ дебети бўйича тушумлар тарзига боғлиқ равишда турли хисобварақлар кредитдан хисоб-китоб варағига маблағларнинг тушиши бўйича хужалик муомалалари, 5110-хисобварақ кредити бўйича эса харажатнинг нима мақсадда қилинганлиги-га қўра хисоб-китоб варағи турли хисобварақлар дебетага маблағларни хисобдан чиқариш бўйича хужалик муомалалари акс эттирилади.

5110-«Хисоб-китоб счёти» хисобварағи бўйича хисобварақлар корреспонденцияси

№	Хужалик муомалаларининг мазмуни	Хисобварақлар корреспонденцияси		Ўзувлар шартли хужжатлар тасдиқловчи
		дебета	Кредит	
1.	Махсулот, иш ва хизматларнинг сотилишидан олинган тушумларнинг қирим қилиниши	5110	4010	хисоб-китоб варағидан қучирма
2.	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилишидан тушган тушумларнинг келиб тушиши	5110	4010	хисоб-китоб варағидан қучирма
3.	Кассадан нақд пулнинг хисоб-китоб счётига қайтарилиши	5110	5010	топшириш эълони ва хисоб-китоб варағидан қучирма
4.	Банкдан кассага пул маблағларининг келиб тушиши (меҳнат ҳақи, нафақа, муқофотлар ва бошқалар учун)	5010	5110	хисоб-китоб варағидан қучирма ва пул чеклари
5.	Бюджетга қисқабланган туловлар бўйича қарздорлик суммаларининг ўтказилиши	6410	5110	тулов топшириқномаси, инкассо ва хисоб-китоб варағидан қучирма
6.	Мол ўтказиб берувчиларга сотиб олинган ТМЗлар қийматининг туланиши	6010	5110	тулов топшириқ-номаси, хисоб-китоб варағидан қучирма

Бухгалтерия хисобининг журнал-ордер шаклидаги қорхонанинг хисоб-китоб счёти муомалалари 2-журнал-ордерда ва 2-қайдномада акс эттирилади. Қўрсатилган регистрлардаги ўзувлар қатъий хронологик тартибда хисоб-китоб счётлари бўйича текширилган ва ишлов берилган қучирмалар ва уларга илова қилинган пул қисқаб-китоб хужжатлари асосида амалга оширилади.

2-журнал-ордер

2003 _____ йилнинг _____ ойи учун

5110-"Хисоб-китоб счёти"нинг кредитидан куйидаги хисобварақларнинг дебетигасум

Сана	Дебетламувчи хисобварақлар							Жами
	5010	5510	5610	6010	6410	6520	6720	
Жами								

2-журнал-ордер

2003 йилнинг ойи учун

5110-"Хисоб-китоб счёти"нинг дебетидан куйидаги хисобварақларнинг кредитига

Сана	Кредитламувчи хисобварақлар						Жами
	Ж-	Ж-о№	Ж-о№	Ж-о№	Ж-о№	Ж-о№	
	2810	5010	5510	6720	6810	ва	
Жами							

4.4. Банкларда очилган махсус хисобварақларда бажариладиган пул муомалаларининг хисоби

Корхоналарнинг махсус хисобварақларидаги пул муомалаларининг бухгалтерия хисоби 5500—"Банклардаги махсус хисобварақлар" хисобварағида юритилади. Мазкур хисобварақ мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида акуредитивлар, чек дафтарчалари, бошка тулов хужжатлари қуринишида (векселлардан ташқари), жорий, алоҳида ва бошка махсус хисобварақларда турган миллий ҳамда хорижий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тугрисидаги, шунингдек аниқ мақсадлар учун молиялаш маблағлари (тушумлари)нинг алоҳида сакланидиган қисми ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришга мулжалланган.

Банклардаги махсус хисобварақларни хисобга олиш учун қуйидаги хисобварақлар очирилиши мумкин:

- 5510—"Акредитивлар";
- 5520—"Чек дафтарчалари";
- 5530—"Бошка махсус счётлар".

5510—"Акуредитивлар" хисобварагида акуредитив-ларда турган маблаглар харакати хисобга олинади. Ак-кредитив шаклида хисоб-китоб килиш тартиби Мар-казий банк коидаларида белгилаб куйилган.

Аккредитив банкнинг шартли пул мажбуриятномаси булиб, банк бу хужжатни миждознинг топширигига кура шартнома буйича унинг контрагентига беради. Бу шартномага кура акуредитив очган банк (эмитент банк) махсулот етказиб берувчига пул тулаши гхуд шундай туловлар утказиш учун бошка банкка ваколат бериши мумкин. Бунда миждоз акуредитивда кузда ту-тилган хужжатларни такдим этиши ва акуредитивнинг бошка талабларини бажариши шарт килиб куйилади.

Корхоналарда пул маблаглари акуредитивга киритилиши 5510—«Аккредитивлар» хисобвараги дебетида хамда 5110—"Хисоб-китоб счёти", 5210—«Валюта счёти», 6810—«Киска муддатли кредитлар» хисобварақдари ва шунга ухшаш бошка хисобварақларнинг кредит кисмида акс ёттирилади.

Хисоб-китоб чеки — хисобварақ эгаси (чек берувчи) нинг хисобварагидан муайян суммани олувчи (чек ушловчи)нинг хисобварагига утказиш тугрисида банкнинг махсус бланкида тузилиб, банкка ёзма равишда берган топширикдир.

Чек бланклари Марказий банк билан келишиб бел-гиланган андозада, тижорат банкларининг буюртмалари буйича тайёрланади. Чек дафтарчаларининг бланклари кагъий хисобда турадиган хужжатлар хисобланади.

5520—"Чек дафтарчалари" хисобвараги юзасидан тахлилий хисоб олинган хар бир чек дафтарчаси буйи-ча юритилади.

4.5. Валюта муомалалари хисоби

Бозор иктисодиёти шароитида корхоналар факат миллий валюта — сумдан эмас, балки хар хил хорижий валюталардаги пул маблагларидан фойдаланмокда ва муомалаларни амалга оширмокца. Шу муносабат билан валюта бойликлари ва муомалалари бухгалтерия хисоби объектига айланмокда.

Валюта муомалаларининг бухгалтерия хисоби:

валюта муомалалари корхона фаолиятининг ташкил ётувчилари сифатида акс ёттирилишини;

- корхонанинг хакикий валюта акволи аник акс ёттирилишини;

- валюта битимларининг конунийлиги ва махсадга мувофиклиги, валгота бойликларининг борлиги, уларнинг бус-бутун сакланиши ва тугри фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаши лозим.

Корхона валюта счётини Ёзбекистон Республикасининг худудида исталган ваколатли банкларда очиши мумкин. Корхонанинг чет ёлдаги хорижий банкда счёт очиши ва у буйича муомалаларни амалга ошириши учун Ёзбекистон Республикаси Марказий Банкининг рухсати талаб килинади. Бунинг учун корхона курсатилган счётлардаги маблаглар колдиклари тугрисидаги хисоботни хамда бошка маълумотларни Марказий Банк белгилаган шакл ва муддатларда такдим этиши шарт.

банкнинг воситачилик хакини тулаш мақсадида банкдан хорижий валютада олинган кредитлар буйича қарз, почта-телеграф, хизмат сафари харажатларини тулаш, валюта бозорларида сотиш учун фойдаланилиши;

- қонун рухсат этган бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин.

Хорижий валюта маблағлари, қийматликлари ва муомалалари ҳужалик муомалалари содир бўлган санага Марказий банк курси буйича сум эквивалентида акс эттирилади. Жумладан қуйидагилар буйича:

- кассадаги валюта маблағлари, банкдаги депозит ва ссуда счётлари, акуредитивлар, валюта ссуда қарзлари;

- хорижий валютадаги дебитор ва кредитор қарзлар;

- тузилган шартномалар буйича юк бож декларациясини расмийлаштириш санасига импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг қилими;

- божхона туловларининг амалга оширилиши;

- хорижий валюта қурилишидаги пулли ҳужжатлар;

- хорижий валютадаги қийматли қозғалди.

Хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида муомала содир бўлган санага бўлган Марказий банк курси буйича акс эттирилади.

Хорижий валютани сотиш ва сотиб олишда содир бўладиган курсдаги фарқ ижобий бўлса — 9540—«Курс фарқларидан олинган даромадлар» ҳисобварағида, салбий бўлса — 9620—«Курс фарқларидан зарарлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Хорижий валютанинг сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- валюта счётидан хорижий валютани Марказий банк курси буйича утқазилиши:

Д-т «Банклардаги махсус счётлар» ҳисобварағининг «Блоксчёт» аналитик ҳисобварағи; К-т «Валюта ҳисобварағи».

- Марказий банк курси буйича хорижий валютани «Блоксчёт»дан чиқарилиши:

Д-т «Бошқа активларнинг сотилиши»; К-т «Банклардаги махсус счётлар» ҳисобварағининг «Блоксчёт» аналитик ҳисобварағи.

- валюта бозорида қилинган курс буйича сотилган хорижий валютанинг сум эквивалентининг ҳисоб китоб ҳисобварағига утқазилиши:

Д-т «Ҳисоб-китоб счёти»;

К-т «Бошқа активларнинг сотилиши».

- хорижий валютани сотишда ҳосил бўлган ижобий курс фарқини Марказий банк курсидан ортигининг акс эттирилиши:

Д-т «Бошқа активларнинг сотилиши»;

К-т «Курс фарқларидан олинган даромадлар».

-хорижий валютани сотишда ҳосил бўлган салбий курс фарқининг (Марказий банк курсидан паст) акс эттирилиши:

Д-т «Курс фарқларидан зарарлар»;

К-т «Бошка активларнинг сотилиши».

4.6 Хисоблашиш ва кредит муомалаларини ҳисобга олиш

Хисоб-китоб ва кредит муомалалари ҳисобининг вазифалари

Эркин товар-пул муносабатларига асосланган жамиятда ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса бошка шу турдаги хужалик юритувчи субъектлар билан узлуксиз равишда узаро муносабатда бўлади. Масалан, мол етказиб берувчилар билан сотиб олинган материал, асбоб-ускуна, ёкилги ва бошка товар-моддий бойликлар, харидор ва буюртмачилар билан жунатилган маҳсулот, транспорт ташкилотлари билан юкларни ташиш, солиқ органлари билан бюджетга туловлар юзасидан ва хоказо. Бундан ташқари, корхона, ташкилот ва муассасалар жисмоний шахслар, корхонанинг узида ишловчи ходимлар билан ҳисоб-китоб операцияларини олиб боришлари мумкин. Масалан, ҳисобдор шахслар билан сафар харажатлари юзасидан, ота-оналардан фарзандлари учун болалар богчаси харажатларини коплаш юзасидан ва бошка хил ҳисоб-китоблар. Корхона, ташкилот ва муассасалар уртасидаги ҳисоб-китоблар асосан нақд пулсиз қуринишда бўлади. Бу ҳисоб-китоб муомалалари тегишли банк муассасалари воситачилигида амалга оширилади.

Банклар, асосан, корхоналар маблағларини жалб қилиш, хужалик юритувчи субъектлар уртасидаги уз-аро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва қайтариб олиш, туловлилик ва муддатлилик шарти билан буш маблағларни жойлаштириш учун ташкил этилган. Бундан ташқари, банклар хужалик юритувчи субъектларга кредитлар бериш билан ҳам шугулланади. Кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида корхоналар фаолияти узлуксизлиги таъминланади ҳамда улар-нинг иқтисодий ахволи яхшиланади. Мана шу жараёнларда бевосита бухгалтерия ҳисоби белгилувчи роль уйнайди. Бухгалтерия ҳисобининг бу борадаги вазифа-ари қуйидагилардан иборат:

- ҳисоб-китоб муомалаларини уз вақтида ҳисобга олиш;
ҳисоб-китоб муомалаларини ҳужжатларда тугри расмийлаштириш;
ҳисоб-китоб тулов интизомига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни юритиш

Корхонанинг уз молиявий-хужалик фаолиятида ет-казиб берилган бойликлар, бажарилган ишлар, олинган хизматлар учун бошка корхоналар билан узаро пулли ҳисоб-китоб муносабатларига қиришади. Ҳисоб-китоблар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш, хизмат қурсатиш шартномалари бўйича бажарилган маж-буриятлар учун кейин ҳақ тулаш ёки олдиндан тулаш тарзида амалга оширилади. Ҳақ хужалигидаги ҳисоб-китоблар шакллари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Унинг белгилашича, мулкнинг барча шаклидаги корхоналарнинг уз мажбуриятлари бўйича бошка корхоналар билан ҳисоб-китоблари, шунингдек, товар-моддий бойликлар учун жисмоний ва юридик

шахслар уртасидаги ҳисоб-китоблар, одатда, банк муассасалари орқали нақд пулсиз тартибда амалга оширилиши лозим.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан була-Диган ҳисоб-китобларни ҳисобга олишда 6010—«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга туладиган счётлар» ҳисобварагидан фойдаланилади.

Ҳисобдор шахслар билан буладиган муомалалар ҳисоби

Корхона уз амалий фаолиятида ҳар доим ҳам бево-сита уз кассасвдан ёки уз ҳисоб-китоб варагидан ҳисоб-китобларни амалга ошира олмайди. Бундай ҳолларда мансабдор шахсларга ҳисобдорлик асосида бунақлар нақд пулларда берилади, улар туловларни амалга оши-радилар.

Нақд пуллар корхонанинг хизмат сафарларига, му-омалалар ва хужалик харажатларига ҳисобдорлик асосида берилади. Нақд пуллар хизмат сафарлари учун бунақлар тарзида купрок берилади.

Корхона раҳбарининг фармойиши билан ходимлар-нинг доимий иш жойидан ташқарида топшириқларни бажариш учун маълум муддатга қиладиган сафари хизмат сафари ҳисобланади. Хизмат сафари раҳбарнинг буйруғи билан расмийлаштирилади, унда ходим хизмат сафарига борадиган жойнинг номи, хизмат сафарининг муддати, мақсадлари ва давомийлиги кўрсатилади.

Хизмат сафарига борадиган ходимга корхона раҳбари имзолаган, муҳр босилган сафар гувоҳномаси берилади. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатларга шу мақсад учун белгиланган сумма миқдорида нақд пул берилади.

Ҳисоб бериш шарти билан олинган пулни у қандай мақсадга берилган бўлса, уша мақсад учун сарфлашга руҳсат этилади, уни бир шахсдан бошқа шахсга утқа-зиш тақиқланади. Ҳисобдор шахс илгари унга берилган бунақ юзасидан тулик ҳисоб-китоб берганидан ке-йингина унга янги бунақлар берилади.

Ходим хизмат сафаридан қайтганидан сунг, 3 кун ичида бухгалтерияга раҳбар томонидан тасдиқланган хизмат сафари туғрисидаги ёзма ҳисоботни ва хизмат сафарида сарфланган пул ҳақидаги бунақ ҳисоботини тақдим этишга мажбур.

Бунақ ҳисоботига хизмат сафарига жунаб кетиш, тайинланган жойга етиб келиш, у ердан жунаб кетиш ва иш жойига етиб келиш саналари қайд қилинган хизмат сафари гувоҳномаси, ижарага уй олганлик ва ҳақиқий йул харажатлари туғрисидаги хужжатлар илова қилинади.

Хизмат сафарига юборилган ходимга йул, ижарага уй олиш харажатлари туланади ва сафардаги кунлик пул берилади. Йул ҳақи қиймати чипталар билан тасдиқланиши лозим.

Ижарага уй олиш харажатлари меҳмонхоналарнинг ҳисобварақлари, корхоналарнинг қирим ордери ва ҳсжа-золар билан тасдиқланган ҳақиқий харажатлар миқдо ри, бундай хужжатлар бўлмаганда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган миқдорларда сафардаги кунлик пул туланади.

Хизмат сафари буйича ходимларга берилган бунакларни хисобга олиш ҳамда бошқа хисобдорликларни хисобга олиш учун куйидаги хисобварақлардан фойдаланилади:

4210—"Мехнатга ҳақ тулаш буйича берилган бунаклар";

4220—"Хизмат сафари учун берилган бунаклар";

4230—"Умумхужалик харажатлари учун берилган бунаклар";

4290—"Ходимларга берилган бошқа бунаклар".

Агар маблағлар корхонага берилган кредит хисобига бевосита банк томонидан ходимга берилса, у ҳолда куйидагича проводка берилади:

Д-т 4720—«Берилган қарзлар буйича ходимларнинг қарзлари»;

К-т 6810—"Қиска муддатли кредитлар";

К-т 7810—«Узоқ муддатли кредитлар».

Қарздор ходимлардан туловлар қабул қилишганда куйидагича ёзув қилинади:

Д-т 5010—«Миллий валютадаги пул маблағлари»;

Д-т 5110—«Хисоб-китоб счёти»;

Д-т 6710—«Мехнатга ҳақ тулаш буйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»;

К-т 4720—«Берилган қарзлар буйича ходимларнинг қарзлари».

Банк кредитларини сундириш пайтида:

Д-т 6810—«Қиска муддатли кредитлар»;

Д-т 7810—«Узоқ муддатли кредитлар»;

К-т 5110—«Хисоб-китоб счёти».

4730—«Моддий зарарни қоплаш буйича ходимлар-нинг қарзлари» ҳисобварағида корхона ходими томонидан пул ва товар-моддий бойликларнинг қамомати ва талон-тароғ қилиниши, яроқсиз маҳсулот натижасида юзага келган моддий зарарни қоплаш буйича, шунингдек, зарарнинг бошқа турларини қоплаш буйи-ча ҳисоблашишлар ҳисобга олинади.

Айбдор шахслардан олинган суммалар 2610—«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар», материаллар, товарлар ва бошқа бойликларни ҳисобга олувчи ҳисоб-варақларнинг кредитадан 4730—«Моддий зарарни қоплаш буйича ходимларнинг қарзлари» ҳисобварагининг дебетига олиб борилади.

4730—«Моддий зарарни қоплаш буйича ходимларнинг қарзлари» ҳисобварагининг кредити буйича ёзувлар, туланган туловлар суммасига — пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан, моддий зарарни қоплаш учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолинган суммаларга — 6710—«Мехнатга ҳақ тулаш буйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда амалга оширилади.

4790—«Ходимларнинг бошқа қарзлари» ҳисобварағида юқорида қайд қилинган қарзлардан бошқа вужудга келган қарзлар юзасидан ҳисоблашишларнинг ҳисоби корхонанинг қар бир ходими буйича юритилади.

Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

Хар хил ташкилот ва шахслар билан узаро ҳисоб-китоб муносабатларида корхонада тугалланмаган ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзага келади.

Дебитор — муайян корхонадан пул қарзи бўлган корхона, ташкилот ёки шахс. Товарлар юклаб жуна-тилган, ишлар бажарилган, хизматлар қурсатилган кундан бошлаб 90 кун мобайнида, етказиб берилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ҳамда қурсатилган хизматлар учун маблағ келиб тушмаган вақтда дебиторлик қарзи муддати утказиб юборилган ҳисобланади.

Кредитор бу шундай корхона, ташкилот ёки шахси, унинг олдида бошқа корхоналарнинг ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятлари бўлади. Турли дебитор ва кредитор қарзлар қуйидаги ҳолларда юзага келади:

Бундан ташқари, турли дебиторлар таркибида молиявий ва оператив лизинглар бўйича олинадиган туловлар, олинадиган фоизлар ва дивидендлар, роялти (**роялти** — бу сотувчига лицензия шартномасида белгиланган маълум нарсани ишлатиш ҳуқуқи учун даврий туловлар) ва гонорар (**роялти** (**роялти** — бажарилган иш, қурсатилган хизматлар бўйича мукофот ва рағбатлантиришлар) бўйича олинадиган счётлар ва бошқа шахсларнинг қарзлари (жорий қисми) ҳисобга олинади. Бу муомалаларнинг ҳисоби 4800—«Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби» бўйича очилган (4810, 4820, 4840 ва 4890) ҳисобварақларда акс эттирилади.

4.7. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Корхоналар уз маблағлари етарли бўлмаганида банкдан кредит маблағлари ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслардан қарз маблағлари олишлари мумкин.

Кредит — бу вақтинча буш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тулаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йигиндисидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳужалик юритувчи субъектларга кредит бериш тижорат банклари томонидан «Банклар ва банк фаолияти тугрисидаги» Қонун асосида ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Банklar Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тугрисида»ги Қонунига асосан, уз капитал ва мустақил балансига, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақют ҳужалик юритувчи субъектларга уларнинг мулкчилик шаклларида катъий назар, шартнома асосида қисқа муддатли кредит берилади. Кредит миқдорнинг ҳисоб-китоб счёти жойлашган банкдан берилади. Бошқа банklarнинг миқдорларига кредит берилишига йул қуйилмайди. Зарар қуриб ишлайдиган, ноликвид балансга эга бўлган ҳужалик юритувчи субъектларга кредит берилмайди. Илгари берилган ссудалар эса белгиланган тартибда муддатидан илгари ундириб олинади. Кредит ресурсларидан узок муддатли молиявий нобарқарорлик, ҳужасизлик ва за-рарларни қоплаш учун фойдаланишга йул қуйилмайди.

Ҳозирги кунда корхоналарда банк кредитларини ҳисобга олувчи иккита ҳисобварағи мавжуд.

6810—"Киска муддатли кредитлар" хисобвараги.

7810—"Узок муддатли кредитлар" хисобвараги.

Киска муддатли банк кредитлари буйича куйидагича бухгалтерия икки ёклама ёзуви амалга оширилади:

	Муомала мазмуни	Хисобварақлар квтррес-	
		Д-т	К-т
1.	Киска муддатли банк кредити хисобидан олинган товар ва материаллар омборга кириш килинди. Счёт-фактуралар, товар транспорт накладной, тулов топширикномаси, банк кучирмаси асосида ёзилади.	1010	6810
2..	Киска муддатли банк кредитлари пул маблаглари таркибига қабул килинади (банк кучирмаси, тулов топширикномаси асос бўлади)	5110	6810
3.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар бажарган. иши, хизмати ва етказиб берилган махсулот киймати киска муддатли кредит хисобидан туланиди (счёт-фактура, товар транспорт накладной, тулов топширикномаси, банк кучирмаси).	6010 6020	6810
4.	Киска муддатли банк кредити хисобидан банктан вексель олиналиди (кредит шартномаси асосида).	5610	6830
5.	Валюта муомалаларидаги валюта курсларининг фаркидан курилган зарар киска муддатли банк кредити хисобидан копланалиди (кредит шартномаси, тулов топширикномаси)	9620	6810
6.	Узок муддатга олинган банк кредити киска муддатли кредит хисобидан туланиди (кредит шартномаси, тулов топширикномаси ва банк кучирмаси асосида).	7810	6810
7.	Киска муддатли банк кредити туланиди (тулов топширикномаси ва банк кучирмаси асосида)	6810	5110 5210
8.	Валюта курсдан туплаган фойда хисобидан киска муддатли банк кредити туланиди (тулов шартномаси, кредит шартномаси).	6810	9540

Узок муддатли банк кредитлари буйича куйидагича бухгалтерия икки ёклама ёзуви амалга оширилади:

Муомала мазмуни	Хисобв арақД-т	Хисоб Варақ К-т
-----------------	-------------------	--------------------

	Капитал куйилмоар хисобвараги оркалн асосий воситалар корхонага узок муддатли кредитлар хисобидан кабул кшшнади (асосий во-ситаларни кабул килиш-топшириш далолатно-маси, счет фактураларй асосида)	0820 0110, 0190	7810
2.	Узок муддатли банк кредити пул маблаглари хисобваражарига кабул килинади (кредит шартномаси, тулов топширикномаси, банк кучирмаси асосида)	5110 5210 5510	7810
3.	Мол етказиб берувчи ва пудратчилар томондан курсатилган хизмат ва етказиб берилган махсулотлар учун булган карз узок муддатли кредит хисобидан туланади (счёт-факгура; товар-транспорт накладной, тулов топширикномаси)	6010	7810
4.	Узок муддатли кредит буйича фоиз суммаси харажатярга утказилди ва тулаш учун хисоблан-ди (кредит шартномаси асоскла)	6810	■7810
5.	Пул маблаглари х.исобидан узок муддатли банк кредит буйича карз туланади (кредит шартнома-си, тулов топширикномаси, банк	7810	5110 5210 5220
6.	Валюта курсидаги фаркдан курилган фойда хисобидан узок муддатли крсдит туланади (кре-дит шартномаси, тулов топширикномаси)	7810	954 0
7.	Валюта курсидаги фаркцан курилган зарар узок муддатли банк кредит хисобидан копланди.	9620	781 0

Назорат саволлари

- 1.Накд пулсиз хисоб-китоблар деганда нимани тушунаси?
- 2.Накд пулсиз хисоб-китобларнинг кандай турлари мавжуд?
- 3.Пул маблаглари харакатининг хисоби кайси хужжатларда расмийлаштирилади?
- 4.Касса муомалаларини хисобга олиш хусусиятлари нималардан иборат?
- 5.Хисоб-китоб счёти буйича муомалалар хисоби кандай юритилади?
- 6.Банкларда очилган махсус хисобваражларда бажариладиган пул муомалаларининг хисоби кандай ташкил килинади?
- 7.Валюта муомалалари хисобининг хусусиятлари нималардан иборат?
- 8.Пул маблаглари ва киска муддатли молиявий инвестициялар инвентаризацияси кайси муддатларда утказилади?
- 9.Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисобкитобларни юритиш тартиби хакида нималарни биласиз?
- 10.Хисобдор шахслар билан буладиган муомалалар хисоби кандай ташкил килинади?
- 11.Ходимлар билан бошка муомалалар деганда нимани тушунаси?
- 12.Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар хисобининг хусусиятлари нималардан иборат?
- 13.Кредит деганда нимани тушунаси, унинг кандай турлари мавжуд?
- 14.Банк кредитлари буйича хисоб-китоблар хисоби кандай ташкил килинади?

5-Мавзу:Асосий воситалар ва номоддий активларни хисобга олиш.

Режа:

- 5.1. Асосий воситалар хисобининг ахамияти ва вазифалари.
- 5.2. Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш.
- 5.3. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатлаштириш.
- 5.4. Асосий воситалар киримини ҳисобга олиш.
- 5.5. Асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ҳисоби.
- 5.6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш.
- 5.7. Асосий воситалар таъмирини ҳисобга олиш.
- 5.8. Лизинг муомалаларини бухгалтерияда ҳисобга олиш.
- 5.9. Номоддий активлар ҳисоби.

Адабиётлар :1,3,4,9,13,16,19, 22,24,25.

Таянч суз ва иборалар:

Инвентар карточкалари, асосий воситалар амортизацияси (эскириши), асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш, асосий воситалар таъмири, лизинг муомалалари, молиявий лизинг, оператив (жорий) лизинг, кичик лизинг, урта лизинг, йирик лизинг битимлари, номоддий активлар: патентлар, лицензиялар, аклий мулк ва савдо маркалари, танҳо ҳуқуқлар, муаллифлик ҳуқуқдари, лицензиялар, маркетинг ҳуқуқдари, импорт квоталари, ташкилий харажатлар (янги ҳужалик юритувчи субъектнинг барпо этиш харажатлари), ноу-хау, товар белгилари, саноат намуналари, дастурий таъминот, франшизалар, муаллифлик ҳуқуқлари, ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

5.1. Асосий воситалар ҳисобининг ахамияти ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молия-ҳужалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг урни нисбатда каттадир. Асосий воситалар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль уйнайди, чунки улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БХМАнинг 7-бандига асосан, асосий воситалар узок давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Корхоналарда асосий воситаларни ҳисобга олиш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- асосий воситаларнинг олинishi, жойи ўзгартирилишини тугри ва ўз вақтида акс эттириш;
- асосий воситаларни бошқа активлардан ажратилган ҳолда гуруҳларга бўлиб уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш;
- асосий воситаларни жорий ҳисобда ва бухгалтерия балансида тегишли андозаларга ва меъёрий ҳужжатларга асосан тугри ва ўз вақтида баҳолаш;

-уларни сотиб олинганидан кейин ҳисобдан чиқарилишига қадар турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва сақданишини, айрим ҳолларда уларнинг сақланиши учун маъсул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;

-асосий воситаларнинг эскиришини тугри ва уз вақтида ҳисоблаб чиқиш ҳамда уни ҳисобда тугри акс эттириш;

-таъмирлаш бўйича харажатларни аниқдаш ва бу мақсадлар учун ажратилган маблағларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;

-эскирган, ҳужалик учун ошқоча бўлган асосий воситаларни уз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;

-ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тугри ва уз вақтида аниқлаш.

5.2. Асосий воситаларни турқумлаш ва баҳолаш.

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига қура ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситаларидир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гу-руҳига уй-жой ҳамда коммунал-ҳужалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асо-сий воситалари киритилади.

Ишлаб чиқариш ва ҳужалик фаолиятида асосий воситалар объектлардан фойдаланиш даражасига қура қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- фойдаланилаётган;

-захирада турган;

- бузук ёки ишлатиш ҳолатида бўлмаган асосий воситалар.

Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган воситаларни алмаштириш, кераксиз асосий воситаларни бошқа корхонага бериш ёки сотиш тугрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг эскиришини тугри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур.

-Ерни ободонлаштириш бўйича капитал сарфлар таркибига ернинг унумдорлигини ошириш, автомобиль ва бошқа транспорт турларига тухташ жойларини барпо этиш ҳамда шунга ухшаш бошқа харажатлар қиради.

- *Иморатлар* ҳамда биноларга ишлаб чиқариш корпуслари, цехлар, устахоналар, бошқарма бинолари, омборхоналар, турар-жой бинолари ва бошқа ишлаб чиқариш, маъмурий-ҳужалик ва ижтимоий-маиший мақсадлардаги объектлар, шунингдек улардан тугри фойдаланиш учун зарур бўлган жами коммуникация воситалари (иситиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизими, ички телефон ва сиёнализация воситалари, лифт ҳужалиги) қиради.

Иншоотларга меҳнат жараёни ва унинг натижаларини узгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларининг техникавий ёки умумий вазифаларини бажаришга хизмат қиладиган объектлар (нефть ва газ қудуқлари, шахта йуллари, автомобиль йуллари, куприклар, сув омборлари ва бошқалар) қиради.

Узатувчи мосламаларга машина-двигателдан иш машиналарига электр, иссиқлик, механик энергияни узатишга, шунингдек суюқ ва газсимон моддаларни бир объектдан бошқа объектга етказиб беришга хизмат киладиган қурилмалар (электр узатиш йуллари, қувур йулла-ри, иссиқлик ва газ тармоғи ҳамда бошқалар) қиради.

Машина ва жихозлар асосий воситаларнинг энг асосий тури ҳисобланади ва уз навбатида қуйидаги гуруҳлардан таркиб топади:

- куч машина ва жихозлари электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган ёки уни механик ҳаракат энергиясига айлантириб берадиган генератор машиналар, двигатель машиналар (қозонхоналар, буг двигателлари, турбиналар, куч трансформаторлари ва бошқалар)дир;
- иш машиналари ва жихозлари меҳнат предметларига механик, термик, Кимевий ёки бошқа йусинда технологик ишлов беришга, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қузғатиш, қазиб олиш, эритиш, тайёрлашга хизмат қиладиган қурилмалар (станоклар, аппаратлар, агрегатлар)дир;
- улчов ва ростлаш асбоблари ҳамда қурилмалари ва лаборатория жихозлари фойдаланиладиган техника ишидаги турли параметр (курсаткич)ларни улчаш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, ҳом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар сифатини текшириш, намлиқ даражаси, шовкин таъсири ва бошқаларни улчашда ишлатилади. Уларга манометрлар, тарозилар, микроскоплар, диспетчерлик назорати ва бошқалар қиради;
- ҳисоблаш техникаси маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналарида қайта ишлайдиган воситалардир. Уларга компьютерлар, принтерлар ва бошқа компьютер воситалари қиради;
- бошқа машина ва жихозларга юқорида санаб утилмаган машина ва жихозлар (ут учуриш ва бошқа маҳсус машиналар) қиради.

Транспорт воситалари қишлоқ ҳамда юк ва турли мақсадлардаги нарсаларни ташишга мулжалланган ҳара-кат воситалари (темир йул, сув, автомобиль, коммунал транспорти ва муҳим нефть қувур йуллари)дир.

Асбоб ва усқуналар қул меҳнати жараёнида ишла тиладиган ёки иш қисмларини қучайтириш, ошириш учун машинага бириктириладиган воситалар (электродреллар, вибраторлар)дир.

Ишлаб чиқариш инвентарлари ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштиришда ишлатилади. Уларнинг тар-қибига бак, контейнер, инвентарь идишлари қиради.

Хужалик инвентари идора (офис) ишларини ва хужалиқни юритишда зарур бўлган меҳнат воситаларидир.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор қорва ҳар бир етилган мол (от, ҳуқиз, сугир)лар бўлиб, алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобда акс этгирилади.

Қуп йиллик дарахтлар алоҳида ҳиёбон, парк, богдаги микдори ва ёшидан қатъий назар эқилган дарахтлар гуруҳидир.

Бошқа асосий воситаларга қутубхона воситалари, ижарага олинган асосий воситалар, консервациядаги асосий воситалар ва бошқалар қиради.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БХМАга биноан асосий воситалар куйидаги баҳоларда баҳоланади:

- Дастлабки киймат;
- Сотиш киймати;
- Тугатиш киймати;
- Колдик киймати;
- Урнини коплаш киймати.

Кайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс киймати купайган холда ушбу купайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада 8510— «Активларни кайта баҳолаш буйича тузатишлар» ҳисоб-варагининг кредитида акс эттирилиши лозим. Кайта баҳрлаш натижасида асосий воситанинг баланс киймати камайган булса, бу камайиш аввалги баҳодан оша-диган суммада харажат сифатида тан олинади.

5.3. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатлаштириш.

Корхонанинг асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

АВ-1 шакли. Асосий воситаларни қабул-топшириш далолатномаси. Далолатнома ҳар бир объект учун ёзи-либ, бухгалтерияга берилади ва асосий воситани ҳисобга олиш инвентар карточкаларига ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

АВ-2 шакли. Таъмир қилинган, тикланган ва такомиллаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси.

АВ-3 шакли. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тугрисида далолатнома.

АВ-4 шакли. Автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси.

АВ-6 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси. Асосий воситаларни қабул-топши-риш далолатномалари ва ушбу объект техник ҳужжатлари асосида ҳар бир объектга инвентар карточкаси очилади.

АВ-7 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш буйи-ча инвентар карточкалари руйхати.

АВ-8 шакли. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси. Туркум гуруҳлари буйича асосий во-ситалар ҳаракатини ҳисобга олиш учун қулланилади. Карточка маълумотлари асосида асосий воситалар ҳаракати ҳақидаги ҳисобот тулғазилади.

АВ-9 шакли. Асосий воситалар инвентар руйхати. Асосий воситалар корхонага келиб тушганда раҳбар тайинлаган комиссия ҳар бир объект буйича алоҳдда қабул қилиш-топшириш далолатномаси (юкхат)ни рас-мийлаштириши лозим (АВ-1 шакли).

Далолатномада объект тавсифи, турган жойи, сотиб олинган манбаи, чиқарилган еки қурилган йили, ишга туширилган сана, объектнинг синов натижалари, унинг техник шартларга мувофиқдиги ва бошқалар курсатилиши лозим.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш умумий далолатномаси билан бир турдаги ва нархи бир хил хужалик инвентарлари, асбоблар, станоклар олинганлигини расмийлаштириш мумкин. Қабул қилиш-топшириш далолатномасига паспортлар, ишлатиш тарти-би, йурикномалар илова қилинади.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси илова хужжатлар билан бирга корхона бухгалтериясига топширилади. Бухгалтерия далолатнома асосида белгиланган намунадаги инвентар варакаси очади (АВ-6 шакли). Бу варакада объект ҳақидаги барча маълумотлар қайд этилади (дастлабки ёки тикланиш қиймати, амортизация ажратмалари меъёри, қирим қилинган пайтдаги эскириш даражаси). Сунгра инвентар варакалари асосий воситаларнинг тасниф гуруҳла-ри бўйича махсус руйхат тузилади (АВ-7 шакли).

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варакаси (АВ-8 шакли) жорий йил учун январь ойи боши-да очилади. Варакада дастлаб асосий воситаларнинг борлиги, турлари бўйича маълумот 1 январь ҳолатига курсатилади, сунгра ҳар ойда ой давомидаги оборотлар ёзувидан кейин кейинги ойнинг 1 қунидаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг мавжудлиги қайд этилади. Шу маълумотлар асосида асосий воситалар ҳаракатининг оборот руйхати (қайднома) тузилади. Унинг яқунлари асосий дафтардаги яқунлар билан солиштирилиб чиқилади ва шу асосда корхонанинг асосий воситалари мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳаракати тугрисида ҳисобот тузилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши АВ-1 ва АВ-3 шаклларидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Бу шаклларда қиким қилинадиган объектларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси қайд этилади. Инвентар варакаси картотекадан олиниб, далолатно-мага илова қилинади. Асосий воситаларнинг турган урни бўйича инвентар руйхатида тегишли қайдлар қилинади.

5.4. Асосий воситалар қиримини ҳисобга олиш.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақпар очилган: 0110-«Ер»; 0111—«Ерни ободонлаштириш»; 0112—«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни узлаштириш»; 0120—«Бионолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»;

0130—«Машина ва жихозлар»; 0140—«Мебель ва офис жихозлари»;

0150—«Компьютер жихозлари ва ҳисоблаш техникаси»; 0160—«Транспорт воситалари»;

0170—«Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар»; 0180—«Қуп йиллик экинлар»;

0190—«Бошқа асосий воситалар»; 0199—«Консервация қилинган асосий воситалар».

Ушбу ҳисобварақлар актив бўлиб, уларнинг дебет томонидаги сальдо корхонада мавжуд асосий воситаларнинг дастлабки қийматини акс

эттиради. Асосий восита объектларининг купайиши хисобварақларнинг дебет томонида, камайиши эса кредит томонида акс эггирилади.

Асосий воситаларнинг кирим килиниши куйидаги куринишларда булади:

- Корхона томонидан яратилиши;
- Бошка корхоналардан сотиб олиш;
- Текинга олиш;
- Асосий воситаларни муассислар томонидан корхонанинг устав капиталига уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг хакини тулаш хисобига киритиш.

Асосий воситалар корхонага қабул килинаётганда махсус тузилган комиссия томонидан асосий воситаларни қабул килиш-топшириш далолатномасини тузиш билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномада асосий воситаларнинг дастлабки бахоси, эскириш суммаси, қабул килинаётган воситанинг қискача тавсифи, комиссия аъзоларининг исми-шарифи, моддий жавобгар шахс томонидан қабул килиниши курсатилади. Бунда ушбу далолатномага таърифловчи техник ва бошка хужжатлар илова килинади, далолатнома эса корхона рахбари томонидан тасдиқланади.

Асосий воситаларни қабул килиш-топшириш далолатномаси тасдиқлангандан сунг корхона бухгалтерия-сига берилади, шу далолатнома асосида ҳар бир объектга инвентарь варақаси очилади.

Тегишли шартномалар асосида корхона мутахассис-лари ва четдан жалб этилган мутахассислар кучи билан барпо этилган асосий воситалар объектлари 0810-«Тугалланмаган курилиш» хисобварақининг кредити билан корреспонденцияда 0110—0190-хисобварақлар дебети буйича хақиқий таннарихга қараб асосий воситалар сифатида кирим килинадк.

Усиб боровчи якун билан хисобланган харажатлар курилиш давомида 0810—«Тугалланмаган курилиш» хисобварақида акс эттирилади. Курилиш тугаллангунига қадар бино 0120—«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» хисобварақида хисобга олинмайди, чунки. у ҳали фойдаланишга топширилмаган. Курилиш тугалланганидан кейин ва фойдаланишга топширилганида 0810-хисобварақда жамланган барча харажатлар суммаси 0120—«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» хисобварақига утказилади ҳамда кейинги ойдан бошлаб ундан амортизация хисобла-ниши лозим.

Бошка корхона ва шахслардан сотиб олинган асосий воситаларни 0820—«Асосий воситаларни сотиб олиш», 0840—«Асосий подани шакллантириш», 0890—«Бошка капитал қуйилмалар» хисобварақларининг кредити билан корреспонденцияда 0110—0190-хисобварақлар дебети буйича кирим килинади.

Фойдаланишга қабул килинган асосий воситалар буйича ККС уларнинг дастлабки қийматини қупайтиради ҳамда эскириш қийматини оширган ҳолда, корхона харажатларига секин-аста утказилади.

Бошка корхона ёки жисмоний шахслардан текинга, шунингдек, ҳукумат органларининг субсидияси сифатида олинган асосий воситалар 8530—«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобвараги билан корреспонденцияда 0110—0190-ҳисобварақлар дебети бўйича қирим қилин-ган санада эксперт йули билан, бозор қиймати бўйича белгиланган баҳода акс эттирилади.

Таъсисчилар устав капиталига улуш сифатида қиритган еки акциялар ҳақини тулаш ҳисобига берган асосий воситаларни қирим қилиш 4610—«Муассислар-нинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзлари» ҳисоб-вараги қредити ҳамда 0110—0190-ҳисобварақлар дебе-тида акс эттирилади.

5.5. Асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ҳисоби

Амортизация асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация қийматини мунтазам равишда тақсимлаш ва қучириш қуринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир. Асосий воситанинг амортизация қиймати тахмин қилинаётган тугатилиш қийматини қикариб ташлаган ҳолда активнинг дастлабки қиймати еки молиявий ҳисоботларда қурсатилган қиймат урнини босадиган бошка қийматнинг суммасидир.

Асосий воситанинг эскириши билан амортизация уртасида мустанкам

Асосий воситалар гуруҳлари	Амортиз ация
----------------------------	--------------

алоқа бор. Бирок улар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш асосий воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник ишлаб қикариш ҳоссаларини аста-секин йукотиш қараенини акс эттиради.

Амортизация анча мураккаб қараён бўлиб, истёмоқ қилинган асосий воситалар қийматини уларнинг эскиришига мувофик равишда маҳсулот таннарҳига, давр қаражатларига утқизиш, истёмоқ қштинган асосий воситаларнинг урнини қоплаш мақсадида пул фондини қамқариш қараёнини акс эттиради. Демак, эскириш амортизациянинг дастлабки шарт-шароитидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 23-моддасига биноан асосий воситаларнинг амортизация нормалари қуйидагича белгиланган:

1. Енгил автомобиллар, такси, йулларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, маҳсус асбоб-ускуна, инвентарь ва қижрзлар, компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20 фоиз
2. Юқ автомобиллари, актобуслар, маҳсус автомобиллар ва автотирқамалар, саноатнинг барча тар-моқлари, металл қуйиш қорхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ ҳужалиқ машиналари ва ускуналар, офис учун мебель	15 фоиз

3. Темир йул, денгиз, дарг ва ҳаво транспорти воситалари, куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар: иссиқлик-техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизель генераторлар, электр узатиш ва алоқа қурилмалари, тру-бопроводлар	8 фоиз
4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5 фоиз
Бошқа гуруҳларга киритилган, амортизация қилинадиган активлар	10 фоиз

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда "Асосий воситалар" номли 5-сон БХМАга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига амал қилиш лозим.

Қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- Ер;
 - Маҳсулдор ҳайвонлар, бука ва ҳуқизлар;
 - Қутубхона фонди;
 - Бюджет ташкилотлари, шу жумладан, илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технологик ташкилотларнинг воситалари;
 - Белгиланган тартибда консервацияга утқазилган асосий воситалар;
 - Тулик амортизацияланган асосий воситалар.
- Ўзқ муддатли ижара ҳолларида юқарига олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ижарага олувчи утқази. Қиска муддатли ижарада амортизация ажратмаларини ижарага берувчи ҳисоблайди.

Амортизацияланувчи қиймат мунтазам равишда асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун даврига тақсимланади. Амортизация турли ҳмл усулларни қуллаш йули билан амалга оширилади:

Тугри қизикли усул асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Қамайиб борувчи қолдиқ усули бўйича мунтазам ҳисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида қамаяди.

Бақарилган ишлар ҳажмига мутаносио равишда ҳисоблаб ёзиш усулига биноан амортизация миқдори қакат асосий восита қанча марта ишлатилишига ёқи қанча маҳсулот бирлиги ишлаб қикарилиши қутилаётганига боғлиқ бўлади.

Қумулятив усулда амортизация суммаси ҳисоблаш қоэффицентининг маҳражи бўлган объектнинг ҳизмат муддати йигиндисини билан аниқланади. Бу қоэффицентнинг суратида объектнинг ҳизмат муддати охи-ригача қоладиган йиллар сини тесқари тартибда қурсатилади.

5.6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизмат курсатиш ҳудуд ташкилотни бошқариш учун фойдаланилмаётган асосий воситалар объектларининг қиймати бухгалтерия балансидан ҳисобдан чиқарилиши керак.

Қуйидаги хужалик операциялари натижасида асосий воситалар объектларининг қиймати корхона активлари таркибидан чиқиб кетади:

- реализация қилинганида;
- бундан бўён фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига қура ҳисобдан чиқарилганида;
- чет корхона ва шахсларга бепул берилганида;
- бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида қушилганида;
- молиявий лизинг шартномасига қура топширилганида;
- камомад ёки йукотиш аниқланганида.

Асосий воситалар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки қиймати асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари кредитидан 9210—«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни четга сотишдан тушган тушум 9210—«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағи кредити бўйича 4890—«Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми» ва 0990—«Бошқа узок муддатли дебиторлик қарзлари» ҳисобварақлари дебити билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Асосий воситалар чиқиб кетганида улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси 0210—0290-ҳисобварақлари дебетидан 9210—«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Тулик амортизация қилинмаган асосий воситаларнинг реализация қилинишидан қурилган фойда (зарар) реализация қилинадиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати, ККС (факат ККС туловчилари учун) ҳамда сотиш харажатлари ва тушумларига тугрилган, ойнинг 1-санасига ҳисобланган эскириш уртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши натижасини акс эттириш қуйидагича бўлади:

К-т 9210—«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» — 90000 сум;

К-т 7230, 6230—«Муддати узайтирилган даромад» — 90000 сум.

- лизинг туловлари келиб тушганда:

Д-т 5110— «Ҳисоб-китоб счёти»;

К-т 4810—«Лизинг бўйича олинадиган жорий туловлар».

Бир вақтнинг узида молиявий фаолиятдан олинган даромаддан муддати узайтирилгани даромаднинг тегишли қис-мини ҳисобдан чиқариш бухгалтерияда қуйидагича акс этти-

рилади:

Д-т 6230—«Муддати узайтирилган даромад»;

К-т 9550—«Молиявий лизинг шартномасига кура мол-мулкни топширишдан олинган даромад».

5.7. Асосий воситалар таъмирини ҳисобга олиш

Асосий воситалар фойдаланиш жараёнида уларнинг физик хосса ва сифатлари йуқолиб боради. Уларни тиклаш учун корхона таъмирлаш ишларини утказиши мумкин.

Асосий воситалар таъмирининг икки тури мавжуд: 1. Капитал таъмир; 2. Жорий таъмир.

Бир йилдан ортиқ муддатда утказиладиган машина ва жихозлар таъмири капитал таъмир ҳисобланади. Бу таъмирда агрегатни қисмларга ажратиш, барча эскирган деталь қисмларни алмаштириш ёки тиклаш, йиғиш, созлаш ва синаш ишлари бажарилади.

Бино ва иншоотларни капитал таъмирлашда эскирган конструкция ва деталлар таъмирланадиган объектлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаётган янгилари ёки мустаҳкамроқ ва тежамлироқдари билан алмаштирилади.

Капитал таъмирда машина ва жихозлар узок муддатга тухтатиб қуйилиши мумкин.

Жорий таъмир бир йилдан кам муддат ичида утказилади ҳамда машина ва жихозларни узок муддатга тухтатиб қуйиш билан боғлиқ эмас.

Таъмир ишлари бошланишига қадар нуксонлар қайдномаси асосида тузиладиган сметаларга мувофиқ ҳар бир объект бўйича норматив харажатлар миқдори аниқланади. Сметада таъмирнинг барча турлари учун харажатлар аниқ бир жихоз турини таъмирлашнинг меҳнаттабалигини тавсифлайдиган мураккаблик бирлигига туғри келадиган нормативлар бўйича ёки уларнинг тури ҳамда режалаштирилган иш ҳажми бўйича харажатлар меъёрлари асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Корхона асосий воситаларини таъмирлаш пудрат ёки хужалик усулида бажарилиши мумкин.

Пудрат усулида бажарилганда корхона таъмирлаш -қурилиш ташкилоти билан пудрат шартномасини тузади.

Хужалик усулида эса таъмир уз қучи бўлган амалга оширилади.

Иккала усулда ҳам таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан қолланади. Бунинг учун эса корхонада махсус захира ташкил этилади. Захира Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги руҳсати билан ташкил этилади. Захира суммаси корхонанинг ўзи мустақил белгилайдиган норматив миқдорда ҳар ойда махсулот таннархига утказилиб боради. Норматив 5 йил муддатга қатъий белгиланган суммада ёки асосий воситаларнинг дастлабки қийматига нисбатан фоизларда ишлаб чиқилиши керак. Айбдор шахс топилмаганлиги сабабли давр харажатларига утқизилди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича қўвдор берилди:

-Бошланғич қийматни ҳисобдан қичариш:

Д-т 9210—«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чикиб кетиши» — 240000 сум;

К-т 0130—«Машина ва жихозлар» — 240000 сум.

-эскириш киймати хисобдан чиқарилди:

Д-т 0230—«Машина ва жихозлар эскириши» — 160000 сум;

К-т 9210— «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чикиб кетиши» — 160000 сум.

- камомад суммаси кимматликларнинг меъёрдан ортиқча табиий йуқолишидан қурилган талофатларни хисобга олиш хисобварағига утқазилди (240000—160000) 80000 сум;

Д-т 5910—«Камомадлар ва кимматликларни шикастлашдан талофатлар» — 80000 сум;

К-т 9210—«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чикиб кетиши» — 80000 сум.

- Агарда айбдор шахс аниқланмаса камомад суммаси давр харажатлари таркибида акс эттирилади — 80000 сум:

Д-т 9430—«Бошқа операцион харажатлар» — 80000 сум;

К-т 5910—"Камомадлар ва кимматликларни шикаст-лашдан талофатлар" — 80000 сум.

Агарда асосий воситалар камомади бўйича айбдор шахс аниқланса, камомад суммаси айбдор шахсдан ундирилади.

5.8.Лизинг муомалаларини бухгалтерияда хисобга олиш

Лизинг муомалаларининг бухгалтерия хисоби "Лизинг хисоби" номли 6-сон БХМАга асосан юритилади.

Молиявий лизинг қуйидаги шартларнинг бирортасига жавоб бериши лозим:

- лизинг муддати 12 ойдан ортиқ бўлиши керак;

- лизинг муддати активнинг хизмат муддатининг саксон фоизидан камни ташкил этмаслиги;

- лизинг олувчи активни қатъий белгиланган нархда ёки **лизинг** муддатидан сунг аниқланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

- лизинг муддати тугагач, лизинг активларининг қолдиқ киймати лизинг муддатининг дастлабки кийматига нисбатан йигирма фоиздан кам бўлса;

- лизинг давридаги лизинг туловлари суммаси лизинг активлари кийматидан туксон фоиздан ортиқ бўлса.

Оператив лизингнинг муддати мулкнинг хизмат қилиш муддатига нисбатан қисқа (бир йилдан кам) ва лизинг туловлари лизинг берувчишиг барча харажат-ларини қопламайди. Бунда ижарага берилган активнинг киймати ва мулкчилик ҳуқуқи ижарага берувчида қолади.

Оператив лизинг хисоби, Шартнома асосида асосий воситалар объекти қисқа муддатли ижарага берилгани-да ижарага берувчи олинadиган ижара хақи суммасини 4820—"Оператив лизинг бўйича олинadиган туловлар" хисобварағида хисобга олади. Бу хисобварақ актив бўлиб, унинг дебетида оператив лизинг бўйича ижара-чилардан олинadиган сумма, кредитида эса

пул маб-лаглари хисобга оладиган хисобварақлар билан уз-аро алоқадор ҳолда олинган ижара ҳақи суммаси акс эттирилади.

Киска муддатли ижарага беришдан даромад олинса, қуйидаш бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Д-т 4820—"Оператив лизинг бўйича олинадиган туловлар" хисобварағи;

К-т 9350—"Оператив лизинг бўйича олинган даромад" хисобварағи.

Ижара ҳақи суммаси хисоб-китоб счётига келиб тушганида хисобда қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

Д-т 5110—"Хисоб-китоб счёти";

К-т 4820—"Оператив лизинг бўйича олинадиган туловлар".

Асосий воситалар объектлари киска муддатли ижарага олувчи ижарага олинган объектнинг баланс қийматини балансдан ташқари 001—"Оператив лизинг бўйича олинган асосий воситалар" хисобварағига қирим қилади ва тулашга тегишли ижара ҳақи суммаси-ни ижарага олинган объектдан қаерда фойдаланили-шига қараб харажатларни хисобга олувчи тегишли хисобварақларни (2010, 2310, 2510, 94) дебетлаб, 6910—"Туланадиган оператив лизинг" хисобварағининг кредитига ёзилади. Ижара ҳақи суммаси туланганида қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 6910—"Туланадиган оператив лизинг";

К-т 5110—"Хисоб-китоб счёти".

Оператив лизинг бўйича ижара муддати тугагач, ижарага олинган объектнинг баланс қиймати баланс-дан ташқари 001—"Оператив лизинг бўйича олинган асосий воситалар" хисобварағидан чиқим қилинади. • **Молиявий лизинг хисоби.** Молиявий лизинг объект-ларни бир йилдан ортиқ муддатга, қелгусида сотиб олиш ёки қайтариб бериш шарти билан фойдаланишга беришни қузда тутди. Молиявий лизингнинг моҳияти қулқни қулиб-қулиб тулаш асосида сотиб олишни ифо-қалайди ва товар қредити шаклига эга қулади. Қунга лизинг муддати давомида лизинг қерувчининг қарча харажатларини тулик қоплашга етарли қулган ва унга фойда қелтиришни таъминлайдиган лизинг туловлари йигиндисини қузда тутган шартномалар қиради.

Лизинг тулови лизинг объектлари қийматини, қулқни қугурталаш харажатларини ва қредит учун лизинг (фоиз) ставкасини уз ичига қиритган суммани ташқил этади. Лизинг олувчи лизинг қулқини актив тарқибда хисобга олади, лизинг бўйича қарзлар эса маж-қуриятлар деб хисобланади.

Лизинг қерувчи қомпанияда лизинг қуомалаларини хисобга олиш. Бозор иқтисодиёти шароитида лизинг қуносабатларини қарор топтиришда лизинг қомпанияларининг урни ниҳоятда қаттадир. Лизинг қомпаниялари лизинг қулқини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 0800—"Қапитал қуйилмалар" хисобварағида акс эттиради. Лизинг қулқини сотиб олиш лизинг қомпаниясининг уз маблаглари ва қарзга олинган маблагларни хисобидан амалга оширилади.

Лизинг қомпаниясининг бухгалтериясида лизинг қуомалалари қуйидагича акс эттирилади:

- лизинг компанияси лизинг мулкани сотиб олди:

Д-т 08—хисобварақнинг тегишли хисобварағи;

К-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга туланадиган счётлар".

- сотиб олинган асосий воситалар қиймати туланди:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга туланадиган счётлар";

К-т 5110—"Хисоб-қитоб счёти".

- лизинг объекти асосий воситалар тарқибига қиритилди:

Д-т 01—хисобварақнинг тегишли хисобварағи;

К-т 08—хисобварақнинг тегишли хисобварағи.

Лизинг муомалаларини амалга оширишда лизинг берувчи компанияда қуйидаги операциялар амалга оширилади:

- молиявий лизинг бўйича асосий воситалар объекти ижарага берилганида шартнома қийматига қуйидагича қувводқа бериледи:

а) лизинг суммасининг жорий йилда олинадиган қисмига:

Д-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий туловлар";

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача қикиб қетиши";

б) ижара муддатининг қелгуси йилларида олинадиган қисмига:

Д-т 0920—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган туловлар";

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бош-қача қикиб қетиши".

Молиявий лизинг бўйича ижарага берилган объектнинг баланс қиймати хисобдан қикарилганида қуйидагича қувводқа бериледи:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бош-қача қикиб қетиши";

К-т 01—Асосий воситаларни хисобга олувчи тегишли хисобварақлар.

ҚҚС хисобланганида қуйидагича қувводқа бериледи:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бош-қача қикиб қетиши";

К-т 6410—"Бюджетга туловлар бўйича қарзлар".

Ижара ҳақи олинганида қуйидагича қувводқа бе-рилади:

Д-т 5110—"Хисоб-қитоб счёти";

К-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олина-диган жорий туловлар".

Лизинг берувчи ҳар йилнинг бошида жорий йил бўйича олинадиган лизинг туловлари суммасига қуйидагича қувводқа беради:

- олинадиган ижара ҳақи суммасига:

Д-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий туловлар";

К-т 0920—"Молияланадиган лизинг бўйича олина-диган туловлар";

- жорий йилда даромадга утқазиладиган қисмига:

Д-т 7290—"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар";

К-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми;

Ижара ҳақи олинганида қуйидагича езув қилинади:

Д-т 5110—"Хисоб-қитоб счёти";

К-т 4810—" Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий туловлар".

Молиявий лизинг буйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган киймати ва унинг баланс киймати орасидаги фарк сумманинг жорий кисмига куйидагича проводка берилади:

Д-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий кисми;

К-т 9550—"Молияланадиган лизинг буйича даромадлар".

Молиявий лизинг шартномасига кура лизинг олув-чилар ижарага олинган мулкнинг кийматидан 15% микдорида уз маблаглари хисобидан бунак тулашлари мумкин. Лизинг берувчининг балансида олинган бунак суммасига куйидагича проводка берилади:

Д-т 5110—"Хисоб-китоб счёти";

К-т 6390—"Бошка олинган бунаклар".

Бунак суммаси туланадиган ижара хаки суммаси-дан ушлаб колинса куйидагича проводка берилади:

Д-т 6390—"Бошка олинган бунаклар";

К-т 4810—"Молияланадиган лизинг буйича олинадиган жорий туловлар".

Лизинг олувчи балансида лизинг муомалаларини хисобга олиш.

Лизинг олувчи корхонада лизинг муомалаларини хисобга олиш тартиби билан юкорида кел-тирилган мисол оркали танишиб чиқамиз:

- транспорт воситасининг шартнома бахосидан 15% — 240000 сум бунак утказиб берилди:

Д-т 4310—"ТМКдар учун мол етказиб берувчилар ва ётудратчиларга берилган бунаклар" — 240000 сум; К-т 5110—"Хисоб-китоб счёти" - 240000 сум;

Д-т 0310—"Молияланадиган лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситалар" — 1600000 сум;

К-т 7910—"Туланадиган молиявий лизинг"нинг узок муддатли кисми — 1600000 сум;

- йил бошида жорий йилда туланадиган лизинг туловлари суммасига — 320000 сум:

Д-т 7910—"Туланадиган молиявий лизинг"нинг узок муддатли кисми — 320000 сум;

К-т 6910—"Туланадиган лизинг"нинг жорий кисми — 320000 сум;

- лизинг шартномаси буйича олинган транспорт воситасининг биринчи йилги асосий туланмаси суммасидан олдин берилган 240000 сум бунак суммаси ушланиб, колган 80000 сум хисоб-китоб счётидан утказиб берилди:

Д-т 6910—"Туланадиган лизинг"нинг жорий кисми — 320000 сум;

К-т 4310—"ТМКдар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунаклар" — 240000 сум;

К-т 5110—"Хисоб-китоб счёти" - 80000 сум;

- транспорт воситасининг шартнома кийматидан биринчи йили туланадиган фоиз хисобланди — 80000 сум:

Д-т 9610—"Фоизлар куринишидаги харажатлар" — 80000 сум;

К-т 6920—"Туланадиган фоизлар" — 80000 сум;

- хисобланган фоиз суммаси хисоб-китоб счётидан утказиб берилди — 80000 сум;

Д-т 6920—"Туланадиган фоизлар" — 80000 сум; К-т 5110-"Хисоб-китоб счёти" - 80000 сум;

Лизинг объектлари сотувчи корхонадаги бухгалтерия хисоби. Лизинг объектлари сотувчи корхона лизинг компанияси билан олиб бориладиган хисоб-китобни кулай-йидагича расмийлаштиради:

- лизинг компаниясидан жунатиладиган лизинг объектлари кийматидан бунак олинди — 270000 сум;

Д-т 5110—"Хисоб-китоб счёти" - 270000 сум; К-т 6310—"Харидор ва буюртмачилардан олинган бунаклар" — 270000 сум;

- лизинг объекти лизинг компаниясига жунатилганида:

а) шартнома бахоси — 900000 сум;

б) ККС - 100000 сум;

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар" — 1000000 сум;

К-т 9010—"Махсулот сотишдан олинган даромадлар" - 900000 сум;

К-т 6410—"Бюджетга туловлар буйича қарздорлик" - 100000 сум;

- лизинг компаниясидан юборилган лизинг объектлари учун пул келиб тушганида — 730000 сум;

Д-т 5110-"Хисоб-китоб счёти"- 730000 сум; К-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар" — 730000 сум;

- бюджетга ККС суммаси утказиб берилганида — 100000 сум;

Д-т 6410—"Бюджетга туловлар буйича қарздорлик" - 100000 сум;

К-т 5110-"Хисоб-китоб счёти" — 100000 сум;

- олинган олинган бунак суммаси қопланганда — 270000 сум;

Д-т 6310—"Харидор ва буюртмачилардан олинган бунаклар" — 270000 сум;

К-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар" — 270000 сум.

сугурта тулови (агар лизинг объекти сугурта қилинса); бошқа харажатлар.

Лизинг туловлари лизинг олувчи томонидан ишлаб чиқарилган махсулот (иш, хизмат) лар таннархига қиритилади, чунки лизинг шартномасини шаклан ижара шартномасининг бир тури деб ҳисоблаш мумкин.

5.9.Номоддий активлар хисоби.

Ўзбекистон Республикасининг негизида мулкнинг давлат шакли бўлган режали иктисодиётдан ҳужалик юритишнинг бозор моделига ўтиш жараёнида янги мулк шакллари, жумладан хусусий мулкнинг пайдо бўлиши сабабли бухгалтерия хисоби тизимида ҳам туб ўзгаришлар қддиш зарурияти тутилди.

Хисобнинг ҳар бир бўлими ва аналитик услубларнинг қупчилиги амалда назарий, услубий ёндошишни ва асослашни талаб қилади. Бозор

иктисодига утиш билан хисобда юзага келган муаммоларни ечиш йуллари хамда фойдаланиладиган тушунчаларнинг доираси кенгайди. Лекин бухгалтерия хисобининг назарий асос-лари, уларнинг мохияти ва мақсади узгармасдан қолди. Молиявий хисоботларнинг элементлари бўлган актив ва пасивларнинг янги қуринишлари, уларни баҳолаш услублари, молиявий натижаларни хисоб-китоб қилиш ва харажатларни хисобга олиш йуллари, ахборотларни туркумларга ажратувчи хисобварақлар режасининг янги қуриниши уз ифодасини топди. Айниқса, бухгалтерия ҳисоби тизимида янги тушунча номоддий активлар, яъни "қуринмас активлар" (*intangible assets*)ни баҳолаш, хисобга олиш, амортизацияни хисоблаш усуллари, шунингдек ликвидация қилиш тартибларини баён қилишни тақозо этади.

Номоддий ёки "яширин" активлар таркибига жисмоний, ошқора шаклига эга бўлмаган, лекин ҳужалик юритувчи субъектга даромад келтирувчи маблағлар киритилади. Номоддий активлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби хисобварақлар режаси, "Бухгалтерия ҳисоби туғрисида"ги Қонун ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида, хусусан, "Номоддий активлар" ҳамда "Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқаришга харажатлар" деб номланган 7- ва 11-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида баён этилади.

«Номоддий активлар» номи 7-сон БХМАга мувофиқ, **номоддий активлар** — моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, ҳужалик юритувчи субъект томонидан ҳужалик фаолиятида фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узок вақт (бир йилдан қўп) ишлатиш учун мулжалланган мол-мулк объектлари.

Номоддий активлар таркибига жисмоний, ошқора (қуриниб турадиган) шаклга эга бўлмаган, лекин қор-хонага даромад келтирадиган воситалар қиради.

Номоддий активларни туркумлаш ва баҳолаш

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активларни хисобга олишни соддалаштириш мақсадида уларни туркумлаб олиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Амалиётда номоддий активларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- **Патентлар** — қорхона томонидан муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун фойдаланиладиган, қонун билан ҳимояланган гувоҳнома хисобланади.

Патент қорхона томонидан белгиланган меъерий ҳужжатлар асосида сотиб олинади;

Ноу-хау — ишлаб чиқариш-ҳужалик фаолияти давомида фойда келтирувчи янги технологиялардир. Уни таъсисчилар қелишувида аниқланган қиймат бўйича қорхона устав капиталига улуш ҳисобида киритиш мумкин. Ноу-хау техник, тижорат, бошқарув, молия каби характердаги техник билим ва амалий характердаги бошқа билимларни уз ичига олади;

- **Товар белгилари, савдо маркалари ва атамалари** — белгиланган тартибда руйхатдан утган ҳамда бошқа фирмалар томонидан рухсат берилмаган тарзда фойдаланишдан қонун билан муҳофаза қилинган қорхоналар номи

ва бу корхоналар махсулотларининг номлари;

Саноат намуналари — ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги буюмлар ва халқ истеъмоли товарларининг ташқи кўрinishини белгилайдиган бадиий-конструкторлик ечимларидан фойдаланиш ҳукуқи. Саноат намуналарига ҳажмий модель (автомобиль, станок, мебель ва ҳоказо) ёки ясси тасвир-саноат нақшлари (газлама, гилам гуллари, шрифт шакли ва ҳоказо) мисол бўла олади;

- **Дастурий таъминот** — техник дастур воситалари, автоматлаштирилган бошқариш тизими бўйича техник ва фойдаланиш ҳужжатлари йиғиндиси;

- **Гудвилл** — корхонани харид қилиш чоғида юзага келади ва сотиб олинаётган корхона учун ҳақ ҳамда унинг соф (мажбуриятларини чегирган ҳолдаги) активларининг баҳоловчи (бозор) қиймати уртасидаги фарқ;

- **Ташкилий ҳаражатлар** — янги ҳужалик юритувчи субъектни барпо этиш ҳаражатлари, яъни ишни бошлаш ҳаражатлари;

- **Франшизалар** — бир корхона томонидан бошқасига унга қарашли активлардан, шу жумладан, савдо маркалари ва атамалари каби номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши, бунинг устига, бевосита белгиланиши бўйича мазкур активлардан фойдаланиш ҳамда тақдим этиладиган хизматлар (товарлар)нинг белгиланган сифат стандартларига риоя қилиш бундай ҳуқуқ берилишларининг мажбурий шarti ҳисобланади;

- **Муаллифлик ҳуқуқлари** — илмий, адабий, мусика ёки бошқа асарларни нашр қилиш, ижро этиш ёки бошқа турдаги фойдаланиш ҳуқуқи;

- **Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи** — ҳужалик ёки бошқа мақсадларда ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишни таъминловчи ҳуқуқ, аммо ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазкур ер участкасини мулк қилиб олишни билдирмайди.

Номоддий активларни баҳолашда "Номоддий активлар" номли 7-сон БХМАга асосланилиш лозим.

Номоддий активларни баҳолашда қуйидаги баҳо (қиймат)лардан фойдаланилади:

- дастлабки қиймат;
- сотиш қиймати;
- тугатиш қиймати;
- ҳолдик қиймати;
- урнини қоплаш қиймати.

Дастлабки қиймат — активни харид қилишда ҳақда туланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати номоддий активни харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча ҳаражатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғимлар ва бошқа ҳаражатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган номоддий активларнинг дастлабки қиймати

эксперт йули билан бозор нархида баҳоланган киймат буйича тан олинади. Текинга олинган номоддий актив кирим килинган санада амал килган нарх асосида жорий бозор киймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тугрисидаги маълумотлар ҳам хужжатлар ва эксперт йули билан тасдиқланиши керак.

Сотиш киймати номоддий активларни' би^гим пайтида манфаатдор тарафлар уртасида айирбошлаш мумкин булган суммадир.

Тугатилиш киймати чикиб кетишта доир кутилаётган харажатларни чиқариб ташлаган холда активнинг фойдалай хизмати натижасида уни тугатиш пайтида пайдо буладиган активларнинг тахмин килинаётган кийматидир.

Колдик киймати акгав хисоб ва хисоботда акс эттириладиган жамгарилган амортизацияни чиқариб ташланган холда номоддий активларнинг дастлабки ёки жорий кийматидир.

Урнини коплаш киймати корхона активдан кейинчалик фойдаланиш хисобига коплашни мулжаллаётган сумма, шу жумладан тугатилиш киймати.

Номоддий актив пулга харид килинса, унинг киймати контрактда иккиламчи бозорда фаол ишлаётган шу сингари активга аниқланган бозор нархи буйича курсатиши мумкин.

Номоддий актив хужалик юритувчи субъектнинг узи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин булган холларда номоддий актив хақикий таннарх буйича акс эттирилади.

Номоддий актив кийматини белгилаш мумкин булган холларда у актив сифатида алоҳида модда билан акс эттирилмайди.

Корхона томонидан гудвилл актив сифатида акс эттирилмайди, чунки у корхонани сотиб олиш пайтида харид қилиш нархи билан мазкур субъектни таш-кил қилувчи активларнинг хақикий нархи уртасидаги тафовут сифатида юзага келади.

Баъзи вакгларда номоддий активларни қайта баҳолашга эҳтигж тугилади. Номоддий активни қайта баҳо-лаганда номоддий активнинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида номоддий актив баланс киймати қупайган холда ушбу қупайиш аввалш баҳодан ошадиган суммада "Захира сармоя" хисобварагининг кредитада акс эттирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижасида номоддий активнинг баланс киймати камайган булса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

Номоддий активлар киримини ва эскиришини хисобга олиш

Номоддий активларни бухгалтерия хисобида хисобга олиш учун қуйидаги хисобварақлар очилган:

Номоддий активларнинг кирим қилиниши қуйидаги қуринишларда булади:

- корхона томонидак яратилиши;
- бошка корхоналардан сотиб олиш;
- текинга олиш;

- номоддий активни муассислар томонидан корхонанинг устав капиталига уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг хакини тулаш хисобига киритиш.

Тегишли шартномалар асосида корхона мутахассис-лари ва четдан жалб этилган мутахассислар кучи билан барпо этилган номоддий активлар объектлари 0830—"Номоддий активларни сотиб олиш" хисобварагининг кредити билан корреспонденцияда 0410-0490-хисобварақдар дебети буйича хакикий таннархига караб номоддий активлар сифатида кирим килинади.

Бошка корхона ва шахслардан сотиб олинган номоддий активлар 0830—"Номоддий активларни сотиб олиш" хисобварагининг кредити билан корреспонден-цияда 0410—0490-хисобварақяр дебети буйича кирим килинади.

Номоддий активлар амортизацияси (эскириши) хисоби

Амортизация номоддий активнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация кийматини мунтазам равишда таксимлаш ва кучириш курунишида эскиришнинг киймат ифодасидир. Номоддий активларнинг амортизация киймати тахмин килинаётган тугатилиш кийматини чиқариб ташлаган холда активнинг дастлабки киймати ёки молиявий хисоботларда курсатилган киймат урнини босадиган бошка кийматнинг суммасидир.

Номоддий активларга эскириш хисоблашда "Номоддий активлар" номли 7-сон БХМАга ҳамда Узбе-кистон Республикасининг Солик Кодексида амал килиш лозим.

«Номоддий активлар» номли 7-сон БХМАга асосан номоддий активнинг амортизация киймати унинг фойдали хизмат муддатида ошмаган холда, фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин булмаган пайтда 5 йилни хисобга олиб (лекин корхонанинг фаолият муддатида ошмаган холда) мунтазам асосда таксимланиши керак.

Куйидаги номоддий активларга амортизация хисобланмайди:

- хакикий эмас (ишламайдиган) деб топилган ва ҳукукий оқибатлар келтириб чиқармайдиган номоддий активлар;
- корхонага тегишли булмаган, лекин ҳукук эгаси томонидан лицензия шартномаси еки бошқача шартнома (танҳо булмаган лицензия) буйича берилган ва балансдан ташқари хисобварақца хисобга олинандиган номоддий активлардан фойдаланиш ҳукуқи асосида корхона фойдаланаётган номоддий активлар;
- корхонага тегишли товар белгисига ва хизмат курсатиш белгисига эгалик ҳукуқи, шунингдек вақт утиши билан уларнинг истъмоли хусусияти узгармайдиган товар чиқарилган жой номига эгалик ҳукуқи;
- гудвилл.

Амортизацияланувчи киймат мунтазам равишда номоддий активни фойдали ишлатишнинг бутун даврига таксимланади. Амортизация турли хил усулларни куллаш йули билан амалга оширилади: тугри чизикли усул, камайиб боровчи колдик усули ва ҳосил килинган бириклар суммаси амортизацияни хисоблаб ёзиш усули киради.

Тугри чизикли усул номоддий активни фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини хисоблаб ёзишдан иборат.

Камайиб борувчи колдик усули буйича мунтазам хисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муд-дати давомида камаяди.

Бажарилган ишлар хажмига мутаносиб равишда хисоблаб ёзиш усулига биноан амортизация микдори факат номоддий актив канча марта ишлатилишига ёки канча махсулот бирлиги ишлаб чикарилиши кутилаётганига боғлиқ булади.

Тугричизикли усул. Амортизацияни хисоблаб ёзиш усулларида бирортасини куллашни аниқлаш кийин булган ҳолларда хисоблаб ёзишнинг тугри чизикли усулидан фойдаланилади.

Номоддий активлар эскиришининг хисобланган суммаси ишлаб чикариш харажатлари (муомала харажатлари, маъмурий харажатлар, сармоя куйиш)ни хисобга олиш хисобварақлари дебети ва 0510—0590-хисобварақлари кредитига киритилади.

Номоддий активларни хисобдан чикаришни хисобга олиш

Махсулот ишлаб чикариш, ишларни бажариш ёки хизмат курсатиш гхуд ташкилотни бошқариш учун фойдаланилмаётган номоддий активлар объектларининг киймати бухгалтерия балансидан хисобдан чикарилиши керак.

Куйидаги хужалик операциялари натижасида номоддий активлар объектларининг киймати корхона активлари таркибидан чиқиб кетади:

- реализация, яъни ҳуқуқдарни бериш тугрисидаги шартнома асосида иктисодий маънода сотганда ва юридик маънода эғалик ҳуқуқи тухтатилганида;
- бундан буён фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кура хисобдан чикарилганида;
- номоддий активнинг амал қилиш муддати тугагач хисобдан чикарилганида;
- бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида қушилганида;
- ҳуқуқпарни бериш тугрисидаги шартнома асосида бошқа шахсларга текин топширилганида.

Номоддий активлар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки киймати номоддий активларни хисобга олишнинг тегишли хисобварақлари кредитидан 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" хисобварағи дебетида хисобдан чикарилади. Номоддий активларни четга сотишдан тушган тушум 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" хисобварағи кредити буйича 4890—"Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми" ва 0990—"Бошқа узок муддатли дебиторлик қарзлари" хисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Номоддий активлар чиқиб кетганида улар буйича хисобланган эскириш суммаси 0510—0590 хисобварақлари дебетидан 9220-"Бошқа активларнинг

реализацияси ва бошқача чикиб кетиши" ҳисобвараги кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Назорат саволлари.

1. Асосий воситалар деб нимага айтилади?
2. Асосий воситалар иқтисодий моҳиятига қура қандай туркумланади?
3. Асосий воситалар қандай баҳоларда баҳоланади?
4. Асосий воситалар ҳаракати қайси ҳужжатларда расмийлаштирилади?
5. Асосий воситалар ҳисобини юритишда қайси ҳисобварақлар қулланилади?
6. Амортизация деб нимага айтилади?
7. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг қандай усуллари мавжуд?
8. Жадаллаштирилган усуллар бўйича амортизация ҳисоблашнинг солиққа тортишга таъсири нималардан иборат?
9. Асосий воситаларни таъмир қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
10. Асосий воситаларни инвентаризация қилишнинг хусусиятлари нималардан иборат?
11. Лизинг муомалаларининг қандай қуринишлари мавжуд?
12. Лизинг олувчи балансида лизинг муомалалари қандай акс эттирилади?
13. Лизинг берувчида лизинг муносабатларини акс эттиришнинг узига ҳос хусусиятлари нималардан иборат?
14. Номоддий активлар деб нимага айтилади?
15. Номоддий активларнинг қандай турлари мавжуд?
16. Номоддий актиелар қандай баҳоларда баҳоланади?
17. Номоддий активлар ҳаракати билан боғлиқ муомалалар бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?
18. Номоддий активларга эскириш ҳисоблашда қайси усуллар қулланилади?
19. Бухгалтерия ҳисобида гудвиллни акс эттиришнинг узига ҳос хусусиятлари нималардан иборат?

6-Мавзу: Товар моддий захираларини ҳисобга олиш.

Режа:

- 6.1. Ишлаб чиқариш захиралари ҳисобининг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш
- 6.2. Материаллар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш
- 6.3. Материалларнинг омбордаги ҳисобини ташкил қилиш
- 6.4. Материалларнинг қиримини бухгалтерияда ҳисобга олиш
- 6.6. Материаллар сарфланишини бухгалтерияда ҳисобга олиш
- 6.7. Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш
- 6.6. Материаллар сарфланишини бухгалтерияда ҳисобга олиш
- 6.6. Материаллар сарфланишини бухгалтерияда ҳисобга олиш

Адабиётлар: 1,3,4,9,13,16,17,19,22,24,25.

Таянч суз ва иборалар:

Қушилган қиймат солиғи (ККС), оператив-бухгалтерлик (қолдик) усули, қабул қилиш юқхатлари, лимит-забор картаси ишончнома Уртача таннарх бўйича, АВЕСО усули, уртача чамаланган баҳолар бўйича,

биринчи тушум-биринчи харажат, FIFO усули, охирги тушум-охирги харажат, LIFO усули, ишлаб чиқариш захиралари.

6.1.Ишлаб чиқариш захиралари ҳисобининг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш.

Корхоналар уз ишлаб чиқариш фаолиятларини амалга ошириши учун маълум миқдорда ишлаб чиқариш захираларига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш захи-ралари хужалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди. Уларнинг таркибига материаллар, хом-ашё, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш захиралари, асосий воситалардан фарқли равишда, бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, уз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига шу даврнинг узида тула утқазади. Материаллар билан биргаликда, хом-ашё, асосий ва ёрдамчи мате-риаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар корхона айланма активларини ташкил қилади. Корхона учун зарур бўладиган оборот маблағларининг умумий миқдори тегишли вазирликлар томонидан белгиланади. Материалларнинг ҳар бир тури бўйича нормативларни корхонанинг узи мустақил белгилайди. Ҳар бир корхонада маҳсулот иш-лаб чиқариш жараёнининг тухтовсиз давом этиб туришда белгиланган нормативларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ишлаб чиқариш захиралари ҳаракати билан болиқ муомалаларни уз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш;
- Ишлаб чиқариш захираларининг тугри сақланиши устидан назорат олиб бориш;
- Ишлаб чиқариш захираларининг ишлаб чиқаришга тугри сарфланиши ҳамда уларни сарфлаш меъёрларига риоя қилиш устидан узлуксиз назорат олиб бориш;
- Маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган материалларни калькуляция объектлари уртасида тугри таксимлаш.

Корхонада ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишни енгиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни туркумлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш захиралари улардан фойдаланишнинг иқтисодий мазмунига қура қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- **Хом-ашё** маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этадиган меҳнат ашёларидир. Масалан, пахта, руда ва бошқалар;
- **Материаллар** - хом-ашёга таъсир этиш учун қулланиладиган ва маҳсулотга маълум истеъмол хусусиятини беришда фойдаланиладиган воситалардир. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил этади, яъни газлама, чарм, металл ва ҳоказолар;
- **Сотиб олинadиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар** — маълум даражада ишлов босқичидан утган, лекин ҳали гжровард маҳсулот даражасига етказилматан маҳсулотлар;

- *Ёкилт* — кумир, бензин, торф, газ ҳамда нефть маҳсулотлари;
- *Эҳтиёт қисмлар* — машина ва жихозларни тузатишда, ишдан чиққан қисмларни алмаштиришда қулланиладиган машина ва механизмларнинг деталь, агрегат ва қисмлари;
- *Қурилиш материаллари* — бевосита қурилиш ва монтаж ишлари жараёнида, қурилиш қисмларини тайёрлашда, бино ва иншоотларнинг алоҳида конструкция ва қурилмаларини қутаришда ва қуриб тугатишда фойдаланилади. Уларга қурилиш учун зарур буладиган ёғоч-тахта, шифер, мих ва бошқалар қиради;
- *Идиш ва идиш материаллари* — турли материал ва маҳсулотларни ураш, жойлаштириш, ташиш ҳамда саклашда ишлатиладиган буюмлардир. Уларга ёғоч, картон, металлдан ясалган, шиша ва бошқа идишлар қиради;
- *Инвентарь ва хужалик анжомлари* ~ ушбу гуруҳга қорхона хужалик фаолиятида ишлатиладиган инвентарь буюмлар ҳамда арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қиради;
- *Бошқа томонга қайта ишлашга беришган материаллар* — қорхона балансида турган, қайта ишлаш учун бошқа қорхонага берилган материаллар. Уларга, асосан, қайта ишлаш учун узга қорхонага берилган усимликчилик, қорвачилик ҳамда урмон хужалиги маҳсулотлари қиради;
- *Бошқа материаллар* — юқоридаги сатрларда қурсатиб утилмаган бошқа материаллар қиради. Уларга чикитлар, тузатилмайдиган брақлар, металл ва бошқалар мисол булади.

Материалларни бухгалтерия ҳисобида тугри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМАга асосланган бўлиши лозим. Ушбу стандартга мувофиқ материаллар энг кам баҳода, яъни таннарни буйича ёки соф сотиш қийматида ҳисобга олиниши лозим. Чунки бухгалтерия ҳисобининг эҳтиёткорлик тамойилини акс этгиришнинг бири бўлиб паст баҳолаш қондаси ҳисобланади: таннари буйича ёки сотишнинг соф қиймати.

«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМАга асосан товар моддий захираларнинг таннари барча сотиб олиш харажатларини ва товар-моддий захира-ларни манзилга етказиб бериш ҳамда тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатларини уз ичига олади.

Материалларни сотиб олиш харажатлари сотиб олиш қийматини, импорт божлари ва йигимларни, маҳсулотни сертификация қилиш харажатларини, таъминот, воситачи ташкилотларга туланган комиссиян туловларни, солиқларни (кейинчалик қисоб-қитоб тарзида), шу-нингдек транспорт-тайёрлов харажатлари, хизмат ва захираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни уз ичига олади. Савдо дисконтлари, сийловлари ва шунга ухшаш бошқа чегирмалар материалларни сотиб олиш харажатларини белгилашда амалга оширилади. Бошқа харажатлар, агар улар материалларни манзилига етказиш пайтида пайдо бўлган тақдирдагина товар-моддий захираларнинг таннарига қиритилади. Масалан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қуиғамча харажатлар ёки муайян

мижозлар учун махсулот ишлаб чиқариш сарфларини материаллар қиймати бўйича харажатларга киритиш имконияти вужудга келиши мумкин.

Материалларнинг ҳар бир турини тайёрлаш, ҳақиқий таннархини ҳисоблаш кул меҳнат ва вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳам қупчилик ҳолларда моддий бойликлар жорий ҳисобда — уртача сотиб олиниш баҳоси, режа таннархи бўйича ва бошқа баҳоларда баҳоланади. Материалларнинг ҳақиқий таннархи билан уртача сотиб олиниш баҳоси ёки режа таннархи ўртасидаги фарқ уларнинг гуруҳлари бўйича алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариладиган материалларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш, уларни баҳолашнинг қуйидаги усулларини қўллаш билан амалга ошириш мумкин:

1. Уртача таннарх бўйича ёки AVECO усули;
2. Уртача чамаланган баҳолар бўйича, биринчи тушум-биринчи харажат, FIFO усули;
3. Уртача чамаланган баҳолар бўйича, охириги тушум-охириги харажат, LIFO усули.

6.2. Материаллар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш

Материаллар ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида ҳужжатларда расмийлаштириш уларнинг ҳисобини тўғри юритишни таъминлайди.

Қорхона ўзаро тузилган шартномага мувофиқ мол етказиб беравчилардан келган материаллар учун ҳисоб-китоб, юклаш ва бошқа йўлланма ҳужжатлар (тулов талабномаси, счёта-фактура, товар-транспорт юкхатлари) олади.

Қорхонага келган ҳужжатлар оператив ҳодим томонидан келган материалларни қайд қилиш учун очил-гай М-1 шаклидаги махсус дафтарда рўйхатга олинади ҳамда шартномада қўзда тутилган талабларга мос қилиши назоратдан ўтказилади.

Мол етказиб беравчи ёки транспорт ташкилоти ома-боридан материалларни олиш учун бухгалтер экспеди-торга М-2, М-2а шаклидаги ишончнома ёзиб беради.

Моддий бойликларни олишга бериладиган **ишончнома** — қорхона мол етказиб беравчиларидан товар-моддий бойликларни олиш учун ўз вақтига беради-ган ҳужжатадир.

Қорхона ишончноманинг икки — **М-2** ва **М-2а** шаклидан фойдаланади. М-2 шаклидан фойдаланганида бериш-олишлар ҳақидаги маълумотлар ишончнома варақасининг қўшимча қисмига (қорешоғига) ёзилади, бу ҳолда берилган ишончномани махсус дафтарга ёзиб қўйишга ҳожат қолмайди.

Қорхона моддий бойликларни оммавий тарзда ишончнома билан оладиган ҳолларда М-2а шаклидаги ишончномадан фойдаланади. Берилган ишончнома эса махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

Ишончнома қорхона раҳбари ва бош бухгалтер қорхона томонидан муҳрланган ҳолда берилади, сунгра у- **М-26** шаклидаги махсус дафтарга қайд қилинади. Экспеди-тор эса ишончномани олишда дафтарга имзо чекади.

Ишончномани олган ходим материаллар олингандан кейинги биринчи кундан крлдирмасдан унга юклатилган вазифани бажарганлиги ҳамда олинган материалларни омборга топширганлыга тугрисидаги хужжатларни бухгалтерияга толшириши шарт. Ишлаталмаган ишончномалар белгаланган муддати утиб кетгандан кейинги кукца бухгалтерияга топширилади. Муддати угиб кетган ишончномалар буйича хисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар бериш ман қилинади.

Материалларни омборга омбор мудири ёки омборчи қабул қилади. Келтирилган материаллар мол етказиб бeрyвчининг хужжатлари билан мувофиқ булса, омборчи **М-4 шаклидаги қирим ордари**н тузади. Қирим операциялари сони кам булганида, мол етказиб бeрyвчининг хужжатига муҳр қуйишга руҳсат этиладж. Ҳақиқатда қирим қилинган материаллар ва юборилган хужжатлар орасида тафовут аниқланса, материалларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Бу далолатнома мол етказиб бeрyвчи *ёки* бошқа манфаатдор булмаган корхона вакиллари иштирокда тузилади. Далолатнома тузилганида қирим ордери расмийлаштирилмайди.

Омбордан цехларга сарфлаш учун бериладиган материалларга лимит-забор карталари, талабнома ҳамда юкхатлар расмийлаштирилади. Материалларнинг бир маротаба, кам такрорланадиган харажат килиниши талабномалар билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжат истеъмолчи цех, бўлим ва участкалар томонидан расмийлаштирилади.

Омбордан цехларга материаллар мунтазам бериб борилса, у холда лимит-забор карталари кулланилади. Омборчи хар бир операциядан кейин фойдаланилмаган лимит колдигини хисоблаб чикади. Лимит етмаган такдирда лимитдан ташкари материаллар харажати талабнома билан расмийлашггирилади.

Материалларнинг сарфланиши буйича лимитнинг шу тарика белгиланиши меъёрдан ортикча сарфлар хакида корхона рахбарларига уз вактида хабар етказиш имконини беради. Лимит карталарининг кулланилиши хужжатлар сонини камайтиради ва уларни.кайта ишлашни енгшшаштиради.

Материалларнинг ички кучишида, яъни бир омбордан июашчи омборга, бир цехдаш иккинчи цехга берилганида ҳамда чикиндилар омборга қабул килинганида **қабул килиш юкхатлари** билан расмийлаштирилади.

Омбор ходимларига материалларни бошка хужжатлар буйича ҳамда турли хатаар, о*заки фармойишлар асосида бериш такиксанади.

6.3. Материалларнинг омбордаги ҳисобини ташкил қилиш

Корхона омборида материалларнинг бут саклан-шини ташкил этиш уларни тугри хисобга олиб борилишини таъминлайди, Шунинг учун ҳам омбор хужалиги ишларини ташкил килишга муайян талаблар куйилади.

Омбор мудири моддий маъсул шахс ҳисобланиб, омборхонада сакпанаётган ҳамма материаллар ҳаракати факат у орқали амалга оширилади. Омборчини ишга олиш, бошқа лавозимларга утказиш ва хизмат вазифасидан озод қилиш бош бўхгалтер билан келишилган ҳолда амалга

оширилади. Омбор мудирини ишга қабул қилишда унинг тула равишда шахсий моддий жавобгарлиги ҳақида шартнома тузилади. Уни ишдан бушатиш сакланаётган молларнинг тулик инвентаризацияси утказилиб, жавобгарлиги остидаги моддий бойликлар бошқа шахсга утгандан кейингина амалга оширилади.

Омборда материалларнинг қолдиқлари тугрисида тулик маълумот олиш мақсадида уларни алоҳида турлари, навлари, размери ва номенклатура рақамлари бўйича ҳисобга олиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда материаллар бўйича аналитик ҳисобни тугри юритиш муҳим. Шу сабабли улар ҳозирги пайтда уч хил усул бўйича юритилади:

1. Материаллар ҳаракатини ҳисобга олувчи дафтарда;
2. Материаллар ҳаракатини юритувчи карточкаларда;
3. Оператив-бухгалтерлик (қолдиқ) усули.

Омборларда материалларнинг миқдор қурсаткичларидаги ҳисоби юритилади. Бунинг учун материалларнинг ҳар бир турига ёки номенклатура рақамига М-17 сонли типик шаклдаги варақлар очилади. Улар материал ҳаракати билан боғлиқ қирим ва қиким операция-лари бўйича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар асосида тулдирилади ва ҳдр бир қирим ҳамда қи-қим операциялари ёзилгандан кейин материал қолдиғи аниқланади. Материалларнинг омбордаги ҳақиқий қолдиғи меъёрдаги қолдиқ билан солиштирилади ва уртадаги фарқдан таъминот булими ходимлари ҳабар-дор қилинади.

Қирим ва қиким операциялари бўйича қундалиқ расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар белгилан-ган муддатда қорхона бухгалтериясига топширилади.

Материалларнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия ёки бошқа усуллар ёрдамида ҳисобга олинади. Ушбу усулларнинг моҳияти шундан иборатки, бунда материалларнинг омбордаги ҳисоби сон шаклида, бухгалтерияда эса қул шаклида юритилади. Бухгалтерияда юритиладиган ҳисоб материалларнинг ҳаракати бўйича омборда расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларга асосланади. Омборларда расмийлаштирилаётган бошланғич ҳужжатларнинг тугри ёки нотугрилигани бухгалтерия ходимлари белгиланган муддатларда текшириб боради ва ёзувлар тугрилиги омбор варақаларининг «назорат» булимида имзо билан тасдиқланади. Ҳисобот ойининг охирида омбордаги ҳисоб бухгалтерияда юритиладиган синтетик ҳисоб маълумот-лари билан таққосланади. Бунинг учун эса ҳар бир омбор бўйича қолдиқ қайдномаи юритилади. Қайдномада омбор варақалари асосида материал қолдиғи ёзилади ва у қул қурсаткичига айлантирилади. Қолдиқ қайдномаидаги материал қолдиғининг умумий суммаси бухгалтерияда материаллар ҳаракати бўйича юритиладиган 10-қайднома маълумотлари билан солиштирилади. Сонларнинг тугри қелиши ҳисобот ойи давомида омборда ва бухгалтерияда юритилган ҳисобнинг тугрилиғи дан далолат беради.

далолат беради.

6.4.Материалларнинг киримини бухгалтерияда хисобга олиш

Корхона бухгалтериясида моддий бойликларнинг кирим-чикимлари хусусидаги барча бйрламчи хужжатлар: манзил белгилари, имзолар, суммалар ва амалга оширилган тадбирларнинг конунга тугрй келиш-келмаслиги текшириладй.

Кирим ордерларидаги ёзувлар тегишли тулов хужжатлари, счёт-фактуралар, юкхатлар ва бошка хужжатлар билан солиштирилади. Нотугри расмийлаштирилган хужжатлар кайта куриб чикиш учун кайтарилади.

Вухгалтерияда текширишдан утказилтан хужжатлар таксировка кдлднади, яъни материал микдори унинг нархига куйайтирильб, хужжат буййча умумий сумма аникданади. Кейин барча кирим-чиким хужжатлари омборлар, жамлама хисобварақлар буййча гурухларга ажратилади, бу гурухлар эса хисоб нархи буййча кичик гурухдарга булинади. Бу хужжатларнинг якунлари М-43 шаклидаги материалларнинг жамлама хисоби жамгарув кайдномасига ёзиб куйилади.

Материаллар хисобварақларининг дебетида ишлаб чикариш захираларининг куйайиши, кредитида эса уларнинг ишлаб чикариш ва бошка мақсадлар учун сарфланиши акс ёттирилади. Юкорида санаб утилган хисобварақлар актив хисобланиб, уларнинг дебетидаги колдик хисобот даври бошидаги материаллар колдигини акс ёттирилади.

Мол ётказиб берувчилар счётлари ва омбор кирим ордерлари асосида омборга материалларнинг кабул килинишига куйидагича бухгадтерия проводкаси бери лади:

Д-т 1010—«Хом-ашё ва материалдар»;

К-т 6010—«Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга туладаниган счётла»".

Кдбул килиш вақтида материалларнинг камомади ёки ётишмаелиги аникланса, у холда материалнинг со-таб олиниш бахосига куйидагича проводка берилади:

Дёт 4860—«Даъволар буййча олинадиган счётлар»;

К-т 6010—«Мол ётгазиб берувчилар ва пудратчиларга туладанйган счётлар».

Агарда корхонага келтирилган материаллар мол ётказиб берувчилар хужжатларада курсатилганидан ортик булса, у холда куп чиккан материал кийматига тегишли материал счётлари дебетланиб, 6010—"Мол ётказиб берувчилар ва пудратчиларга туладаниган счётлар" хисобвараги Кредитланади.

Сотиб олинган материаллар. буййча мол ётказиб берувчилар счётининг туланишига куйидагича проводка берилади:

Д-т 6010—«Мол ётказиб берувчилар ва пудратчи-ларга туладаниган счётлар».

К-т 5110—«Хисаб-кийоб счёти».

Корхонанинг узида тайёрланган ва омборга кабул килинган материалларнинг хакикий таннархига куйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 1010—«Хом-ашё ва материаллар» К-т 2310—«Ёрдамчи ишлаб чикариш».

6.6. Материаллар сарфланишини бухгалтерияда хисобга олиш

Материалларнинг сарфланишини бухгалтерия хисобида хисобга олишнинг муҳим хусусиятлари мавжуд. Корхонада материаллар куйидаги мақсадлар туфайли омбордан чиқиб кетиши мумкин:

ишлаб чикаришга сарфланганида; ортикча материаллар сотилганида ва бошқа ҳолларда.

Омбордан ишлаб чикаришга материаллар сарфланганида куйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т Ишлаб чикариш харажатлари (2010, 2310, 2510 ва ҳоказо)

К-т 1010—«Хом-ашё ва материаллар».

Хисоб-китобнинг журнал-ордер шаклидаги корхоналарда ишлаб чикариш учун сарфланган материалларнинг улгуржи баҳоси, шартнома ёки режа таннари буйича 10-журнал-ордер, бошқа мақсадлар учун сарфланган материаллар эса 10/1-журнал-ордерга ёзилади.

Моддий бойликлардан тугри фойдаланиш мақсадида ҳар бир корхона зарур бўлмаган материалларнинг бор-йўқлигини текиштириб оқириши лозим. Агарда корхонада кераксиз ёки ортикча материал борлиги аниқланса» уни бошқа корхонага сотиши мумкин.

Масалан, корхонада ҳақиқий қиймати 20000 сумлик ортикча материал борлиги аниқланди ва корхона уни 30000 сумга бошқа корхонага сотди. Ушбу муомалаларга хисобда куйидагича проводка берилади:

-материалнинг ҳақиқий қиймати хисобдан чиқарилди.

Д-т 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиш» — 20000 сум

К-т 1010—«Хом-ашё ва материалла» — 20000 сум.

- материалнинг сотиш қиймати акс эттирилди:

Д-т 4890—«Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми» — 30000 сум;

К-т 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» — 30000 сум.

ККС хисобланди 4000 сум;

Д-т 9220—«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» — 4000 сум.

К-т 6410—«Бюджетга туловлар буйича қарзлар» — 4000

- ортикча материалларни сотишдан фойда олинди Д-т 9220—«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» — 6000 сум;

К-т 9320— «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетишдан олинган фойда» — 6000 сум.

6.7.Ишлаб чикариш захираларини инвентаризация қилиш

Корхоналарнинг бухгалтерия хисоби ва хисоботи маълумотларининг тугрилиги уларнинг ишлаб чикариш захиралари инвентаризация қилиш билан тасдиқланади. Ишлаб чикариш захираларини инвентаризация қилиш

«Инвентаризацияни ташкил этиш ва утказиш» номли 19-сон БХМА ва «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМАлар билан тартибга солинади.

Инвентаризациядан кузланган асосий мақсад — ишлаб чиқариш захираларининг натура ва қиймат қуринишида амалда мавжуд эканлигини аниқлашдан иборат. Инвентаризация қилиш натижасида бойликларнинг тугри сақланиши ва берилиши, тарози ва улчов асбобларининг ҳолати, ҳисоб юритиш тартиби ва бошқалар текширилади.

Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш бир йилда камида бир марта молиявий ҳисоботни тузишдан олдин, лекин ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин амалга оширилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш захираларининг сақланиши-ни, уларни сақлаш шарт-шароитларини ва омборда ҳисобга олиш аҳолини назорат қилиш учун инвентаризациялар уртасидаги даврда муайян текширишлар ва материалларни танлаб инвентаризациялаш утқазилиши керак.

Қуйидаги ҳолатларда инвентаризация муддатидан олдин утқазилиши шарт:

- корхона мол-мулкни. ижарага бериш, сотиб олиш, сотиш, шунингдек давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш чоғида;
 - товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганда;
 - моддий жавобгар шахс ўзгарганида;
- талон-тарож қилиш ёки сууистеъмор қилиш, шунингдек бойликларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар аниқланганда;
 - ёнгин ёки табиий офатлар содир бўлганида;
- корхона тугатилаётганида тугатиш балансини тузиш олдидан ва бошқа ҳолларда.

Текшириш қуламига қура *инвентаризация ёппасига ёки танлаб утқазиладиган*, утқазиш вақти бўйича *режалаштирилган ёки тусатдан утқазиладиган инвентаризацияларга* бўлиниши мумкин.

Инвентаризацияни утқазишга корхона раҳбари ва бош бухгалтери раҳбарлик қилади. Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш инвентаризация қилувчи ишчи комиссиялар томонидан моддий жавоб-гар шахс иштирокида амалга оширилади.

Инвентарлаш даврида моддий бойликларнинг мавжудлиги тарозида тортиш, улчаш усули билан аниқланади ва рўйхатда расмийлаштирилади. Рўйхатни моддий жавобгар шахс имзалайди.

Инвентаризация қилиш натижасида материаллар бўйича ҳужжатлардаги маълумотлар ва ҳақиқий қолдиқлар орасидаги фарқ солиштирув қайдномасида расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш натижасида аниқланган ҳақиқий мавжуд мулк ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари уртасидаги тафовутлар қуйидагича акс эттирилади:

Масалан «Омад» ҳиссадорлик жамиятида ҳисобот йилида 24000 сумлик материал қамомати аниқланди ва у айбдор шахс топилмаганлиги сабабли давр

харажатларига утказилди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

- Инвентаризация натижасида камомад аникланди:

Д-т 5910—"Камомадлар ва кимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 24000 сум;

К-т 1010—«Хом-ашё ва материаллар» — 24000 сум,

- Камомад суммаси давр харажатларига утказилди:

- Д-т 9430—«Бошка операцион харажатлар». — 24000 сум;

К-т 5910—«Камомадлар ва кимматликларни шикастлашдан талофатлар»- 24000 сум.

Корхона айбдор шахслардан камомадни ҳақиқий нархда эмас, балки ҳозирга даврдаги бозор нархларида ундириш ҳуқуқига эга. Масалан, корхона оморда 5000 сумлик материал камомади аникланди ва 8000 сум қийматда айбдор шахсдан ундириб олинди. Ушбу Муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

- Инвентаризация натижасида камомад аникланди:

Д-т 5910 «Камомадлар ва қийматликларни шикастлашдан талофатлар» - 5000 сум;

К-т 1010 «Хом ашё ва материаллар» — 5000 сум.

- Моддий жавобгар шахсдан ушлаб қолинган сумма;

Д-т 4730—«Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари» — 8000 сум.

К-т 5910 «Камомадлар ва кимматликларни шикастлашдан талофатлар»— 8000 сум.

- Моддий бойликларни ундиришдан даромад аникланди-(8000-5000) 3000сум;

Д-т 5910—«Камомадлар ва кимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 3000 сум;

К-т 9390—«Бошка операцион даромадлар»— 3000 сум.

Ишлаб чиқариш захираларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасида табиий қамайиши корхона раҳбари қўрсатмаси бўйича тегишли равишда ишлаб чиқариш харажатларига утказилади.

Суиистеъмол қилишлар оқибатада йул қуйилган камомад ва йўқотишлар аниқланган тақдирда тегишли ҳужжатлар камомад аниқлангандан сунг 5 кун ичида тергов органларига оширилиши лозим, аниқланган камомад суммасига, эса фуқаролик даъвоси қўзғатилади,

Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш натижасида ортиқча мол-мулк мавжудлиги аниқланса, у молиявий натижаларга қирим қилинади:

Д-т 1010—«Хом-ашё ва материаллар».

К-т 9390—«Бошка операцион даромадлар».

Назорат саволлари:

1.Ишлаб чиқариш захиралари деганда нимани тушунаси?

- 2.Ишлаб чиқариш захираларининг қандай турлари мавжуд?
- 3.Ишлаб чиқариш захиралари қайси баҳоларда баҳоланади?
- 4.Материаллар ҳаракати қайси ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?
- 5.Материалларнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби қандай ташкил қилинади?
- 6.Харид қилинган материаллар бўйича ККСни ҳисоблаш қай тартибда амалга оширилади?

Материаллар инвентаризацияси туғрисида нималарни биласиз?

7-Мавзу: Меҳнат ва унга ҳақ тулашни ҳисобга олиш.

Режа:

- 7.1.Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олишнинг асосий вазифалари**
 - 7.2.Меҳнатга ҳақ тулаш шакллари, тизимлари, фонди ва унинг таркиби**
 - 7.3. Меҳнат ҳақи ҳисобини ҳужжатларда расмийлаштириш**
 - 7.4. Меҳнатга ҳақ тулашнинг синтетик ва аналитик ҳисоби**
 - 7.5. Иш ҳақидан ажратма ва туловлар ҳисоби**
 - 7. 6.Иш ҳақи фондининг ишлатилиши устидан назоратни ташкил этиш**
- Адабиётлар:1,3,4,6,9,10,13,16,19,22,24,25,26.**

Таянч суз ва иборалар:

Тариф ставкаси, тариф сеткаси, тариф коэффициенти, тариф тизими, ишлаб чиқариш нормаси, вақт нормаси, меҳнатни нормалаш, меҳнатга ҳақ тулаш шакллари, тизимлари, фонди ,меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби

7.1.Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олишнинг асосий вазифалари

Инсон уз эҳтигжларини қондириш учун моддий неъматлар яратар экан, уларни ишлаб чиқариш учун моддий ресурслардан ташқари бевосита инсон уз меҳнати сарфлайди. Меҳнат жараёнида янги маҳсулот яратилиб, инсон эҳтигжларини қондиришга хизмат қилади. Истеъмолчиларнинг асосий даромад манбалари иш ҳақи булганлиги сабабли, товарларга булган талаб ва таклиф, улар баҳоси бевосита иш ҳақига боғлиқ булади. Корхонанинг ишлаб чиқариш-ҳужалик фаолияти жонли меҳнатни истеъмол қилиш билан бирга юз беради. Унинг миқдори ишлаган киши-соатлар билан улчанади. Меҳнат жараёнида ҳар бир ходимнинг бажарган иши, тайёрлаган маҳсулоти, истеъмолчиларга қурсатган хизматлари учун сарфланган меҳнатига ҳақ тулаш миқдорини асослаш ҳамда аниқлашни талаб қиладиган узаро муносабатлар вужудга келади.

Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби — ҳисоб ишларининг аниқ ва оператив маълумотлар талаб қилувчи энг муҳим ҳамда қийин соҳаларидан биридир.

Унда ходимлар сонининг узгариши, иш вақтининг сарфланиши, меҳнатга ҳақ тулаш фонди, тулов турлари ва ходимлар тоифаси бўйича ҳамда меҳнатга ҳақ тулаш фондидан ташқари амалга ошириладиган бошқа туловлар, корхонанинг ҳар бир ходими билан ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Бу маълумотлар асосида меҳнат унумдорлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ходимлар сони, иш ҳақи фондининг сарфланиши ва бошқалар бўйича режа топшириқдарининг бажарилиши устидан назорат ана шу маълумотлар асосида амалга оширилади.

Корхона ва ташкилотларда ходимлар сони ишлаб чиқариш дастури асосида аникланади. Корхонада ходимлар, энг аввало, икки гуруҳга ажратилади:

- асосий фаолиятда банд бўлган ходимлар;
- асосий бўлмаган фаолиятда банд бўлган ходимлар.

Асосий фаолиятда банд бўлган ходимлар таркибига асосий ва ёрдамчи цехларнинг, ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг, завод лаборатория ва бўлинмаларининг, тозалаш иншоотларининг, алоқа узелларининг, ахборот-ҳисоблаш марказларининг, барча турдаги курик-лашнинг, завод бошқармаларининг ходимлари киради.

Асосий бўлмаган фаолиятда банд бўлган ходимлар тоифасига уй-жой ва коммунал хужалигига хизмат курсатиш, савдо, тиббиёт муассасалари ҳамда маутабгача тарбия муассасаларида банд бўлган ходимлар киради.

Корхонада ходимлар бажарадшан вазифаларига кура куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ишчилар;
- хизматчилар.

Ишчилар таркибига моддий иёзматларни яратиш, тузатиш, юкларни кучириш, йуловчилар ташиш, моддий хизматлар курсатиш билан бевосита банд бўлган ходимлар киради.

Хизматчилар таркибига раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа ходимлар киради.

Раҳбарлар таркибига корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган ходимлар (директор, унинг уринбосарлари, бош му-хандис, бош иктисодчи, бош бухгалтер, бош техно-лог) ва бошқалар киради.

Мутахассислар таркибига муҳандислар, иктисодчи-лар ва бошқа иктисодий ҳамда муҳандислик-техника-вий ишлар билан банд бўлган ходимлар киради.

Бошқа ходимлар тоифасига ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш ишларини олиб боровчи, хужаликка хизмат килувчи бошқа ходимлар (кассирлар, назоратчилар, табелчилар, иш юритувчилар ва хоказолар) киради.

7.2. Меҳнатга ҳақ тулаш шакллари, тизимлари, фонди ва унинг таркиби

Бозор иктисодиёти шароитида меҳнатни тугри нормалаш уни илмий таътишининг асоси бўлиб ҳисобланади. Яхши асосланган нормаларсиз корхона фаоли.

илмий режалаштириб булмайди, бинобарин, нормаларни тугри белгилаш ко жамоасидаги хар бир ходимнинг шахсий манфаатларини корхонанинг манфаати уйгунлаштиради, меҳнат унумдорлигининг усишига, иш хаки туловининг яхшиланишига келади. *Меҳнатни нормалаш* — амалдаги вақт нормалари, хизмат курсатиш нормалари ичига олади.

Вақт нормаси — бу муайян ишни бажариш учун зарур булган вақт микдорини белгилайдиган меҳнат улчовидир. *Ишлаб чиқариш нормаси* — вақт бирлигида тайёрла-ниши лозим булган махсулот микдорини доналар, тон-налар, метрлар ва хоказоларда характерлайди.

Меҳнатга ҳақ тулаш учун **тариф тизими**дан фойдала-нилади. У куйидагиларни уз ичига олади: тариф-малака маълумотномаси, тариф сеткалари, тариф ставкаси. **Тариф тизими** — тариф-малака маълумотномаси, тариф сеткаси ва тариф ставкаси каби тушунчаларни уз ичига олади. Корхонада бажариладиган ишларнинг ишлаб чиқариш тавсифи тариф-малака маълумотномасида келтирилади. Ушбу хужжат ишчилар малакасинианикдаш ва уларга маълум разряд белгилашда асос булиб хизмат килади. **Тариф сеткаси** — бу разрядлар ва уларга тегишли булган тариф коэффицентлари курсатиладиган хуж-жатдир. Хамма корхоналарда биринчи разряднинг тариф коэффиценти бирга тенг булиб, разряд ортиши билан тариф коэффиценти хам ошиб боради. **Тариф ставкаси** — ишчининг разрядига мувофик унга маълум вақт бирлиги давомида туланадиган ҳақ микдорини аниқлайди. Одатда, тариф ставкаси биринчи разряд учун белгиланиб, колган разрядлар учун эса биринчи разряд тариф ставкасини колган разрядлар тариф коэффицентларига купайтириш йули билан аниқланади.

Иш хаки тулаш	Тариф	И ш хаки тулаш	Тариф
0	1.000	12	3.581
1	1.450	13	3.808
2	1.595	14	4.038
3	1.755	15	4.271
4	1.930	16	4.508
5	2.115	17	4.748
6	2.308	18	4.991
7	2.510	19	5.238
8	2.716	20	5.488
9	2.926	21	5.741
10	3.140	22	5.998
11	3,358		

Бозор иктисодиёти шароитида корхоналар меҳнат-га ҳақ тулаш шакллари, тизимлари, микдорларини мустакил белгилайдилар. Айни вақтда корхоналар меҳнатга ҳақ тулашнинг конун билан кафолатланган энг кам микдорини таъминлаши лозим.

Иш хаки меҳнат учун туланадиган ҳақнинг хамма турларини, шу жумладан, маблаг билан таъминлаш манбаидан катъий назар, пул ёки

натура шаклида хисобланган хар хил мукофотларни, кушимча хакларни, устама хакни ва ижтимоий имтиёзларни, шунингдек, ходимга ишланмаган вақт учун туланадиган хакларни (таътил хаки, байрам кунлари ва хоказолар учун) уз ичига олади.

Иш хаки уз таркибига кура иккига булинади:

-асосий иш хаки;

-кушимча иш хаки.

Хозирги шароитда ишчи ва ходимларга туланадиган иш хаки шакллари хам ранг-барангдир. Куйидаги жадвалда иш хаки тулашнинг шакллари келтирилган:

Иш хаки тулаш шакллари	
Ишбай	Вактбай
Оддий ишбай Ишбай-мукофот Ишбай-прогрессив Билвосита ишбай Аккорд	Оддий вақтбай Вактбай-мукофот

Мехнатга хак тулашнинг ишбай шаклида иш хаки хакикатда бажарилган ишга амалдаги нархлар асосида иш бирлиги учун хисобланади.

Оддий ишбай шаклида ишлаб чиқарилган махсулот сонини ишбай нархига купайтириш йули билан иш хаки миқдори аникланади.

Ишбай-мукофот шаклида бевосита ишбай нархлар буйича иш хакидан ташқари маълум ишлаб чиқариш ютуқларига эришилганлиги учун хак олади. Масалан, иш сифатининг яхшилиги, моддий бойликлар тежал-гани ва хоказолар.

Ишбай-прогрессив шаклида ишчилар меҳнатига бел-гиланган бошлангич меъёр доирасида бевосита ишбай нархлар буйича, бу меъёрдан ортиқчасига эса оширилган нарх буйича хак туланади. Ишбай нархлар ошиши хар бир холда махсус шкала буйича аникланади.

Билвосита ишбай шакли ишбай нархлари буйича белгиланиб, хизмат курсатаётган участкадаги уртача иш меъёрининг бажарилиш фоизига купайтирилиши мумкин

Аккорд шакли бутун иш ҳажми учун иш хаки миқдорини белгилайди ҳамда аккорд топширик-ларни бажариш муддатларини қисқартирганлик учун мукофотлаши уз ичига олади. Бунда ишларнинг умумий қиймати вақт меъёрлари ва нарх асосида аникланади. Ишбай аккорд шакли асосан мавсумий иш-ларни ҳамда айрим буюртмаларни бажаришда қулланилади.

Иш хакининг вақтбай шаклида ходимнинг малакасига ва ишлаган вақтига қараб хак туланади.

Оддий еацтбай шаклида ходимлар ишлаган вақтига қараб белгиланган маош асосида ҳақ олишади.

Вактбай-мукофот шаклида тариф ставкалари бўйича иш ҳақидан ташқари муайян миқдор ва сифат курсаткичларига эришганлик учун қўшимча равишда муко-фоттуланади.

^Корхона ва ташкилотларда ходимларга иш ҳақидан ташқари турли хил пул туловлари ва рағбатлантириш туловлари ҳам берилади. Уларга қуйидагилар қиради:

йиллик иш якунлари бўйича рағбатлантириш; муҳим ишлаб чиқариш топшириларини бажарганлик учун рағбатлантириш; корхоналарнинг уқишга юборилган талабаларга берадиган степендиялари;

- даволаниш учун бериладиган йўлланмалар қиймати;

- меҳнат жамоаси аъзоларига акциялар учун туланадиган дивидендлар ва бошқалар.

7.3. Меҳнат ҳақи ҳисобини ҳужжатларда расмийлаштириш

Корхона ва ташкилотларда меҳнат ҳақ ҳисобини тугри ташкил қилиш учун, энг аввало, шахсий таркиб ҳисобини тугри юритиш лозим. Ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, уларга таътил берилгани, тунда, иш вақгидан ташқари вақтда, байрам кунларида ишлаганлиги ҳақида ишончли маълумот бўлгандагина корхона ходимлари билан ўз вақгида ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Ана шу мақсадда корхона кадрлар бўлими шахсий таркиб ҳисобини ҳамда бошқа хизматлар билан биргаликда иш вақгидан фойдаланиш ҳисобини олиб боради.

Шахсий таркибни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳуж-жатлардан фойдаланилади:

Т-1 шакли. Ишга қабул қилиш ҳақида бўйруқ.

Т-2 шакл. Шахсий варақа.

Т-5 шакли. Бошқа ишга ўтказиш ҳақида бўйруқ.

Т-6 шакли. Таътил бериш ҳақида қайд.

Т-8 шакли. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида бўйруқ.

Иш вақгини ҳисобга олиш учун Т-12 шаклидаги махсус табелдан фойдаланилади.

Меҳнатга ҳақ тулашнинг ишбай шаклида иш ҳақи ҳисоблаш учун табель маълумотлари етарли эмас. Бу-нинг учун қуйидаги бирламчи ҳужжатлардан фойдаланилади:

ишбай ишлаш учун нарядлар;

рапортлар;

маршрут варақалари;

қайдномалар;

бичиш карталари ва хоказо.

Махсулотни ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатнинг энг кенг тарқалган тури наряддир.

Баъзи корхоналарда ишлаб чиқариш ҳисоби маршрут варақалари тизимида юритилади.

7.4. Мехнатга ҳақ тулашнинг синтетик ва аналитик ҳисоби

Корхона ва ташкилотларда тузилган иш ҳақини ҳисоблаш кайдномасида ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳамда ундан ушлаб қолинадиган суммалар акс эттирилади. Иш ҳақини ҳисоблаш кайдномаси ҳар бир цех ходимларининг тоифалари бўйича алоҳида тузилади.

Иктисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар ойнинг биринчи ярми учун иш ҳақи ҳисоблашнинг бунакли ва бунаксиз тартибини куллаши мумкин.

Ҳисоб-китобнинг бунакли усулида корхона ходимига бунақ берилади, ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи тулаётганда эса узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади. Иккинчи ҳолда ишчига режадаги бунақ урнига ойнинг биринчи ярми учун ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича ёки ҳақиқатда ишланган вақт бўйича иш ҳақи ҳисоблаб ёзилади.

Иш ҳақини ҳисоблаш кайдномаси иш ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобни расмийлаштириш учун асосий ҳужжатдир. Бу ҳужжатда ҳар бир табель раками, ходимларнинг тоифаси ҳамда тулов ва ушлаб қолиш турлари бўйича тузилади. Иш ҳақини ҳисоблаш ведо-мостида қуйидаги курсаткичлар бўлади:

тулов турлари бўйича ҳисобланди — 6710—«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобварагининг кредит обороти;

иш ҳақидан ажратма ва туловлар ушлаб қолинди ва ҳисобланди — 6710—«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобварагининг дебет обороти;

кулга бериш ёки ойнинг охирида корхонада қолди — 6710—«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобварагининг дебет обороти.

Иш ҳақини ҳисоблаш кайдномаининг охирги курсат-кичи тулов кайдномаини тулдириш учун ҳамда ходимга иш ҳақи бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бўйича ҳисоблашишларни олиб бориш бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақяар режасида қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланиш кузда тутилган:

6710—«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобварақи;

6720—«Депонирлаштирилган иш ҳақи» ҳисобварақи.

Ушбу ҳисобварақлар пассив бўлиб, қолдиқ ҳисоб-варақсарнинг кредит томонида қолади.

«Харажатлар таркиби тугрисидаги Низом»га мувофиқ меҳнат ҳақи харажатлари ишлаб чиқариш ҳамда давр харажатларининг муқим харажат элементларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисобланганда, уларни харажатлар таркибига киритиш лозим.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлган ишчи ва хизматчиларига иш ҳақи ҳисобланганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т «Ишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварақлари (2010, 2310, 2510);

К-т 6710—«Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобварақи.

Корхонанинг маъмурий-бошқарув ишларида банд булган ходимларга иш хаки ҳисобланганида қуйидаги-ча бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 9420—«Маъмурий-бошқарув харажатлари» ҳисобвараги;

К-т 6710—«Ходимлар билан иш хаки бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобвараги.

Уч иш куни давомида олинмаган иш хаки депонентга утказилган, яъни саклаш учун қолдирилган ҳисобланади. Кассир уни банкка корхонанинг ҳисоб-китоб варагига утказиб, «депонентга қуйилган сумма» деб курсатади. Ходимлар уни корхона кассасидан чиқим ордери бўйича олади. Ходимларнинг иш хаки суммаси депонентга утказилганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 6710—«Ходимлар билан иш хаки бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобвараги;

К-т 6720—«Депонирлаштирилган иш хаки» ҳисобвараги.

Депонентга қуйилган суммалар депонентлар дафтарида ёки депонент варакачасида қайд этилади. У корхона томонидан 3 йил мобайнида сакланади. Курсатилган муддат тугагач, депонентга қуйилган суммалар йиллик баланс тузиш пайтида корхона даромадларига қушилади ва қуйидагича бухгалтерия проводкаси би-лан расмийлаштирилади:

Д-т 6720—«Депонирлаштирилган иш хаки» ҳисобвараги;

К-т 9360—«Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад» ҳисобвараги.

Ишчи ва хизматчиларга иш хаки туланганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 6710—«Ходимлар билан иш хаки бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобвараги;

К-т 5010—«Миллий валютадаги пул маблағлари» ҳисобвараги.

Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобнинг аналитик ҳисоби иш хаки ҳисоблаш-тулаш қайдномаларида, синтетик ҳисоби эса 6710—«Ходимлар билан иш хаки бўйича ҳисоблашишлар» ҳисобварагида юритилади.

7.5. Иш хакидан ажратма ва туловлар ҳисоби

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона ходимлари иш хакидан қуйидаги пул ушланмалари ва чегирмалари амалга оширилади:

- даромад солиғи;
- пенсия фондига ажратма;
- қасаба уюшмасига ажратма (ихтиёрий);
- ходим томонидан корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича туловлар;
- кредитга сотилган товарлар учун туловлар ва бошқалар.

Корхонада бажарилган иш учун пул ёки натура шаклида даромад олувчи барча ходимлар даромад солиғи тулайди. Ушланадиган солиқ миқдори амалдаги қонунчиликка биноан қуйидаги шкала ёрдамида аниқланади:

Солиққа тортиладиган даромад микдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш хакининг 5 баравари микдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш хакининг 5 баравари микдоридан 1 сум) ун баравари миклоригача	энг кам иш хакининг беш бара-вари микдоридан олинадиган солиқ беш баравардан ошадиган сумманинг 22 фоизи
Энг кам иш хакининг 10 баравари микдоридан 1 сум) ва ундан юкори микдоридан	энг кам иш хакининг ун баравари микдоридан олинадиган солиқ ун баравардан ошадиган сумманинг 32 фоизи

Иш хакидан ушланадиган солиқ ҳисобда куйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 6710—«Ходимлар билан иш хаки буйича ҳисоблашишлар» — 4559,25 сум;

К-т 6410—«Бюджетга туловлар буйича карзлар» — 4559,25 сум.

Ишчи ва хизматчиларнинг қариллиги, ногиронлик ҳамда боқувчисини йукотганлик учун нафақа билан таъминлаш учун ҳар бир корхонада Пенсия фондига белгиланган микдорда ажратма ажратади. Ҳозирги кунда иш хакидан Пенсия фондига 2,5% микдорида ажратма қилинади. У ҳисобда куйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 6710—«Ходимлар билан иш хаки буйича ҳисоблашишлар» — 750 сум;

К-т 6520—«Давлат мақсадли фондларига туловлар» — 750 сум.

Амалдаги қонунчиликка биноан ҳар бир корхона ихтиёрий равишда ҳисобланган иш хакидан қасаба уюшмасига ажратма қилиб бориши мумкин. Ҳозирги кунда иш хакидан қасаба уюшмасига ажратиладиган тулов микдори 1%га тенг.

Мисол. Юқоридаги мисол буйича ишчига ҳисобланган ой-лик маош микдори 30000 сумга тенг эди. Ана шу суммадан қасаба уюшмасига қилинадиган ажратма миқдори 300 сум ($30000 \times 1\% / 100\%$)га тенг. Ушбу муомала ҳисобда куйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 6710—"Ходимлар билан иш хаки буйича ҳисобла-шишлар" — 300 сум;

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига туловлар" — 300 сум.

Ижро варақалари асосида баъзи ходимларнинг иш хакидан алимент ушланиши мумкин. Ушлаб қолingan алимент пули иш хаки берилган кундан эътиборан 3 кун ичида алимент ундирувчига бериши ёки почта орқали жунатиши лозим. Агарда алимент ундирувчининг манзили номаълум бўлса, у ҳолда ушланган алимент суммаси суднинг депозит ҳисобварағига утқазилади.

Мисол. Октябрь ойида иш хакидан 1000 сум миққорида алимент ушланди ва ушбу сумма алимент ундирувчига етказилди. Ушбу муомала ҳисобда қуйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 6710—«Ходимлар билан иш хақи бўйича ҳисоблашишлар»- 1000 сум;

К-т 6990—«Бошқа мажбуриятлар» — 1000 сум.

Агар корхона савдо ташкилоти билан банк кредити ҳисобидан корхона ходимиға кредитға сотилган моллар учун ариза-мажбуриятнинг ҳамма суммасига савдо ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилган бўлса, бундай моллар учун пул ушлаб қолиш мумкин.

Бундай муомалаларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида 4710—«Кредитға сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» ҳисобварағи тайинланган. Бу ҳисобварақ актив бўлиб, унинг қолдиғи кор-хонага қайтарилмаган кредит бўйича ходимларнинг қарзини қурсатади, дебет обороти банк кредити ҳисобидан корхонанинг яна берган топширик мажбурият суммасини, кредит обороти эса қарзни қоплаш учун ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ушланган суммани қурсатади.

Ишчиларнинг кредитға товар олиши муносабати билан банкдан кредит олинса қуйидагича проводка бериледи:

Д-т 4710—«Кредитға сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари»;

К-т 6810, 7810.

Ишчиларнинг иш хакидан кредитни ўзиш бўйича ушланмалар қилинса қуйидагича проводка бериледи:

Д-т 6710—«Ходимлар билан иш хақи бўйича ҳисоблашишлар»;

К-т 4710—«Кредитға сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари».

Ушбу ушланмалар кредитни сундиришга йўналтирилганида қуйидагича проводка бериледи:

Д-т 6810, 7810;

К-т 5110—«Ҳисоб-китоб счёти».

Назорат саволлари

1. Мехнатга ҳақ тулаш фондининг таркиби нималардан ташкил топган?
2. Мехнатга ҳақ тулашнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Мехнатга ҳақ тулаш ҳисоби қандай ҳужжатларда расмийлаштирилади?
4. Мехнатга ҳақ тулашнинг ҳисоби қандай юритилади?
5. Иш хакидан ушлаб қолинган ажратма ва туловлар таркибига нималар қиради?
6. Иш хақи фондининг ишлатилиши устидан назоратни қим олиб боради?

8-Мавзу: Тайёр маҳсулот (ишлар , хизматлар) ва унинг сотилишини ҳисобга олиш.

Режа:

- 8.1. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва уни ҳисобга олиш вазифалари
- 8.2. Тайёр маҳсулотни баҳолаш ва унинг номенклатур
- 8.3. Тайёр маҳсулотнинг омордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби
- 8.4. Сотиш харажатлари ҳисоби

Адабиётлар: 1,3,4,9,11,16,21,22,24,25.

Таянч иборалар:

Товарлар сотиш ,тайёр махсулот ,товар-моддий захиралар, тайёр махсулотни баҳолаш, соф сотилиш киймати, бозордаги жорий нархлар,туланган ва туланмаган счётлар, касса усули ,юклаб жунатиш усули.

8.1.Тайёр махсулот (ишлар, хизматлар) ва уни ҳисобга олиш вазифалари

Тайёр махсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш халқ хужалиги ва аҳолининг эҳтигжларини таъминлашга қаратилган ҳар бир корхона ишлаб чиқариш фаолияти-тининг якунловчи босқичи ҳисобланади.

Тайёр махсулот деб — корхонадаги барча ишлов операцияларидан утиб булган, тайёр ҳолга келтирилган белгиланган давлат стандарти ва техникавий шарт-ларнинг барча талабларига жавоб берадиган ҳамда техника назорати бўлими томонидан қабул қилинган ёки буюртмачиларга топширилган махсулотга айтилади. Унинг таркибига буюртмачи корхоналар учун бажарилган иш, хизматлар ҳамда ушбу корхонага қарашли ишлаб чиқаришдан ташқари хужаликлар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳам қиради.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр махсулот, уни ортиб жунатиш вазифаларига қуйидагилар қиради:

1. Махсулот (иш, хизмат) сотилиши билан боғлиқ булган ҳамма хужалик операцияларини ҳисобда тугри ва уз вақтида акс эттириш;

2. Махсулот (иш, хизмат) сотишда шартномалар бажарилиши устидан назорат урнатиш;

3. Сотилган махсулотнинг ассортимент ва ҳажми бўйича ҳамда сотиш режасининг бажарилишини назорат қилиш;

4. Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ булган давр харажатларини уз вақтида аниқ ҳисоб-китоб қилиш;

5. Сотилган махсулот учун олинган тушумни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, фойда суммасини тугри аниқлаш ва бошқалар.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг бир маромда ишлашига, омбор хужалиги ва махсулот сотишни тугри ташкил қилишга, хужалик операцияларининг ҳужжатларда уз вақтида расмийлаштирилишига боғлиқдир.

«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМАга мувофиқ (5.3-банд) **тайёр махсулот** хужалик юритувчи субъектларда булган активлар ҳисобланади ва улар ҳужалик юритувчи субъектнинг кундалик фаолиятида сотиш учун мулжалланган тайёр махсулот, товарлар си-фатида корхонанинг товар-моддий захиралари таркибига қиради.

Тайёр махсулотни ҳисобга олиш шу махсулотнинг ишлаб чиқаришдан олинishi, унинг ҳаракати, сотилиши ва харидорлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни акс эттиради.

8.2. Тайёр махсулотни баҳолаш ва унинг номенклатураси.

Махсулот (иш, хизмат) одатда маълум бир кийматда баҳоланади ва сотилади.

Баҳо — кийматнинг пулдаги ифодасидир. Унинг асосини у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ ижтимоий зарурий меҳнат ташкил қилади.

Тайёр маҳсулот (иш, хизмат)нинг сотиш кийматини белгилашда «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМАдан фойдаланилади. 4-сонли БХМАнинг 7-бандига биноан тайёр маҳсулотлар энг кам баҳода баҳоланиши керак: таннархда ёки соф сотилиш кийматида.

Хисобот даври охирида маҳсулотнинг хақиқий иш-лаб чиқариш таннархини аниқлаш мумкин. Лекин маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳар куни содир бўлади, шу сабабдан жорий ҳисобда маҳсулотни шартли баҳода баҳолаш керак. Тайёр маҳсулотларнинг оператив ҳисоби ишлаб чиқариш режа таннархида ёки шартнома баҳосида еҳуд чакана баҳода юритилади.

Ушбу стандартда маҳсулот (иш, хизматлар)нинг сотилиши (21—22 бандлар) тартиби қуйидагича баён қилинган:

Материаллар ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган бошка хом-ашё, агар улардан тайёрланган маҳсулот бозор (қундалиқ) нархида сотилса, кийматидан паст нархда арзонлаштирилмай-ди. Бирок агар омборда мавжуд бўлган нархдаги материалдан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи со-тиш соф кийматидан ошиб кетса, материаллар сотиш соф кийматигача арзонлаштирилади. Бундай вазият-ларда материаллар кийматини улчашнинг мавжуд шакл-ларидаги энг яхшиси бўлиши мумкин.

Сотишнинг соф киймати — ишлаб чиқаришни ту-галлаш ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган бут-лаш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда ТМЗни сотишнинг ҳисоб-китоб нархидир.

Демак, мазкур БХМАдаги баҳолашга мувофиқ, агар корхона ишлаб чиқарган маҳсулотнинг таннархи маҳсулотни сотиш режасидан ёки бозордаги жорий нархларидан ошиб кетса, корхона узининг маҳсулотини сотиш соф кийматигача арзонлаштириши мумкин. Лекин қуйидаги ҳолларда тайёр маҳсулот сотишнинг соф кийматидан арзон баҳоланиши мумкин:

1. Захираларни сотиш нархи арзонлашганда;
2. Захираларга зарар етганда;
3. Захиралар тула ва қисман эскирганда.

Корхоналарда маҳсулотнинг режа ва хақиқий таннархини ҳисобот даври якунида тартибга солиш керак. Хақиқий таннарх ҳисобот даври охирида аниқланади. Режа таннарх эса олдиндан белгиланади. Ҳисобот дав-ри охирида хақиқий таннарх режа таннархдан кам ёки куп бўлиши мумкин.

Тайёр маҳсулотлар қайси ҳисобварақларда ҳисобга олинган бўлса, огишишлар ҳам шу ҳисобварақларда тежалган бўлса қизил сторно усулида, ортикча харажат бўлса — оддий сифҳда акс эттирилади.

8.3. Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби

Корхоналарда тайёр маҳсулот ҳисоби вазифаларини аниқ ташкил қилиш мақсадида улар омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиб борилади.

Пировард, истеъмолга ярокпи булган махсулот тех-ник назорат булими томонидан текширилгандан сунг омборга топширилади. Тайёр махсулотни омборга қабул қилишда топшириш накладной ёки махсулот топшириш қайдномаида расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларда топширувчи цех, топширилиш муддати, махсулотнинг номенклатура раками, унинг сони, режа таннари ва тегишли моддий жавобгар шахсларнинг имзоси курсатилади. Қабул ҳужжатлари асосида бухгалтерия махсулот топшириш қайдномасини юритади. Бажарилган иш ёки хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатамаси билан расмийлаштирилади. Омборларда махсулот хара-катининг миқдор курсаткичларидаги ҳисоби варақларда юритилади. Варақага ҳар бир қирим ва чиқим ҳужжатлари асосида махсулот ҳаракати билан боғлиқ операциялар ёзиб борилади.

Тайёр махсулотнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия усулида ташкил қилинади, яъни ҳар бир буюм номенклатура ракамига омбор материаллари ҳисоби карточкаси очилади (№ М-17-шакл). Тайёр махсулотнинг қилиб тушиши ва четга берилиши билан омбор ходими ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин коддик ҳисоблаб қўйишди. Бухгалтер ҳар қуни тугаган сутка учун омбордан ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак (қабул қилиш-топшириш накладной, буйруқ-накладной, товар-транспорт накладной).

Цехлар ишлаб чиқарилган махсулот ассортиментини қилишда, омборга тайёр махсулотни топширишда юк хати ёзиш учун фойдаланади; маркетинг булими — жунатиш булими шартномаларини бажариш имкониятларини назорат қилиш учун; .

- бухгалтерия — тайёр махсулотнинг аналитик ҳисобини юритишда умумий маълумотлар ва ҳисоботлар тузиш учун фойдаланилади.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклида тайёр махсулотнинг аналитик ҳисоби 16-қайдномада юритилади. Бу қайднома туртга бўлидан иборат бўлиб улар қуйидагилардир:

1-булим "Тайёр махсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати" деб номланади ва унда махсулотнинг ҳисобот оғи бошланишига қолдиги, омборга қабул қилинган харидорларга жунатилган ва ҳисобот оғи охирига қолдиги ҳисобда қабул қилинган баҳо ҳамда ҳақиқий таннарида курсатилади .

2-булим "Жунатилган ва сотилган махсулотлар" деб номланиб, унда жунатилган махсулотларнинг аналитик ҳисоби харидор корхоналар номига ёзилган ҳар бир тулов талабномаси бўйича алоҳида юритилади.

3-булим "Туланган ва туланмаган счётлар ҳақда умумий маълумотлар" деб номланиб, унда жунатилган ва сотилган махсулотлар тугрисида умумий маълумотлар курсатилади.

4-булимда солиқ бўйича еолик идоралари билан ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади.

"Тайёр махсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати"

Курсаткичлар	Бахоси бўйича	Таннар х	Ўзув асос	учун
Ой бошига колдик				
Ишлаб чиқаришдан қабул қилиш				
Колдик билан жами ҳақиқий таннархнинг хисоб баҳосига нисбати, %				
Хисобот ойдаги ортиб жунатилган				
Ой охирига бўлган колдик				

Хисобот даври охирида 16-қайдноманинг ойлик жами суммаси 11-журнал-ордерга қучирилади.

Тайёр маҳсулотларни харидорларга жунатиш хари-дор билан тузилган шартномалар асосида амалга оши-рилади. Бу шартномаларда жунатиладиган маҳсулот муд-дати, миқдори, қиймати ва қисоб-қитоб шартлари кел-тирилади. Жунатилган маҳсулот счё-т-фактура, қиммат ҳужжати, тулов талабномаси ва бошқа ҳужжатларда расмийлаштирилади. Маҳсулотлар харидорларга жунатилганида жунатилган товар қийматига қуйидагича қўйиладиган:

Д-т 9110—«Сотилган маҳсулотнинг таннархи»

К-т 2810—«Омбордаги тайёр маҳсулот».

Жунатилган товарларнинг аналитик ҳисоби уз вақтида банк инкассасига берилган қисоб-қитоб ҳужжатлари бўйича, тулаш муддати етган ва тулаш муддати етмаган қисоб-қитоб ҳужжатлари бўйича алоҳида ҳамда тулашга қабул қилинмаган, маъсул шахсда бўлган жуна-тилган товарлар алоҳида ҳисобга олинадиган.

8.4. Сотиш қаражатлари ҳисоби

Маҳсулотни реализация қилиш бир қанча қаражатларни келтириб чиқаради. Бундай турдаги қаражатлар сотиш қаражатлари деб қўйилади. Ушбу турдаги қара-жатларни тугри, аниқ ва уз вақтида акс эттириш ҳар бир қорхонанинг қўйиладиган натижаларини аниқлашда муҳим аҳамият қўса-ди.

Сотиш қаражатларини ҳисобга олиш "Қаражатлар таркиби тугридаги Низом"га асосан амалга оширилади.

Юқорида биз келтирган қаражатлар 9410—"Сотиш бўйича қаражатлар" ҳисобварагида қисобга олинадиган. Ушбу ҳисобварақ транзит ҳисобварақ бўлиб, қайси давр бўлмасин, унинг ой бошида колдик суммаси бўлмайди. Унинг дебет томонида товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган қаражатлар қўйиладиган, қредит томонида ушбу қаражатларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс этти-рилади. Бу сумма қўйиладиган қамалишига олиб қелади, яъни қўйида ҳисобдан қўйиладиган.

9410—"Сотиш бўйича қаражатлар" ҳисобварагининг аналитик ҳисоби 15-сонли қайдномада қаражатларнинг дебет ва қредит обороти бўйича қўйиладиган. Дебет оборотининг жами суммаси №1, 2, 7, 10/1-журнал-

ордерларида акс эттирилса, кредит буйича оборот сум-малари эса №11-журнал-ордерда акс эттирилади.

Сотиш харажатлари хар ойда тулик суммада куйидаги ёзув билан молиявий натижаларга утказилади:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9410—"Сотиш харажатлари".

Тайёр махсулот сотишнинг аналитик ва синтетик ҳисоби

Махсулотнинг сотилиши корхона маблағлари айланишининг якунловчи жараёнидир. Бу жараён корхона томонидан ишлаб чиқарилган махсулотнинг халқ хужалиғи истеъмолида уз урнини топганлигини англатади. Хозирги пайтда корхона ишини баҳолашда махсулотнинг сотилиши асосий курсаткичлардан бири булиб ҳисобланади.

Халқаро ҳисобда махсулот, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар курсатишдан олинadиган тушумни белгилашнинг икки усули мавжуд: (- **Касса усули** — бунда сотувдан олинган тушум, юклаб жунатилган махсулот учун ҳақ сифатида пул келиб тушишига қараб эътироф этиб борилади.

- **Юклаб жунатиш усули** — бунда махсулот харидорларга жунатилиб, уларга ҳисоб-китоб ҳужжатлари (счёт-фактура, транспорт юк хатлари ва бошқа шунга ухшаш ҳужжатлар) топширилишига қараб бу махсулот сотилган ҳисобланади.

Сотилган махсулот 9010—"Махсулот сотишдан олинган даромадлар", 9020—"Товарларни сотишдан олинган даромадлар", 9030—"Бажарилган иш ва курсатилган хизматлардан олинган даромадлар" ҳисобварақларида ҳисобга олинади. 9040—"Сотилган товарларнинг қайтарилиши" ва 9050—"Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар" ҳисобварақларида сотилган товарларнинг қайтарилиши ҳамда харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар акс эттирилади.

9010, 9020, 9030-ҳисобварақларнинг кредитида 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар" ҳисобварағи билан корреспондентланган ҳолда махсулот (иш, хизмат) лар сотишдан олинadиган соф тушум акс эттирилади.

К-т 9900—"Якуний молиявий натижа".

Шу билан бирга сотилган махсулотнинг таннари ҳам ҳисобот даври якунида якуний молиявий натижага утказилади;

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9110, 9120, 9130.

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар";

К-т 6410—"Бюджетга туловлар буйича қарзлар".

ККС суммаси бюджетга утказиб берилганида қуйи-дагича проводка берилади:

Д-т 6410—"Бюджетга туловлар буйича қарзлар»;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти».

Назорат саволлари

- 1.Тайёр махсулот деб нимага айтилади?
- 2.Тайёр махсулот қандай баҳоларда баҳоланади?
- 3.Тайёр махсулотнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби қандай ташкил қилинади?
- 4.Бухгалтерия ҳисобида тайёр махсулотни жунатиш ҳамда сотиш муомалалари қай тартибда акс эттирилади?
- 5.Махсулотларнинг сотилиши бўйича ККС қай тартибда ҳисобга олинади?
- 7.Бухгалтерия ҳисобида даргумон қарзлар резерви қайси мақсадлар учун ташкил қилинади?

9-Мавзу:Ишлаб чиқарилган махсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини калькуляция қилиш тизими

Режа:

9.1. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг мақсади ва вазифалари

9.2. Харажатларни туркумлаш.

9.3. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

9.4. Ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма ҳисоби

9.5. Турли мулк шакллари мавжуд шароитда харажатларни ҳисобга олиш ва таннарх ҳисоблашнинг усуллари.

9.6. Меҳнатга ҳақ тулаш ҳамда ижтимоий сугуртага ажратмалар бўйича харажатлар ҳисоби

Адабиётлар:1,2,3,9,18,19,20,21,26.

Таянч иборалар:

"Харажатлар таркиби туғрисидаги Низом",калькуляция қилишнинг норматив усули,жараёнлар бўйича махсулот таннархи калькуляцияси, калькуляция қилишнинг оддий усули ,калькуляция қилишнинг буюртмали усули, фавқулодда харажатлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар,давр харажатлари (операцион харажатлар),махсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар.

9.1. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг мақсади ва вазифалари

Қорхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари деб, мах-сулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларга айтилади. Уларга хом-ашё, материал, ёкилги, аморти-зация ажратмаси, ишчи-хизматчиларга иш хақи ва мах-сулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар қиради.

Агар бир хил махсулот ишлаб чиқариш билан бог-лик харажатларнинг жами суммасини ишлаб чиқарилган махсулот сонига таксимласак, ишлаб чиқарилган бир бирлик махсулотнинг таннархини топамиз. Таннарх курсаткичи корхона фаолиятида муҳим сифат курсаткичларидан бири хисобланади. У канча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча юқори бўлади. Таннархга хорхонанинг ҳамма харажатлари қушил-майди, баъзи харажатлари бошқа манбалар ҳисобидан қопланади. Масалан, фойда ҳисобидан давр харажатлари қопланади.

Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари харажат калькуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш турлари, харажатларнинг вужудга келиш жойлари, махсулот турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга олиш ҳамда махсулот таннархини калькуляция қилишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш ва сотиш билан боглик харажатларни уз вақтида, тулалигича ва ҳаққоний аниқлаш, шу билан бирга айрим махсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш ҳамда орхона ресурслари ва пул маблағлари ишлатилиши устидан назоратни урнатишдан иборат.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ислохоти амалга оширилиши энг асосий масалалар бўйича узгаришлар бўлишига олиб келди. Аввал 1995 йилда кейинчалик 1999 йилда *"Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакл-лантириш тартиби тугрисида"* ги Низомнинг қабул қилиниши мамлакатимиз бухгалтерия ҳисобида тубдан узгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Ушбу Низом харажатларнинг моҳияти, корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси билан богликлигидан келиб чиқиб таксимлашни белгилаб берди. Бундай таксимлаш бозор иқти-содиёти хусусиятларидан келиб чиқади ва у бизнинг бухгалтерия ҳисоби тизимимизни халқаро микгсда қулланилаётган "Директ-костинг" ҳисоб тизимига анча яқинлаштирди. Харажатлар ҳисобининг айнан шу ти-зимга яқинлаштирилиши бозор иқтисодиёти шароити-да бухгалтерия ҳисоби бажариши керак бўлган вазифалардан келиб чиқди.

Корхона ва уни бошқариш нуктаи назаридан эса харажатларнинг умумий суммаси, алоҳида ишлаб чи-қариш бўлинмаларининг унумли ҳамда унумсиз харажатлари ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар йиғишни талаб этади.

Шундай қилиб, харажатларни ҳисобга олиш ҳам молиявий ҳисобнинг, ҳам бошқарув ҳисобининг энг муҳим қисмларидан бири экан. Мана шу асосда хара-жатлар ҳисоби олдидаги вазифаларни аниқлаш мумкин.

Демак, харажатларни ҳисобга олишнинг қуйидаги вазифаларини ҳам санаб ўтишимиз керак экан:

- алоҳида ишлаб чиқариш жараёнлари ёки бўлинмалари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва улар устидан назоратни таъминлаш;
- алоҳида махсулот турлари бўйича асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотни шакллантириб бериш;

-корхонанинг ишлаб чиқаришдан ташқари барча бошқарув харажатларининг тахлилий маълумотларини йиғиб бериш ва уларнинг талқинини амалга ошириш.

Бу вазифалардан қуриниб турибдики, ҳисоб ва тах-лил бошқарув ҳисобининг бир-бири билан ҳамбарчас боғланган икки томони экан. Зеро маҳсулот баҳосининг энг қуйи чегарасини аниқлаш учун ҳам таннарх-ни ҳисоблаш талаб этилади.

Хар бир корхона ёки бирлашмада ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини тугри калькуляция қилишнинг ташкил этиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

аввалдан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган технология режасининг мавжуд бўлиши;

омбор хужалигининг тугри ташкил қилиниши ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур улчов асбоблари ва мосламалар билан таъминланган бўлиши;

ишлаб чиқариш харажати аналитик ҳисобварағи;

калькуляция объектлари ҳамда калькуляция бир лигини аниқлаш;

калькуляция моддалари, комплекс харажатлар оддалари номенклатурасини ишлаб чиқиш;

б) комплекс харажат моддаларини калькуляция объектлари уртасида тақсимлаш усулини танлаш ва ҳоказолар.

Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашда қуйидаги қоидалар асос бўлиб хизмат қилади:

-корхонадаги барча харажатларни уларнинг аҳамиятидан, қатъий назар тулалигича ҳисобга олиш;

-харажатларни корхонадаги фаолият соҳалари бўйича алоҳида ҳисобга олиш зарурдир. Аниқроғи, асосий фаолият, бошқа турдаги фаолият, масалан, таъмирлаш, ёрдамчи хужалик, асосий ва ёрдамчи хужалик, асосий ва ёрдамчи саноат ишлаб чиқариш бўлимлари ва бошқалар;

-хар бир харажатни у тегишли бўлган даврда ҳисобга олиш ва қоплаш шартдир.

Юқоридаги қоидаларга бўйсуниб харажатлар ҳисоб-бининг оптимал ташкил қилиниши, молиявий ҳисоб-ботнинг эса объектив ва ишончли бўлишини таъминлайди.

9.2. Харажатларни туркумлаш.

Харажатлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби вазифаларидан қелиб чиқиб қуйидаги элементлар бўйича гуруҳнади:

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг гуруҳланиши

Гуруҳланиш тури	Харажат турлари
Ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий ўрнига қараб	Асосий ва доимий
Таркибига қараб	Комплекс ва бир элементли

Таннархга утказиш усулига караб	Тугри ва эгри
Ишлаб чиқариш хажмига караб	Ўзгарувчан ва ўзгармас
Ўзага келишига караб	Доимий ва бир вақтли
Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига караб	Ишлаб чиқариш ва тижорат
Самарадорликка караб	Самарали ва самарасиз

Харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикасида "Махсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий на-тижаларни шакллантириш тартиби тугрисидаги Ни-зом"да белгилаб қўйилган. Ушбу Низомга мувофиқ харажатлар икки гуруҳга бўлиниб ҳисобга олиниши бел-гиланган:

- махсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- махсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар.

Бундан ташқари, молиявий фаолият бўйича ҳамда фавқулодда харажатлар алоҳида ҳисобга олинади.

Ўқоридагилардан келиб чиқиб харажатларнинг гу-рухланиши қуйида келтирилади.

1. Махсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита материал харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Бевосита харажатлар деб, махсулотнинг айрим тур-лари таннархига тугридан-тугри, яъни бевосита утқа-зиладиган харажатларга айтилади. *Билвосита*, яъни эгри харажатлар деб, ҳисобот оyi давомида йигиб-таксим-ловчи ҳисобварақларда ҳисобга олиниб, таннархни калькуляция қилишда, махсулотнинг айрим турлари таннархига бирон-бир курсаткичга мутаносиб равишда таксимлаш йули билан қўшилиладиган харажатларга ай-тилади.

2. Давр харажатлари (операцион харажатлар):

- а) махсулот сотиш харажатлари;
- б) маъмурий ёки бошқарув харажатлари;
- в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- а) фоизларни тулаш бўйича харажатлар;
- б) хорижий валюта билан операциялар бўйича курслардаги салбий фарқдар;

в) қимматбаҳр қозғаларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги зарарлар;

- г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

4. Фавқулодда харажатлар даромад (фойда)дан олинadиган солиқ тулагунга қадар фойда ва зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Махсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш тан-нархига бевосита махсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш тех-нологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади.

Юкоридаги харажатлар иктисодий мазмунга кура куйидаги элементлар билан гурухларга ажратилади:

- ишлаб чикариш моддий харажатлари (кайтириладиган чикитлар киймати чикариб ташланган холда);
- ишлаб чикариш хусусиятига эга булган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари;
- ишлаб чикаришга тегишли булган ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чикариш аҳамиятига эга булган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чикариш аҳамиятига эга булган бошқа харажатлар.

9.3. Ишлаб чикариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

Ишлаб чикаришнинг мураккаблиги ҳамда харажат-ларнинг хилма-хиллиги уларни ҳисобга олишда бутун бир гурух ҳисобварақларнинг кулланилишини тақозо этади. 21-миллий бухгалтерия стандартига мувофиқ харажатларни ҳисобга олишда куйидаги ҳисобварақлар-ни куллаш белгилаб куйилган.

20—Асосий ишлаб чикаришнинг ҳисобга олиш ҳисоб-варақлари.

2010—«Асосий ишлаб чикариш».

23—Ёрдамчи ишлаб чикаришнинг ҳисобга олиш ҳисоб-варақлари.

2310—«Ёрдамчи ишлаб чикариш».

25—Умумишлаб чикариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

2510—«Умумишлаб чикариш харажатлари».

26—Ишлаб чикаришдаги яроксиз маҳсулотларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

2610—«Ишлаб чикаришдаги яроксиз маҳсулот».

27—Хизмат курсатувчи хужаликлар харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

2710—«Хизмат курсатувчи хужаликлар». 31—Келгуси давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

3110—«Олдиндан туланган ижара ҳақи».

3120—«Олдиндан туланган хизмат ҳақи».

3190—«Бошқа бунақ харажатлари».

89—Келгусидаги харажатлар ва туловлар резервлари бўйича ҳисобварақлар.

8910—«Келгусидаги харажатлар ва туловлар резервлари».

Элементлар ва калькуляция моддалари бўйича харажатлар ҳисобини таъминлаш учун ҳамма харажатлар ишлаб чикариладиган маҳсулот турлари бўйича 2010-ҳисобварақга гурухланади. 2010—«Асосий ишлаб чикариш» ҳисобварағи асосий ишлаб чикаришга, яъни маз-кур корхонани ташкил этишдан маҳсулот (ишлар ва хизматлар) етиштириш мақсад булган ишлаб чикаришга килинган харажатлар тугрисидаги ахборотни умумлаш-тириш учун тайинланган.

2310—«Ёрдамчи ишлаб чикариш» ҳисобварағи асосий ишлаб чикариш ёки корхонанинг асосий фаолияти учун ёрдамчи (кумакчи) булган ишлаб

чикаришлар харажатлари тугрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Ёрдамчи ишлаб чикариш махсулот ва хизматлари цех ҳамда завод булимлари томонидан ишлатилади. Шунинг учун ёрдамчи ишлаб чикариш махсулот ва хизматлар таннархи ишлаб чикаришни бошқариш ва унга хизмат курсатиш харажатлари таркибига киритилади.

2510—«Умумишлаб чикариш харажатлари» хисоб-вараги корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чикаришларига хизмат курсатиш буйича харажатлари тугрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган.

2610—«Ишлаб чикаришдаги яроксиз махсулот» хисобвараги ишлаб чикаришда бракдан курилган за-рарлар тугрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

2710—«Хизмат курсатувчи хужаликлар» хисобварагида корхонанинг хизмат курсатувчи хужаликлари томонидан махсулот ишлаб чикариш, ишлар бажариш ва хизматлар курсатиш билан боглик харажатлар хисоби амалга оширилади.

3110—«Келгуси давр харажатлари» хисобвараги мазкур хисобот даврида килинган, аммо келгуси хисобот даврига тегишли булган харажатлар тугрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Ушбу хисобварақ таркибига куйидагилар киради: телефон учун оддиндан туланган абонент тулови, ижара тулови, рузнома ва ойномаларга обуна киймати ва бошқалар. Хисобварақ актив булиб, иктисодий тараф-дан хужалик жараёнининг ҳолатини курсатади.

Шу даврнинг узида таннархни бошқариш қисмининг ишлаб чикариш эҳтигжи келгуси давр харажатлари ҳамда туловлари учун резерв маблагларини ташкил этилишини талаб этади. Шунинг учун яна бир 8910—«Келгусидаги харажатлар ва туловлар резервлари» хисобвараги керакдир. Ушбу хисобварақ ишлаб чикариш ёки муомала сарфларига харажатлар ва туловларни бир меъёрда кушиш мақсадида белгиланган тартибда резерв килинган суммаларнинг ҳолати ҳамда ҳаракати тугрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Хисобварақ пассив булиб, хужалик жараёнининг ҳолатини тавсифлайди. Уни юргизиш учун эса Молия Вазирлигининг рухсати керакдир.

9.4. Ишлаб чикариш харажатларининг дастлабки ва йигма ҳисоби

Ишлаб чикариш харажатларини хужжатларда тугри ва уз вакгида расмийлаштириш корхонада бошқарув ҳисобининг самарали ишлашини таъминлайди. Шу билан биргаликда ҳисоб маълумотлари асосида корхона ишлаб чикариш фаолиятини таҳдил килиш ва келгу-сидаги фаолиятни режалаштириш имконияти ошади.

2010—«Асосий ишлаб чикариш» ва 2310—«Ёрдамчи ишлаб чикариш» хисобварақяари буйича аналитик ҳисоб ҳар бир махсулот тури, калькуляция бандлари ва бажарилган жойи буйича алокида юритилади. Бунинг учун аналитик ҳисоб карточкаси юритилади.

2510—«Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб 12-қайдномада юритилади. 12-қайднома шахмат шаклида бўлиб, тегишли графаларга ҳисобварақлар бўйича ҳужалик муомалаларнинг суммаси ёзилади.

Цехлар бўйича харажатлар акс эттирилиб ва № 12-қайдномада жами маълумотлар чиқарилгандан сунг, цех қайдномалари харажатлари жамланади. Якуний маълумотларни "Корреспондентлашадиган ҳисобварақлар жами" жадвалига, қайдноманинг орқа томонига ёзилади. Юқоридаги маълумотлар № 10-журнал-ордерда харажатлар бўйича синтешқ ҳисобварақларда ёзув учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан сунг бутун корхонада харажатлар ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича натижаларни аниқлаш лозим. Бунинг учун № 12 ва 15-қайдномаларда ҳисобга олинган ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлар ва харажатлар йуналиши бўйича умумлаштириб таҳдил этиш ва синтетик ҳисобварақлар бўйича кредит оборотини аниқлаш керак. Бу маълумотлар Бош китобни юритишга асос бўлади.

Корхона бўйича ишлаб чиқариш харажатларини № 10-журнал ордерда жамланади.

Якуний маълумотлар жамланиб, кредит бўйича ҳисобварақлар оборот суммалари аниқланади ва Бош китобга қучирилади. Бош китоб йиллик ҳисоботларни асосини ташкил этувчи якуний маълумотнома бўлиб ҳисобланади. Ушбу китобда маълум давр мобайнида ҳар бир ҳисобварақ бўйича ҳужалик операциялари обороти акс эттирилади.

9.5. Турли мулк шакллари мавжуд шароитда харажатларни ҳисобга олиш ва таннарх ҳисоблашнинг усуллари.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули деб, у ёки бу маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлашда қулланила-диган усуллар тизимига айтилади.

У ёки бу калькуляция усулини қуллаш қуйидаги асосий омиллар билан аниқланади: ишлаб чиқариш тури ва мураккаблиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси, характери, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш жараёнининг узун-қис-қалиги ва хоказо.

Ишлаб чиқариш тури ва мураккаблиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва характери, ишлаб чиқариш жараёнининг узун-қисқалиги ва бош-қа омилларга қура калькуляция қилишнинг 4 усули мавжуд:

- Оддий усул;
- Жараёнлар усули;
- Буюртмали усул;
- Норматив усул.

Ҳар бир корхонада шу корхонанинг ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда калькуляция-лашнинг у ёки бу усули қулланилиши мумкин.

Калькуляция килишнинг оддий усули. Бу усул тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаган ёки оз миқдорда бўлган, оддий ишлаб чиқаришга мансуб бўлган корхоналарда қўлланилади. Ушбу усулда ҳисобот даврида ишлаб чиқаришга тааллуқли барча харажатларнинг умумий қиймати аниқланиб, бу харажатлар маҳсулот турлари ўртасида маълум курсаткичларга (ўртача режа таннари, асосий ишчиларнинг иш ҳақи, материаллар харажати ва бошқалар) мутаносиб равишда тақсимланади.

Жараёнлар бўйича маҳсулот таннари қалькуляцияси. Бу усул қўпинча металлургия, туқимачилик ва бошқа саноатнинг шунга ўхшаш тармоқларида қўлланилиши мумкин.

Жараёнлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш усули маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳом-ашёнинг бир неча жараёндан ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келадиган ишлаб чиқаришларда қўлланилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг охирига жараёндан ташқари ҳар бир жараён нисбатига етказилган ҳом-ашёга ишлов бериш босқичи бўлиб, ўзининг натижасида корхона якуний, истеъмолга яроқли тайёр маҳсулот эмас, балки ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулот олади. Олинган ярим тайёр маҳсулотлар корхонада ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичларида қўйдаланилиши билан бирга, у кейинчалик ярим тайёр маҳсулот ёки бутловчи қисм сифатида сотилиши ҳам мумкин.

Жараёнлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш усули барча корхоналарда бир хил эмас. Баъзи корхоналарда тўғри харажатлар бухгалтерия ҳисобида алоҳида бир жараён бўйича акс эттирилади, ҳом-ашёнинг дастлабки қиймати эса факат биринчи жараён маҳсулоти таннарига киритилади. Якуний маҳсулотнинг таннари-ҳи барча жараёнлар харажатлари суммасидан иборат бўлади.

Бўйртмали усул. Қалькуляция қилишнинг бўйртмали усули мураккаб маҳсулот, яққа тартибда маҳсулот ишлаб чиқаришда, тажриба ишларини бажаришда қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда барча асосий харажатлар ҳар бир ишлаб чиқаришда бўйртмачи ўчун алоҳида ҳисобга олинади. Ҳар бир бўйртмага бўйртма варағи очилиб, бу ерда харажатлар йиғилади. Қабул қилинган бўйртма маҳсулоти китобларда рўйхатга олинади ва ўнга навбатдаги рақам бириктирилиб, ўшбу рақам бўйртма тайёр ҳолга келтирилгўнга қадар ўнинг шифри бўлиб туради. Бўйртма бажарилиши мобайнида расмийлаштирилган ҳамма дастлабки ҳужжатларда ана шу шифр қўйиб борилади. Бўйртма маҳсулот тайёр ҳолга келтирилгўндан сўнг варақа гпилади.

Ишлаб чиқариш бўйртмалари четдан маҳсулотнинг маълум турларини ишлаб чиқариш ўчун берилади. Бошқа харажатлар эса цех ёки корхона бўйича ҳисоб қилинади, айрим ишлаб чиқариш бўйртмалари таннарини қалькуляциялашда ўларнинг таннари бирон-бир курсаткичга мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан ўтказилади. Бўйртмали усулда харажатлар ҳисоби ва қалькуляциялаш объекти айрим ишлаб чиқариш бўйртмалари ҳисобланади. Бўйртманинг ҳақиқий таннари ҳар ойда эмас, балки бўйртма тайёр бўлганидан кейин аниқланади.

Калькуляция килишининг норматив усули. Норматив усулнинг устунлиги шундан иборатки, у меъёрдан четга чиқиш бўйича бошқариш тамойилини бажаришга ёрдам беради. Яъни харажатларни ҳамма моддалари бўйича меъёрдан четга чиқишини даврий аникланиши, бошқарувга оператив аралашини талаб этадиган маълумот етказиб беришга имкон яратади.

Калькуляция килишининг норматив усули ишлаб чиқариш харажатлари устидан тезкор назорат олиб бо-риш, корхона ички ишлаб чиқариш резервларини аниклаш ва уларни ишга солиш имкониятини беради. Шунинг учун бу усул энг долзарб ва илгор усул ҳисобланади.

9.6. Мехнатга ҳақ тулаш ҳамда ижтимоий сугуртага ажратмалар бўйича харажатлар ҳисоби

Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари таркибига "Харажатлар таркиби тугрисидаги Низом"га мувофиқ қуйидагилар киради:

1. Корхонада қулланиладиган меҳнатга ҳақ тулаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва окладлар асосида ҳақиқатан ба-жарилган иш учун ҳисобланган ишлаб чиқариш характеридаги иш ҳақи, қуйидагилар қўшилган ҳолда:

а) оғир табиий иқлим жойларда узок муддат узилишсиз иш стажига эга бўлганлар учун иш ҳақига қўшимча;

б) доимий иши йўлда амалга ошириладиган алоқа, темир йўл, сув, автомобиль транспорти ва бошқа соҳаларда банд бўлган ходимлар иш ҳақига қўшимча. Бундай ходимлар учун корхоналардан чиқиб, қайтиб келгунгача бўлган ҳар бир сутка учун қўшимча ҳақ туланади;

в) тугридан-тугри қурилишда, капитал таъмирлаш каби ишларда банд бўлган ходимларга қонунда қўзда тутилгандек айрим ишларни бажарганлиги учун туладиган қўшимча ҳақ;

г) ер ости ишларида банд бўлган ходимларга туладиган қўшимча ҳақ;

д) амалдаги қонунларга мувофиқ қўл, сувсиз ва тоғли ҳудудларда меҳнат қилувчи ходимларга туладиган ҳақлар;

е) авангард ишларни бажаришда банд бўлган ходимлар, транспорт ташкилоти ва йўлда об-ҳаво ноқулайлиги туфайли ушланиб қолган ходимлар учун туладиган суммалар;

ж) махсус шартномага мувофиқ корхона, ташкилотлардан муайян ишларни бажариш учун жалб қилинган ходимларга ва уларни юборган ташкилотга туладиган суммалар.

Меъёрдан ортиқча ишлаган ҳамда яхши ишлаган қўнлари ва ҳолатлар ҳисобига берилган қўнлари учун туладиган ҳақ.

Микдор қўринишида туладиган махсулот қиймати.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, рағбатлантириш характеридаги туловлар: муқофотлар, касб маҳорати учун тариф ставкалари, ойлик маошга қўшимчалар ва бошқа рағбатлантиришлар.

Тўнги сменада, сменадан ортиқча, шунингдек қўнлари меҳнат шароити оғир ва зарарли бўлганлиги учун туладиган туловлар.

Амалдаги конунларга мувофик, навбатдаги меҳнат таътили ва қушимча таътиллار, усмирларнинг имтиёзли соатлари, болали оналарнинг танаффус соатлари учун туловлар ва бошқалар.

Иш ҳақи қисман сакланган ҳолда, мажбурий таътилда бўлган ходимларга туланадиган ҳақдар.

Кон топширувчилар учун туланадиган туловлар, текшириш ва кон топшириш, дам олиш кунлари учун бериладиган туловлар.

Корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини утаганлиги учун олий ва урта махсус уқув юрти талабалари учун туловлар.

Талабалар қурилиш отрядлари таркибида ишловчи олий ва урта махсус уқув юрти талабалари меҳнатига ҳақ.

Тузилган шартномага қура бажарилган ишлар учун корхона штатида бўлмаганлар меҳнатига ҳақ.

Амалдаги конунларга мувофик ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган ходимлар меҳнатига ҳақ тулаш фондида қушиладиган бошқа тулов турлари.

«Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари» элементи бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари йиллик иш натижалари бўйича туловларни ҳам акс эттирадилар.

Назорат саволлари.

1. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари деб нимага айтилади?
2. Махсулот таннархини аниқлашнинг зарурияти нимада?
3. Харажатлар қандай туркумланади?
4. Ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма ҳисоби деганда нимани тушунаси?
5. Махсулот таннархини калькуляция қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
6. Ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобида қандай тартибда акс эттирилади?
7. Ишлаб чиқаришдаги яроксиз махсулот деб нимага айтилади?
8. Қелгуси давр харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг хусусиятлари нималардан иборат?
9. Тугалланмаган ишлаб чиқариш деб нимага айтилади?
10. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни иқтисодиётнинг турли тармоқларида ҳисобга олишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

10-Мавзу: Фонд(капитал)лар ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш.

Режа:

- 10.1. Капитал, резервлар ва тақсимланмаган фойдани ҳисобга олишнинг вазифалари
- 10.2. Устав капиталининг шаклланиши ва фойдаланилиши ҳисоби
- 10.3. Қушилган капитал ҳисоби

10.4. Кушилган капитал хисоби

10.5. Резерв капитали хисоби

10.6. Таксимланмаган фойда ва дивидендлар хисоби

10.7. Грантлар, субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва туловлари резервини хисобга олиш

10.8. Молиявий натижаларни хисобга олиш.

Адабиётлар: 1,3,4,6,9,16,17,19,21,22,24,25.

Таянч иборалар:

Якуний молиявий натижа, фавқулодда фойда ва зарарлар, молиявий фаолият буйича харажатлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, бошқа операцион харажатлар, давр харажатлари, сотилган махсулот таннари, махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, махсулот сотишдан олинган ялпи фойда (зарар), молиявий натижаларнинг шаклланиши ва таксимланиши,

Грант (субсидия), келгуси давр харажатлари ва туловлари резервини, таксимланмаган фойда ва дивидендлар, резерв капитали, кушилган капитал, устав капитал.

10.1. Капитал, резервлар ва таксимланмаган фойдани хисобга олишнинг вазифалари

Бозор иктисодиёти шароитида янги ташкил этилаётган корхоналар уз молиявий ва моддий ресурсларини мустакил шакллантиради. Бундай ресурслар, одатда, корхона таъсисчилари томонидан уз хусусий мулкларини устав капиталига улуш сифатида кушиш билан яра-тилади.

Устав капитали — ҳуқуқлар ва имтиёзлар олиш учун корхона муассислари томонидан таъсис ҳужжатларига мувофиқ кушилган (туланган) ҳамда корхона-нинг ҳужалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур булган моддий бойликлар, пул маблағлари ва харажатлар мажмуидир.

Устав капиталини ташкил қилиш амалдаги қонунлар ва таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Устав капиталига ҳисса шаклида қушиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар қелишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига қура баҳоланади ва хисобга олинади.

Барча мулк шаклларидаги корхоналарда капитал, резервлар ва таксимланмаган фойда буйича бухгалтерия хисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Устав капиталини шаклланиши ва ундан фойдаланишни назорат қилиш;

Корхона муассислари, капиталнинг шаклланиш босқичлари ва акциялар турлари буйича ахборот туплаш;

Устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳусусида ҳисобот тузиш буйича маълумотлар олишни таъминлаш;

Кушилган капитал ҳамда резерв капиталининг шаклланиши билан боғлиқ муомалаларни уз вақтида ҳисобда акс эттириш;

Корхона соф фойдасининг шаклланиши ва унинг таксимланишини уз вақтида ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш.

10.2. Устав капиталининг шаклланиши ва фойдаланилиши хисоби

Устав капиталини бухгалтерияда хисобга олиш учун куйидаги хисобварақлар очилган:

8310—"Оддий акциялар"

8320—"Имтиёзли акциялар"

8330—"Пай ва куйилмалар".

Ушбу хисобварақлар пасив хисобланади ҳамда дав-лат корхоналари устав фондининг, акционерлик жа-миятлар ва ширкатлар устав капиталининг шакллани-ши ва унинг харакатини хисобга олади.

Акциядорлик сармояси руйхатга олинган хажмда, биров кали тугалланмаган эмиссия сифатада хисобда акс эттирилар экан, эълон килинган (чиқарилишга рухсат этилган), жойлаштирилган (уларга акциядорлар обунаси амалга оширилган) ҳамда муомаладаги, ус-тавга мувофик кушимча жойлаштирилган оддий акция-ларнинг аналитик хисобини юритиш лозим.

Мисол. АЖ уставида 100 сумлик номинал кийматга эга булган 20000 дона оддий акциялар чиқаришга рухсат этил-ган.

Эълон килинган акциядорлик капиталига куйидагича про-водка берилади:

Д-т 4610—"Устав капиталига бадаллар буйича муассис-лар қарзлари"— 2000000 сум;

К-т 8310—"Оддий акциялар" — 2000000 сум.

Кейин АЖ номинал киймати буйича АЖ аъзоларига 10000 дона акция сотади, деб фарз қилайлик:

Д-т 5110, 5010-"Пул маблағлари" - 1000000 сум

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар буйича муассис-лар қарзлари" — 1000000 сум.

Маълум вақт ўтгач, АЖ қолган 10000 дона акцияни ҳар бир акция учун 120 сум эвазига бошқа инвесторга сотади. Акцияларнинг сотиш ва номинал кийматлари орасидаги фарқ—20 сумни ташкил этади ва бу фарқ 8410—"Эмиссион даромад" ҳисобварағида акс эттирилади:

Д-т 5110, 5010-"Пул маблағлари" - 1200000 сум;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар буйича муассис-лар қарзлари" — 1000000 сум;

К-т 8410—"Эмиссион даромад" — 200000 сум.

Акцияларга туловлар активларни бериш йули билан ҳам ўзилиши мумкин.

Мисол. Таъсисчи акция киймати эвазига аввал фойдала-нишда булган транспорт воситасини устав капиталига хисса тариқасида қиритди. Ушбу транспорт воситаси аввал хизмат қилганлиги туфайли унинг бозор баҳрсини аниқлаш қийин булди. Таъсисчилар ўзаро қелишиб, акциядорга ушбу транс-порт воситаси учун 1000 та оддий акция беришди, акция-ларнинг номинал киймати 200 сум, бозор киймати 250 сум.

Маъкур ҳолатда АЖ ҳисобидаги транспорт воситасининг киймати — 250000 сум (250x1000) булади.

АЖ мол-мулкидаги акциядор улуши — 200х1000к200000 сум, акцияларнинг бозор ва номинал кийматлари орасидаги 50000 (250000—200000) сумлик фарк эмиссион даромадни ташкил қилади. Ушбу муомалаларга қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0160—"Транспорт воситалари" — 250000 сум;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзлари" — 200000 сум;

К-т 8410—"Эмиссион даромад" — 50000 сум.

Акциялар номинал кийматини ошириш ёки қушимча акцияларни жойлаштириш йули билан АЖ устав қапиталини ошириш, акциялар номинал кийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан, акцияларнинг маълум қисмини сундириш йули билан жамиятнинг ўзи сотиб олиши орқали устав капиталини қисқартириш амалга оширилади.

8610-хисобварақда сотиб олинган хусусий акциялар устав капитали хисобварақига нисбатан контрпассив хисобланади ва у АЖнинг капиталини камайтиради ва шу сабабли балансда устав сармоясидан чегирилади. АЖ қуйидаги сабабларга қўра ўз акцияларини қайта сотиб олиши мумкин:

- акциялар қўрсини мақбул даражада ўшлаб туриш ўчун;

- ҳар бир қолган акцияга дивидендларни ошириш ўчун;

- ўз ҳодимлари орасида акцияларни тарқатиш ёки қолган акциялар номинал кийматини ошириш ўчун;

- бошқа фирмалар томонидан назорат ўрнатиш ўчун акцияларнинг сотиб олинишини бартараф этиш мақсадида.

Хусусий акциялар сотиб олинганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8610—"Сотиб олинган хусусий оддий акциялар";

К-т 5110—"Хисоб-қитоб ҳети".

Акциядорлар қарорига қўра устав капитали ҳажми-ни сотиб олинган акциялар номинал киймати суммасига уларни йўқ қилиш йули билан камайтириш мумкин:

Д-т 8310—"Оддий акциялар";

К-т 8610—"Сотиб олинган хусусий оддий акциялар".

Давлат қорхоналарининг устав фондининг ҳажми унинг ҳужалиқ фаолиятини амалга ошириш ўчун давлат томонидан белгиланган мол-мулк суммасига мос қелади. Маққур миқдор таъсис ҳужжатларида қайд қилинган миқдорга мувофиқ бўлиши лўзим.

Давлат қорхонаси устав фондини шакллантириш бўйича проводка қуйидагича бўлади:

Д-т 0110—0190—"Асосий воситалар";

Д-т 1010—"Ҳом-аше ва материаллар";

Д-т 5010, 5110—"Пул маблағлари";

К-т 8330—"Пайлар ва ўлушлар".

Маъсулияти чекланган жамият (МҚЖ) устав қапиталига қуйилмалар устав капиталидаги иштирокчилар-нинг ўлушини ташқил қилади.

Мисол. "Ёгду" МЧЖни ташкил қилиш пайтида 500000 сум миқдорида устав капитали рўйхатга олинган. Саломов ва Жураев Б. МЧЖнинг муассислари қисобланишади. "МЧЖнинг устав капиталида Саломовнинг улуши 60%ни, Жураев Б.нинг улуши 40%ни ташкил қилади.

Хужжатлар рўйхатдан утқазилган санадан кейин бу муо-мала ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича Саломовнинг қарзи" — 300000 сум;

К-т 8330—"Пайлар ва улушлар" Қаримов қуйилмаси — 300000 сум; ҳамда

Д-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича Жураев-нинг қарзи" — 200000 сум;

К-т 8330 — "Пайлар ва улушлар" Жураев қуйилмаси — 200000 сум.

Ҳар бир иштирокчи (муассис) МЧЖга таъсис шарт-номасига мувофиқ бирон-бир активни қиритади. Устав капиталини шакллантириш бўйича бухгалтерия ёзув-лари яққа эғалиқдаги ёзувларга айнан ухшаш бўлади, муассислар бўйича таҳлилий ҳисобгина зарур.

Мисол. Қаримов уз қуйилмасини транспорт воситаси қури-нишида (300000 сум) қиритди:

Д-т 0160 — "Транспорт воситалари" — 300000 сум;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича Қаримов-нинг қарзи" — 300000 сум.

Жураев Б. уз қуйилмасини хом-ашё қуринишида (200000 сум) қиритди:

Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" — 200000 сум;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича Набиевнинг қарзи" — 200000 сум.

Таъсисчиларнинг қарорига мувофиқ устав капитали миқдори ошиши мумкин. Устав капиталининг ошири-лиши таъсисчиларнинг қушимча қуйилмалари ҳисоби-га ёки тақсимланган фойдадан ажратма қилиш ҳисобига бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда МЧЖга янги муассис қелиб қушилиши мумкин. Бу қуйидаги йуллар орқали юзага келади:

устав капитали улушини битта ёки бир неча шерикдан сотиб олиш йули билан;

қушимча сармоя қиритиш йули билан.

Бирок ҳар иккала ҳолатда ҳам янги муассиснинг қелиб қушилиши жамиятнинг барча аъзолари томонидан маъқулланиши лозим.

Биринчи ҳолатда сармоя сотиб олинган улуши олдинги муассис сармояси ҳисобварагидан янғисиники-га утқазилади.

Мисол. Саломов узининг 100000 сумлик миқдордаги улушини Васиевга сотди:

Д-т 8330—"Устав капитали Саломов қуйилмаси" — 100000 сум;

К-т 8330—"Устав капитали Васиев қуйилмаси" — 100000 сум.

Иккинчи ҳолатда янги муассис мавжуд сармояга қушимча сифатида устав капиталига уз улушини қушган-да муассислар улушларининг фоиз нисбати узгаради.

Мисол. 500000 сум микдорида руйхатга олинган устав ка-питалига эга булган ва муассислари улуши: Саломовники — 60%, Набиевники — 40% булган "Ёгду" МЧЖ янги аъзо Хошимов Л.ни жалб этиш хисобига уз устав капиталини 600000 сумгача оширишга қарор қилди. Мазкур ҳолатда улушлар нисбати узгаради ва қуйидагича қуринишга эга бўлади:

Саломов- 50% (300000/600000);

Набиев - 33,3% (200000/600000);

Хошимов - 16,7% (100000/600000).

МЧЖ устав капитали микдорининг қупайиши так-симланмаган фойда хисобидан ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолатда қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 8710—"Хисобот давридаги таксимланмаган фойда(қопланмаган зарар)"

К-т 8330—"Пайлар ва улушлар".

МЧЖда муассис жамият таркибидан чиқишга ҳамда уз улушини олишга қарор қилганда қуйидаги қувод-қалар берилади:

Д-т 8330—"Пайлар ва улушлар";

К-т 6620—"Чиқиб қетаётган муассислардан улушлари бўйича қарзлар".

Агар муассис чиқиб қетаётган пайтда МЧЖ маълум жамғарилган фойдага эга бўлса, у ҳолда таъсис ҳужжат-лариға белгиланган нисбатға мувофиқ муассисларнинг унга ҳам ҳаққи бор.

Д-т 8720— «Жамғарилган фойда».

К-т 6620—"Чиқиб қетаётган муассислардан улуш-лари бўйича қарзлар".

Муассис чиқиб қетаётганида олган жамғарилган фойда суммасидан олган жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиқини тулаши лозим.

Муассис устав сармоясидан уз улушини олиб чиқиб қетаётганида ҳеч қандай қегирма ва ажратмалар-сиз ҳам олиб чиқиб қетиши мумкин.

Муассис чиқиб қетаётганида унинг қарзининг сундирилишиға қуйидагича қуводка берилади:

Д-т 6620—"Чиқиб қетаётган муассислардан улушлари бўйича қарзлар"

К-т 5010, 5110—"Пул маблағлари".

Таъсисчилар билан хисоблашишлар. Қорҳона руйхатдан утганидан сунг руйхатдан утқазилган устав қапита-ли суммасиға қорҳона олдида муассисларнинг қарзи ву-жудға қелади. Таъсисчиларнинг устав капиталиға булган қарзлари бўйича олиб қориладиган хисоб-қитобларнинг хисоби 4610—"Устав капиталиға бадаллар бўйича таъ-сисчиларнинг қарзлари" хисобварағида олиб қорилади.

4610—хисобварақ актив бўлиб, дебет сальдоси таъ-сисчиларнинг ой бошиға булган сальдосини қурсатади. Дебет обороти хисобот ойида ву-жудға қелган таъсис-чиларнинг қарзларини акс эттирса, қредит обороти таъсисчилар томонидан утқазиб берилган пул маблағ-лари, моддий қийматликлар ва мулклар қийматини қурсатади.

Таъсисчилар билан олиб қориладиган хисоб-қитобларнинг аналитик хисобини қуритиш учун асос бўлиб таъсис ҳужжатлари, асосий воситалар ва

номоддий ак-тивларни қабул-қилиш-топшириш далолатномалари, қирим қасса ордерлари ва бошқалар ҳисобланади.

Руйхатдан утқазилган устав қапители суммасига 4610—"Устав қапителига бадаллар буйича таъсисчи-ларнинг қарзлари" ҳисобвараги дебетланиб, 8310—"Од-дий акциялар", 8320—"Имтиёзли акциялар" ва 8330— "Пайлар ва улушлар" ҳисобварақлари қредитланади.

4610—«Устав қапителига бадаллар буйича таъсисчиларнинг қарзлари» ҳисобвараги

Хужалик муомалаларининг мазмуни	Қисобвара^лар қорреспондешсяси	
		кредит
Устав қапителига улушлари буйича таъсисчилар қарзларининг ташқил этилиши	4610	8310 8320 8330
таъсисчилар қарзларининг асосий воситалар қарзида туланиши	ОПО-0190	4610
таъсисчилар қарзларининг номоддий ктивлар қарзида туланиши	0410-0490	4610
таъсисчилар қарзларининг пул маблағлари-ни қриш йули билан туланиши	5010 5110 5210	4610
таъсисчилар қарзларининг бошқа активлар қарзида туланиши	1010-1090 2910	4610

10.4.Қушилган қапители ҳисоби

Қорхонада қушилган қапители ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда қуритилади:

8410—"Эмиссион даромад"

8420—"Устав қапителини шакллантириш буйича қурсади фарк".

Ушбу ҳисобварақлар пассив булиб, улар оддий ва имтиёзли акциялар буйича номинал қийматдан юқори баҳода олинган суммаларни ва уларнинг ҳаракатини умумлаштириш учун мулжалланган.

Қорхонада қушилган қапители қуйидаги операция-лар натижасида вужудга қелиши мумкин:

- эмиссион даромадни юзага қелтирувчи номинал қийматдан юқори баҳода акциялар бирламчи сотилишида;

- қурсади фарқни қелтириб чиқарувчи хорижий инвестицияли қорхоналар устав қапителини шакллантириш пайтида.

Мисол. Номинал қиймати 600 сум булган акциялар 850 сумга сотилди.

Д-т 5110—"Қисоб-қитоб счёти" —850 сум;

Қ-т 4610—"Устав қапителига бадаллар буйича муассис-лар қарзлари" — 600 сум;

Қ-т 8410—"Эмиссион даромад" — 250 сум.

Шуни таъкидлаб утиш лозимки, 8410—"Эмиссион даромад" хисобвараги кредити буйича факатгина акци-яларнинг бирламчи эмиссияси пайтидаги номинал кий-матидан ортикча сумма хисобга олинади. Мазкур сумма фойда солигига тортиш объекти булиб хисобланмайди. * Сотиш бахосидан паст нархларда сотиб олинган ак-цияларни сотишда ва суммалар камомадида 8410—"Эмиссион даромад" хисобварагида зарар акс эттири-лади.

Мисол. 200 сумлик номинал кийматли, дастлаб 240 сумдан сотилган акциялар 260 сумдан сотиб олинди, кейин эса иккинчи марта 200 сумдан сотилди:

Д-т 5110—"Хисоб-китоб счёти" — 200 сум;

Д-т 8410—"Эмиссион даромад"— 40 сум;

Д-т 9690—"Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар" — 20 сум;

К-т 8610—"Сотиб олинган хусусий оддий акциялар" — 260 сум.

Кушма корхонанинг устав капиталини шаклланти-ришда таъсис хужжатларини руйхатдан утказиш пай-тидаги ва устав капиталига амалда валюта ва валюта бойликларига оид бадалларни киритиш пайтидаги ва-люта курсларининг фаркданиши натижасида курсдаги тафовут юзага келади.

Мисол. Таъсис шартномасига мувофик кушма корхонанинг устав капиталида чет зллик муассиснинг улуши 200 минг доллардан иборат. Хужжатларни руйхатга олиш пайти-да 1\$ 300 сумга тенг булганлигини хисобга олган холда, унинг улуши 60000 минг сум, деб бахоланди. Бирок пул маблаглари билан бадаллар тулаш пайтида 1\$ 310 сумга тенг булган. Бу эса корхона сум хисобида 200 минг долларни олиб, 60000 минг сум эмас, балки 62000 сумга эга булади, деган маънони англатади. Бу тафовут 2000 (62000—60000)минг сум кушимча сармояга киритилади:

Д-т 5210—"Мамлакат ичкарисидаги валюта маблаглари"— 62000 минг сум;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар буйича муассис-лар карзлари"— 60000 минг сум;

К-т 8420—"Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарк" — 2000 минг сум.

Бирок кейинчалик хорижий валютадаги пулга оид моддалар хар бир хисобот даври якунланадиган санада кайта бахоланади, бу кайта бахолаш натижаси келгуси даврлар даромади ёки харажатларига утказилади.

10.5.Резерв капитали хисоби

Амалдаги конунчиликка биноан корхонада резерв капитали ташкил этилади. Унинг микцори жамият ус-тав капиталининг 15 фоизидан кам булмаслиги керак. **Резерв капитали** хар йили соф фойдадан ажратмалар утказиш йули билан жамият уставида белгиланган мик-дорга етгунча ташкил этилади. Резерв капитали корхона курган зарарини коплаш, имтиезли акциялар учун дивиденд тулаш, акциядорлар талабига кура акцияларни кайта сотиб олиш учун ишлатилади. Шу билан биргаликда резерв капитали хисобваракдари узок муддатли активларни кайта бахолашда юзага

келадиган инфляцион резервларга мувофик фойда хисобидан таш-кил килинадиган резерв хисоби учун мулжалланган.

Резерв капитали хисоби куйидаги хисобварақларда юритилади:

8510—«Активларни кайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

8520—«Резерв капитали»;

8530—«Текинга олинган мол-мулк».

8510—«Активларни кайта баҳолаш бўйича тузатишлар» хисобварағи кайта баҳолаш натижасида активлар кийматининг ошишини хисобга олади.

Мисол. Транспорт воситасининг бошланғич киймати 500000 сумга, эскириш киймати 200000 сумга тенг. 3 коэф-фициент билан кайта баҳолаш натижасида транспорт воситасининг бошланғич киймати 1500000 сум (500000х3)гача ошган. Транспорт воситасининг эскириши эса 600000 сум (200000х3)гача ошган. Транспорт воситасининг бошланғич киймати уртасидаги фарк 1000000 сум (1500000—500000)га эскириш киймати уртасидаги фарк 400000 сум (600000—200000)га тенг.

Ушбу муомалалар хисобда куйидагича акс эттирилади:

Д-т 0160—«Транспорт воситалари» — 1000000 сум;

К-т 8510—«Активларни кайта баҳолаш бўйича тузатишлар»- 1000000 сум;

Д-т 8510—«Активларни кайта баҳолаш бўйича тузатишлар» - 400000 сум;

К-т 0260—«Транспорт воситаларининг эскириши» — 400000 сум.

Асосий воситалар каби кимматли коғозлар ҳам кайта ба-ҳоланади.

Мисол. Корхонада баланс киймати 80000 сумляк киммат-ли коғоз бор. Уларнинг хисобот даври охиридаги бозор кий-мати 85000 сумга тенг бўлган.

Агар корхона уз инвестицияларини кайта баҳоланган кий-мат бўйича хисобга олса, у ҳолда кайта баҳрлашдан олинган даромад резерв капитал хисобварақларида акс эттирилади:

Д-т 0610—«Кимматли коғозлар» — 5000 сум;

К-т 8510—«Активларни кайта баҳолаш бўйича тузатишлар» — 5000 сум.

Агар кейинги хисобот даврига келиб бу кимматли коғозларнинг бозор киймати камайса, унда мазкур ким-матли коғозлар бўйича аввалги кайта баҳолаш доирасида резерв капиталини камайтириш хисобига уни коп-лаш мумкин. Бу кимматли коғозлар бўйича ташкил этилган резервдан ошувчи нархнинг пасайиш суммаси харажат сифатида тан олинади.

Мисол. Кимматли коғозларнинг бозор киймати 78000 сумга тушиб кетган, яъни 7000 сумга камайган:

Д-т 8510—«Активларни кайта баҳолаш бўйича тузатишлар» — 5000 сум;

Д-т 9690— «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» — 2000 сум;

К-т 0610—«Кимматли коғозлар» — 7000 сум.

АЖ резерв капитали уставда белгиланган микдорга етгунига қадар хар йили соф фойдадан ажратмалар йули билан шакллантирилади:

Д-т 8710—«Хисобот давридаги таксимланмаган фойда(копланмаган зарар)»;

К-т 8520—«Резерв капитал».

Резерв капитали корхона курган зарарини коплаш, имтиёзли акциялар учун дивиденд тулаш, акциядор-лар талабига кура акцияларни кайта сотиб олиш учун ишлатилади.

Масалан, хисобот даврида фойда мавжуд булмаганида имтиёзли акциялар учун дивидендлар тулани:

Д-т 8520—«Резерв капитал»;

К-т 6610—«Тулов учун дивидендлар».

Корхона тугатилаётганида турли дебиторларнинг карзлари хисобдан чиқарилди:

Д-т 8520—«Резерв капитал»;

К-т 4010—«Харидор ва буюртмачилардан олинган счёти».

Таъсис ҳужжатлари ва ҳисоб сисматига мувофиқ турли мақсадлар учун резерв фонди бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарда ҳам ташкил этилиши мумкин

Мол-мулк текинга олинганида қуйидаги проводка берилди:

Д-т 0110—0190—«Асосий воситалар»;

Д-т 0410—0490—«Номоддий активлар»;

Д-т 0610—«Қимматли қозғалар»;

Д-т 1010—«Хомашё ва материаллар»;

К-т 8530—«Беғараз олинган мол-мулк».

Амалдаги қонунчиликка биноан бепул олинган мол-мулк қиймати фойда солиғи базасини оширади. Бепул олинган мол-мулк эксперт йули билан ёки утқазма ҳужжатлар асосида аниқланган адолатли қиймат бўйи-ча ҳисобда акс этирилади.

10.6. Тақсимланмаган фойда ва дивидендлар ҳисоби

Тақсимланмаган фойда бу ҳисобот даври якунида ҳужалик юритувчи субъект ихтигида қоладиган соф фойда (фойданинг бир қисми)дир. Тақсимланмаган фойда(қопланмаган зарар)ни ҳисобга олишда қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

8710—«Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағида корхона фаолиятининг бутун ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олиб борилади.

8720—«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағида корхонанинг бутун фаолияти давомидаги зарар, дивидендлар бўйича туловлар ҳамда устав капиталига қайта инвестицияланган фойдани чегирган ҳолда соф фойда суммасини ифодаловчи жамланган фойда ҳисобга олиб борилади.

Ҳисобот давридаги соф фойда тақсимланмаган фой-дани оширади ва у қуйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 9900—«Якуний молиявий натижа»;

К-т 8710—«Ҳисобот давридаги. тақсимланмаган фойда(қопланмаган зарар)».

Бизга маълумки, корхона соф фойдасидан акция-дорларга дивиденд туланади. Корхонада дивидендлар ҳисоби ва таъсисчилар олдидаги бошқа

мажбуриятлар-ни ҳисобга олиш учун куйидаги ҳисобварақлардан фойдаланиш кузда тутилган: , 6610—«Тулов учун дивидендлар» ҳисобвараги;

6620—«Чикиб кетаётган муассислардан уларнинг улушлари буйича қарзлар» ҳисобвараги.

Бу ҳисобварақлар пассив ҳисобланади ва улар буйича сальдо факат кредит томонда бўлади. Ушбу ҳисобва-рақлар кредити буйича оборотлар ҳисобланган дивидендларни ёки чикиб кетаётган муассисларнинг улушига доир мажбуриятларни, дебети буйича оборотлар эса дивидендлар тулови камда муассислар олдидаги қарзларнинг сундирилишини ифодалайди.

Дивидендлар ҳисобланганида куйидагича провodka берилади:

Д-т 8710—«Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда(копланмаган зарар)»;

К-т 6610—«Тулов учун дивидендлар».

Дивидендлардан 15%лик ставка билан ундирилади-ган солиқ тулов манбаида бўлади:

Д-т 6610—«Тулов учун дивидендлар»;

К-т 6410—«Бюджетга туловлар буйича қарзлар».

10.7. Грантлар, субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва туловлари резервини ҳисобга олиш

Грантлар, субсидиялар ва бегараз ёрдамларни ҳисоб-га олиш 1998 йил 3 декабрда Адлия вазирлиги томо-нидан 562-рақам билан **тасдиқланган** "Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдами изохлаш" номли 10-сон БХМА билан тартибга солинади.

Грант (субсидия) деганда хужалик юритувчи субъект-ларга улар белгиланган шартларни бажарганларида иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида давлат ёки халқаро хорижий ташкилотлар томонидан курсатиладиган пул ёки натура қуринишидаги ёрдам тушунилади.

Шу билан биргаликда субсидия ва грантлар турли нодавлат, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томо-нидан маълум дастурларни амалга ошириш учун корхоналар томонидан тақсим этилиши мумкин.

Грант ва субсидиялар куйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

8810-«Грантлар»;

8820-«Субсидиялар».

Маъмур ҳисобварақларда уз сармоясига киритилувчи ҳамда корхона фаолиятини молиялаш манбаи си-фатида қуриб чиқиладиган ажратилган грант ва субсидияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тугрисидаги маълумотлар ҳисобга олинади.

Пул шаклида олинган грантлар куйидагича акс эттирилади:

Д-т 5110, 5210—"Пул маблағлари" ҳисобварақлари

К-т 8810-«Грантлар».

Грантлар ҳисобига устав капиталининг ортиши куйидагича акс эттирилади:

Д-т 8810-«Грантлар»;

К-т 8310, 8320, 8330 Устав капиталини хисобга олиш хисобварақяари.

Грант ажратган ташкилотнинг грант суммасини корхона устав сармоясига бадал сифатида киритиш хакида-ги қарори зарур. Устав капиталининг ошишига ҳамда янги муассис пайдо бўлишига барча муассисларнинг розилиги ҳам керак ва таъсис ҳужжатларини қайта руйхатдан ўтказиш лозим:

Д-т 8810-«Грантлар»;

К-т 8530—«Текинга олинган мол-мулк».

Субсидияни олиш шакли уни хисобда акс эътириш тартибига таъсир этмайди. Активларга тегишли давлат субсидиялари қуйидагича акс эътирилади:

-активнинг фойдали хизмат муддати давомида даромад сифатида тан олинадиган мақсадли тушумлар сифатида;

-келиб тушган активнинг баланс қийматини қайтарилади ҳамда амортизацияланадиган активдан фойдали фойдаланиш муддати давомида хисобланадиган эскиришни қисқартириш йули билан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эътирилади.

Шунингдек, 8800—«Мақсадли тушумлар» гуруҳида қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

8830—«Аъзолик бадаллари»;

8840—«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари».

8830—«Аъзолик бадаллари» ҳисобварағида таъсис ҳужжатлари билан белланган жамият аъзоларининг аъзолик бадаллари акс эътирилади. Аъзолик бадалларининг тушуми 8830—«Аъзолик бадаллари» ҳисобварағи кредити бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисоб-варақлари билан корреспонденцияда акс эътирилади.

8910—«Қелгуси давр харажатлари ва туловлар резерви» ҳисобварағи бир маромда харажат ва туловларни ишлаб чиқариш ёки муомала харажатларига қири-тиш йули билан белланган тартибда резерв қилинган суммалар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш учун қўлланилади.

Хусусан, ушбу ҳисобварақца асосий воситаларни таъмирлаш бўйича қелгуси харажатлар суммасини акс эътириш мумкин. Резервнинг ҳосил бўлиши:

Д-т 2010, 2110, 2310, 2510 Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобварақлари;

К-т 8910—«Қелгуси давр харажатлари ва туловлар резерви».

10.8.Молиявий натижаларни ҳисобга олиш.

Молиявий натижалар — бу ҳужалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки қайтарилиши. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йкли билан аниқланади. Сотиш натижасида субъектлар пул тушумини оладилар, бу эса даромад олинганлигини аниқлатади. Молиявий натижаларни аниқлаш учун тушумни махсулот ишлаб чиқаришга қетган харажат билан таққослаш керак.

Агар тушум харажатлардан юкори булса, молиявий натижа фойда олинганлигидан далолат беради. Тадбиркор доимо фойда олишни уз олдига мақсад қилиб қуяди, лекин бунга доим ҳам эриша олмайди. Агар тушум харажатларга тенг булса, унда факат махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қопланган бўлади, холос. Бунда зарар қурилмайди, лекин ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи сифатидаги фойда ҳам олинмайди.

Агар корхона харажатлари тушумидан қўп булса, у зарар қуради, яъни салбий молиявий натижага эришади. Бу ҳолат уни анча мураккаб молиявий ахволга солиб қуяди.

Фойдани бозор муносабатларининг ута муҳим тоифаси сифатида талқин этиш мумкин.

Молиявий натижаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- молиявий натижаларнинг шаклланиши тугри эканлигини қўраниш;

олинган фойда миқдорини ҳар ойда ҳамда йил бошидан Ўз вақтида ва тугри ҳисоб-китоб қилиш;

- молиявий натижалар билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ва тегишли регистрларда тугри ақс этириш.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тақсимланиши Корхона томонидан олинган фойданинг таркибини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки қайси фаолият туридан корхона фойда олаётганлиги ва қайси фаолият туридан зарар қураётганлигини билиш корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига ҳам узининг таъсирини утқази.

Фойданинг қуйидаги турлари қўр:

Махсулот сотишдан олинган ялпи фойда;

Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда (операцион фойда);

Молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Фавқулудда олинган фойда;

Хужалиқ юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги қўрсаткичлари билан тақсифланади;

- махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннари уртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$ЯФ = ССТ - ИТ$

бунда, ЯФ — ялпи фойда; ССТ — сотишдан олинган соф тушум; ИТ — сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;

- асосий фаолиятдан қурилган фойда, бу махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари уртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан қурилган бошқа даромадлар ёки бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$, бунда, $АФФ$ — асосий фаолиятдан олинган фойда;

$ДХ$ — давр харажатлари; $БД$ — асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар;

$БЗ$ — асосий фаолиятдан курилган бошка зарарлар;

-хужалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарарлар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан курилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чикилади:

$УФ = АФФ + МД - МХ$,

бунда, $УФ$ — умумхужалик фаолиятидан олинган фойда; $МД$ — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; $МХ$ — молиявий фаолият харажатлари;

- солик тулагунгача олинган фойда, у умумхужалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавкулодда (кузда тутилмаган) вазиятларда курилган фойда ва минус фавкулодда зарар сифатида аникланади:

$СТФ = УФ + ФП - ФЗ$,

бунда, $СТФ$ — солик тклагунгача олинган фойда; $ФП$ — фавкулодда вазиятлардан олинган фойда; $ФЗ$ — фавкулодда вазиятлардан курилган зарар;

- йилнинг соф фойдаси, у солик тулангандан кейин хужалик юритувчи субъект ихтигида қолади, узида даромад (фойда)дан туланадиган соликни ва минус конун хужжатларида назарда тутилган бошка соликлар ва туловларни чиқариб ташлаган ҳолда соликлар тулангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$СФ = СТФ - ДС - БС$,

бкнда, $СФ$ — соф фойда; $ДС$ — даромад (фойда)дан туланадиган солик; $БС$ — бошка солиқдар ва туловлар.

Фойданинг тақсимланиши деганда унинг истеъмол ва жамғаришга йқналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқпар тулови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга ҳамда капитал эгалари уртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади.

Фойда қуйидагича тақсимланади:

солиқ конунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқлар, йигимлар ва туловларга;

ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга;

акция ва капитал эгаларига дивидендлар тулашга

Махсулот сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) ҳисоби. Махсулот (иш хизматлар)ни сотишдан олинган ялпи фойда корхонада яратилган фойдани ифодалайди. Мах-сулотни сотишдан олинган ялпи фойдани топиш учун махсулотни сотишдан тушган соф тушумлардан шу со-тилган махсулот таннархини чегириб ташлаш керак, Уз навбатида, махсулот сотишдан тушган соф тушум-ни топиш учун махсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш-дан кейин келган тушумдан ққшилган қиймат солиги, акциз солиги, қайтарилган товарлар қиймати, харидорга берилган скидкалар (чегирмалар)

айириб ташланади. Махсулотни экспорт килувчи корхоналар экспорт тарифларини ҳам чегириб ташлайдилар. Махсулотни сотишдан келадиган тушум эса Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонунига асосан аниқланади.

Демак, махсулот сотишдан олинган ялпи фойда махсулот сотишдан тушган соф тушум билан сотилган махсулот таннари орасидаги фаркка тенг. Бу фарк ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий фарк фойда сифатида, салбий фарк эса зарар сифатида эътироф этилади.

Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумни ҳисобга олшп учун қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

9010—«Тайёр махсулотни сотишдан олинган даромад»;

9020—«Товарларни сотишдан олинган даромад»;

9030—«Бажарилган иш ва курсатилган хизматлардан олинган даромадлар»;

9040—«Сотилган товарларнинг қайтарилиши»;

9050—«Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар».

Сотилган тайёр махсулот, товарлар, бажарилган иш ва курсатилган хизматлар таннари тугрисидаги ахборотлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

9110—«Сотилган махсулот таннари»;

9120—«Сотилган товарлар таннари»;

9130—«Сотилган иш ва хизматлар таннари»;

9140—«Даврий ҳисобда ТМЗларни харид қилиш ва сотиш»;

9150—«Даврий ҳисобда ТМЗлар баҳосига тузатишлар».

Ушбу ҳисобварақларнинг дебети қупайишни, кредити камайишни курсатади. 9110, 9120, 9130 - ҳисобварақлар транзит бўлиб, ҳисобот даврининг бошига қолдиқ қолмайди.

Сотилган тайёр махсулот, товарлар, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар таннари 9110, 9120, 9130-ҳисобварақларнинг дебети ва 2010—"Асосий ишлаб чиқариш", 2810—"Омбордаги тайёр махсулот", 2910—"Омбордаги товарлар" ҳисобварақларининг кредити билан Ўзаро қорреспонденцияда акс эттирилади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадларга қуйидагилар қиради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида қуланмаган қарзлар ва ҳужалиқ шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа қил қазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар;

-ҳисобот йилида аниқланган утган йиллардаги фойда;

- ишлаб чиқариш ва махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан қента даромади, ҳужалиқ қуритувчи субъектлар қузуридаги ошқоналардан қушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги қирим қилинган бошқа

даромадлар;

- хужалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва бошка мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;
- даъво муддати утган кредиторлик ва депонент карзларни хисобдан чикаришдан олинган даромадлар;
 - товар-моддий бойликларни кайта баҳолаш;
 - давлат субсидияларидан даромадлар;
 - холисона молиявий ёрдам;
 - бошка муомала даромадлари.

Ушбу хисобварақдар транзит хисобланади. Юқоридаги хисобварақларнинг кредит обороти фойда (даромад)нинг купайишини, дебет обороти эса уларнинг хисобдан чикарилишини курсатади.

Давр харажатлари хисоби

Давр харажатлари таркибига корхона ишлаб чикариш жараёни билан бевосита боглик бклмаган харажатлар киради. Булар жумласига бошқарув, тижорат билан боглик харажатлар, шунингдек умумхужалик харажатлари, жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари буйича харажатлар ҳам киради. Бу харажатлар корхона асосий фаолияти ва махсулот сотиш билан боглик бклмаганлиги, лекин маълум бир жараёнларни амалга ошириш билан боглик булганлиги учун улар операцион харажатлар, умумий ва маъмурий харажатлар дейилади. Улар махсулот ишлаб чикариш ва сотиш ҳажмига боглик бклмагани, ва аксинча, вақт билан, хужалик фаолиятининг давомийлиги билан боглик булгани сабабли улар *давр харажатлари* деб юри-тилади.

Махсулот сотиш, маъмурий харажатлар, хизмат курсатувчи хужаликлар харажатлари, бошка операцион харажатлар давр харажатлари таркибига киритилади.

Хисобварақпар режасига биноан давр харажатлари куйидаги хисобварақларда акс этгирилади:

9410—«Сотиш харажатлар»;

9420—«Маъмурий харажатлар»;

9430—«Бошка операцион харажатлар»;

9440—«Келгусида соликка тортиладиган базадан чегириладиган хисобот даври харажатлари».

00-«Давр харажатлари» хисобварақ буйича хисобварақлар корреспонденцияси

	Хужалик муомалаларининг мазмуни	Хисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит

1.	Махсулотни сотиш билан боглик транспорт харажатларнинг акс этгирилиши	9410	6990
2.	Реклама ва маркетинг харажатларининг акс этгирилиши	9410	6990
3.	Бошқарув ходимларига иш хаки ҳисобланиши	9420	6710
4.	Умуммаъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларга акс этгирилиши	9420	0210-0299
5.	Умуммаъмурий фойдаланиш учун материаллар сарфланиши	9420	010-1090
6.	Аудиторлик хизматига туловларнинг акс этгирилиши	9420	6990
7.	Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши бўйича зарарнинг акс этгирилиши	9430	9210
8.	Солик органларининг қарорига биноан жарима ҳисобланилиши	9430	6410
9.	Ҳисобот даври охирида давр харажатларининг якуний молиявий натижага утказилиши	9900	9410

Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар ҳисоби

«Харажатлар таркиби тугрисидаги Низом»га биноан молиявий фаолиятдан олинadиган даромадларга қуйидагилар қиради:

- олинган роялтилар ва сармоя трансферти;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш ққшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда ҳужалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қозғалар бўйича даромадлар;
- мулкни узок муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг туловини олиш);
- валюта қётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги муомалалари бўйича ижобий курс тафовутлари;
- сарфланган (қимматли қозғаларга, шқба қорхоналарга ва ҳоказоларга) маблагларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар солиққа тортишда ялпи даромадга қиритилмайди.

Молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳисоби "Асосий ҳужалик фаолиятидан олинadиган даромадлар" номли 2-сон БХМА, "Лизинг ҳисоби" номли 6-сон БХМА, "Молиявий инвестициялар ҳисоби" номли 12-сон БХМАлар билан тартибга солинади.

Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар ҳисобвараклари транзит бқлиб, пассив ҳарак-терга эга. Уларнинг қредит оборотида тегишли

манба-лар хисобидан молиявий фойданинг купайиши, дебет оборотида эса уларнинг хисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Хисобот даври якунида 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560, 9590-хисобварақларнинг кредит оборотидаги сум-малар якуний молиявий натижага утказилади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби

Молиявий фаолият бўйича харажатларга қуйидагилар қиради:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қисоб ставкалари даражасида ва улардан ортиқча олинган қиска муддатли ҳамда узок муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан тулов муддати утган ва узайтирилган ссудалар бўйича туловлар.

Мулкни узок муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тулаш харажатлар.

Чет эл валютаси билан муомалалар бўйича салбий курс тафовутларидан зарарлар.

Сарфланган (қимматли қозғаларга, шқба қорхоналарга ва хоказоларга) маблагларни қайта бақолашдан қурилган зарарлар.

Ўз қимматли қозғаларини қикариш ва тарқатиш билан боглик харажатлар.

- Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар хисобварақлари транзит бқлиб, актив хисоб-варақ қарактерига эга. Уларнинг дебет оборотлари содир булган молиявий харажатларни, кредит обо-роти эса уларнинг хисобдан қикарилишини қурсатади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби «Асосий хужалик фаолиятидан олинадиган даромадлар» номли 2-сон БХМА, «Лизинг ҳисоби» номли 6-сон БХМА, «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли 12-сон БХМАлар билан тартибга солинади.

9600—"Молиявий фаолият бўйича харажатлар" хисобварағи бқйнча хисобварақлар қорреснонденцияси

№	Хужалик қуомалаларининг мазмуни	Хисобварақлар қоррес понденцияси	
		дебет	кредит
1.	Кредит ва қарзлар бўйича фоизларнинг хисобланиши	9610	6920
2.	Молиявий лизинг шартномаси асосида олинган асосий воситалар бўйича	9620	6920

3.	Хисобот даври охирида молиявий фаолият буйича харажатларнинг якуний молиявий натажага утказилиши	9900	9610, 9620, 9630, 9690
----	---	------	------------------------

Фавкулодда фойда ва зарарлар ҳисоби

Фавкулодда фойда моддалари — бу кузда тутилмаган, тасодифий тусга эга булган, ходиса ёки хужалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасидан четга чиқадиган тусдаги муомалалар натижасида пайдо буладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавкулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак булган утган даврлардаги фойда кирмайди.

Фавкулодда зарарлар — бу хужалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ходисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган ва руй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлардир. Бунга фавкулодда ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак булган утган давр харажатлари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавкулодда фойда ва зарарлар сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

♦ корхонанинг одатдаги хужалик фаолиятига хос эмаслик;

бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;

бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавкулодда харажатларга киритиш ёки киритмаслик тугрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хужалик юритувчи субъект алоҳида икдим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда — иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавкулодда деб бақоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда "бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак" мезонига жавоб бермайди.

Фавкулодда фойда ва зарарлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

9710—«Фавкулодда фойда».

9720—«Фавкулодда зарар».

Ушбу ҳисобварақлар транзит бўлиб, 9710-ҳисобварақ-пассив, 9720-ҳисобварақ-актив характерга эга.

9700—"Фавкулодда фойда ва зарарлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

№	Хужалик муомалаларининг мазмуни	Ҳисобварақлар ко
		дсбст
I.	Табиий офатлар натижасида жихозлар ва материаллар оптикчалигининг аниқланиши	0710 0720, 0810 0890 1010-1090

2.	Табиий офатлар натижасида товарлар ортиқчалигининг	2910
3.	Табиий офатлар натижасида жихозлар ва материаллар камомадининг аниқланиши	9720
4.	Табиий офатлар буйича харажатларнинг туланиши	9720
5.	Хисобот даври охирида фавқулодда фойданинг якуний	9710
6.	Хисобот даври охирида фавқулодда зарарнинг якуний	9900

Якуний молиявий натижа хисоби

Якуний молиявий натижа — бу корхонанинг хисо-бот даврида жами фаолият турларидан олинган даро-мадлари билан жами фаолият буйича қўрилган зарарларининг фаркидир.

Якуний молиявий натижа бухгалтерия хисобида 9900—"Якуний молиявий натижа" хисобварагида хисоб-га олиб борилади. Ушбу хисобварақ транзит бўлиб, актив-пассив хисобварақ характериға эға. Хисобварақнинг дебитида зарарлар, кредитида эса фойда акс эттирилади. Ушбу хисобварақнинг дебет ва кредит оборотлари-нинг фарқи корхонанинг хисобот йилидаги молиявий натижасини, яъни солиқ тулангунга қадар бўлган фойдасини акс эттиради. Хисобот йилининг охирида 9810— «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар», 9820— «Бошқа солиқ ва йигимлар бўйича харажатлар» хисоб-варақларида фойда (даромад)дан хисобланган умумий сумма акс эттирилади. Хисобот даврида хисобланган солиқ ва йигимлар суммаси қуйидаги проводка орқали чегириб ташланади:

Д-т 9900—«Якуний молиявий натижа»;

К-т 9810, 9820.

Ушбу муомаладан сунг 9900—«Якуний молиявий натижа» хисобварагида қолган сумма корхонанинг хисо-бот йилида олган соф фойда (ёки зарар)ини аниқлатади ва ушбу сумма қуйидаги проводка орқали 8710—"Хисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" хисобварагига утказилади:

- соф фойда суммасига:

Д-т 9900—«Якуний молиявий натижа» К-т 8710—«Хисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»;

- зарар суммасига:

Д-т 8710—«Хисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»;

К-т 9900—«Якуний молиявий натижа».

Назорат саволлари

1. Устав қаритали деб нимага айтилади?

2. Турли мулкчилик шаклидаги қорхоналарда устав қариталини шакллантириш хусусиятлари нималарда уз ифода-

сини топади?

3. Устав капиталининг шаклланиши ва фойдаланилиши хисоби кандай ташкил қилинади?
4. Қушилган капитал таркибига нималар қиради?
5. Корхонада резерв капиталини ташкил қилишнинг кандай афзалликлари мавжуд?
6. Корхона соф фойдасидан акциядорларга дивидендлар ажратиш қай тартибда ҳисобга олиб борилади?
7. Грантлар, субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва туловлари резервини ҳисобга олишнинг хусусиятлари нималардан иборат?
8. Молиявий натижа деганда нимани тушунаси?
9. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва таксимланиши тартиби ҳақида нималарни биласиз?
10. Махсулот сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) ҳисоби кандай ташкил қилинади?
11. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисобининг хусусиятлари нималарда Ўз ифодасини топади?
12. Давр харажатлари ҳисобини ташкил қилишнинг долзарблиги нимада?
13. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар таркибига нималар қиради?
14. Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисобининг хусусиятлари нималарда акс этади?
15. Фавқулудда фойда ва зарарлар таркиби нималардан ташкил топган?
16. Якуний молиявий натижа ҳисобини юритиш кандай ташкил қилинади?

11- Мавзу: Молиявий ҳисобот

Режа:

- 11.1. Молиявий ҳисобот, унинг аҳамияти ва таркиби
- 11.2. Молиявий ҳисоботни тузиш қоидалари
- 11.3. Инвентаризация
- 11.4. Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот

Адабиётлар: 3,4,9,13,14,16,17,19.

Таянч иборалар:

Бухгалтерия баланси — 1-шакл, молиявий натижалар тугрисида ҳисобот - 2-шакл, асосий воситалар ҳаракати тугрисида ҳисобот — 3-шакл, пул оқими тугрисида ҳисобот — 4-шакл, хусусий капитал тугрисида ҳисобот — 5-шакл, инвентаризация.

11.1. Молиявий ҳисобот, унинг аҳамияти ва таркиби

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий макс-ди маълум бир ҳужалик субъектининг барча ҳужалик муомалаларини расмий равишда ҳисобда акс этгириш ва маълум бир даврларда фойдаланувчиларга зарурий маълумотларни бериш ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот алоҳида мустақил корхона бўлиши ёки ҳужалик юритувчи корхоналарнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар,

бажарадиган ва субъектга таъсир курсатувчи молиявий воқеаларни ва муомалаларни курсатиш усули хисобланади.

Молиявий хисоботларнинг мақсади корхонанинг молиявий аҳолидан, унинг фаолиятдан ва унинг пул маблағлари ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқти-содий қарорлар қабул қилишлари учун зарурдир.

Молиявий хисобот хужалик муомалалари хусусияти ва моқияти жиҳатидан уларни гуруҳларга тузилмавий бирлаштириш натижаси хисобланади. Умумлаштириш ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган жуда қисқа ахборотни такаим этишдир, чунки молиявий хисоботлар банд сифатида ва изоҳдарда берилган бўлади. Молиявий хисоботлар, шунингдек, корхона имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам курсатади.

"Бухгалтерия ҳисоби тугрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига биноан молиявий хисоботда қуйидаги ахбо-рот бўлиши керак:

- инвестиция қарорлари ва кредитлар бериш тугри-сида қарорлар қабул қилишда керак бўладиган ахборот;
- субъектнинг бўлажак пул оқимларини баҳолашда фойдали ахборот;
- субъектга берилган ресурслар, мажбуриятлар ва улардаги ўзгаришлар тугрисида ахборот.

Юқорида айтиб қилинган ахборотлардан ташқари, молиявий хисоботда батафсилроқ маълумотлар ҳам берилadi. 1-БХМАга асосан, молиявий хисоботлар фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати оқимини таҳ-мин қилишга ёрдам берадиган, корхонанинг мулки ва ихтигаридаги ресурслари тугрисида қуйидаги маълумотларни Ўз ичига олиши лозим:

- корхонанинг назорати остида бўлган активлар ҳақида;
- корхонанинг пасивлари ҳақида;
- корхонанинг тақсимланмаган даромади, корхонанинг бир даврдан бошқа даврга қилинган иқтисодий имкониятлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар ҳақида;
- пул маблағларининг ҳаракати ҳақида.

Ушбу маълумот молиявий хисоботлардан фойдаланувчилар учун корхонанинг дивидендларни ва фойзаларни тулаш, шунингдек, мажбуриятлари бўйича муддати келган туловларни тулаш имкониятини баҳолашда фойдали бўлади.

Молиявий хисоботнинг шаклланиши қисқа вақтда, хисобот даври муомалалари тугагандан сўнг рўй беради ва корхонадан профессионал бухгалтерия билимлари ва кўникмаларидан ташқари, кўшимча маълумотлар тузиш (изоҳлар, тушунтиришлар) кетма-кетлигига риоя қилишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тугрисида"ги Қонунга мувофиқ, йиллик молия-вий хисобот қуйидаги шакллардан иборат бўлиши шарт:

- бухгалтерия баланси — 1-шакл;

- молиявий натижалар тугрисида хисобот — 2-шакл;
- асосий воситалар ҳаракати тугрисида хисобот — 3-шакл;
- пул окими тугрисида хисобот — 4-шакл;
- хусусий капитал тугрисида хисобот — 5-шакл;
- эслатмалар, ҳисоблар ва изохлар.

Молиявий ҳисоботларнинг изохлари тушунтириш ҳати қуринишида мунтазам равишда тартибга солинади. Изохлардаги маълумотлар тақсим этилган молиявий ҳисоботнинг ҳар бир тегишли банди қурсатилган ҳолда берилиши керак.

Молиявий ҳисоботлар тайёрлаш ва бухгалтерия ҳисобининг узиға ҳос сиёсати асослари тугрисидаги маълумот молиявий ҳисобот изохларидан олдин алоҳида ҳисоб қуринишида берилиши керак. Молиявий ҳисоботга бериладиган тушунтириш ёзувида энг камида лозим бўлган зарурий маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир аниқ андозасининг «Очиб бериш» бўлимида келтирилади.

11.2. Молиявий ҳисоботни тузиш қоидалари

Молиявий ҳисоботлар тузиш учун фойдаланилади-ган узиға ҳос ҳисоб юритиш сифатига ққшимчаларда фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларда фойда-ланиладиган баҳоларнинг асоси (дастлабки қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконт қиймати ва бошқалар)ни билиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу тамойиллар қуп ҳолларда узлуксизлик ва ҳисоблаш тамойиллари билан ққшашдир, улар молиявий ҳисоботни тузиш асосини ташқил қилади. Улар бу тамо-йиллардан баъзи ҳолатларда баҳолашларнинг асослари уртасида танлов мавжудлиги билан фарқ қилади. Молиявий ҳисоботда қорхона ҳисоб юритиш сифатини ақс эттириш пайтида қуйидагиларга алоҳида ёъти-борни қаратиши лозим:

- даромаднинг ақс эттирилиши;
- қонсолидация тамойиллари;
- фаолият турларининг уйғунлиги;
- қушма фаолият;
- моддий ва номоддий активларни ва уларнинг ёскиришини ақс эттириш;
- жалб қилинган маблаглар қийматини қапителизация қилиш;
- қапители қуйилмалар;
- инвестицион мулк;
- молиявий инвестициялар ҳамда молиявий активлар;
- ижара;
- тадқиқотлар ва ривожланиш билан боғлиқ қаражатлар;
- товар-моддий захиралар;
- солиқлар ҳамда муддати қечиктирилган солиқлар;
- захиралар;

- ишчи ва хизматчиларни асраб туриш харажатлари;
- чет эл валютасини утказиш;
- инфляция хисоби;
- ҳукумат субсидиялари.

Хужалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботнинг изохларида, ҳисобларида ва тушунтиришларида даро-мадлар ва харажатларни даромадлар, харажатлар ва фаолият турлари тахдилини гурухлаштириб курсатиши керак.

Хужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисобот-ларининг изохдари, ҳисоблари ва тушунтиришларида куйидаги маълумотларни курсатиши лозим:

хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва ҳисоб сифати асослари учун турли асосий муомалалар ва ходисаларни танлагани ва қўлланилгани тугрисида маълумот тақдим этиш;

БХМА талаб қилган, ҳеч бир молиявий ҳисоботда акс эттирилмаган ахборотни қўйиш;

молиявий ҳисоботларда акс эггирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва ҳаққоний тақдим этиш; учун қўшимча таҳлил ахборотларини тақдим этиш.

Амалиётда қўпгина қўрхоналарнинг фаолияти қўп қиррали бўлади ҳамда бу молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун иқтисодий қарорлар қабул қилишда қийинчиликларни қўлтириб қўқаради. Иқллик молиявий ҳисоботлар қўшимча равишда тузиладиган молиявий шарҳни Ўз ичига олиши қўрак, қўнки у қўрхонанинг молиявий фаолиятини, молиявий ахволини ва улар дўқ қўлган асосий ноаниқлиқларни қўртараф этади.

Молиявий шарҳ қўрхона маъмурияти томонидан тузилади. Бу шарҳ қўрхонанинг молиявий ахволи ва мо-лиявий фаолиятининг асосий белгисини, шўнингдек, фойдаланувчи ҳисобот билан танишиш жараёнида дўқ қўлиши мўмкин бўлган молиявий ҳисоботдаги ноа-ниқликларни изохлаб қўриши ва тушунтириб қўриши лозим.

Қўшимча маълумотлар: изохлар, эслатмалар ва ҳисоблар қўрхона томонидан махсус шаклларда ҳам, шўнингдек, ихтирий қўринишда ҳам тақдим этилади.

Зарурий тўғилганида статистик ҳисоботнинг шакллари молиявий ҳисоботга қўриладиган қўшимча маълумотлар орқали зарурий фойдаланувчиларга тақдим этилиши мўмкин. Бўндан ташқари, қўрхона раҳбарияти қўшимча маълумотлар сифатида субъект доирасида маълумотларни тақдим этиш шакли ҳисобланувчи жад-валлар ва маълумотномаларни тақдим этиши мўмкин.

Молиявий ҳисоботлар қўидаги асосий идентифи-кацион реквизитларни ўз ичига олади:

- қўрхонанинг номи, мўлкчилик шакли, юридик манзили, бқйсўниши, идентификацион рақами ва қўрхонани қўлиш ўқун қўрак бўлган бўшқа реквизитлар;
- алоҳида қўрхоналарни ёқи қўрхоналар гуруҳининг молиявий ҳисоботларини қўмраб олиши, яъни бў ҳисобот жамланган ёқи ягона бқклиши қўрак. Ақар

хисобот жамланган булса, у холда барча шаклларда "Жамланма" ёки "Субъектлар буйича якуний" субъектлар сони курсатилади. Тушунтириш ёзувида жамланган якуний хисоботга киритилган хисоботларнинг сони курсатилиши зарур;

- молиявий хисобот томонидан қамраб олинган хисобот куни ёки даври.

11.3. Инвентаризация

«Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига биноан ҳужалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тугрилиги ҳамда ишончлилигини тасдиқлаш учун вақт-вақти би-лан активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиб туриши керак.

Инвентаризация — бу маълум бир вақтга қорхона маблағлари ва уларнинг манбаларининг ҳақиқий мав-жудлигини, инвентаризация қилинаётган объектни на-тура шаклида санаш, яъни қолдиқларини ҳисоблаш ёки ҳисоб ёзувларини текшириш йқли билан ҳақиқий қилинган харажатларни белгилаш.

Қорхона ташкилот ва муассасалар инвентаризация утқазишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-гининг 833-сонли буйруғи билан руйхатдан утқазилган 19-сонли БХМА "Инвентаризацияни ташкил этиш ва утқазиш"га тқлик амал қиладилар.

Қуйидаги ҳолатларда инвентаризация муддатидан олдин утқазилиши шарт:

қорхона мол-мулкини ижарага бериш, сотиб олиш, сотиш, шунингдек давлат қорхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш чоғида;

молиявий ҳисобот тузишдан олдин, лекин ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин инвентаризация қилинган мулк бундан мустасно;

асосий воситалар ва товар-моддий захираларни қайта баҳолашда;

моддий жавобгар шахс узгарганида;

талон-тарож қилиш ёки суиистеъмол қилиш, шунингдек бойлиқларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар аниқланганида;

ёнгин ёки табиий офатлар содир булганида;

қорхона тугатилаётганида тугатиш балансини тузиш олдидан ва бошқа ҳолларда.

Текшириш қуламига қура инвентаризация ёппасига ёки танлаб утқазиладиган, утқазиш вақти буйича режалаштирилган ёки тқсатдан утқазиладиган инвентаризацияларга бқлиниши мумкин.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БХМАга биноан асосий воситалар инвентаризацияси қаида икки йил-да бир марта утқазилади, қутубхона фонди 5 йилда бир марта инвентаризация қилинади.

«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМАга биноан товар-моддий захиралар инвентаризацияси қа-мвда бир йилда бир марта утқазилади.

Пул маблаглари, пулли хужжатлар, катъий хисобот бланкалари бир ойда бир марта, ёнилги ва мойлаш материаллари, озик-овкат махсулотлари хар чоракда инвентаризация килинади.

Инвентаризацияни утказиш учун корхонада доимий инвентаризация комиссияси фаолият юритади. Доимий инвентаризация комиссияси таркибига куйидагилар киради:

корхона рахбари ёки унинг ёрдамчиси;

бош бухгалтер; бошқа мутахассислар (мухандис, иктисодчи ва бошқалар);

ички аудит вакили.

Инвентаризация комиссияси инвентаризация бошланиш вақтига булган охириги кирим ва чиким хужжатлари ёки материал ва пул маблаглари харакати тугрисидаги хисоботларни олиши лозим.

Инвентаризация комиссияси раиси "инвентаризациягача(сана)" белгисини ккйиб, хисоботга илова килинган барча кирим ва чиким хужжатларини имзолайди. Бунда, Уз навбатида, хисоб маълумотлари бкйи-ча инвентаризация бошланиш вақтига мулклар буйича барча кирим ва чиким хужжатлари бухгалтерияга топ-ширилганлиги ёки комиссияга берилганлиги тугриси-да моддий жавобгар шахслар тилхат берадилар.

Инвентаризация бошланишидан олдин комиссия аъзоларига инвентаризацияни қачон бошлаб қачон тугатиш тугрисида бкйрук топширилади, комиссия раисига эса назорат пломбири (мухри) топширилади. Агар-да мулк инвентаризацияси бир неча кун давом этадиган булса, иш куни тугаши билан моддий бойликлар сакчанаётган хонанинг эшиги мухрланиши керак.

Инвентаризация килинган моддий бойликлар ва объектлар ҳамда уларнинг микдори руйхатда номенклатураси буйича ва хисобда қабул килинган клчов бир-лигида курсатилади. Бу руйхат ишчи инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади.

Инвентаризация руйхатининг охирида комиссия томонидан текшириш моддий жавобгар шахслар ишти-рокида утказилганлиги, комиссия аъзоларига ҳеч қан-дай даъво йккдиги ва руйхатда келтирилган моддий бойликларни маъсул саклашга қабул қилганлиги тугри-сида моддий жавобгар шахслар тилхат ёзиб берадилар.

Ишчи инвентаризация комиссияси хар бир турдаги моддий бойликларнинг инвентаризацияси тугагач, ин-вентаризация далолатномасини тузади. Масалан, «Асосий воситаларни тугалланмаган таъмирининг инвентаризация далолатномаси», «Йулдаги товарлар ва материаллар инвентаризация далолатномаси» ва бошқалар.

Инвентаризация тугагач, утказилган инвентаризация тугрилигини текшириш учун назорат текшируви утказилиши мумкин. Бундай текшириш инвентаризация утказилган омбор очилмасдан туриб, инвентаризация комиссияси ва моддий жавобгар шахслар ишти-рокида утказилади. Инвентаризацияларни назорат текширишдан утказиш натижалари-далолатнома билан расмийлаштирилади ва утказилган инвентаризациянинг

тугрилигини назорат текширишни хисобга олиш даф-тарида руйхатга олинади.

Инвентаризация натижасида аниқланган мулклар-нинг бухгалтерия маълумотлари билан мавжуд ҳақиқий-си орасидаги фарқи қуйидагича тартибга солинади:

ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар қиримга олиниб, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (93-хисобварақ) қупайтирилади. Айбдор шахслардан қийматликларнинг ортиқча чиққанлик сабаблари хусусидаги тушунтириш хатлари олинади;

қийматликларнинг қрнунчилик билан белгиланган норма доирасидаги камомоди қорхона раҳбарининг буйруғи билан ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайитиришга утказилади; моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар камомоди, шунингдек табиий камайиш нормасидан ортиқча нобудгарчиликлар айбдор шахслардан ундириб олинади. Агар айбдор шахслар аниқланмаса ёки айбдор шахслардан ундириб олиш суд орқали рад этилган бўлса, камомад ва нобудгарчиликлардан қурилган зарарлар ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайитиришга утказилади. Бундай зарарлар қелгусида солиққа тортиладиган базага қушилади.

Дебитор ва қредиторлар билан олиб қориладиган хисоб-қитобларнинг инвентаризацияси тегишли қорхона, ташкилот ва алоҳида шахслар билан олиб қориладиган хисоб-қитобларни Узаро текширишдан иборат. Қорхонанинг бухгалтерия хисоби маълумоти бўйича у ёки бу дебитордан олинadиган қарзлар суммаси қарз-дор бўлган қорхона (алоҳида шахслар)нинг бухгалтерия хисобида ёзилган қарзлар суммаси билан солиш-тирилади.

Хисоб-қитобларни текшириш учун қарздор ташки-лотларга бухгалтерия ходимлари сафарга юборилади ёки хат жқнатилади. Хисоб-қитобларни текшириш учун юбо-рилган бухгалтерия ходими текшириш якунида дало-латнома тузади. Текшириш натижасида дебитор қарз-ларни ундириб олиш қарғумон бқлиб қилиши мумкин (қорхона тугатилган бқлиб, қарзнинг қимдан ун-дирилишя номаълум, дебитор қарзини тан олмаслиғи, даъво қилиш муддати тушириб қолдирилиши ва х.қ.). Бундай қолларда қорхона бухгалтериясида умидсиз дебитор қарзлар руйхати тузилиб, ҳар бир дебитор ва қредиторларнинг қрқарасига нима сабабдан қарз реал эмаслиғи қурсатилади.

Бу руйхат қорхонанинг доимий ҳаракатдаги инвен-таризация комиссиясига тақдим этилади. Комиссиянинг қулосасидан сунг даъво қилиш муддати қеган, шунингдек суд ундириб олишга қарор қилган, лекин қарздор-нинг тулаш қобилияти йққдиги туфайли ундириб олиш иложи бқлмаган қарзлар қарғумон қарзлар резерви хисобидан қопланади.

Ундирилмаган дебитор қарзлар қарғумон қарзлар резерви билан қопланганда 4910—"Қарғумон қарзлар бўйича резервлар" хисобварағи

дебетланиб, дебитор карзларни хисобга олувчи хисобварақлар кредитланади. Ушбу бухгалтерия ёзуви 7-кайднома ва 8-журнал-ордерда акс эттирилади. Карздорнинг тулаш қобилияти йққлиги туфайли дебитор карзлар хисобдан чиқарилгани билан улар бекор қилинмайди. Бундай карзлар 007— "Тулашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга утқазилган қарзи" хисобварагининг қирим қисмида беш йил давомида хисобга олинади.

11.4.Чораклик ва йиллик молиявий хисобот

Молиявий хисоботлар маълум бир хисобот даври ёки маълум бир хисобот санаси бўйича тузилади. Бунда бухгалтерия баланси ва хисобварақлардаги қолдиқ-лар бўйича маълумотлар маълум бир санага тузилади, молиявий хисобот шакпларининг қолганлари эса маълум бир давр учун тузилади.

Молиявий хисоботнинг хисобот даври 1 январдан 31 декабригача бўлган давр қалендарь йил хисобланади.

Молиявий хисобот қонун ҳужжатларида қурсатил-ган қолларда қалендарь йилидан фарқи равишда давр-лар бўйича (ой, қорак учун) ҳам тақдим этилиши мумкин

Молиявий хисоботлар учун хисобот қуни хисобот даврининг охири қалендарь қуни ҳжобланади. Субъектнинг бухгалтерия баланси учун хисобот қуни 31 декабрь қисобланади, молиявий натижалар тугрисидаги йиллик хисобот учун хисобот даври 1 январдан 31 декабригача бўлган давр хисобланади.

Қорқонанинг йиллик молиявий хисоботи мулкчи-лик шаклидан қатъи назар, тулик нусқаларда қуйидаги қойдаланувчиларга хисобот йилидан кейинги йилнинг 15 феввалигача бўлган муддатда тақдим этилиши шарт: -қорқонанинг мулкдори хисобланган (давлат мулкқини бошқаришга вақолати бўлган қорқонларга, қатнашчиларга, таъсисчиларга) таъсис этиш тугрисидаги ҳужжатлар асосида;

-давлат солиқ идораларига;

-давлат статистика идораларига;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қорқонларга.

Молиявий хисоботни бошқа қойдаланувчиларга тақдим этиш тартиби мустақил равишда қорқона раҳбария-ти (унинг мулкдорлари ва таъсисчилари) томонидан тартибга солинади ва қорқонанинг хисоб қисёсатида қузда тутилади.

Ҳужалиқ юритувчи субъектларнинг йиллик молия-вий хисоботлари манфаатдор субъектлар: банқлар, бир-жалар, инвесторлар, қредиторлар ва шу қабилар учун ошқора хисобланади. Манфаатдор шахслар йиллик молиявий хисобот билан танишиш ва нусқа қучириш ҳа-ражатларини қоплаб, унинг нусқасини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оқик турдаги қиссадорлик қамиятлари, сугурта қомпаниялари, банқлар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йили молиявий хисоботни ундаги маълумотларнинг тугрилиги аудитор томонидан тақдиқлангандан сунг хисобот тугагандан кейин 1 майдан қечиктирмай эълон қиладилар.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг мо-лиявий ҳисоботлари газеталар, журналлар ва бюллетенларда ёки қонунчиликда қўзда тутилган муддатларда алоҳида нашрда эълон қилиниши керак.

Назорат саволлари.

1. Молиявий ҳисоботнинг аҳамияти нимада?
2. Молиявий ҳисоботни тузиш тартиби ҳақида нималарни биласиз?
3. Инвентаризация деб нимага айтилади?
4. Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот қайси муддатларда тақдим қилинади?
5. Консолидацияланган молиявий ҳисобот қайси субъектлар томонидан тузилади?
6. Корхона молиявий ҳолатига баҳо беришда қандай курсаткичлар фойдаланилади?

12- Мавзу: Корхоналар ҳужалик фаолияти таҳлилининг мазмуни ва вазифалари

Режа:

- 12.1. Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти, аҳамияти, вазифалари ва унинг предмети.
- 12.2. Иқтисодий таҳлил йуллари.
- 12.3. Иқтисодий таҳлилни урганишнинг умумий услуби ва махсус усуллари
- 12.4. Иқтисодий таҳлил турлари ва уларни бошқаришдаги роли.

Адабиётлар: 1,2,22,24,25,28,29,30,31,32,36.

Таянч иборалар:

Иқтисодий таҳлил фанининг ривожланишини босқичлари, таҳлилда қўлланиладиган манбалар, ҳисоботни уқиш, горизонтал таҳлил, вертикал таҳлил, тренд таҳлил, молиявий коэффицентлар таҳлили, анъанавий усуллари, математик усуллар, такқослаш, гуруҳлаштириш, занжирли алмаштириш усули, индекс усули жорий таҳлил, тезкор таҳлил, истикбол (келажак) таҳлили.

12.1. Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти, аҳамияти, вазифалари ва унинг предмети

Иқтисодий таҳлилнинг асосий мазмуни бозор иқтисоди ҳамда қонунларидан фойдаланган ҳолда корхоналарда, унинг тармоқлари ҳамда таркибий бўлимларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида имкониятлар ахтариб топиш ва улардан самарали фойдаланиш йулларини аниқлашдир.

Таҳлил сузи грекча «anabycis» суздан олинган бўлиб, бу булакларга бўлиш еки ажратиш, таҳлил қилиш каби маъноларни англатади.

Иқтисодий таҳлил қуйидагилар билан узвий боғлиқ равишда махсус билимлар тизимидан иборатдир:

- 1) иктисодий жараенларни тадқиқ қилиш;
- 2) режаларни илмий асослаш;
- 3) тугри ва тескари таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини микдорий улчаш;
- 4) корхоналарни ривожлантиришдаги одатлар ва нисбатларни очиш;
- 5) илгор тажрибаларни умумлаштириш, албатта макбул бошқарув қарорларини қабул қилиш асосида.

Иктисодий таҳлил ҳар бир иктисодий жараёни қичкинадан, унинг бир бирлигидан бошлаб, токи умумийлашган йирик шаклига қадар урганади. Бундан индукция ва дедукция усулларида фойдаланилади.

Хужалик фаолиятини таҳлил қилишнинг предмети бу корхоналарда объектив ва субъектив омиллар таъсири остида содир буладиган, иктисодий ахборотлар тизими орқали қуринадиган хужалик жараёнлари, ижтимоий-иктисодий самарадорлик ва корхона фаолиятини яқуний натижаларини урганишдан иборатдир.

Маълумки ишлаб чиқариш муносабатлари кенг ва чуқурдир. Чунки ҳар бир маҳсулотни етиштириш маълум муддатни талаб қилади. Шу сабабли ҳар бир цех ва тармоқда руй берган ҳодисаларнинг (ҳар қайси тармоқдан олинadиган маҳсулот ҳажми, маҳсулот таннари, меҳнат харажатлари, меҳнатга қобилиятли ишчилар сони ва бошқаларнинг) микдор ва сифат ўзгаришини таққослаб, мазмунан уларнинг ижтимоий аҳамиятини қурсатиш иктисодий таҳлилнинг вазифасига қиради.

Шуни унутмаслик керакки, иктисодий таҳлилнинг натижаларидан, аввало, корхона ва тармоқлар раҳбарлари ва мутахассислари ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишда, режалар тузишда, имкониятларни сафарбар қилишда, хужалик фаолиятдан кенг фойдаланишлари лозим.

Хужалик фаолиятини таҳлил қилишнинг энг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Режалар ва нормативларни илмий асослашни қучайтириш;
2. Режаларни бажарилиши ва нормативларга риоя қилишни объектив ва ҳар томонлама таҳлил қилиш;
3. Меънат, моддий ва молиявий бойликлардан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини аниқлаш;
4. Хужалик ҳисоби талабларини жорий амалга оширилишни назорат қилиш;
5. Ички имкониятларни излаб топиш, уларнинг ҳажмларини аниқлаш (улчаш);
6. Бошқарув корхоналарини макбуллигини синаб қуриш ва асослаш. Қишлоқ жамиятида ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши иктисодий таҳлилга асос солди. Шунингдек бухгалтерия ҳисобининг фан сифатида шаклланиши иктисодий таҳлилнинг муқтабил фан сифатини ташкил топишига имкон қратади. Биринчи таҳлил ишлари бухгалтерияга бағишланган бўлиб,

бухгалтерлар томонидан амалга оширилган. Хужалик маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини урганишда аудит фани уз хулосаларини таҳлил фани натижасида акс эттиради.

Иктисодий таҳлил фанининг ривожланишини IV боскичга олиш мумкин:

1. Капитализмгача бўлган давр.
2. Капитализм даври.
3. Октябрь революциясидан кейинги давр.
4. Бозор иктисодиетига ўтиш даври.

Иктисодиет таҳлил мустақил иктисодий фанлар каторига кириб, бир канча фанлар билан алоқада бўлади:

Иктисодиет назарияси, макро ва микро иктисодиет, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, бошқариш асослари, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, аудит, статистика, иктисодий математика ва хоказолар.

Таҳлилда қулланиладиган манбалар.

Таҳлилда қулланиладиган манбаларни қуйидаги гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Режа маълумотлари;
2. Учёт, ҳисобот маълумотлари;
3. Қушимча манбалар.

.Иктисодий таҳлил йуллари.

Ватанимиз ва чет эл амалиетида кенг қулланилаётган таҳлилнинг энг муҳим йуллари қуйидагилардир: ҳисоботни ўқиш, горизонтал таҳлил, вертикал таҳлил, тренд таҳлил, молиявий коэффициентлар таҳлили. Ҳисобот шаклларида келтирилган, мутлақ кийматларни урганиш ва ҳисоботни ўқиш таҳлилнинг энг муҳим усулларида биридир.

Горизонтал таҳлил ўтган йил режасига нисбатан ҳисоботнинг турли моддаларидаги мутлоқ ва нисбий четга чиқишларни белгилашга имкон беради.

Вертикал таҳлил маблағлар айрим гуруҳлари еки ўлар манбаларининг корхона фаолияти учун муҳимлигини таккослаб қуриш учун фойдалидир. Бу таҳлил яна бир неча йиллар мобайнида корхона маблағлари ва ўларнинг манбалари тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш учун ҳам зарурдир.

Тренд таҳлил бир неча йиллар мобайнида ҳисобот курсаткичлардаги тафовудларнинг баланс йили даражасидаги нечоглик фарк қилишни урганишга имкон беради, бунда баланс йилидаги барча курсаткичлар 100% деб қабул қилинади. Тараққиёт тенденцияларининг таҳлили горизонтал таҳлилининг бир нусхаси (вариантидир). Маскур таҳлилда фоизларда ўзгаришларни аниқлаш 2 йил учун эмас, балки мунтазам келадиган бир неча йил учун ўтказилади. Ушбу таҳлил жуда муҳимдир, чунки ўзук муддатли обзор (назар солиш) теран тарқибий ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Аксарият компаниялар молиявий ҳисоботлардан ташқари яна 5 йил мобайнидаги ва бундан ҳам кўпроқ муддатдаги операциялар ва асосий

курсаткичлар юзасидан маълумотларни ҳам такдим этадилар. Тенденциялар таҳлил чоғида индекслардан кенг куламда фойдаланилади, ушбу индексларда бир йил базис йили деб, яъни 100 фоиз деб қабул қилинади, шунга кура бошқа йиллар учун индекслар ҳисоблаб чиқилади.

12.3.Иқтисодий таҳлилнинг урганишнинг умумий услуби ва махсус усуллари

Услуб дейилганда кенг маънода мавжуд борлиқни урганишга ендашиш усули тушунилади, яъни табиат ва жамият воқеаларини тадқиққилиш усуллари мажмуи тушунилади.

Дунени билишнинг диалектик услуби моддий оламни умумий қонуниятларини очиқ берувчи умумий характердаги услубдир. Унинг асосий хусусияти шундаки, урганилаётган воқеаларни бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини такозо этувчи, ҳолатда, ҳаракатда, узғаришда ва ривожланишда олиб қаралади; Шу билан биргаликда ривожланиш қарама-қаршилик қураши сифатида қаради, бу борлиқнинг объектив қонунларини намоён қилади. Ҳар бир фаннинг узига ҳос хусусиятларга эга бўлган услублари –ана шу умумий диалектик услубга таянади.

Иқтисодий таҳлил услуби ҳужалиқ жараёнларини бутунлигига ва ривожланишда урганишга ендашади. Бундай усул диалектик услубдир. Иқтисодий таҳлилнинг узига ҳос хусусияти шундаки:

- 1) курсаткичлар тизимидан фойдаланилади, қайсики, бу курсаткичлар ҳужалиқ фаолиятини ҳар томонлама характерлаб беради;
- 2) шу курсаткичларни узғариш сабабларини урганади;
- 3) ижтимоий –иқтисодий самарадорлиқни ошириш мақсадида шу курсаткичлар орасидаги узаро боғлиқликни аниқлайди ва улчайди.

Иқтисодий таҳлил жараенида, иқтисодий ахборотларни ишлаш жараенида турли усуллардан (махсус усуллардан) фойдаланилади.улардан иқтисодий таҳлилнинг узига ҳос услуби кенг микесда намоён бўлади, тизимли ва мажмуали характери уз аксини топади. Тизимлилиқ иқтисодий таҳлилда шунинг учун ҳар зарурки, ҳужалиқ жараёнлари қуп қиефали ва ички мураккабликда қаралади. Шу билан бирга қуплаб узаро боғлиқ томонлар ва унсурлардан ташкил топганлиқ сифатида урганилади. бУндай таҳлиллар оқибатда томонлар ва унсурлар орасидаги алоқалар қайси маънода ва микдорда урганилаётган объектга ғуе бир бутунлиқда таъсир утқазилганлиги аниқланади. Иқтисодий таҳлилнинг тизимлигига яна шунда намоён бўладикки, усуллар фаннинг унинг ва бошқа алоқадор фанларнинг ютуқлари натижасида бирлашади, бир бутунга йигилиб фойдаланилади. Иқтисодий таҳлилнинг махсус усулларини шартли равишда икки ғуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) Анъанавий усуллари; 2) Математик усуллар.

Биринчи ғуруҳдаги усулларга иқтисодий таҳлил фани пайдо бўлган даврдан бошлаб қулланилиб қелинаётган анъанавий, содда қулай усуллар қиради. Иккинчи ғуруҳдаги математик усуллар аналитик ишларда анча

кейин, тезкор электрон ҳисоблаш машиналари ишга тушгандан сунгра фойдаланиб бошланди.

Анъанавий усуллар ҳисобига нисбий ва уртача микдор; таккослаш; статистик гуруҳлаш; индекс усули; занир усули ва баланс усуллари киради.

Иктисодий таҳлил жараенида нисбий ва уртача микдорлар усули кенг микесда кулланилади. Нисбий микдорлар абсалют микдорларда караганда анча афзалликларга эга. Абсалют микдорлар нисбий микдорларни ҳисоблаш учун база булиб ҳисобланади. Нисбий микдорлар режаларнинг бажарилиш даражасини, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг динамикаси ва пропорционаллигини таркибий узгаришларни ифодалашда кулланилади.

Урта микдорларда куп микдордаги бир хилдаги маълумотларни йигиб умумий бир хилини топиш, ҳамда иктисодий жараенларни ривожланишидаги умумий тенденция ва қонуниятларни аниқлашда фойдаланилади.

Урта ва нисбий микдорларни ҳисоблаш усуллари статистика курсида урганилади.

Таккослаш – таҳлил қилишнинг энг куп кулланиладиган усулидир. Бу маълум қорхона, фирма ҳужалиқларининг ҳисобот курсаткичларини режали курсаткичлар еки шу қорхонанинг ҳақиқий микдор ва сифат курсаткичлари норматив курсаткичлар, ҳамда илгор ҳужалиқларнинг курсаткичлари билан солиштиришдан иборат. бу усулда бир неча иктисодий курсаткичлардан фойдаланилади.

1) Ҳисобот курсаткичлари режада белгиланган маълумотлар билан таккосланади. Бунда топшириқларнинг қай даражада бажарилганини белгилаб олиш, ҳисобот курсаткичларини режадан қанчалик четга чиққанлиги сабабларини топиш, ҳуалиқдаги илгор тажрибаларни аниқлаб олиш имконияти тугдиради.

2) Мазкур йилдаги натижалар аввалги йиллардаги еки маълум бир даврдаги курсаткичлар билан солиштирилади. Ҳисобот давридаги иш курсаткичлари утган йилги курсаткичлар билан солиштириб қурилганда ҳужалиқ иктисодиетида бир неча йил мобайнида руй берган узгаришларни белгилаб олиш имкон бўлади.

3) Ҳужалиқ, бўлим, ферма ва бригадаларнинг ютуқлари, туман, вилоят ва республика бўйича эришилган курсаткичларга ҳамда илгор ҳужалиқ ва илмий тадқиқот муассасаларининг иш натижалари билан солиштирилади.

Таккослаб қуриш усулида биз ҳужалиқ ишлаб чиқаришда узаро боғлиқ бўлган курсаткичларни бир –бирига солиштиришимиз: жумладан, ердан фойдаланишни, ҳар бир геутар ер ҳисобига қанчадан даромад олишни, қорвачилиқ фермаларининг ривожланиши, ҳар 100 га ер ҳисобига қорва моллари етиштиришни; меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, ҳужалиқда товар маҳсулотининг усиши, жамоат фондлари ҳамда улардан фойдаланишни, ҳужалиқ даромадлари ва уларнинг тақсимланиши, ишлаб чиқариш молия ишларининг таннархини, меҳнат ва озуқа баланс иши,

хужалик иктисодиетининг ривожланишини шунингдек бошқа курсаткичларини таккослашимиз мумкин.

Таккослаш усулига мисол тариқасида қуйидаги жадвал маълумотларини келтирамиз.

Хужалик пахтачилиги ривожланишининг таҳлили.

Курсаткичлар	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2004 йилда нисбатан узгариши %	2002 йилг
Пахта майдони, га	380	410	420	30	106
Хосилдорлик, ц/га	33.1	32.4	36.4	3,3	117,8
Ялпи хосил, ц	17130	20530	21660	4530	126,4
Машинада терилган пахта, ц	11942	16357	14144	2203	118,4
Машина теримининг салмоги, %	69,7	66,5	65,3	48.6	-4,4

Жадвал маълумотлардан қуриб турибдики, уч йил ичида хужаликда пахта майдони 30 гектарга еки 6% га ошган. Хар га ерга олинган пахта хосили эса 6,3 центерга еки 17,8% га кутарилган. Экин майдонинг кенгайиши ва хосилдорликнинг ошиши билан ялпи пахта хосили уч йил ичида 4300ц.га еки 26,4%га қўпайган. Таҳлиллар шуни курсатадики, уч йил ичида машинада терилган пахтанинг миқдори ҳам 2202 центнерга еки 18,4% га ортган. Бирок, унинг салмоги уч йил ичида 4,4% га қамайган. Бинобарин, қелгусида хужалик раҳбарлари машина терими салмогини қўпайтиришлари ва шу асосида меҳнат унумдорлигини оширишлари зарур. Таккослаш усулида тухри фойдаланиш учун аввало бир-бирига монанд, солиштириш мумкин бўлган курсаткичлардан фойдаланиш лозим. бир хужаликнинг шу йилнинг ҳисобот маълумотларни бошқа хужаликнинг утган йилги шунга ухшаш маълумотларига таккослаш ярашади. Бошқача қилиб айтганда, бир хил курсаткичларни таккослаш лозим бўлади.

Статистик группалаш усули.

Гуруҳлаштириш таҳлил қилишнинг гоят муҳим усули бўлиб, унинг ердамида тикшириладиган ҳодисалардан қонуниятларни очишга айрим омиллар қанчалик таъсир қилиши аниқланади. жумладан, маҳсулот таннархи рентабелликка; хосилдорликни маҳсулот таннархига; меҳнат унумдорлигига қанчалик ижобий еки салбий таъсир қилишнинг туғридан-тухри боғлиқ бўлган қонуниятларни қўсатиб беради.

Гуруҳлаш маълумотларни маълум белгиларга қўра гуруҳларга қўлиш демакдир. Статистик усул дейишнинг боси шундаки, бу усул курсаткичлари

бир канча статистик маълумотларни гурухлаштириш асосида урганилади. Статистик гурухлаш усули туфайли биз иктисодий курсаткичларни сифат жихатидан бир хил булган гурухларга буламиз ва айрим курсаткичлар уртасида бир-бирига богланишлар борлигини ҳамда урганилаётган ходисаларнинг энг асосийси қайси бири эканлигини аниқлаймиз, ҳар хил омилларнинг ишлаб чиқариш натижаларига қай даражада тахсир қилишини белгилаймиз. Умуман статистик усул кишлок хужалигини янада ривожлантириш имкониятларини аниқлаб беришнинг муҳим воситасидир. унинг ердамида сифати бир хил курсаткичлар бир гурухга бирлаштиради. Масалан хужаликдаги пахтачилик бригадаларини ҳосилдорлигига қараб уларни гурухларга ажратишимиз мумкин.

Пахтачилик бригадалари ҳосилдорлигига қараб гурухлаштириш.

Бригадаларн и гурухлаш	Бригада лар сони	Пахта майдони,га	Урт ача хосилдорл ик	Ялпи ҳосил,ц	Гурух имкон
39 ц гача	5	151,6	38,3	5806,3	(41,7-
31,1 дан 43 ц гача	6	230,1	41,7	9595,5	38,3)х
43,1 ц дан юкори	4	139,7	44,8	6258,6	(44,8-
					41,7)х
					(44,8-
					41,6)х
Хужалик буйича	15	5214	41,6	21660,1	515,7

Жадвал маълумотлардан қурииб турибдики, ҳосилдорликнинг уртача колхоз курсаткичидан кам булган биригадалар сони 5 та. Уларнинг салмоги колхоз буйича жами 33.3 фоизни ташкил қилади. Бу ҳол пахта ҳосилдорлтиги жихатидан колок булган бригадалар ҳисобига пахтанинг ялпи ҳосилини янада қупайтириш учун катта имкониятлормавжудлигидан дарак беради. Ҳисоб-китоблар шуни курсатадики, агар таҳлил қилаётган хужалигида биринчи группа бригадаларнинг пахта ҳосилдорлигини иккинчи даражасига қутарсак, у ҳолда қушимча 515,4 ц, иккинчи гурух бригадаларини учинчи бригадалар даражасига етказсак, яна қушимча 447 ц пахта олишимиз мумкин. Хужалик буйича жами олинган пахта эса 1675,7 центнерни ташкил қилади.

Материалларни статистик таҳлил қилишда жадвалларнинг туғри тузилишига алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки таҳлилнинг сифати қуп жихатдан шунга боғлиқ булади. Жадвалларнинг шакллари хилма-хил булиши мумкин. Улар иктисодий таҳлил қилишнинг максад ва вазифаларига қараб узғариб туради.

Занжирли алмаштириш усули.

Бу усул курсаткичнинг усиши еки камайишига таъсир этувчи бир неча омилларнинг хар бирини алохида-алохида таъсирини ургатади. Масалан: пахтачилик бригадасида режа буйича 100 геутар ерга чигит экиш, геутаридан 35 центнердан хосил олиш ва ялпи пахта микдори 3500 центнерга етказилиши мулжалланган дейлик. Лекин хакикатда 90 геутарга чигит экилди. Геутаридан 39 центнердан хосил олинди. Пахтанинг ялпи хосили 3610 центнерга кутарилди. Хуш бу холда бригаданинг ялпи хосилининг ошишига кандай омиллар таъсир курсатади? Буни куйидаги хисоб-китобларда куриш мумкин.

1) пахта майдоннинг 10 геутар камайганлиги туфайли бригада 350 ц (геутаридан 35 центнердан хисоблаганда) олишдан колинди.

35x10=350 ц;

2) хосилдорлик геутарига 4 ц дан оширилганлиги туфайли бригадада 360 ц (4цx90 га) пахта олинди;

3) режадан ташкари 110 ц (3610 ц – 3500 ц – 110 ц) пахта олинган. Шундай килиб бригадада экин майдони 10 геутарга камайганига карамасдан хосилдорликни ошириш эвазига бригаданинг ялпи хосили 4,4% га купайган.

Ялпи сут микдорининг купайиши согин сигирларнинг бош сони, махсулдорлиги хамда режанинг бажарилиш даражаси таъсир этади. Даромаднинг купайишига экин майдони, хосилдорлик, ялпи хосил, махсулотнинг сифати ва уртача сотиш нархи бевосита таъсир курсатади. Занжирли алмаштириш усулида тахлил килиш ана шу омилларнинг хар бири ишлаб чикаришга канчалик таъсир этишини билишга ердам беради.

Индекслар махсулот ишлаб чикариш суратини ривожлантиришда хамда карот йиллардаги усиш курсаткичларидаги усишларда, характеристика беришда кулланилади. Жумладан, махсулот ишлаб чикаришнинг усиб боришини, мехнат унумдорлигини кутарилишини ва бошкаларни тахлил килишда фойдаланилади.

Лотинча «индекс» сузининг маъноси «курсаткич» дир. Индекс еки коэффицент холида келтирилган. Индекс курсаткичи базисли ва занжирли булади. Базисли индексда биринчи курсаткич базис булиб, 100% еки 1 коэффицентга тенг деб олинади. Ундан кейинги курсаткичларнинг эса базисга караб коэффиценти еки фоизи чикарилади. Масалан, 5 йилликни олсак, биринчи йили базис хисобланади, колган 2,3,4 ва 5 йилларда етиштирилган пахта базисга, яна бир йилга караб аникланади. занжирли индекс хисоблаб чикарилганда дастлабки давр курсаткичи асос килиб олинмайди, балки кейинги йилда келадиган хар кайси курсаткич асос килиб олинади ва шунга асосан йил маълумотининг фоизи еки коэффиценти аникланади. бошкача килиб айтганда занжирли индекслар качонки, хар бир кейинги курсаткич узидан олдинги курсаткичга нисбатан % ларда еки коэффицентларда ифодаланганда фойдаланилади.

Хужалик пахта етиштиришнинг усиб бориши.

ар	Йилл етиштирилган пахта, т	Жами 1-йилга нисбатан %	Базисли индекс тонна	Занжирли индекс олдинги йилга нисбатан %	Тонн а
Биринчи	5266,3	100	-	100	-
Иккинчи	5448,8	103,5	182,5	103,5	182,5
Учинчи	5322,4	101,1	56,1	97,7	-
Туртинчи	5401,6	102,6	135,3	101,5	126,4
Бешинчи	5366,9	101,9	100,6	99,4	79,2

Жадвалдан куришиб турибдики, базисли индекс йиллар бўйича пахта етиштиришнинг биринчи йилга нисбатан канчалик ўсишини курсатмоқда. Жумладан таҳлил қилинаётган ҳуаликда пахта етиштиришнинг ўсиши биринчи йилга нисбатан иккинчи йили 3,5% га еки 182,5 тоннага; учинчи йилда 1,1% га еки 56,1 тоннага; туртинчи йили 2,6% га еки 135,6 тоннага ва бешинчи йили 1,9% га еки 100,6 тоннага қўпайган. Занжирли индекс бўйича таҳлил қилганимизда пахта етиштиришнинг динамик ўсишини мутлак бошқача ҳолда қўрамиз. Жумладан иккинчи йили биринчи йилга нисбатан 3,5% га еки 182,5 тоннага қўпайган бўлса, учинчи йилда иккинчи йилга нисбатан пахтанинг ўсиши 97,3% ни ташкил қилган еки 2,3% қўмайган. Ваҳоланки базисли индексда (туртинчи йили учинчи йилига нисбатан) бу курсаткич 1,1%га ошган эди. Занжирли индексда туртинчи йили, учинчи йилга нисбатан пахта етиштириш яна 1,5% га қўпайган. Лекин бу курсаткич базисли йилга нисбатан 1,1%га (2,6-1,5) ҳам бўлган. Бешинчи йилга қелиб пахта етиштиришнинг туртинчи йилга нисбатан яна 0,6%га қўмайдиганини қўрамиз. Лекин базисли индексда пахта етиштириш 101,9% қўжарилган эди.

Демак, ҳужаликни таҳлил қилишда фақат базисли индекслардан фойдаланмасдан балки занжирли индекслардан ҳам кенг фойдаланиш зарур. Бу ўз навбатида ҳужалик фаолиятини ва унинг тармоқларини тўғри таҳлил қилиб ижобий баҳолашга ердан беради.

Индекс ўсулининг агрегат шакли бўйича ишлаб чиқариладиган еки сотиладиган маҳсулот ҳажмига миқдор ва баҳо омилларини таъсирини аниқлаш мумкин.

Занжирли ўсулдан фойдаланилганда жойланишларнинг навбатлилигини тўғри саклаш катта аҳамиятга эга. Чунки унинг нотўғри жойлашуви ҳисоб-китобларни нотўғри натижа беришга олиб қелади. Таҳлил амалиетида дастлаб миқдорий курсаткичлар ва сўнгра сифат курсаткичлари аниқланади.

Таҳлил қилишга қиришишдан олдин қўйидагиларни қўжармок қўрак:

- 1) Урнатилган курсаткичлар орасидаги боғланишни аниқ билмок;
- 2) Миқдор ва сифат курсаткичларини ажратмок;
- 3) Жойлаштириш тартибини тўғри белгиламок.

Баланс ўсули – бухгалтерияда, режалаштиришда ва статистикада кенг миқёсда қўлланилади.

12.4. Иктисодий таҳлил турлари ва уларни бошқаришдаги роли.

Иктисодий таҳлил турларини туркумлаш бошқариш функцияларини туркумлаш асосида амалга оширилади, чунки иктисодий таҳлил бошқариш функцияларининг ҳар бирини бажаришда муҳим элементлардан биридир.

Бошқариш функцияси – бу бошқариш фаолиятининг алоҳида туридир. Бошқариш функциялари умумий еки асосий ва хусусий (специфический) қисмларга ажратилади.

Хусусий функциялар – бу бошқариш объектлари бўйича функциялардир. Амалиётда асосий ва хусусий функцияларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Иктисодий бошқаришнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- 1) бошқаришни ахборотлар билан таъминлаш.
- 2) Таҳлил.
- 3) Режалаштириш.
- 4) Бошқаришни ташкил этиш.
- 5) Назорат.

Дастлабки икки функция бошқаришнинг технологик жараенидир, қайсики улар қарор қабул қилиш жараенини ахборотлар ва таҳлиллар билан таъминлайди.

Қарор қабул қилишини ўзи эса бошқарув функциялари сифатида амалга оширилади ҳамда бошқаришни вақтинчалик босқичларини ташкил этади:

Режалаштириш, бошқаришни ташкил этиш ва назорат.

Шундай қилиб, иктисодий таҳлил бошқаришни барча функциялари учун ҳам зарурий шартдир.

Бошқариш жараени мазмуни бўйича иктисодий таҳлил қуйидаги ўч турга бўлинади:

- 1) тезқор таҳлил;
- 2) иктисодий таҳлил;
- 3) Жорий таҳлил (ретроспективный)

Бундай туркумланиш бошқаришнинг босқичларига тўғри келади.

1) бошқаришнинг бошланғич босқичи (режалаштириш функцияси) жараенидан олдинги босқич;

- 2) жорий бошқариш босқичи (бошқариш ташкил этиш функцияси)
- 3) бошқаришни якуний босқичи (назорат функцияси).

Таҳлилнинг бу ўчала тури ҳам бошқариш жараенида иштирок этади.

Айниқса, жорий таҳлил қорхона фаолиятини таҳлил қилишда кенг миқйесда қўлланилади.

Бошқариш объектининг тавсифига қараб, таҳлилни турлари қуйидагича туркумланади:

- 1) Халқ хўжалиги тармок структураси (саноат, кишлок хўжалиги ва бошқалар)
- 2) Ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқариш даражаси (халқ хўжалиги бутунлигича, республика, область ва район)

- 3) Кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараени босқичлари (ишлаб чиқариш, таксимот айрибошлаш ва истеъмол)
- 4) Ишлаб чиқаришни таркибий элементлари бўйича (меҳнат ва моддий ресурслар) ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг айрим элементлари бўйича.

Жорий таҳлил. Таҳлилнинг бу тури амалга оширилган хужалик фаолияти якунини урганади, режалаштириш усулларига мувофиқ амалга оширилади, ҳамда расмий ва бухгалтерлар тизимидаги маълумотлар асосида иш куради.

Режалаштириш давларига мувофиқ равишда иш олиб борилади. Масалан, кунлик, ун кунлик, ойлик, чораклик, йиллик ва сменалик.

Жорий таҳлилнинг асосий вазифаси –хужалик ҳисоби фаолиятини объектив баҳолаш, фойдаланилган резервларни излаб топиш, ҳамда уларни ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини оширишга йуналтириш, ишдаги камчиликларни излаб топиш ва айбдорларни аниқлаш, меҳнат натижалари ва сифатига қараб маънавий ва моддий рағбатлантиришни корхона ва ходимлар манфаатига тула мувофиқ келишига эришиш.

Таҳлилнинг бу турининг афзалликлари билан бирга бир қатор камчиликлари ҳам бор, таҳлил утган ҳисобот даври материаллари асосида олиб борилгани учун аниқланган. Имкониятларни ишга солишга вақт етмай қолади, яъни вақт омили утиб кетган бўлади. Шунинг учун ҳисобот – маълумотларини тулашини ва уларни қайта ишлаш жараенларини тезлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Жорий таҳлил бошқарувчининг барча погоналарида ҳамма вақт турли даражадаги раҳбарлар, иқтисодчилар ва мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Тезкор таҳлил. Таҳлилнинг бу тури тезкор бошқарув олдида турган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлади.

Тезкор таҳлил хужалик мажмуини самарали ишлаши ва ишлаб чиқариш жараенини тухтовсизлигини таъминлаш учун зарур бўладиган ишларга уз вақтига қумаклашиш мақсадида режа курсаткичларини бажарилишини ҳар доим урганадиган тизимидан иборатдир.

Истикбол (келажак) таҳлили.

Таҳлилнинг бу турида келажакда корхона хужалик фаолияти қандай имкониятларга эга бўлиши аниқланади. Истикбол таҳлилининг асосий вазифаси:

- 1) хужалик фаолиятини олдиндан айтиш
- 2) истикбол режаларини илмий асослаш
- 3) режаларни қўзғатаётган бажарилишини баҳолаш;

Режалаштириш даври олдида истикбол таҳлил режа олди тадқиқоти сифатида намоян бўлади; режаларни бажарилиши жараенида бу қурол олдиндан қўра билиш ва қўзиладиган қўнларни баҳолаш воситасига айланади.

Амалий усуллар ва тадқиқотларда истикбол таҳлилининг вазифалари қуйидагича аниқлаштирилади:

- 1) тахлил объектлари буйича (бригада, участка, цех, ишлаб чиқариш бирлиги, бирлашма)
- 2) фаолият курсаткичлари буйича (махсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги, таннарх ва бошқа)
- 3) истикбол горизанти буйича (жорий тахлил –смета, сутка; яқин истикбол тахлили-ой; киска муддат тахлили-чорак, йил; урта муддатли тахлил 3-2 йил; узок истикбол тахлили 5 йил ва ундан узок).

Истикбол тахлилнинг навбатлигига умумлаш ҳолда қуйидагича;

- 1) умумлашга курсаткичлар доираси аниқланади.
- 2) умумий курсаткичлар доираси зарурий қисми курсаткичлар билан тулдирилади.
- 3) Курсаткичларни тахлил қилиш навбатлигига урнатилади.

Корхона ривожланиши омилларни тахли қилишда, уларнинг алоқадорлигини ҳамда турли курсаткичларга таъсир этиш даражаси аниқланади. бу омилларни барча тармоқлар учун намунавий курсаткичлар гуруҳларига бирлаштириш мумкин:

- 1) табиий ресурслари
- 2) меҳнат ресурслари
- 3) фан техника тараққиети
- 4) ижтимоий-ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари-йириклаштириш, иктисослаштириш, кооперациялаш, аралаш ташкил этиш;
- 5) транспорт шароитлари
- 6) корхона махсулотга эҳтиёж
- 7) умумий ижтимоий-иктисодий шароитлар.

Ички хужалик тахлили.

Корхона фаолияти тахлил қилишга нисбатан бу тахлилининг фарқи шундаки, бунда булинмалар буйича булакларга ажратиб тахлил утказилади.

Назорат саволлари

- 1.Тахлил қилишнинг энг муҳим вазифалари нималардан иборат?
- 2.Иктисодий тахлил фанининг ривожланишини қандай босқичлари мавжуд?
- 3.Тахлилда қулланиладиган манбалар.
- 4.Иктисодий тахлилни урганишнинг умумий услуби ва махсус усуллари.
- 5.Тахлилнинг анъанавий ва математик усуллари.
- 6.Иктисодий тахлилнинг такқослаш усули.
7. Иктисодий тахлилнинг гуруҳлаштириш усули.
8. Иктисодий тахлилнинг *занжирли алмаштириш* усули.
9. Иктисодий тахлилнинг индекс усули.
10. Иктисодий тахлил турлари
- 11.Тезкор иктисодий тахлил
- 12.Жорий тахлил

13-Мавзу: Махсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш (реализация) килишнинг тахлили.

13.1. Бозор иктисодиёти шароитида махсулот ишлаб чиқариш, унинг реализациясини тахлил килишнинг аҳамияти, вазифаси ва унда фойдаланадиган манбалар.

13.2. Махсулот ҳажмини (структуравий) ифодаловчи курсаткичлар системаси ва унинг тахлили.

13.3. Реализация ҳажмига таъсир этувчи омиллар тахлили.

13.4. Махсулот номенклатураси ва ассортиментининг тахлили.

13.5. Махсулот сифатининг тахлили.

13.6. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тахлили.

13.7. Асосий махсулот ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш тахлили.

Адабиётлар:1,3,21,22,24,25,28,32,34,35.

Таянч иборалари

Назорат килиш, динамикани урганиш, узгариш сабаблари, ички имкониятлар, яъни махсулот, товар махсулоти, сотилган махсулотлар, махсулот ҳажми, сотилмаган махсулот қолдиги, инвентаризация натижаси, номенклатура, ассортимент, ассортимент буйича бажариш, маромийлик коэффициенти, декадалар, меҳнат омиллари, меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, фонд сизими, фонд қайтими.

13.1.Бозор иктисодиёти шароитида махсулот ишлаб чиқариш, унинг реализациясини тахлил килишнинг аҳамияти, вазифаси ва унда фойдаланадиган манбалар.

Махсулот ҳажмини қиймат шаклида урганиши ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодалаш муҳим курсаткичлардан биридир. Махсулот ишлаб чиқариш ва реализация буйича режаларнинг бажарилиши мамлакатнинг иктисодий потенциалини мустаҳкамлайди, халқнинг усиб бораётган талабини туларок қондиришга имконият яратади. Халқ хужалигининг барча бугинларини бир-бири билан боғланган ҳолда ривожлиниши учун имконият яратади. Бозор иктисодиёти шароитида ҳам техникага асосланган ҳолда социал-иктисодий ривожланишни моделлаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорлигини меҳнат сифатини яхшилаб талаб этилади. Ташки иктисодий фаолият олиб борадиган корхоналарда экспорт учун махсулот ишлаб чиқариш ва реализация ҳажмини тахлил этишда махсулотининг чет эл фирмалари ва компаниялари билан тузилган шартномадаги махсулотининг ҳажми ва ассортиментига мос келишига аҳамият берилади. Бугунги кунда ҳар бир корхона ишлаб чиқариш ҳажми ва реализациясини мустақил режалаштирилади. Шу хусусида Ўзбекистон Республикаси "Корхоналар

тугрисидаги конун"нинг 20-моддасидаги куйидагилар кайд этилган: "Корхоналар уз фаолиятини мустакил режалаштиради ва хомашё ресурсларини ва материалларининг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга, бажарилаётган ишга курсатилаётган хизматга булган талабларни ҳисобга олиб тараккиёт истикболларини белгилайди".

22-модда "Корхона бозор талабларини эҳтимол тутилган шерикларининг имкониятларини урганишга нарх-навонинг узгариши тугрисидаги ахборот асосида уз ишлаб чиқаришнинг таъминот бозорларнинг монополияга қарши конунларининг талабларининг назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдидаги маҳсулот сотишни ва уз ишлаб чиқаришнинг таъминотини мустакил амалга оширишда корхонага уз мақсадларини, ишларини, хизматларини, ишлаб чиқариш чиқимларини мустакил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифларда сотади?

Таҳлил вазифаси куйидагилар:

1. Маҳсулот ҳажми ва структурасини ҳисобга олган ҳолда бизнес режа бажарилишини назорат қилиш ва динамикасини аниқлаш.
2. Маҳсулот ҳажми ва реализацияни узгариш сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этиш омилларини миқдор жихатидан аниқлаш.
3. Ишга солинмаган ички имкониятларни аниқлаш ва уларни маҳсулот ҳажмини оширишга сафарбард этиш.
4. Таҳлил учун керакли маълумотлар.ФН1(шартнома) ФН1С ҳамда сутка вадекада бўйича ҳисоботдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва айрим маҳсулот турларини истеъмолчиларга етказиш маълумотларидан фойдаланилади.

13.2.Маҳсулот ҳажмини (структуравий) ифодаловчи курсаткичлар системаси ва унинг таҳлили.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми корхона фаолиятининг муҳим курсаткичларидан биридир, ички оборот маблағларига меҳнат ресурсларига, хомашё материал ёқилгиларга булган талаб, маҳсулот ҳажми учёт ва ҳисоботларда қиймат ва натура шаклида ифодаланади. Маҳсулот ҳажмини ифодаловчи курсаткичлар:

- ялпи маҳсулот
- товар маҳсулот
- норматив соф маҳсулот

Ялпи маҳсулот - маълум вақт ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва курсатилган хизматни уз ичига олади.

Товар маҳсулот - четга сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотдир. Бу курсаткич маҳсулот таннархини аниқлашда реализация ҳажмига таъсир этувчи асосий омил сифатида таҳлилда фойдаланилади.

Бу курсаткичлар таркибига корхонанинг барча асосий ёрдамчи ва қушимча цехлари ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот четга берилган ярим фабрикалар, бошқа корхона ва ташкилотлар буюртмаси бўйича четга бажарилган саноат характеридаги ишлар, хизматларни уз ичига олади. Таҳлил этишда маҳсулот ҳажмини режага нисбатан ва утган йилга нисбатан уз сабаблари аниқланади. Утган йилга нисбатан ва режага нисбатан маҳсулот

хажмининг узиши солиштирма улгуржи бахода белгиланади. Бундан ташкари хисоботда амалдаги улгуржи бахода ҳам махсулот хажми аникланади. Эга булган махсулот турини ишлаб чикаришга ишлатилиши туфайли ҳам содир булади. Махсулотнинг айрим турини жами махсулот хажмида тутган улуши товар структурасини ифодалайди. Товарлар структурасини узгариш сабаблари:

- моддий техника таъминотидаги узилишлар;
- корхона ички имкониятларидан келиб чиккан холда структура узгариши;
- корхонани купрок фойда келтирадиган махсулот тизимини ишлаб чикаришга интилиши туфайли;
- бозор талабини хисобга олган холда;

Бозор иктисодиёти шароитида талаб ва эхтигжини урганиш, ракобат бардош махсулот турларини ассортиментини янгилаш муҳим аҳамият касб этади. Махсулот хажмига товарлар структурасини узгаришини таъсири меҳнат йигими курсаткичлари орқали аникланади. Махсулот сизимини улчов бирлиги булиб, норма соат ва нормалаштирилган иш хаки хисобланади.

Норма соат-курсаткичи иштирокида таҳлил этиш ишлаб чиқарилган махсулот норма-соат ва киймат улчовида режанинг бажарилиши бир-бири билан солиштирилади.

Товарлар структурасининг узгаришининг махсулот хажмига таъсири.

Махсуло т тури	Ишлаб чиқарилган махсулотнинг натура ҳажмида (минг сум)		Махс у лот нинг баҳос и	1 махсу- лот учун сарф- ланган вакт	Ишлаб чиқарилган маҳсулот			
					Киймат шаклида (минг сум)		Норма соат улчовида	
	режа	ҳақ			режа	ҳақ	режа	ҳақ
1	2	3	4	5	6(2x4)	7(3x4)	8(2x5)	9(3x5)
A	80	112	2.25	2	180	252	160	224
Б	100	73	2.10	3.5	210	153.3	350	255.5
Жами режанинг бажарили ши	х	х	х	х	х	103.9	х	94.0

$$\frac{405,3 \cdot 100}{390} = 103,9\%$$

$$\frac{419,5 \cdot 100}{510} = 94\%$$

Хулоса: ишлаб чиқарилган махсулот режаси киймат шаклида 103,9%га шу махсулот хажми норма соат улчовида 94%га бажарилган. Ҳоизлар уртасидаги фарқ 9,9% товарлар структурасини урганишдан далолат беради.

Яъни корхона киймати юкорирок, аммо кам меҳнат сарф этиладиган маҳсулот турини режага нисбатан купрок ишлаб чиқарилган.

1. Бу курсаткич ҳар хил малака ва мураккабга эга бўлган меҳнатни йигиндисидан иборат.

2. Куп номенклатурага эга бўлган корхоналарда бу курсаткични аниқлаш техник жihatдан қулай эмас. Шу туфайли маҳсулот ҳажмига товарлар структурасини узгаришини таъсири нормаллаштирилган иш ҳақи курсаткичи орқали аниқланади. Бунинг учун ишчиларнинг асосий иш ҳақи меҳнат ҳажмига бўлиниб маҳсулот сигими ва унинг бажарилиши аниқланади.

Меҳнат сигимини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот режасининг бажарилиши таҳлили.

Курсаткичлар	Ҳисобот йили		Режа- нинг бажа- рили- ши	Маҳсулот сигимини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот	Маҳсулот сигимини ҳисобга олган ҳолда режанинг бажарилиши
	реж а	ҳақ и- кат			
А	1	2	3	4	5
1. маҳсулот ҳажми (улгуржи баҳода (м.с.))	25500	25724	100.8	25646	100.5
2. ишчиларнинг асосий иш ҳақи (м.с.)	1850	1860	100.5	x	x
3. 1 сумлик маҳсулот учун сарфланган иш ҳақи (тийин) (2с:1с)	7.25	7.23	99.7	x	x

1. Меҳнат сигимининг коэффициенти:

$$K = \frac{7,23}{7,25} = 0,997$$

2. $25724 \times 0,997 \approx 25646$

$$3. \frac{25646 \times 100}{25500} = 100,5$$

$$4. 100,8 - 100,5 = 0,3\%$$

Хулоса: ишлаб чиқарилган меҳнат режаси киймати шаклида 100,8%га бажарилган меҳнат сигимини ҳисобга олган ҳолда 100,5% бажарилган.

Фоизлар уртасидаги 0,3% (100,8-100,5) фарк товарлар структурасининг узгаришидан далолат беради.

13.3 .Реализация хажмига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг тахлили.

Махсулот сотишдан келган тушум корхона фаолиятининг асосий курсаткичларидан биридир. Махсулотни сотиш мажбурияти хисобига, ишни бажариш четга курсатилган хизматдан тушган тушум оркали корхона хомашё, ёкилги, энергия захираларини ташкил этади. Ишчи ва хизматчиларга иш хаки тулалайди.


Реализация хажми халк хужалик тармоқларининг ижтимоий меҳнат таксимои ишлаб чиқарган ва истеъмол жараёнида вужудга келадиган узро алоқаларини ишлаб чиқаришга меҳнатнинг хажим ва таркиб жиҳатидан ижтимоий эҳтигжларга мувофиқлигини курсатади. Махсулотни сотиш курсаткичидан режалаштириш ва учётга олишда киймат ва натура шаклларида фойдаланилади.

Халк хужалик ишларини уз муддатида олиб боришни таъминлаш мақсадида республика президентининг 12 май 1995 йилдаги "Халк хужалигида уз вақтида утказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора тadbирлар тугрисидаги"ги фармони муҳим аҳамият касб этади. Бу фармонга мувофиқ истеъмолчилар мол етказиб берувчиларининг товарларини кийматини 15%дан кам булмаган миқдорда пул утказиши шарт. Шундаги товарларни, хизматларни амалга оширилади 60 кун ичида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилмаса бундай қарздорликни муддати утган дебитор қарзлар деб саналади.

Халк хужалик ишларини такомиллаштириш мақсадида кейинги даврларда вексел, чек шаклларида кенг фойдаланиладиган бўлади.

Махсулотни сотиш хажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун товар баланси тузилади товар баланси қуйидаги формула оркали аниқланади.

$$Иб + T = P \pm И + \dot{И}_0$$



бунда:

Иб-тайёр меҳнатнинг йил бошидаги қолдиги.

Т-ишлаб чиқариш товар махсулоти.

Р-реализация қилинган махсулот.

И-инвентаризация натижасига қура махсулотларни ортиқчалигини ёки етишмаслигини.

Й-тайёр махсулотнинг йил охиридаги қолдиги.

Товар баланси формуласига асосланган ҳолда сотилган махсулот хажмига (Р) таъсир этувчи омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$P = \dot{Иб} + T \pm И - \dot{И}_0$$

Тахлил жараёнида махсулот сотиш режасининг умумий хажмда бажарилишига баҳо беришдан сунг шартнома, наряд буйича сотиш режасининг бажарилиши аниклаш керак.

13.4.Махсулот номенклатураси ва ассортиментининг тахлили.

Хар бир корхона махсулот ишлаб чиқариш режасини белгиланган номенклатура ва ассортиментда ҳам бажарилиши лозим. Махсулот номенклатураси натурал ҳолдаги махсулот группалари кичик группалари ва позицияларининг режалаштиришда, ҳисобга олишда, қабул қилинган руйхати тушунилади. Ассортимент эса махсулот турларининг миқдор, типи, маркаси, артикули, сортига қараб гуруҳларга бўлиниши тушунилади. Махсулотнинг айрим турларини деталлаштириш даражасига қараб ассортимент, группа, қисмларга бўлинади.

Кенг ассортимент типи, маркаси, ҳажми, артикулига қараб махсулот турларини бўлиниши тушунилади.

Группа ассортименти кенг ассортиментининг айрим позициялари ягона ном остида, бирҳилдаги группаларга бирлаштирадиган махсулот руйхати тушунилади.

Махсулот асосий махсулот, халқ истеъмол товарларга болалар учун ишлаб чиқариш меҳнат ва бошқаларга бўлинади.

Тахлил этишда ассортимент режаси бажарилиши аникланади. Бу курсаткич энг кичик метод усули орқали аникланади. Ассортиментга қабул қилинган махсулот турларининг йигиндисини 100га қупайтириб режа буйича ишлаб чиқарилган махсулот ҳажмининг жамига бўлиш орқали 8 тури буйича бажарилади. Демак,

$$\frac{8 \times 100}{10} = 80\%$$

Масалан: А - 105%

Б - 110%

В - 95%

Г - 93%

Д - 120%

шулардан энг кичиги ассортимент бажарилиши фоизи топилади.

Номенклатура ва ассортимент режасининг тахлили.

Курсаткичлар	Махсулот бирлиги улгуржи баҳода	Ишлаб чиқарилган махсулот натурада дона		Ишлаб чиқарилган махсулот қиймати (м.с)		Ассортиментга қабул қилинган курсат-лар
		Режа	Ҳақ	Режа	Ҳақ	
1	2	3	4	5(2x3)	6(2x4)	7(5x6)
"А"	1300	8807	8846	11449	11500	11449
"Б"	1450	1438	1380	2085	2001	2001
"В"	820	9146	9146	7500	7500	7500
"Г"	950	3780	3760	3600	3572	3572

Бошқа турдаги махсулот (иш, хизматлар)	х	х	х	866	1033	866
Жами	х	х	х	25500	25606	25388

Уртача ассортимет режасининг бажарилиши
 $\% \kappa (25388 \times 100) / 25500 \kappa 98,5\%$

Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми режаси умумий ҳажмда ортиқ билан адо этилса ҳам аммо ассортименти режаси бажарилмади. "Б" ҳамда "Г" турдаги махсулотлар режасининг бажарилиши ассортимент бўйича ҳам режанинг бажарилмаслигига олиб келади. Энг кичик методдан ташқари амалда ассортимент режасининг бажарилиши қуйидагича ҳам аниқланади. М, корхонада 10 турдаги махсулот ишлаб чиқариш шунда 8 тури бўйича бажарилди. Демак, $(8 \times 100) / 10 \kappa 80\%$

М: А-105%

Б-110%

В-95%

Г-93%

Д-120%

шулардан энг кичиги ассортимент бажарилиши фоизи топилади.

13.5. Махсулот сифатининг таҳлили.

Махсулот сифати махсулотнинг уз вазифасига мувофиқ муайян, хусусий ва ишлаб чиқариш эҳтигжларини қондира олиш қобилияти таъминловчи умумий хоссасидир. Бозор иқтисоди шароитида махсулот сифатига ҳар қачонгидан ҳам қуқроқ эътибор берилади. Махсулот сифати қурсаткичлар системаси орқали аниқланади.

Ҳарактерловчи хоссаларига қура уз белгиланган вазифасига лотиклиги, ишга пухталиги, чидамлилиги, технология жараёнига мослиги иқтисодий қурсаткичларга қура фарқланади.

Енгил саноатда махсулот сифати жихатидан сортларга бўлинади.

Озик-овқат саноатида балларга бўлинади. Қумир саноатида қумирнинг сифати унинг иссиқлик даражаси бўйича аниқланади.

Махсулот сифатининг ортиши қорхонанинг олган фойдасига ишлаб чиқаришга махсулотнинг қиймат шаклида ортишига олиб келади.

Махсулот сортларга бўлинганди унинг сифатини қуйидаги қурсаткичлар орқали аниқлаш мумкин.

1. Уртача сортлик даражаси.

2. Уртача сортлик қоэффициенти.

3. Махсулотнинг уртача сотиш баҳоси.

қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳулоса қилиш мумкинки, махсулот сифати ҳисобот давриди режага нисбатан бироз яхшилан.

1. Сорт бўйича режанинг бажарилиши 100,2%ни ташқил этган.

2. Махсулот бирлигини уртача сотиш бахоси режага нисбатан 0,4 минг сумга ортган.
3. Сифат яхшиланиши ҳисобига махсулот қиймат шаклида қушимча 0,85 минг сумга ортган.

Рекламация - махсулотнинг нуқсонлари борлиги айрим қисмлари етишмаслиги аниқланиши муносабати билан уни тайёр ловчиға тегишли омиллар орқали расмий этироз билдириш демакдир.

Истеъмолчи махсулот етказиб берувчиға муддати давомида рекламация бериши ва ҳар гал нуқсонлар бўйича жарима ундириб олиши мумкин.

Махсулот сифатининг таҳлили.

Курсат- кичлар	с о р т и	Махсу- лот бирли- гинин г улгур- жи бахоси	Режа		Ҳақиқатда		Ҳақ-да и.ч. ган мах. 1- га аниқ-лан- ган фарқ	Сорти узгариш ига 1- аниқ- ланган фарқ
			ми к	сум	мик	сум		
А	1	2	3	4	5	6	7	8(6-7)
А	I	200	100 0	200	1050	210	200	9.98
Б	II	180	900	162	870	156.6	165.73	-9.13
Жами	х	х	190 0	362	1920	366.6	365.75	0.85
Мах. 1-ги уртача улгуржи бахода (с)			х	190.5	х	190.9		

Режа 362000/1900к19.05 сум

Ҳақ 366600/1920к190.9 сум

7 графа топилиши:

1050 х 190,5 к 200,02

870 х 190,5 к 165,75

13.6. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлили.

Иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг 2 омилини, яъни моддий ва шахсий омилини тан олади. Махсулот яратиш жонли ва моддий меҳнат сарфланмай туриб, вужудга келмайди. Корхоналарга режалаштириш бўйича мустақиллик берилиши ҳар бир корхона ишлаб чиқариш ва меҳнат нумдорлиги даражасига қараб қанча ишчи қучи кераклигини мустақил режалаштиради.

Мехнат ресурсларини таҳлил этишда корхонани ишчи кучи билан таъминланиши иш вақтидан фойдаланиши, мехнат умумдорлиги ва уларни маҳсулот ҳажмига таъсири аникланади.

Таҳлил вазифаси.

1. Корхонани мехнат ресурслари билан таъминланишига объектив баҳо бериш.
2. Мехнат умумдорлиги курсаткичларини узгаришига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни миқдор жихатидан ҳисоблаш.
3. Мехнат ресурсларидан тулик фойдаланмаслик натижасида йуқолган имкониятларини аниклаш.

Бундай таҳлил учун керакли маълумотлар мехнат ресурслари бўйича ҳисобот Ф №1 т дан олинади.

Корхонани мехнат ресурслари билан таъминланиши, унинг динамикасининг таҳлили ва кадрлар кунимсизлиги.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва унинг утган йилга нисбатан узгариши куп жихатдан корхонани мехнат ресурслари билан таъминланишига боғлиқдир.

Мехнат ресурслари характериға кура 2 гуруҳға булинади.

1. Саноатда ишлаб чиқариш ходимлари.
2. Ноишлаб чиқариш ходимлари.

Саноатда ишлаб чиқариш ходимлари таркибига куйидаги категориядаги ходимлар киради.

1. Ишчи
2. Раҳбар ходим ва мутахассислар
3. Хизматчилар.

Таҳлил этишда саноат ишлаб чиқариш ходимларини режа билан таккослаб корхонани ишчи кучи билан таъминланиши аникланади. Утган давр билан таккослаш эса унинг динамикаси, яъни утган йилга нисбатан ортиши ёки камайиши аникланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши мехнат ресурсларини таркиби структурасига ҳам боғлиқдир. Маҳсулот ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, илгор технологияни жорий этилиши ва тармок хусусиятиға кура корхоналар мехнат ресурслари бўйича хар хил структураға эгадир.

Структура бу жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги ишчилар, хизматчилар, раҳбар ходимларнинг тутган улуши (салмоғи) тушунилади.

Жадвал: Корхонани мехнат ресурслари билан таъминланиши ва уни динамикасининг таҳлили.

Курсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йили				фарқи	
		Режа		Ҳақиқат		Утган йили	режа
		сон	%	сон	%		

А	1	2	3	4	5	6(4-1)	7(4-2)
1. Ишчилар	1232	1277	77.16	11.87	73.18	-45	-90
2. Рахбар ва мутахассислар	353	325	19.64	347	21.40	-6	22
3. Хизматчилар	90	53	3.20	88	5.42	-2	35
Жами саноат и.ч.ходимлари	1675	1655	100	1622	100	-53	-33

Режа (ишчи) к (1277х100)/1655к77.16%

Хакикатда (ишчи) к(1187х100)/1622к73.18%

Хулоса: корхонада саноат ишлаб чиқариш ходимлари 1622 кишини ташкил этиб режага нисбатан 33 киши, утган йилга нисбатан эса 53 кишига камайган, режага нисбатан ишчилар 90 кишига камайган, аммо кам категориядаги ходимлар 57 кишига (22+35) ортган. Утган йилга нисбатан ишчилар 45, колган категориядаги ходимлар 8 кишига кискарган. Ходимлар таркибидаги бундай узгаришлар уларнинг структурасига узгаришига олиб келди. Жумладан: ишчиларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги тутган улуши режадаги 77,16% дан, хакикатда 73,18 га кадар пасайган. Рахбар ходим, хизматчиларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги улуши эса режа нисбатан юкори булган. Бундай нисбат булишини ижобий бахолаш мумкин эмас. Чунки рахбар ходим хизмат курсатувчи сохаларидаги ходимлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш рахбарлик килишдаги структурадаги узгаришлар хисобига уларнинг сони кискариб бориши керак. Бизнинг мисолимизда жами ходимлар сони режага нисбатан 33 кишига кискарган холда махсулот ишлаб чиқариш хажми оралиги билан адо этилган. Демак, меҳнат умумдорлигининг ортиши эвазига режа бажарилганлиги ифодалайди. Ишлаб чиқариш хажми режасининг бажарилиши унинг динамикаси кадрлар кушимсизлигига богликдир. Кадрлар кушимсизлигини кабул килиш обороти коэффиценти, ишдан бушатиш обороти, хамда кушимсизлик коэффицентлари оркали аниклаш мумкин. Кушимсизлик коэффицентини аниклаш учун уз хошишига биноан, прогул ва меҳнат интизомини бузганлиги учун булган ходимлар сонини ходимларнинг руйхат буйича уртача сонига булиш оркали аникланади.

Иш вақтидан фойдаланиш тахлили.

Меҳнат умумдорлигини ортиши интенсивлашининг асосий омилдир. Меҳнат умумдорлигини ортиши махсулот хажмини купайишини таъминлайди, ходимлар сонини базис даврига нисбатан кискаришига эришилади. Меҳнат умумдорлиги вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган махсулот ёки махсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан улчанади. Иктисодий меҳнат умумдорлиги ва жонли меҳнат умумдорлиги мавжуддир.

Иктисодий меҳнат умумдорлигини аниклаш учун миллий даромадни ходимлар сонига булиш оркали аникланади.

Меҳнат умумдорлигининг улчов бирликлари:

1. Киймат

2.Натура

3.Мехнат

1.Киймат шаклида

Му к Q X

Му- мехнат умумдорлиги

Q - мехнат (иш, хизмат) хажми кийматда

X - саноат ишлаб чиқариш ходимларининг руйхат бўйича уртача сони

2⁰.Натура шаклида

Му к Q <u>дона, цен, т, кг, м</u> X
--

3⁰.Мехнат шаклида

Му к T <u>киши -кун, киши-соат, киши-минг</u> Q
--

T - сарфланган вақт.

Мехнат умумдорлигининг киймат шаклида аниқланиши камчиликларидан ҳам хали эмас. Махсулот хажми киймат шаклида ишлаб чиқарган махсулот структурасининг узгариши, хомашё турларининг узгариши, четдан тайёр холда олинган ярим фабрикат ва деталлар, комплектловчи буюмлар, буюмлар хиссасининг узгариши ва бошқаларга боғлиқ. Натура шаклида мехнат умумдорлиги даражасини аниқ ифодалайди, аммо уни халқ хужаликда куллаш чегаралангандир. Бу курсаткич 1,2 турдаги махсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарда кулланилади.

Мехнат умумдорлик курсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби.

Бир ходимга тугри келадиган махсулот хажмига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили. Бир ишчига тугри келадиган махсулот хажмига, иш вақтидан фойдаланиш ва 1 соатлик иш унумининг таъсири.

Мехнат шакли ҳам купинча махсулотни ишлаб чиқариш нормаллаштирилган корхоналарда купрок кулланилади. Статистик ҳисоботларда мехнат умумдорлигини ифодаловчи курсаткич бўлиб бир ходимга тугри келадиган уртача йиллик махсулот ҳисобланади. Буни аниқлаш учун киймат шаклидаги махсулот хажми саноат ишлаб чиқариш ходимларининг руйхат бўйича уртача сонига бўлинади.

Бундан ташқари мехнат умумдорлигини қуйидаги курсаткичлар ҳам ифодаланади:

1.Бир ишчига тугри келадиган уртача йиллик махсулот

Махсулот хажми
Ишчилар сони

2. Бир ишчининг бир кунлик иш умуми

Махсулот хажми
Жами ишчилар

3.Ишчининг 1 соатлик иш унуми

Махсулот хажми
Жами киши-соат

Тахлил килиш жараёнида меҳнат унумдорлдик курсаткичларини базис даври режага нисбатан узгариши ва уларга таъсир этувчи омиллар аникланади.

Шу жihatдан ишчиларни иш вақти фондидан қай даражада фойдаланганлигини тахлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Тахлил учун маълумотлар Ф№1Т ҳисоботидан олинади. Бу ҳисоботда ишчилар томонидан ишланган жами киши кунлари ва киши соатлари ифодаланган. Тахлил этишда ишланган киши соатларини базис даври билан таққосланиб унинг узгаришига таъсир этувчи омил аникланади.

Бир ишчига тугри келадиган уртача йиллик махсулот хажмига қуйидаги омиллар таъсир этади.

1.Бир ишчининг йил давомида ишланган киши кунларининг узгариши.

2.Иш куни давомийлигининг узгариши

3.Ишчининг бир соатлик иш умумини узгариши.

Жадвал: Бир ишчининг меҳнат умумдорлигига таъсир этувчи омилларнинг тахлили.Жадвал: Меҳнат унумдорлигининг тахлили.

№	Курсаткичлар	Базис даври (режа)	Ҳисобот даври	Фарқи	Базис %
1	Махсулот хажми (иш, хизматлар) минг сум	8535	8544	9	100,1
2	Саноат и.ч ходимларнинг руйхат бўйича уртача сони	1655	1622	-33	98
3	Ишчиларнинг руйхат бўйича уртача сони	1277	1187	-90	92,95
4	Ишчилар сонининг саноат и.ч. ходимларида тутган улуши (9*100/2)	77.16	73.18	-398	94,8
5	Бир ходимга тугри келадиган уртача йиллик махсулот сум (1/2)	5157	5267	110	102.1
6	Бир ишчига тугри келадиган уртача йиллик махсулот сум (1/3)	6683	7198	515	107.7

Хулоса: Корхонада махсулот хажми қиймат шаклида базис даврига нисбатан 9000 сумга ёки 0,1% ушган. Ходимлар сони эса қисқарган. Демак: махсулот хажмини ортиши меҳнат умумдорлигининг усиши ҳисобига юз берган. Бизнинг мисолимизда 1 ходимга тугри келадиган уртача йиллик махсулот

хажми базис даврига нисбатан 110 сумга ортган. Тахлил жараёнида меҳнат умумдорлигининг узгаришига таъсир этувчи омилларни аниклаш ва ҳисоблаш лозим.

Демак, бир ходимга тугри келадиган уртача йиллик маҳсулот хажмига 2 омил таъсир этади:

1. Ишчилар салмогининг узгариши.

2. Бир ишчига тугри келадиган уртача йиллик маҳсулот хажмининг узгариши.

13.7. Асосий маҳсулот ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш таҳлили.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси куп жихатдан асосий фондлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Асосий фондлардан канчалик яхши фойдаланилса, маҳсулот ишлаб чиқариш шунчалик куп, меҳнат умумдорлиги шунчалик юқори, чиқарилаётган маҳсулот таннарни кам, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи курсаткичларга фонд самарадорлиги, фонд кайтими ва фонд сигими каби курсаткичлар ҳисобланади. Корхонадаги ҳар бир ходим ҳисобига тугри келадиган асосий ишладаб чиқариш воситалари қиймати меҳнатни асосий фондлар билан қуролланиш курсаткичидир. Буни аниклаш учун Корхонадаги асосий фондларнинг йиллик уртача қийматини корхона ходимларининг йиллик уртача сонига бўлиш керак.

Меҳнатни фондлар билан қуролланиш даражаси фондлар қийматининг ходимларнинг йиллик уртача сонига нисбати. Яъни $ФК = АФ / ХС$

Бунда:

ФК- фондлар билан қуролланиш

АФ- Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати.

ХС- Ходимларнинг сони

Фондлар самарадорлиги, меҳнат умумдорлиги ва унинг фондлар билан қуролланиш уртасида боғлиқлик мавжуд. Бу боғлиқлик қуйидаги формула билан изоҳланади.:

$$ФС = МУ / ФК$$

Бу ерда: ФС- Фонд самарадорлиги

МУ-меҳнат умумдорлиги

ФК- фонд билан қуролланиш формуладан маълумки, фондлар самарадорлигига меҳнат умумдорлиги фондлар билан таъминланишга нисбатан устун келганда эришилади. Меҳнат умумдорлиги усиши унинг фондлар билан қуролланишидан орқада қолса, фондлар самарадорлиги пасаяди.

Фондлар сигими микдори фондлар самарадорлик курсаткичининг аксидир. Фондлар самарадорлиги $ФС = М / АФ$ формуласи билан аникланади.

ФС- фондлар самарадорлиги

М- маҳсулот

АФ- асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати

Фондлар сигими эса $ФС = АФ / М$ формуласи ёрдамида аникланади. Бунда:

ФС- Фонд сигими

АФ- Асосий ишлаб чиқариш фондларининг киймати.

Назорат саволлари

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тахлилининг вазифалари.
2. Маҳсулот ҳажмини белгиловчи курсаткичлар.
3. Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
4. Маҳсулот ассортименти таҳлил этиш.
5. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини таҳлили.
6. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
7. Мехнат ресурслари тахлилининг вазифалари.
8. Мехнат ресурслари билан таъминланиши.
9. Иш вақти фондидан фойдаланиш.
10. Мехнат унумдорлиги курсаткичларини таҳлили.
11. Мехнат омилларини маҳсулот ҳажмига таъсири.

12. Асосий маҳсулот ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш таҳлили.

14- Мавзу: Корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таҳлили.

Режа:

- 14.1. Маҳсулотлар таннархи тахлилининг мақсад ва вазифалари ҳамда маълумот олиш манбалари
- 14.2. Харажатларни туркумлари бўйича таҳлил қилиш.
- 14.3. Корхона харажатларининг элементлари бўйича таснифи
- 14.4. Товар маҳсулоти таркибий ўзгаришининг таъсири.

Адабиётлар: 1,2,4,6,9,28,29,31,61,74.

Таянч иборалар:

Товар маҳсулоти таркиби, товар маҳсулотининг ҳажми, умумишлаб чиқариш (умумзавад) харажатлари, харажатлар моддалари, Ишлаб чиқариш таннорхига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари

14.1. Маҳсулотлар таннархи тахлилининг мақсад ва вазифалари ҳамда маълумот олиш манбалари

Маҳсулот таннархи корхоналар фаолиятининг аниқ сифат кўрсаткичларидан биридир. Корхоналарда ўтказилаётган барча тадбирлар, техникавий, ташкидий, ижтимоий-иқтисодий ўзгариш-ларнинг ҳаммаси корхона харажатларига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига таъсир кўрсатади. Таннархнинг ўзгариши, албагга, корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир этади.

Илгари таннархнинг таҳлили, корхоналарнинг умумий фаолиятини таҳлил қилиш пайтида, олдинроқ кўрилиб, молиявий таҳлил ўтказилаётган вақтда таннарх тўғрисида гап бўлмасди. Лекин, бозор муносабатларига ўтиш билан, юқорида тасдиқланганидек, асосий эътибор корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишга йўллантирилмоқда, Шу сабабли охириги йилларда молиявий таҳлил бўйича гап борар экан, иқтисодий адабиётда маҳсулот таннархини

таҳлил қилиш, корхоналарни молиявий ҳолатини таҳлил этиш билан бирга ёритилмоқда.

Куйида таннархни таҳлил қилиш муаммолари ёритилади, чунки:

бозор муносабатлари даврида корхона фаолиятининг сифат кўрсаткичлари аҳамиятга ошиб боради, шу жумладан, таннарх кўрсаткичини аҳамиятга ҳам;

маъмурий бошқарув тизимидан воз кечилиши муносабати билан корхоналар фаолиятида нимагадур таннархни қисқартириш муаммоларга керакли эътибор берилмаяпти;

республикада ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги Низомда корхона ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ҳисоби ва ҳисоботи чамбарчас боғланган, демак, корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили таннарх муаммоларини ҳам ўз таркибига олиши керак. Таннархни таҳлил қилиш тўғрисида гап кетганда шуни эътиборга олишимиз керакки, собиқ иттифоқ даврида бу борада кўп назарий ва амалий, илмий текширув ишлари бажарилган эди ва маъмурий тизимга мосланган таннарх ҳисоби ҳамда ҳисоботи тизими яратилганди. Бу тизим ўз таркибига куйидагиларни олган эди:

таннарх ишлаб чиқаришнинг муҳим иқтисодий категорияларидан бири бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги иқтисодий муносабатларни ифодалади;

таннарх кўрсаткичи корхоналар фаолиятининг сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб, таннархга камайтириб туриш халқхўжалиги миқёсида кўтарилган вазифалардан бири шайошда тасдиқланган эди;

таннарх кўрсаткичларининг асосланган аниқ тизими шаклланган эди. Бу тизим ўз таркибига ўрта тармоқ ва индивидуал таннарх кўрсаткичларни, фабрика, завод ва тўлиқ таннархни, ялпи, товар ва сотилган маҳсулотларнинг таннархини, бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун сарф қилинган -ҳаражатлар кўрсаткичини олар эди;

корхоналар ҳаражатлари асосий ва қушимча, тўғри ва зғри, тахминан ўзгарувчан ва тахминан ўзгармас ҳаражатларга, элементларга ва моддаларга туркумланиб, улар ҳаражатлар таркиби таҳлилида кенг фойдаланилар эди:

алоҳида ишлаб чиқариш тармоқ хусусиятларини тўлиқ эътиборга олиб, бу тармоқлар бўйича алоҳида маҳсулотларнинг таннархини аниқлаш тизими — калкуляция тизими ишлаб чиқилган эди;

таннарх кўрсаткичлари бўйича давлат ҳисоботи шаклланган эди. Бу 5-шакл «Ишлаб чиқаришга-ҳаражатлар», 6-шакл «Товар маҳсулоти таннархи». Бу ҳисоботлар таннарх кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятини беради; таннарх кўрсаткичлари таркибида асосий кўрсаткич сифатида бир сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражатлар қабул қилинган.

Республикада бозор муносабатларига мосланган ҳисоб ва ҳисобот тизими ҳам шаклланмоқда. Бу борада таннарх бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилаяпти. Ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги Низом

1995 йили қабул қилинди. 1999 йили қайтадан кўриб чиқилди. Харажатлар тўғрисида андозалар қабул қилинди. Лекин, афсуски, бу борада илгари бажарилган ишларни муҳим томонлари эътиборга олинмади.

14.2.Харажатларни туркумлари бўйича таҳлил қилиш.

Таннархни камайтириб туриш ҳамма корхона ва ташкилотлар олдида турадиган доимий вазифадир. Демак, таннархни камайтириш кагга аҳамиятга эга, чунки:

- таннархни пасайтириш корхона фойдасини кўпайтиради, корхонанинг молиявий ҳолатини яхшиловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади;

- таннархни пасайтириш орқали тежалган маблағлар ҳисобидан корхона ходимларига мукофотлар берилади, демак,-бу ҳолат корхона ходимларини моддий рағбатлантиришга ёрдам беради;

- таннархни пасайиш ҳисобидан корхона жамоаси ижтимоий нуқтаи назаридан ривожлантирилади, яъни корхона ходимларининг ижтимоий эҳтиёжлари қондирилади;

корхонанинг техникавий даражасини кўтариб туриш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш учун ҳам таннархни пасайтириш ҳисобидан олинган маблағлардан фойдаланилади; маълумки, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нарх-наво тасдикланаётганда, шаклланаётганда маҳсулотларнинг тапнархи эътиборга олинади. Демак, таннархни пасайтириш — нарх- наволарни камайтиришдаги асосий шарт-шароитлардан биридир. Нарх-наволарни камайтириб, ходимларнинг реал иш ҳақисини ошириш, уларниги- турмуш даражасини кўтариш омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётда фикр борки, бозор муносабатларига ўтиш даврида, деярли ҳамма корхона, ташкилотларда таннарх ўсиб бормокда ва бу шароитда таннархни пасайтириш вазифаси кун тартибидан олинди, деб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча бозор муносабатлари шаклланиши билан бу вазифа кун тартибига кўйилади деб ҳисоблаймиз. Ундан ташқари бозор муносабатлари даврида корхоналараро рақобат ривожланар экан, объектив заруриятки, корхоналар, ташкилотлар ўз маҳсулотларини кам харажатлар билан ишлаб чиқаришга интиладилар, демак; таннарх пасайтирилиб бориш лозим.

Таннарх ҳисоби ва ҳисобот тизими ҳамма вақт корхоналар фаолиятига бошқаришда катта аҳамиятга эга бўлган.

Республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказилиши билан республикада, юқорида қайд этилгандек, бухгалтерия ҳисобини, ҳисоботини ташкил қилиш борасида ҳам керакли ислохотлар амалга оширилмокда.

Бухгалтерия ҳисоби, аудит тўғрисидаги республика қонунлари қабул қилинди, бухгалтерия ҳисоб андозалари, бухгалтерия ҳисоби счёт режалари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ҳисобот тизими ҳам такомиллаштирилмокда.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ислоҳотлари таркибида таннарх ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилиш алоҳида ўрин тутади. Бу борада 1995 йилда тасдиқланган (кейинчалик бир неча марта узгартиришлар киритилди) ва амалиётга киритилган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотқш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби туғрисида Низом» таннарх ҳисоби ва ҳисобот тизимини бозор муносабатларига мослаштиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу Низом таннарх ҳисоби ва ҳисоботига қўпгина янгиликларни киритди:

Маҳсулотлар таннархи таркибини таҳлил этишда ҳаражатларнинг элемент ва моддаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу таҳлилни ўтказиш учун бухгалтериянинг бирламчи маълумотларидан фойдаланишга тўғри келади.

Маҳсулотлар таннархи таҳлили туғрисида гап борар экан шуни таъкидлаш керакки, тасдиқланган 1, 2, 2а, 3, 4, ва 5 шакллардаги молиявий ҳисоботларда таҳлил учун зарур бўлган кўп маълумотлар келтирилмайди.

Маълумкк, ҳаражатлар таркиби туғрисидаги Низомда корхона ҳаражатлари қуйидагича туркумланади:

1. Ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган ҳаражатлар, шу жумладан:

1.1.Тўғри ва эгри моддий ҳаражатлар.

1.2.Тўғри ва эгри меҳнат ҳаражатлар.

1.3.Бошқа туғри ва эгри Ҳаражатлар.

1.Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган давр ҳаражатлари:

2.3. Маҳсулотларни сотиш ҳаражатлари. .

2.2. Бошқарув ҳаражатлари.

2.3. Бошқа оператив ҳаражатлар ва зарарлар.

3. Корхоналарнинг молиявий фаолияти ҳаражатлари, шу жумладан:

3.1.Фоиизлар бўйича ҳаражатлар.

3.2.Хорижий валюталар операциялари бўйича салбий курс фарқиари.

. 3.3. Молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар.

4. *Фавқулодда зарарлар.*

Корхоналарнинг умумий ҳаражатлари таҳлили уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгариши билан боғланган ҳолда ўтказилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир сўмлик товар **маҳсулоти** ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражатлар кўрсаткичлари таҳлил қилиниши керак.

14.3.Корхона ҳаражатларининг элементлари бўйича таснифи

Корхона ҳаражатларининг элементлари бўйичақуйидагича таснифланади:

1. Хом ашё ва материалъар.

2. **Корхона ходимларининг иш ҳақи тўловлари.**

3. **Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси.**

4. **Бошқа ҳаражатлар.**

Бу тасниф маълумотларидан фойдаланиб, корхона ҳаражатларининг алоҳида элементлари ва уларнинг таркибий ўзгаришини таҳлил қилиш билан бирга корхоналар фаолиятидаги моддий сиғимни, хом ашё сиғимини, энергия ва ёқилғи сиғимини, фонд сиғимини, маҳсулот сиғимини таҳлил қилишимиз мумкин.

Корхона ҳаражатларининг моддалари бўйича таснифи:

1. Хом ашё ва асосий материаллар.
2. Ишлаб чиқариш қабiliдаги иш ҳақи.
3. Ишлаб-чиқариш ходимлари бўйича ижтимоий чегирмалар.
4. Ишлаб чиқариш ходимлари бўйича операция ҳаражатлари.
5. Ишлаб чиқариш қабiliдаги асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси.
6. **Цех ҳаражатлари.**
7. Умумишлаб чиқариш (умумзавод) ҳаражатлари.

7.1. Моддий ҳаражатлар. ■

7.2. Умумишлаб (умумзавод) маъмурий асосий воситалар амортизацияси.

7.3. Умумишлаб (умумзавод) маъмурий ходимлари иш ҳақид.

7.4. Умумишлаб (умумзавод) маъмурий ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий чегирмалар.

7.5. Умумишлаб (умумзавод) маъмурий ходимлари бўйича операция ҳаражатлари,

7.6. Бошқа Умумишлаб (умумзавод) ҳаражатлари.

Кўриниб турибдики, қабул қилинган Низом халқаро стандартларга жавоб беради, лекин таннарх кўрсаткичларини таҳлил қилишни бирмунча мураккаблаштиряпти. Низом асосида тасдиқланган молиявий ҳисоботлар, тавсия этилган таснифлар маълумотларидан фойдаланиб, таннархни таҳлил қилиш қуйидаги йўналишларда ўтказилиши мумкин:

- корхоналар ҳаражатлари таркибини таҳлил қилиш;
- таннарх кўрсаткичлари даражасини ва динамикасини таҳлил қилиш;
- маҳсулотлар таннархига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш.

Ҳаражатлар таркибини таҳлил қилиш таннархнинг алоҳида кўрсаткичлари таҳлили билан биргаликда ўтказилиши лозим. Бу . ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг таннархи кўрсаткичлари ҳамда ҳар бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражатлардир.

Таннарх кўрсаткичлари таркибида асосий кўрсаткич бўлиб, ҳар бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар ҳисобланади ва бу кўрсаткич товар маҳсулотининг таннархини товар маҳсулотининг улгуржи нархда олинган ҳажмига бўлиил йўли билан аниқланади.

Товар маҳсулотининг ҳажми улгуржи нархда аниқлаганда қушилган қийматга солинадиган солиқ ва акциз солиқлар ҳисобидан чиқариб ташланади. Таннарх кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

Маҳсулот таннархи

кўрсаткичлари (минг сўм)

	1997 й	1698 й	Динами ш
1. Ялпи маҳсулот таннархи	63500	65500	103,1
2. Товар маҳсулотнинг тулиқ	63500	65500	103,1
3. Товар маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	62400	63100	101,1
4. Сотилган маҳсулот	57400	58500	101,9
5. Улгуржи нархдаги товар	57400	68500	101,6
Бир сўмлик товар маҳсулот учун кетган харажат (2:5) тўғрисида	90,9	91,2	101,6

Кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада таннарх кўрсаткичларининг ҳаммаси кўтарилган. Демак, таннархни ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатапти. Ялпи маҳсулот таниархини кўтарилиши товар маҳсулоти таннархини кўтарилишидан юқори бўлганлигининг сабабм шувдаки, таҳлил қилинаётган даврда ялпи маҳсулотни ўсиш суръати товар маҳсулотини ўсиш суръатидан кўпроқ бўлган. Товар маҳсулоти тулиқтаннархининг ишлаб чиқариш таннархига нисбатан кўпроқ қимматлашгани — бу корхонада қўшимча харажатларнинг кўпайганлигини кўрсатади.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш таннархга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили билан яқунланиши лозим. Омиллар бўйича таҳдил одатда бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган харажатларининг кўрсаткичлари бўйича ўтказилади. Бу кўрсаткичга қуйидаги смиллар таъсир кўрсатади;

- алоҳида маҳсулотлар таннархининг ўзгариши;
- алоҳида маҳсулотларга қуйилган нарх-наволарнинг ўзгариши;
- товар маҳсулотининг таркибий ўзгаришлари.

14.4. Товар маҳсулоти таркибий ўзгаришининг таъсири.

Товар маҳсулоти таркибига ҳар хил маҳсулотлар кириб, улар ўзига хос рентабеллик даражаларига эга. Уларнинг бир с'млик ҳажми учун ҳар хил харажатлар бўлади, натижада товар маҳсулотининг тарккбида бу маҳсулотларнинг салмоғлари жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгарса, бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган харажатларнинг ўртача даражасига таъсир кўрсатади ва у

Бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажатлар кўрсаткичлари

	Маҳсулотлар	Бир дона маҳсул отнинг	Бнр дона маҳсулотнинг
--	-------------	---------------------------	--------------------------

Маҳсулотлар	сони, дона		нархи (сўм)		таннархи (сўм)	
турлари	Жорий давр М.	Ўтган давр М ₀	Жорий давр Н1	Утган давр Н ₀	Жорий давр Т1	Утган давр Т ₀
А	500	400	50	40	30	35
Б	200	250	30	40	25	30
В	150	100	15	10	10	5

Бир сўмлик товар маҳсулотга кетган ҳаражатларнинг жорий даврда ўтган даврга нисбатан динамикаси:

$$\frac{(500 \times 30 + 200 \times 25 + 150 \times 10) / (400 \times 35 + 250 \times 30 + 100 \times 5)}{(500 \times 50 + 200 \times 30 + 150 \times 15) / (400 \times 40 + 250 \times 40 + 100 \times 10)} = 0,677 : 0,815 = 0,794 \times 100 = 79,4\%$$

Демак, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражаси жорий даврда ўтган даврга нисбатан $(100 - 79,4) = 20,6$ фоизга камайган.

Бу ўзгаришга омиллар таъсири қуйидагича бўлган:

1. Алоҳида маҳсулот турлари таннархининг ўзгариш таъсири:

$$\frac{500 \times 30 + 200 \times 25 + 150 \times 10}{500 \times 40 + 200 \times 40 + 150 \times 10} \cdot \frac{(500 \times 35 + 200 \times 30 + 150 \times 5)}{(500 \times 40 + 200 \times 40 + 150 \times 10)} = 0,729 : 0,796 = 0,915 \times 100 = 91,5 \text{ фоиз.}$$

Демак, алоҳида маҳсулот турлари таннархиянинг ўзгариши, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражасини 9,5 фоизга камайтиришга олиб келган.

1. Алоҳида маҳсулот турларига қўйилган нархларнинг ўзгариши таъсири:

$$\frac{500 \times 30 + 200 \times 25 + 150 \times 10}{(500 \times 50 + 200 \times 30 + 150 \times 15)} \cdot \frac{500 \times 30 + 200 \times 25 + 150 \times \text{НП}}{(500 \times 40 + 200 \times 40 + 150 \times 10)} = 0,6647 : 0,729 = 0,887 \times 100 = 88,7 \text{ фоиз.}$$

Демак, алоҳида маҳсулот турларига қўйилган нархларнинг ўзгариши, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражасини 11,3 фоизга камайтиришга олиб келган.

2. Товар маҳсулоти таркибининг ўзгариши таъсири:

$$\frac{500 \times 35 + 200 \times 30 + 150 \times 5}{(500 \times 40 + 200 \times 40 + 150 \times 10)} \cdot \frac{(400 \times 35 + 250 \times 30 + 100 \times 5)}{(400 \times 40 + 250 \times 40 + 100 \times 10)} = 0,796 : 0,815 = 0,976 \times 100 = 97,6 \text{ фоиз.}$$

Демак, товар маҳсулотининг таркибий ўзгариши ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражасини 2,4 фоизга камайтardi. Шундай қилиб, бир сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқариш учун қилинган ҳаражатлар даражасини жорий даврда ўтган даврга нисбатан камайтиришга ҳамма омиллар ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида кўрилган маҳсулотлар таннархияни таҳлил қилиш шундай хулосага олиб келяптики, бу таҳлил корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилида ўз ўрнига эга бўлиши лозим.

Назорат саволлари

1. Маҳсулотлар таннархия таҳлилининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархияни таҳлил қилишда фойдаланиладиган маълумот олиш манбалари.
3. Харажатларни туркумлари бўйича таҳлил қилиш.
4. Корхона харажатларининг элементлари бўйича таснифи
5. Товар маҳсулоти таркибий ўзгаришининг таъсири.
6. Товар маҳсулоти таркиби нималардан иборат?

15- Мавзу: Фойда ва рентабеллик таҳлили.152

Режа:

- 15.1. Корхоналар фойдаси таҳлилининг мақсад ва вазифалари.
- 15.2. Фойданинг турлари ва уларнинг шаклланиши.
- 15.3. Фойдага таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш.
- 15.4. Корхоналар рентабеллиги таҳлилининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Адабиётлар:1,2,4,6,9,10,29,31,36.

Таянч иборалар:

Корхоналар рентабеллиги таҳлили, фойда ҳажми таҳлили, фойдага таъсир этувчи омиллар таҳлили, солиққа тортиладиган фойда, соф фойда, солиқ тўлангунгача олинган фойда, хўжалик фаолиятдан олинган фойда, асосий фаолиятдан олинган фойда, маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда,

15.1. Корхоналар фойдаси таҳлилининг мақсад ва вазифалари

Молиявий таҳлилнинг якуний босқичи бўлиб, корхоналар фаолиятининг молиявий якунлари таҳлили ҳисобланади. Корхоналар фаолиятининг молиявий якунлари бўлиб фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Фойда ижтимоий ишлаб чиқариш ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир.

Қаерда ижтимоий ишлаб чиқариш барпо этилган бўлса, унда қатнашувчиларнинг меҳнати иккига бўлинади — биринчи қисми ишлаб чиқариш қатнашчиларини шахсий эҳтиёжларини таъминлаш, қоётлаш учун фойдаланилади, икюшчи қисми эса мулкдорларни, давлат ва ижтимоий эҳтиёжларни қоплашга сафарбар этилади.

Фойда иқтисодий катигория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариди, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисоботининг объектив талабидир.

Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни

талаб этади. Букинг учун ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилипти, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Қиймат конуки алоҳида корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар — ижтимоий-зарурий харажатлар даражасида еки ундан кам бўлилтни талаб этади. Бу талабии амалга ошириш учун корхоналар фойдага эга бўладилар ва уларнинг рентабеллик даражаск ўртача ёки ундан юқори бўлиши керак.

Маълумки, хўжалик ҳисобининг талабларидан бири, асосий талаби ~ бу корхоналар фаолиятини рентабеллик бўлиши, яъни корхоналар ўз фаолиятини фойда олиг билан яқуилашларидир. **Фойда -абсолют кўрсаткич бўлиб, у корхокалар фаолияти самарасини ифодалайди.** Фойда корхоналар фаолиятининг ҳар хил йўналишларини молиявий якунидир. Шу сабабли фойда турли шаклда бўлиши мумкин.

15.2. Фойданинг турлари ва уларнинг шаклланиши.

Республикамизда «Маҳсулот (ишлар ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» қабул қилинмасдан олдин корхоналар фойдаси қуйидаги шаклларда ҳисобга олинар эди:

- баланс бўйича фойда;
- сотилган маҳсулотлардан фойда;
- бошқа сотув операциялар фойдаси;
- ноишлаб чиқариш фойдаси;
- соф фойда.

Юқорида кўрсатилган Низомга биноан корхона ва ташкилотлар фойдаси қуйидаги шаклларда ҳисобга олинади:

- **Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда.** Бу сотишдан олинган соф тушумдан сотилганмаҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини олиш билан аниқланади;

- **Асосий фаолиятдан олинган фойда** — асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр.харажатлари ўртасидагк тафовут ва плюс. Асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади;

. ~ **Хўжалик фаолиятидан олинган фойда** (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси, плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида аниқланади;

- **Солиқ тўлагунгача олияган фойда**, у умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда, плюс фавқулотда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади,

- **Йилнинг соф фойдаси**, у солиқтўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади.

Демак, хўжалик фаолиятидан олинган фойда ҳисобланаётганда молия фаолиятидан кўрилган фойда ҳамда солиқ тўлагунгача олинган фойда

ҳисобланаётганда фавқулот вазиятлардан кўрилган фойда аниқланади, эътиборга олинади.

Кўриниб турибдики, қабул қилинган Низомга кўра, фойда шакллари таркиби **кенгайтирилди** ва фойда шакллари бозор муносабатларига мослаштирилди. Корхоналар фаолиятининг молиявий якунлари бухгалтерия баланси ва «Молиявий фаолият туғрисидаги ҳисобот»га асосланиб таҳлил қилинади ва бу таҳлил юқорида кўрилган фойданинг бутун шакллари **бўйича** ўтказилиши лозим. Шу сабабли ана шу фойда шакллари устида **тўхталамиз**.

Сотилган маҳсулотлардан олинган ялпи фойда фойданинг асосий шакли бўлиб, у сотишдан олинган тушумдан сотилган маҳсулотлар таннархини **айириш** билан аниқланади. Сотилган маҳсулотлардан олинган соф тушумни аниқлаш учун сотилган маҳсулотлардан олинган ялпи тушумдан давлат бюджетига ўтказилган қўшилган қийматга солинадиган солиқ, акциз соликлари ва экспорт-божхона поштиналари олиб ташланади.

Асосий фаолиятдан олинган фойда сотилган маҳсулотлардан олинган фойдадан **давр** харажатларини олиб ташлаш ва асосий фаолият билан алоқадор бошқа даромадлар, зарарларни эътиборга олиш йўли билан аниқланади.

Давр харажатлари **деганда** бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушинилади ва ўз таркибига бошқаруш харажатларини, маҳсулотни сотиш харажатларини ва **умумхўжадик - аҳамиятига** эга бўлган бошқа харажатларни олади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган даромадларга — қарздорлардан олинган жарима, пенялар, ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда, сотилган асосий ва айланма маблағлардан олинган даромадлар, давлат субсидиялари, холисона молиявий ердан, ошхона, ёрдамчи хизматлардан олинган даромадлар киритилади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолияти, маҳсулот сотишдан ташқари, корхонахаражатлари таркибида консервация қилинган ишлаб чиқариш кучлари билан боғлиқ бўлган сарфлар, тара билан боғлиқ бўлган операциялардан зарарлар, суд ва арбитраж харажатлари, тўланган жарималар ва пенялар, воз кечилган **дебиторлик қарзлар** билан боғлиқ зиёнлар, валюта операциялари бўйича салбий фарқлар, ўтган йилларда ўтказилган операциялар бўйича **зиёнлар** ва ҳоказо билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хўжалик фаолиятдан олинган фойда корхоналар асосий фаолиятдан ташқари молиявий натижаларни ҳам эътиборга олиш йўли билан аниқланади. Бунинг учун корхоналар молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобга олинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар — бу акцияларга олинган дивидендлар, шўъба ва ассоциация қилинган корхоналардан олинган дивидент ва харажатлар, хорижий мамлакатларни валюталари бўйича ижобий курс, қимматли қоғозларга сарф қилинган сармояларни қайталан

баҳолашдан олинган даромадлар, узоқ муддатга ижарага берилган мол-мулкдан тушган даромадлар ва ҳоказо.

Молиявий фаолият харажатлари — бу узоқ муддатга ижарага олинган мол-мулкларга тўловлар, чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлар ва зарарлар, қимматли қоғозларга сарфланган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар ва ҳоказо.

Солиқ тўлангунгача олинган фойда ишлаб чиқариш, но ишлаб чиқариш молиявий фаолият якунларидан ташқари кўзда тутилмаган вазиятлардан келиб чиққан даромад ва зарарларни эътиборга олиш йўли билан ҳисобланади. Кўзда тутилмаган вазиятлар билан боғланган даромад ва харажатлар корхоналар-нинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслиги, бир неча **йил** мобайнида такрорланмаслиги керак, бошқарув ходимлари томо-нидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ бўлмаслиги **лозим**.

Соф фойда — бу корхоналарнинг ўзида қоладиган даромад бўлиб, у корхоналарнинг эҳтиёжлари учун фойдаланадиган даромадлардир. Юқорида кўрилган **корхоналарнинг** фойда шакллари молиявий ҳолатни **таҳлил қилишда** катга аҳамиятга эга, лекин низомда яна бир фойда шакли кўрилган — бу солиққа тортиладиган фойда.

Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш учун солиққа тортилг>'нгача бўлган фойдага:

- низомда келтирилган биринчи иловага асосан чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар қўшилади;
- Низомда келтирилган иккинчи иловага биноан вақтлар бўйича тафовутлар қўшилади ёки айриб **ташланади**;
- қабул **қилинган** солиқлар бўйича қонунларга биноан корхоналарда **солиқлар** бўйича тасдиқланган имгиёзлар айриб ташланади.

15.3. Фойдага таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш.

Молиявий таҳлилда фойда кўрсаткичларининг ҳажми, уларнинг таҳлил қилаётган давр мобайнида ўзгариш динамикаси ва корхоналар фойдасига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилиниши **лозим**.

Фойдага таъсир кўрсатувчи омиллар ички ва ташқи, объектив ва субъектив, ташкилий ва иқтисодий, ишлаб чиқариш ва техникавий бўлиши мумкин. Молиявий таҳлилда асосий эътибор иқтисодий, аналитик ҳамда молиявий ҳолатга бевосита ва микдоран таъсир кўрсатувчи омилларга йўналтирилиши **лозим**.

Сотилган маҳсулотлардан олинган ялпи фойдани таҳлил этишда қуйидагилар бундай омиллар бўлиб ҳисобланади:

1. Сотилган маҳсулотишнинг ҳажмини ўзгариши.
2. Сотилган маҳсулотларнинг таннариhini ўзгариши.
3. Сотилган маҳсулотларнинг нарх-наволарини ўзгариши.
4. Сотилган маҳсулотларнинг таркибий, ассортимент ўзгариши.

Омилли таҳлил корхоналар фаолиятини молиявий якуни натижаси фойда таҳлилининг зарурий қисмидир. Корхоналар фаолиятининг самарасига баҳо

берилганда олинган фойданинг кўпайиши ёки камайиши, қайси омиллар таъсирида бўлган-лигини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Фойда ҳажмини ўзгариши-кўпайиш маҳсулотларни кўп сотиш, таннархни пасайтириш, тасдикутанган ассортиментни ўзгартириш ва нарх-навони кўтариш натижаси бўлиши мумкин ва аксинча.

Таннархни пасайтириш, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ижобий омиллар сифатида қабул қилинса, нарх-навони кўтариш ва маҳсулотларнинг ассортиментини ўзгартириш — салбий омиллар ҳисобланади. Чунки, нарх-навони кўтарилиши бозорда якка хукмронликдан фойдаланиш натижаси бўлиши

мумкин. Ассортиментнинг ўзгаришига келсак, корхоналар ҳам хўжалик ва аҳоли эҳтиёжини эътиборга олмасдан кўп фойда берадиган маҳсулотлардан кўпроқишлаб чиққан бўлиши мумкин.

15.4. Корхоналар рентабеллиги таҳлилининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Корхонанинг рентабеллиги нисбий кўрсаткич бўлиб, корхона фаолияти **самарадорлик** даражасини ифодалайди. Демак, корхоналар фаолиятини баҳолашда асосий, сифатли кўрсаткичлардан бири бўлиб **ҳисобланади**. Рентабеллик даражаси корхоналар фаолиятида бажаришаётган вазифаларни олдиндан аниқлайди. Бундай вазифалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Рентабеллик **кўрсаткичи** корхоналар фаолиятига сарфланган сармояларни, ўзини ўзи қоплашини **аниқлайди**. Собик **итгйфок** даврида халқ хўжалик миқёсида ўртача ўзини ўзи **қоплаш** муҳлати сифатида 7-9 йил қабул қилинган эди. Демак, корхоналар ўзини ўзи қоплаш учун уларнинг фаолиятида рентабеллик 12-14 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

- Ҳозирги пайтда ҳамма корхоналар фаолиятида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш амалга оширилиши, молиялаштириш имкониятларига эга бўлишлари керак, яъни олинган фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириб, унинг техникавий даражасини кўтариб бориш лозим. Бунинг учун, яъни ўзини ўзи молиялаштириш учун, корхоналарнинг рентабеллик даражаси 20-25 фоиздан кам бўлиши керак эмас.

- Маълумки, корхоналар ўзларининг маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ўзлик манбалардан, яъни корхоналарга тегишли манбалардан ҳамда ташқаридан олинadиган узоқ ва қисқа муддатли қарзлардан фойдаланиши мумкин. Лекин, бу қарзларни ўз вақтида қайтариб бериш

керак.

Бунинг учун ҳам корхоналарнинг рентабеллиги керакли даражада бўлиши лозим.

- Республикада ижтимоий **йўналтирилган** бозор иқтисодиёти курилаяпти. Бунинг учун республикада кучли ижтимоий сиёсат амалга **оширилаяпти**. Бу сиёсат ҳам халқхўжалигида, ҳам алоҳида **корхоналар** миқёсида **ўтказилаяпти**. Корхоналарда бу масалани ечиш учун улар керакли даражада рентабелликка эга бўлишлари лозим.

Шулдай қилиб, **рентабеллик** катта аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил этиш молиявий таҳлилда ўз **ўрнини** топиши лозим. Рентабеллик

кўрсаткичларини таҳлил қилишдан олдин икки иарсани аниқлаб олиш лозим:

Биринчидан, рентабеллик қашай шаклларда бўлиши мумкин?

Иккинчидан, рентабеллик нисбий кўрсаткич экан, унинг даражаси қандай аниқланиши, нимага нисбатҳисобланшли лозим?

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, рентабеллик иқтисодий категория, атама бўлиб, социализм билан боғлиқ собиқ социалистик корхоналар самарадорлигини ўлчаш учун ўйлаб чиқилган ва шакллантирилган эди. Шўро даврида корхоналарнинг рентабеллик кўрсаткичи капитализм тқзимига тааллуқли фойда меъёрига қарши, унинг ўрнига ўйлаб чиқилганди.

Маълумки, капитализм лаврида фойда меъёри икки шаклда аниқланган:

- капиталистик фойдани капиталистик ишлаб чиқариш жорий харажатларга бўлиш йўли билан, бизнинг терминамолиямиз бўйича бу фойдани сотилган маҳсулотларнинг таннархига бўлио1 билан;

- капиталистик фойдани капиталистик корхоналарда аванслаштирилган фондларга - доимий капиталга, бизнинг терминларимиз бўйича ишлаб чиқиш асосий ва айланма фондларга ва ўзгарувчан капиталга, бизнинг терминалогиямиз бўйича иш ҳақиға сарфланган капитал-маблағларға бўлиш йўли билан аниқланган.

Республика бозор муносабатларига ўтар экан, корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолашда юқорида кўрсатилган фойда мвъёр кўрсаткичларига ўтшгш керак эди, лекин бозрр муносабатларига ўтиш даврида рентабеллик кўрсаткичлари сақлаб қолинмоқаа.

Рентабеллик кўп қиррали, мураккаб иқтисодий кўрсаткич бўлиб, у ўз шаклланиш таърифига эға.

1965 йили қабул қилинган, амалға оширилган хўжалик ислоҳоти — «Янги режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш тизими» хўжалик ҳисоби рентабеллиги кўрсаткичларини янала такомиллаштирди, умумий ва ҳисоб-китоб рентабеллиги кўрсаткичлари тавсия этилди. **Умумий рентабеллик** корхоналар фаолиятининг молиявий ҳолатини баҳолаш учун фойдаланилиб, бу кўрсаткич корхона фойдасини, унинг ишлаб чиқиш фондларига бўлиш йўли билан аниқланади. Ҳисоб-китоб рентабеллиги 1965 йил хўжалик ислоҳоти томонидан тасдиқланган учта рағбатлантириш фондларини шакллантириш: ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхонани ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш фондларига маблағ ажратиш базаси сифатида қабул қилинди.

Бу рентабеллик кўрсаткичини аниқлаш учун корхонанинг умумий фойдасидан фондлар учун тўловларни, банк кредитлари учун тўланган фоизларни, қайд қилинган тўловларни тўлаб, қолган корхона фойдасини ишлаб чиқиш фондларга бўлиш йўли билан аниқланади.

Рентабеллик кўрсаткичи корхоналар фаолиятининг асосий молиявий натижаси ҳисобланар экан, уни таҳлил этишға корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилида керак ўрин ажратиш лозим. Шу муносабат билан савол туғилади, бозор муносабатлари шароитларида рентабеллик даражаси қандай

аниқланиши керак ва рентабелликни ўлчаш учун қандай кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

Рентабелликни ўлчашдан мақсад — корхоналар фаолияти самарадорлигини аниқлаш экан, рентабелликни ҳисоблашда соф фойда эмас, ялпи фойда ёки сотилган маҳсулотлардан олинган фойда эътиборга-олиниши лозим.

Маълумки, рентабеллик корхоналар фаолиятини, ишлаб чиқариш ресурсларилан фойдаланиш самарадорлигини умуман ифодалаши лозим.

Рентабеллик даражасини ўлчаш услуги, рентабеллик кўрсаткичлар тизимининг шаклланиши қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- рентабеллик кўрсаткичлари асосий ва қўшимча шаклларда бўлиши керак. Асосий кўрсаткичлар корхона фаолиятининг умумий натижаси самарадорлигини ифодалаб берса, қўшимча рентабеллик кўрсаткичлари эса корхона ресурсларининг алоҳида элементлари самарадорлигини ифодалайди;

- рентабеллик кўрсаткичи корхона фаолиятини умумий молиявий натижасини ифодалар экан, рентабеллик кўрсаткичи, авваламбор, корхонанинг ялпи ёки унинг асосий фаолиятдан олинган фойда асосида аниқланиши лозим лекин баъзи пайтларда рентабелликни ўлчаш олдмга қўйилган мақсалга биноан рентабеллик кўрсаткичи сотилган маҳсулотдан олинган фойдага асосан ҳам аниқланади.

Бу тамойилларга биноан корхоналар рентабеллигини таҳлил этишда, фикримизга, қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари:

- корхона активларининг ёки мол-мулкнинг рентабеллиги;
- ишхаб чиқариш рентабеллиги ёки ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларининг рентабеллиги;
- корхона жорий харажатларининг рентабеллиги;
- маҳсулот рентабеллиги.

2. Рентабелликнинг қўшимча кўрсаткичлари:

- корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги;
- асосий капиталнинг рентабеллиги;
- айланма капиталнинг рентабеллиги;
- инвестицияларнинг рентабеллиги;
- қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги.

1997 йил 1 январдан олдинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

Ишлаб чиқариш рентабеллиги корхоналарда ишлатилаётган ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Ишлаб чиқариш фондлар корхона фаолиятини моддий базасини ташкил этиб, ишлаб чиқаришни асосий омили бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли бу кўрсаткич ҳам корхонанинг солиқ тўлашдан олдинги фойдаси асосида аниқланиши лозим.

Молиявий ҳисоботларга биноан аниқласак солиқ тўлашдан олдинги фойда ҳисоботи 2-шаклидан, ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларнинг

ўртача қиймати бухгалтери баланси ёки бухгалтерия бирламчи ҳисобот маълумотларига биноан аниқланади.

Жорий харажатлар рентабеллиги илгаридан фойдаланадиган рентабеллик кўрсаткичи бўлиб, у корхона харажатларини — маҳсулотни ишлаб чиқариб, уни сотишга кетган харажатлар самарадорлигини ифодалайди. Демак, бу кўрсаткич маҳсулот сотиш билан боғланган бўлиб, маҳсулот сотишдан олинган фойдага асосан аниқланади.

Бу кўрсаткич бутун корхона мол-мулки самиралорлигини ифодалайди. Мол-мулк корхонунинг бутун ишлаб чиқариш., хўжалик фаолияти учун хизмат қилади. Шу сабабли у Бу кўрсаткични аниқдаш учун керакли маълумотлар молиявий ҳисобот 2-шаклни 070 ва 060 мисраларидан олинади. Маҳсулот рентабеллиги, одатда, савдо ташкилотларида кенг фойдаланиб, ҳозирги пайтда фойдаланиш учун боалқа тармоқларга ҳам тавсия этиляпти. Бу кўрсаткич сотилган маҳсулотни ҳар бир сўмига нисбатан қанча фойда олинганлигини ифодалайди ва демак, у сотилган маҳсулотдан олинган фойда асосида аниқланиши лозим.

Бу кўрсаткични аниқлаш учун керакли маълумотлар молиявий ҳисобот 2-шаклни 070 ва 050 мисраларидан олинади. Сотилган маҳсулотдан олинган тушум соф бўлиши лозим. Яъни ялпи тушумдан қўшилган қийматга солинадиган солиқ ва акциз солиқлар олиб ташланиши керак.

2. Кўшимча рентабеллик кўрсаткичлари

Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги. Маълумки, корхоналар ўзлик ва ташқаридан сафарбар этилган маблағлардан фойдаланадилар. Уларнинг самарадорлигини алоҳида аниқлаш, молиявий таҳлилни чуқурлаштиришга ердам беради.

Масалан, корхона активлари рентабеллигига айланма маблағларнинг айланиши, маҳсулот рентабеллигини ўзгариши; ишлаб чиқариш рентабеллигига - айланма маблағларни биркитиш, маҳсулот рентабеллигини ўзгариши ва маҳсулот фонд сиғими фондлар қайтими; маҳсулот рентабеллигига маҳсулот таннархи, маҳсулотларга қўйилган. нархлар; жорий харажатлар рентабеллигига нархлар ва сотилган маҳсулотнинг таркибий ўзгариши таъсир кўрсатади.

Жорий харажатлар рентабеллиги омиллари.

Жорий харажатлар рентабеллигига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- сотилган Маҳсулот таннархининг ўзгариши;
- сотилган маҳсулотнинг нархини ўзгариши;
- сотилган маҳсулотнинг таркибий ўзгариши.

Назорат саволлари

1. Корхоналар фойдаси таҳлилининг мақсад ва вазифалари.

2. Фойданинг турлари ва уларнинг шаклланиши.

3. Фойдага таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш.

4. Корхоналар рентабеллиги таҳлилининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

5. Фойда ҳажми таҳлили қандай амалга оширилади?

6. Фойдага таъсир этувчи омиллар таҳлили.

7.Солиққа тортиладиган фойда, соф фойда ,солиқ тўлангунгача олинган фойда, хўжалик фаолиятидан олинган фойда, асосий фаолиятдан олинган фойда, маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдатушунчари ва уларни аниклаш йуллари.

16- Мавзу Корхона молиявий ҳолати тахлили.

Режа:

16.1. Корхона молиявий ҳолати тугрисида тушунча, уни тахлил килишнинг вазифалари ва манбалари.

16.2.Молиявий коэффициентларнинг мазмуни ва уларнинг турлари.

16.3.Молиявий коэффициентларни аниклаш йуллари ва уларни тахлили.

16.4.Бозор иктисодиети шароитида молиявий коэффициентларни куруниши ва вазифалари.

16.5.Баланс активи ва пасиви тахлили.

16.6. Айланма маблағларнинг айланиши на корхоналарнинг молиявий ҳолати.

Адабиётлар:1,3,16,21,30,31,32,33,37,55,77.

Таянч иборалар:

Молия, молиявий тахлил, молиявий ҳисобот, молиявий ҳолат, молиявий натижалар, корхона маблағ ва манбалари, молиявий интизом, асосий фаолият, рентабеллик курсаткичлари, баланс, корхона маблағлари, маблағларнинг ташкил топиш манбалари, кириш ва жорий баланс, тугатиш баланси, йигма баланс, баланс брутто ва баланс нетто, баланснинг реаллиги, баланснинг бирлиги, баланснинг давомийлиги, узок муддатли активлар, айланма активлар, уз маблағлар манбаи, мажбуриятлар, баланс моддаларининг узаро богликлиги, молиявий ҳисобот ва унинг шакллари.

16.1. Корхона молиявий ҳолати тугрисида тушунча, уни тахлил килишнинг вазифалари ва манбалари.

Корхонанинг молиявий ҳолати бу:

- комплекс равишдаги тушунча булиб, у уз ичига кенг курсаткичлар тизимини олади, улар корхонанинг молиявий ресурслари борлигини . ҳолатини, жойлашганлигини ва уларни фойдаланиш даражасини ифодалайди;
- корхоналар фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати , уларнинг узаро алоқадорлиги натижасидир;
- корхоналарнинг муътадил ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур булган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;
- корхоналарнинг бошқа хўжалик субъектлари билан узаро алоқаларни хақиқий акс эттиришидир.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини тахлил килиш , яъни молиявий тахлил- бу кенг курсаткичлар ёрдамида комплекс усуллардан фойдаланиб корхоналарни молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

Молиявий тахлил куп қиррали мураккаб процессдир.

Молиявий таҳлилнинг асосий максоди куйидагилардан иборат:

- корхонанинг молиявий ахволини ҳар томонлам урганиб унинг ҳолатига аниқ ва ҳолисона баҳо бериш;
- маблаг ва манбаларнинг жойланишини текшириш уларни тугри йуналишда ишлатилганлигини аниқлаш;
- ҳисоблашиш ишларининг уз муддатида бажарилганлиги, дебетор ва кредиторлик қарзлари таркибини урганиш;
- корхонанинг узига қарашли маблағлари билан қарз маблағлари уртасида нисбат ва айланма маблағларни манба билан таъминланганлигини текшириш;
- молиявий интизомга қанчалик амал қилишни аниқлаш ва тулов қобилиятига баҳо бериш;
- корхона мулкисининг қадриллиги ва тез пулга айлана олиш даражасини урганиш ;
- айланма маблағлардан фойдаланишга баҳо бериш ва корхонанинг молиявий ахволини яхшилаш бўйича тақлифлар баён этиш ва ҳақозо:

Молиявий таҳлил корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда куйидаги вазифаларни бажаришга йуналтирилиши керак:

1. Корхоналарнинг молиявий даражасини баҳолаш.
2. Молиявий ҳолатнинг узгаришини аниқлаш.
3. Молиявий ҳолатга таъсир қўлатувчи омилларни таҳлил қилиш.
4. Корхоналарда қўлга киритилган молиявий ҳолат даражасини ифода қилиб, борада ҳали фойдаланилмаган имкониятларни, мавжуд захираларни қўлатиб бериш.
5. Корхоналарда ҳали фойдаланилмаган имкониятларни сафарбар этиш мақсадида тавсиялар ва тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шарт- шароитларни қўлатиб бериш.

Молиявий таҳлилнинг предмети бўлиб ҳужалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти, уларнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёни ҳисобланади.

Молиявий таҳлил – бу корхоналарнинг очик тарздаги молиявий ҳисоботларининг маълумотларига асосланиб утқазиладиган таҳлилдир.

Молиявий таҳлилнинг тайёрлаш ва утқазуш босқичлар куйидагилар :

- молиявий таҳлилини утқазушнинг ихчи дастурини тузиш. Дастурда таҳлилнинг мақсади ва вазифалари аниқланади;
- таҳлилини утқазувчиларни таркибини аниқлаш, яъни таҳлил қилувчиларни рўйхатини тузиш;
- таҳлил учун фойдаланиладиган иқтисодий маълумотларни тўплаш;
- молиявий таҳлилда фойдаланиладиган қўлаткичлар тизимини аниқлаш;
- молиявий таҳлил қўлаткичларини ҳисоблаш усулларини аниқлаш;
- таҳлилда фойдаланиладиган қўлаткичларни ҳисоблаш ва уларни умумлаштириш;
- таҳлил якунларини жадаллар ва қизмаларда ҳақллантириш;
- молиявий таҳлил натижасида хотима тайёрлаб, унда таҳлил якунлари

буйича хулосалар чиқариб, келгусида корхонанинг молиявий ҳолатини кутаришга бағишланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- молиявий таҳлил якунларини махсус йиғилишларда муҳокама қилиш;
- Таҳлил якунлари буйича муҳокама натижаларини эътиборга олиб.

Корхонани молиявий ҳолатини кутариш мақсадида бошқарув тизимини такомиллаштиришга бағишланган тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни корхона раҳбариятининг махсус қарорида ифодалаш.

Молиявий таҳлил утқизишда фойдаланиладиган асосий манбалар

Молиявий таҳлилни бажаришда зарур бўладиган манбалар ҳисобга олинмайдиган ва ҳисобга олинмайдиган манбаларга ажратилади.

Таҳлилнинг ҳисобга олинмайдиган манбаларига қуйидагилар қиради:

-бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот:

-статистик ҳисоб ва ҳисобот:

-оператив (жорий) ҳисоб ва ҳисобот

-танлаб олинган ҳисоб маълумотлари Ахборотнинг ҳисобга олинмайдиган манбаларига қуйидагилар қиритилади: -идора ичидаги ва идра ташқарисидаги тафтиш:

-ташки ва ички аудит:

-лаборатория ва врач санитария назорати:

-солиқ хизматлари текширувлари:

-меҳнат жамоаси кенгашлари йиғилишлари,

Таҳлил жараёнида тасдиқланган режа бизнес режа, меъёрий материаллар ҳам жалб қилинади. Шундай қилиб корхона молиявий аҳолини таҳлил қилишнинг асосий манбалари молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади.

Корхонанинг йиллик ва бошқа ҳисоботлари.

Бу ҳисоботлар қуйидагилардан иборат:

А) Йиллик молиявий ҳисобот буйича:

- 1-шакл- Бухгалтерия баланси

2- шакл- Молиявий натижалар тугрисида ҳисобот.

2а-шакл- Дебиторлик ва кредиторлик арзлари тугрисида маълумотнома.

3-шакл- Асосий воситаларнинг ҳаракати тугрисида ҳисобот.

4-шакл- Пул маблағлари ҳаракати тугрисида ҳисобот.

5-шакл- Корхонанинг хусусий капитали тугрисида ҳисобот.

Б) Ярим йиллик молиявий ҳисобот буйича:

1-шакл- Бухгалтерия баланси

2- шакл- Молиявий натижалар тугрисида ҳисобот.

2а-шакл- Дебиторлик ва кредиторлик арзлари тугрисида маълумотнома.

4-шакл- Пул маблағлари ҳаракати тугрисида ҳисобот.

Чорак молиявий ҳисобот буйича:

1-шакл- Бухгалтерия баланси

2- шакл- Молиявий натижалар тугрисида ҳисобот.

2а-шакл- Дебиторлик ва кредиторлик арзлари тугрисида маълумотнома

16.2.Молиявий коэффициентларнинг мазмуни ва уларнинг турлари.

Хисоботнинг айрим моддалари уртасидаги мавжуд нисбатларни урганишда молиявий коэффициентлардан кенг куламда фойдаланилади. Молиявий коэффициентлар компаниянинг молиявий ахволини бир қадар тез ва осон баҳолашга имкон беради. Коэффициентлар усулининг моҳияти, биринчидан шу коэффициентлар узининг хисоб-китобидадир, иккинчидан эса олинган курсаткични умум томонидан эътироф этилган андозалар курсаткичлари, тармокдаги уртача курсаткичлар, утган йиллардаги шунга ухшаш курсаткичлар, турдош корхоналар курсаткичлари билан таққослаш мумкинлигидадир.

Фойдани булиш учун нисбий микдорлар муайян мазмунга эга булишлари лозим, лекин нисбий микдорлар улар негизидаги маълумотларни урганишнинг урнини боса олмайди. Нисбий микдорлар-корхонанинг молиявий ахволи ва операцияларини, бошқа фирмалар еки утган даврлар билан солиштиришга мулжалланган курсаткичлардир. Коэффициентларни хисоблаш чиқишда асосий мақсад бундан буенги тараккиёт йуналишларини аниқлаб олишдир. Улардан корхонанинг умумий ахволи ва бозордаги умумий вазият билан ҳамбарчас боғлиқликда фойдаланиш керак.

Муайян давр учун уша битта корхонанинг молиявий коэффициентларини солиштириш усули яхши еки ёмон томонга қараб ўзгаришини илғаб олишга имкон беради, айти вақт ўтмишдаги яхши натижалар ҳозирги кун ва келажак учун номуқбул булиб чиқиши мумкин. Тармок курсаткичларидан фойдаланиш ўтган давр билан солиштириш усулининг қамчилигини бир қадар бартараф этишга имкон беради.

Қуйидагилар молиявий коэффициентлар жумласига қиради:

Қоплаш;

Ликвидлик;

Моддий захиралар бўйича айланиш;

Активлар айланиши;

Фонд самарадорлиги:

Акциядорлик капитал самараси;

Бир акцияга туғри келадиган фойда;

Қарзга олинган капиталнинг ўз капиталига нисбатан;

Қредитлар бўйича қарзларни таъминлаш;

Акциялар бозор қийматининг битта акцияга туғри келадиган фойдага нисбати;

Олинган дивидентларнинг акциянинг бозор қийматига нисбати;

ва ҳоказо. Бу ерда молиявий коэффициентларнинг ҳаммаси курсатилгани йук. Бу коэффициентларнинг ҳаммасини коэффициентлар гуруҳларига бирлаштириш мумкинми, булар қорхона фаолиятининг у еки бу жиҳатини биргаликда курсатгани булар эди. Масалан, капитал тизимини таърифлайдиган коэффициентлар, амалий фаоллик, рентабиллик, бозордаги ахволни (бозордаги фаолликни) курсатадиган коэффициентлар ва шунга ухшашлар.

Баланс маълумотлари асосида хисоблаб чикиладиган ликвидлик ва тизим курсаткичларини корхонанинг уз киска муддатли мажбуриятларини муддатида тулаш қобилиятини белгилаш имкониятини беради. Ушбу курсаткич бўйича нисбий микдорлар айланма маблағлар еки уларнинг бир қисми билан белгиланган бўлиши керак. Чунки худди ана шулардан келишиб олинган муддатларда қарз туланади. Энг қўқ кулланиладиган нисбий микдорлар қуйидагилардир: қўқлаш қўққфиценти, ликвидлик қўққфиценти, хисоб-қитоблар бўйича айланмш қўққфиценти ва моддий захираларнинг айланмш қўққфиценти.

Жорий ликвидлик (қўқлаш) қўққфиценти жорий активлар – ахборот маблағларининг киска муддатли қредиторлик қарздорлигига нисбати ифодалайди. бу қўққфицентида корхонанинг туловга қодирлиги ва унинг биринчи навбатдаги туловларни узига қодирлигининг умумий мезони сифатида белгилайди.

$$\text{Қўқлаш қўққфиценти} = \frac{\text{жорий активлар (айланма маблағлар)}}{\text{киска муддатли қредиторлик қарзи}}$$

Умум томонидан қабул қилинган андозаларга қўра, ушбу қўққфиценти 1 дан 2 гача бўлган чегарада туриши керак. Қуйи чегаранинг мохияти шундаки, айланма маблағлар, қам деганда, киска муддатли мажбуриятларни узмш учун етарли бўлиши керак, ақс қолда қорқона устида банкротлик ҳавфи қуланқа солиб қолади.

Айланма маблағларнинг киска муддатли мажбуриятларидан иққи баробардан ртиқлиги ҳам номакбул хисобланади, чунки бу капиталнинг норационал тарқибидан қалолат бериши мумкин. Қўққфиценти тақдим этилаётганда унинг шиддатли (динамиқаси) га алоқида эътибор бериши керак. Мазқур қўққфицентининг қамчилиги шундаки, унда айланма маблағларнинг тизими хисобга олинмайди. Айланма маблағлар қарзни узмш учун етарли бўлиши, аммо уларнинг тизимида моддий захиралар қул маблағларидан қўпроқ бўлиши мумкин.

Жорий ликвидлик қўққфицентиининг ҳусусий курсатқичи айланма маблағларнинг энг қўқ ликвидли қисми (яъни моддий ишлаб қикариш захиралари хисобга олинмасдан) нинг киска муддатли мажбуриятларига нисбатини қўрсатиб берадиган муддатли ликвидлик қўққфицентиқир.

Ушбу курсатқични хисоблаб қикиш зарурати шундан қелиб қикадики, айланма маблағлар айрим тоифаларнинг ликвидлиги сира бирқил эмас, агар, масалан, қул маблағлари жорий мажбуриятларини узмшнинг бевосита манбаи бўлиб қизмат қила олса, захиралардан бу мақсад учун қакат улар сотилгандан қейингига қойдаланиш мумкин, бунинг учун эса харидор бўлиши билан бир қаторда айни пайтда унинг қулида қул маблағлари бўлиши ҳам лозим. Энг ликвидли активларга қакат қул маблағларигина

эмас, киска муддатли кимматли когозлар ва соф дибеторлик карзи хам киради. Бозор иктисодиети шароитида бундай ендашув оклангандир: чунки киска муддатли кимматли когозлар ликвидли мабларгардир, дебиторлик карзи эса потенциал шкбхали карзларини чегириб ташлаб бахоланади.

Шунга кармасдан, пул маблаглари курсаткичи буйича ликвидликка бахо бериш энг ишончли йулдир. Ликвидликнинг мазкур коэффиценти бу муаммони хал этишга имкон беради, чунки жорий активлар энг ликвидли кисми (пул маблаглари, кимматли когозлар, киска муддатли куйилмалар олиш учун счетлар) нинг киска муддатли кредиторлик карзига нисбатини улчаб беради. Яна шуни такидлаш керакки, гарб мамлакатларида ликвидлик курсаткичлари хисоб килинаётганда «Булажак даврлар харажатлари» курсаткичи инобатга олинади.

Муддатли ликвидлик курсаткичини хисоб-китоб килиш учун бошка формуладан хам фойдаланилади, ушбу формулада сурат айланма маблаглардан моддий ишлаб чиқариш захиралари айрилганига баробардир.

Хисоб-китоблар буйича айланиш коэффиценти кредитга сотиладиган махсулот учун корхона тулов олишга нечоғли боглик эканлигини характерлайди, бу эса унинг туловга кодирлигига хам таъсир этади. Бу микдор бебиторлик карзи миқисини ва фирма кредит сиесати самарадорлигини характерлайди. Коэффициент хисоб-китоблардаги маблаглар бир йил мобайнида канча айланганини курсатади. Бундай хисоб учун балансдаги хамда фойда ва зарарлар тугрисидаги хисоботдан маълумотлар жалб этилади.

Хисоб-китоблар буйича айланиш коэффиценти реализация умумий хажмининг олиш учун счетлар уртача микесига нисбатан сифатида хисоблаб чиқилади.

$$\begin{array}{lcl} \text{Хисоб китоблар} & & \text{Реализация} \\ \text{буйича айланиш} & = & \text{-----} \\ \text{коэффициенти} & & \text{олиш учун счетлар – уртача йиллик} \\ & & \text{дебиторлик карзи} \end{array}$$

назарий жихатдан караганда, реализациянинг умумий хажми урнига кредитга сотиш хажми курсаткичидан фойдаланиш зарур. Лекин ишнинг мураккаблиги шундаки, ана шу курсаткич эълон қилинмайди. Шунинг учун хам таҳлил чоғида реализациянинг умумий хажмидан фойдаланилади, олиш учун счетларнинг уртача микдорини аниқлаш зарурати пайдо бўлса, даврнинг боши ва охиридаги маълумотлар иккига бўлинади. Уртача микесни аниқроқ хисоблаш учун тизим ичидаги молия хисоботлари курсаткичлари зарур бўлади, булар хар ойда тузилади, чунки ишлаб чиқариш захиралари ва олиш учун счетлар йил мобайнида тез-тез ўзгариб туриши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, қупчилик корхоналар таҳлилни молия йили билан чеклайдилар, бундай йил эса захиралар хажми ва қарзлар энг паст даражага тушган пайтда қайта бошланади ва тугайди. Бундан ташқари кредит муддатини хам хисобга олиш керак. Бу муддат қунида курсатилади, бу ҳолда

эса ана шу хисобнинг кредитнинг уртача муддатига укзаиш махсадга мувофикдир.

$$\text{Кредитнинг уртача муддати} = \frac{\text{Йилдаги кунлар сони}}{\text{Хисоб-китоблар буйича Айланиш коэффициенти}}$$

Узок муддатли туловга кодирликка бахо бериш. Узок муддатли карзларни узиш мумкинлигини корхонанинг узок давр ишлашга кодирлигини курсатади. Бахолашда айникса – банкротлик аломатларини барвактрок илгаб олишдир. Тахлил буни танглик вазиятидан илгари аниклашга имкон беради. Корхонанинг узок муддатли карзлар буйича туловга кодирлигини акс эттирадиган курсаткич карзга олинган капиталнинг уз капиталига нисбати сифатида хисоблаб чикилади.

$$\frac{\text{Карзга олинган капиталнинг Уз капиталига нисбати}}{\text{Акциядорлик капиталы}} = \frac{\text{карзнинг умумий суммасы}}{\text{Акциядорлик капиталы}}$$

Иккинчи курсаткич кредитлар буйича фоизларнинг таъминлаёналигини курсатади. Ушбу курсаткич куйидаги саволга жавоб олишга имкон беради: Корхона олинган кредитлар кретидлар буйича фоизларни куйган маблаглар эвазига коплаш учун етарлича фоиз олмайди? Шундай килиб, мазкур курсаткич кредиторнинг виждонсиз туловчиларидан химоя килиш даражасини курсатади.

Амалий фаоллик курсаткичлари еки амалий фаоллик (efficiency ratios) коэффицентлари бу – активларнинг айланиши, дебиторлик карзининг айланиши, кредиторлик карзининг айланиши, моддий ишлаб чикиш захираларининг айланиши, операция циклининг узунлигидир. Булар корхона уз маблагларидан нечогли самарали фойдаланаётганини тахлил этишга имкон беради. Одатда, ушбу курсаткичларга айланишнинг турли курсаткичлари хам киради.

Айланиш курсаткичлари корхонанинг молиявий ахволига бахо бериш учун катта ахамиятга эгадир, чунки маблагларнинг айланиш тезлиги, яъни уларнинг пул шаклига айланиш тезлиги корхонанинг туловга кодирлигига бевосита таъсир курсатади. Бундан ташкари, бошка кийин шароитларни хам инобатга олганимизда, маблаглар айланишitezлигининг жадаллашиши ишлаб чикариш – техника кудратини кутарилганини акс эттиради.

Курсаткичларнинг биринчи гурухи, яъни корхона хужалик фаоллиги тугрисида жуда хам умумий тасаввур берадиган капиталнинг умумий айланиши коэффицентлардир. Баланс якунига сотув суммасининг нисбати уларни жалб этиш манбаларидан катъий назар, барча мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини курсатади, яъни бир йилда (еки бошка хисобот даврида) фойда куришида тегишли самара берадиган ишлаб

чиқариш ва муомаланинг тула цикли неча бор содир бўлади, ехуд активларнинг хатр бир пул бирлиги реализация қилинган махсулотдан канча пул бирлигини келтиради.

$$\begin{aligned} \text{Актив айланишнинг} & \quad \text{реализацияси} \\ \text{Коэффициентлари} & = \frac{\text{Активлар (йил учун уртача)}}{\text{Еки активларга қуйилган хар бир сум канча фойда берди}} \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \text{Фонд самарадорлиги} & \quad \text{соф фойда} \\ \text{Коэффициенти} & = \frac{\text{Активлар (йил учун уртача)}}{\text{Активлар (йил учун уртача)}} \end{aligned}$$

Бу курсаткич тармокка қараб узғариб туради ва ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятларини акс эттиради.

Корхоналарнинг амалий фаоллиги тугрисида аниқрок ҳулосаларга келиш учун айланишнинг хусусий курсаткичларини қуриб чиқиш керак, булар қаторига дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг айланиш курсаткичлари, моддий ишлаб чиқариш захиралари айланишнинг курсаткичлари ва операция циклининг давомийлиги қиради.

Дебиторлик қарзининг айланиш курсаткичи ҳисобот даври мобайнида дебиторлик қарзи (еки факат харидорларнинг ҳисоблари) уртача неча марта пул маблағларига айланганини қурсатади.

Мазкур коэффициентни таҳлил этиш учун тармокдаги уртача коэффициентдан ташқари такқослашнинг бошқа базаси йуклигига қарамай, бу курсаткични кредиторлик қарзи айланишининг коэффициенти билан солиштириш фойдали бўлади.

Бундай ендашув тижорат йули билан қредитлаш шартларини (мазкур қорхона бошқа қомпанияларни алоқада шундай шартлардан фойдаланади) қорхона бошқа қорхоналарга берадиган қредитлаш шартлари билан солиштиришга имқоният беради. Қредиторлик қарзининг айланиш курсаткичи унга такдим ҳисоблар бўйича тулов учун канча айланиш талаб этилишини қурсатади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари айланиши курсаткичларини шунингдек қунларда ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бунинг учун бир йилдаги қунлар (366 еки 365) сонини биз қуриб утган бўлиш керак.

Моддий ишлаб чиқариш захираларининг айланиши ва муҳим курсаткичдир, бундай айланиш ана шу захираларнинг реализацияси суръатини акс эттиради.

$$\begin{aligned} \text{Моддий захираларнинг} & \quad \text{сотилган товарларнинг таннари} \\ \text{айланиш коэффициенти} & = \frac{\text{материалларнинг уртача йиллик}}{\text{захираси}} \end{aligned}$$

умуман, захиралар айланиши курсаткичи нақадар баланд бўлса, айланма маблағлар ана шу энг кам ликвидлик моддаси билан шунча кам маблағ боғлангандир, айланма маблағлар ликвидлигининг юқори тизимига эгадир ва бошқа тенг шартларни ҳам инобатга оладиган бўлса, қорхонанинг молиявий аҳволи шу қадар барқарордир. Агар қорхона қарзини қупрок даражасида бўлса, айланишни қутариш ва захирадарни қамайтириш шу қадар долзарб бўлиб туради. Бу ҳолда айниқса ноҳуш конъюнктура шароитида ушбу захиралар билан бирор-бир иш қилишдан илгари кредиторларнинг таъйики сезилиб қолиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, айрим ҳолларда захираларнинг айланишини қупайтириш қорхона фаолиятидаги салбий ҳолатларни акс эттириш мумкин, масалан, энг кам фойда қуриб еки умуман фойда олмасдан молларни реализация қилиш эвазига реализация ҳажмлари қупайтирилган ҳолларда.

Захираларнинг айланиши курсаткичларни _ ҳам қунларда акс эттирилиши мумкин, бундай ҳолларда, ушбу курсаткич ҳақ олмасдан моддий ишлаб чиқариш захираларини сотиш учун неча қун керак бўлишини қурсатади.

Нихоят, операция циклининг давомийлиги қорхона маҳсулотини ишлаб чиқариш, сотиш ва унинг ҳақини олиш учун уртача неча қун керак бўлишини қурсатади: бошқача айтганимизда қанча давр мобайнида пул маблағлари моддий ишлаб чиқариш захиралари билан боғланганлигини акс эттиради. Юқорида қуриб утилган курсаткичлардан ташқари, яна оборотсиз моддий активлар айланиши курсаткичини, уз капитал айланиши курсаткичини ва иш қучидан нечоғли самарали фойдалаетганини таърифлайдиган айрим курсаткичларни ҳисоблаб чиқиш мумкин. Оборотсиз моддий активлар айланиш курсаткичи реализацияс қилинган маҳсулот ҳажмини айланмайдиган моддий активларнинг уртача йиллик қийматиға тақсимлаш йули билан ҳисоблаб қикилади. Бу курсаткич шунингдек фонд самараси курсаткичи деб ҳам аталади. Реализация қилинган маҳсулот ҳажмини қупайтиришдан ташқари, самара қоэффициентининг уқишиға айланмайдиган моддий активларнинг нисбатан юқори бўлмаган салмоғи эвазига ҳам, техника даражасиэвазига ҳам эришиш мумкин.

Рентабиллик қоэффициентлари (активлар рентабиллиги, реализация рентабеллиги, бир акциянинг фойда бериши) қомпания фаолияти қанча фойда бераётганлигини акс эттиради. Ушбу қоэффициентлар олинган фойданинг сарфланган маблағларига нисбати ёки, олинган фойдани реализация қилинган маҳсулот ҳажмиға нисбати сифатида ҳисоблаб қикилади. Қомпаниянинг яшаб қолиши фойданинг етарли даражасини таъминлашға батамом боғлиқдир. Улушқилар факат битта шароитдагина акцияларни тутувқилар бўлиб қолади: улар қуйидагидан капитал самараси, яъни улар оладиган девидендлар, таваққал даражаси бир қил бўлганида бошқа қомпаниядагига нисбатан юқори бўлади, деб умид қиладиқлар. Утган йиллардаги рентабилликка баҳо бериш улушқи қабул қиладиған қарорға қиддий таъсир утқизиши мумкин. Қомпаниянинг фойда олишға қодирлиги унинг леквидлигиға таъсир қилади.Шу сабабалрға қура рентабилликка баҳо бериш инвестир учун ҳам, қредитор учун ҳам муҳимдир. Ҳамонқи,

корхоналар хисоботида фойданинг бир неча курсаткичи акс этар экан, хисоботдан фойдаланувчилар узлари утказётган тахлилдан кузда тутилатган мақсадга қараб, рентабиллик (ёки фойдалилик) нинг бир канча курсаткичларига умид боғлашлари мумкин. Корхонанинг барча активлари рентабиллик курсаткичи, реализация курсаткичи уз капиталининг рентабиллиги курсаткичлари, бир акциянинг фойдалилиги куп фойдаланилатган курсаткичлардир.

Корхона барча активларининг рентабиллиги соф фойдани корхона активларининг уртача йиллик кийматиға бўлиш билан хисоблаб чиқилади. Ушбу коэффициент маблагларини жалб этиш манбаларидан қатъий назар, 1 сумлик фойда олмок учун корхонаға неча сум (ёки канча бошқа пул бирликлари) сарфлаш лозим бўлганлигини акс эттиради. Бу курсаткич корхона, рақобат бардошлигининг энг муҳим мезонларидан биридир. Рақобат бардошлик даражаси тахлил этилатган корхона ROA-сини тармокдаги уртача коэффициенти билан таққослаш ёрдамида белгиланади. Реализациянинг рентабиллиги фойдани реализация қилинган маҳсулот ҳажмиға бўлиш воситасида хисоблаб чиқилади. Реализация рентабиллигининг икки асосий курсаткичини фарқлайдилар: булар – реализациядан олинган ялпи фойда ва соф фойда бўйича хисоб- қитоблардир.

Биринчи курсаткич нарх белгилаш сиёсатидаги узгаришларни ва корхонанинг реализация қилинган маҳсулот тан нархини назорат қилишға қодирлигини акс эттиради, яъни ишлаб чиқариш- ҳужалик фаолияти чоғида пайдо бўладиган жорий харажатларни тулаш учун солиқларни тулашға зарур бўлган маблағнинг бир қисмини назорат қилиш имкониятини беради. Коэффициент динамикаси нархларни қайта қуриб чиқиш зарурлиги ёки моддий ишлаб чиқариш захираларини фойдаланиш устидан назоратни қучайтириш зарурлигидан қалолат бўериши мумкин. Бу курсаткични тахлил қилиш чоғида шуни хисобға олиш зарурки, унинг даражасида моддий ишлаб чиқариш захираларини хисобға олишда қулланилатган усуллар жиддий таъсир қурсатиши мумкин. Молдиявий ахборотни тахлил этишнинг бу қисмида реализация қилинган маҳсулотнинг рентабиллиги юқори аҳамият қасб этиши эътироф қилинади, маҳсулот реализацияси эса, солиқлар тулангандан кейин соф фойдани реализация қилинган маҳсулот ҳажмиға нисбати сифатида аниқланади.

$$\frac{\text{Бир сумлик реализацияға Тугри қеладиган соф фойда}}{\text{Реализация}} = \frac{\text{соф фойда}}{\text{Реализация}}$$

Маъкур коэффициент реализация қилинган маҳсулотнинг ҳар бир суми неча сумлик соф фойда қелтирганлигини акс эттиради.

16.5.Баланс активи ва пасиви тахлили.

Бухгалтерия баланси молиявий хисоботнинг асосий шаклларида бири хисобланади. У корхона маблагларини гуруҳлаш ва тарқибини пул баҳосида

акс эттириш ҳамда пул маблағларини, уларни хосил этиш манбаларини муайян санага жойлаштириш усулидан иборат бўлади.

"Баланс" атамаси лотинча-икки марта,-тарози палласи сузларидан таркиб топган бўлиб, том маънода икки палла деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бухгалтерия балансинг хар хил турлари мавжуд бўлиб, улар куйидаги белгилари бўйича тавсифланади: тузилиш вақти, ахборот хажми, мулкчилик шакли, акс эттириш объекти, тозалаш усули.

Баланс активида маблағлар куйидаги бўлимлар бўйича тақсимланган.

1-бўлим. Узоқ муддатли активлар; 2-бўлим. Айланма активлар.

Баланс пасивида маблағлар манбалари куйидаги бўлимлар бўйича гуруҳланган:

1-бўлим. Уз маблағлари манбалари; 2-бўлим мажбуриятлар.

Баланс активининг 1-булими "Узоқ муддатли активлар"да узоқ фойдаланилган тусдаги активлар (моддий-ашёвий воситалар, кимматли коғозлар, узоқ муддатли инвестициялар) акс эттирилади. Балансда улар куйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

Баланс пасиви ҳам икки бўлимдан иборат бўлади:

1. Уз маблағлари манбалари; 2. Мажбуриятлар.

Баланс пасивининг биринчи бўлимида уз маблағлари акс эттирилиб, улар куйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

-устав сармояси; -кушилган сармоя; -захира сармоя;

-тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар);

-мақсадли тушумлар ва фондлар;

-булажак харажатлар ва туловлар захиралари;

-булажак даврлар даромадлари.

Охириги иккита модда олдинги йиллар балансида қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида 3-бўлимда курсатиларди. Аслида эса, бу маблағлар уз маблағларига киритилиши керак.

Баланс пасивининг иккинчи бўлимида юридик ва жисмоний шахслардан олинган, вақти келганда қайтарилиши лозим бўлган барча маблағлар курсатилган.

Бу мажбуриятлар узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарзлар ва олинган кредитлар, турли кредиторлик қарзлари бўлиши мумкин.

.Куришиб турибдики, бухгалтерия балансида муайян санага (йил боши ва охирига) бўлган хужалик маблағлари ва уларнинг манбалари акс эттирилган.

Балансининг айрим моддаларини кодлаштириш учун молиявий ҳисоботда бухгалтерия баланси билан бирга узаро боғланган ҳамда бир-бирини тулдирадиган бир қатор ҳисобот шакллари назарда тутилади.

Бухгалтерия балансини таҳлил қилишга тайёрлаш уни тузишнинг тугрилигини ва айрим моддаларининг аниқлигини текширишни, баланс курсаткичлари билан ҳисоботнинг бошқа шакллари уртасидаги боғланишни аниқлашни, унинг айрим курсаткичларини тартибга солувчи суммалардан «тозалашни» ва йирикрок пул улчамидаги суммаларни (миллион суммаларда) яхлитлашни назарда тутати.

Баланс активининг барча булимлари суммаси унинг пассиви барча булимлари суммасига тенг:

Корхона молиявий ҳолатига салбий таъсир килувчи энг долзарб масалалардан бири-муддати утган дебиторлик ва кредиторлик карзларнинг мавжудлигидир. Уларни назорат килиш учун молиявий ҳисоботда махсус «Дебиторлик ва кредиторлик карзлари тугрисида маълумотнома» мавжуд бўлиб, унда дебиторлик ва кредиторлик карзларининг пайдо бўлиши расшифрофка килинади, у қайси корхоналар бўйича юзага келганлиги, шунингдек

муддати утган дебиторлар ва кредиторлар карзлар суммаси қанчалиги курсатилади.

Баланс активининг 1 булимида асосий воситалар тугрисидаги маълумотлар (уларнинг бошланғич қиймати, эскириш ва қолдиқ қиймати) мавжуд. 3-шакл «асосий воситалар ҳаракати тугрисидаги ҳисобот»да асосий воситалар турлари, уларнинг ҳаракати ва дастлабки қиймати бўйича йил боши ва охиридаги қолдиқлари, уларнинг эскириши ва қолдиқ қиймати тугрисидаги маълумотлар курсатилган.

Мазкур курсаткичлар асосий воситалардан фойдаланиш ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилиш учун жуда муҳимдир.

4-шакл «пул оқимлари тугрисидаги ҳисобот»да пул маблағлари ҳаракатининг барча турлари тугрисидаги маълумотлар-ҳужалик фаолияти, диведентлар, солиққа тортиш, инвестициялар ва бошқалар курсатилади. Ушбу шаклга «Валюта маблағлари ҳаракати тугрисидаги маълумотнома», яъни валюта маблағларининг келиб тушиши ва сарфи тугрисидаги маълумотнома илова қилинади.

4-шакл бухгалтерия баланси билан боғланган. Бухгалтерия балансида 170, 180 ва 190-сатрларда пул маблағлари қолдиқлари тугрисидаги маълумотлар курсатилади, мазкур қолдиқлар 4-шаклдаги 070 ва 080-сатрларда курсатилган пул маблағлари қолдиқларига тенгдир. «Валюта маблағлари ҳаракати тугрисидаги маълумотнома»да (090 ва 120-сатрлар) бухгалтерия балансида 180-сатрда курсатилган валюта маблағлари қолдиқлари акс эттирилади.

5-шакл «Ўз сармояси тугри сидаги ҳисобот»да устав сармояси, қушилган сармоя, захира сармоя, тақсимланган фойда ҳаракати тугрисидаги маълумотлар курсатилади. Баланс пассивининг 1-булими «Ўз манбалари»да улар йил боши ва охирига курсатилган. Ушбу шакл асосида ўз сармоясининг ҳосил бўлиши ва ҳаракати, шунингдек тузилиши таҳлил қилинади. Шундай қилиб корхонанинг молиявий ҳолати таҳлил қилинганда молия ҳисоботининг барча шакилларидан фойдаланиш зарур.

16.6 Айланма маблағларнинг айланиши таҳлили.

Маълумки, корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун, улар керакли миқдорда ипцтаб чиқаришнинг асосий ва айланма фондлари, меҳнат ва бошқа ресурслари билан таъминланиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ўз таркибига бино, иншоот, ускуна, хўжалик жиҳозларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг техникавий базасини гашкил этади ва

узоқ вақт, кўплаб ишлаб чиқариш цикляларида хизмат қилади. Уларнинг қиймати амартизация ҳисоблаш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархига ўтказилади.

Ишлаб чиқариш айланма фондлари ўз таркибига ишлаб чиқариш захираларини, пул маблағларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг бир циклида фойдаланилади ва қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига ўтказилади. Ишлаб чиқаришда ҳам асосий, ҳам **айланма** маблағларни борлип-'. ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Масалан, асосий воситалардан самарали фойдаланилса, меҳнат унумдорлиги ошади, таннарх камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Айланма маблағларидан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда куттаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади.

Лекин корхоналарни молиявий ҳолати таҳлил қилинганда, фақат бир муаммо — айланма маблағларни айланиши *билан* корхоналарни молиявий ҳолати ўртасидаги алоқа таҳлил этилади, чунки айланма маблағларни айланишини ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига бевосита ва микдоран таъсир кўрсатади. **Ундан** ташқари амалиёт шуки кўрсаталки, айланма маблағларни айланиши сусайган вазиятда ҳам корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ижобий ва аксинча, айланма маблағларни айланиши тезлашган бўлса, корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ёмонлашган **бўлиши мумкин**.

Демак, айланма маблағларини айланишини ўзгаришига қандайдир катта аҳамиятга эга бўлган муҳим шарт-шароитлар, омиллар таъсир кўрсатар экан ва бу вазиятни молиявий таҳлил пайтида кўрамиз.

Айланма маблағларнинг айланиши тезлатилса, унинг бир қисми тежалани, қўшимча фойда барпо бўлади, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Аксинча, айланма маблағларнинг айланиши секинлаштирилса, корхонага айланма маблағлари етмай қолади ва корхонада фаолиятни давом эттириш учун ташқи манбалардан (банк кредити ва ҳоказо) фойдаланиб, корхона айланма маблағлари тўлдирилиши керак.

Шу сабабли корхоналарни айланма маблағларининг айланишини ўзгариши ва уни корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсири таҳлил этилади. Бу таҳлил икки йўналишда ўтказилади:

1. Умуман айланма маблағлари бўйича.

2. Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича, Умуман айланма маблағлар бўйича қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил этилади:

1. Айланма маблағларни айланиш микдори.

2. Айланма маблағларни бир марта айланиши учун ўртача сарф қилинган календар кунлар.

3. Айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи.

4. Айланма маблағларни тежалган ёки тўлдирилган суммаси. Айланма маблағларнинг ўртача 70 фоизи ишлаб чиқаришда, 30 фоизи ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш жараёнида фойдаланилади. Демак, айланма маблағларни айланишига ишлаб чиқариш циклининг муҳлати ва маҳсулотни сотиш учун сарф қилинган вақт таъсир кўрсатади.

Айланма маблағларни айланиш миқдори сотилган маҳсулотлардан олинган тушумни айланма маблағларни ўртача қийматига бўлиш билан аниқланади. Лекин тушумдан қушилган қийматга солинган солиқ билан тўланган акциз солиғи олиб ташланади, яъни:

Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»дан олинади, айланма маблағларни ўртача қиймати бухгалтерия маълумотларига асосланиб ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Айланма маблағлар тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари икки шаклда бўлиши мумкин: интерваллик қаторлар ва моментлик (лаҳза) қаторлар.

Охирги пайтда айланма маблағларни айланишини таҳлил қилишда янги кўрсаткичдан фойдаланилади. Бу айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи. Айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи юқорида кўрилган биринчи кўрсаткични — айланма маблағларнинг айланиш миқдорини акси бўлиб, бу кўрсаткич айланма маблағларни ўртача қийматини сотилган маҳсулотлардан олинган тушумга бўлиш йўли билан аниқланади, яъни:

Айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир сумига нисбатан сарф қилинган айланма маблағларни ифодалайди. Айланма маблағларни айланиши тезлаштирилса бу сарф камаяди, айланма маблағларни айланиши сусайтирилса, бу сарф ошиб боради.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар айланма маблағларни айланишини ифодалаб, бу айланишни ўзгаришини корхона-наларнинг молиявий ҳолатига таъсирини ҳали кўрсатмайди, бу кўрсаткичлар керакли, қўшимча кўрсаткичлар бўлиб, улар ёрдамида энг асосий — тўртинчи кўрсаткич аниқланади - яъни айланма маблағларнинг тежалган ёки тўлдирилган суммаси. Бу кўрсаткич айланма маблағларни айланишини тезлаштириш натижасида айланма маблағларни тежалиш суммасини еки айланма маблағларни айланишини сусайтириш натижасида айланма маблағларнинг тўлдириш суммасини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхона бухгалтериясида мавжуд айланма маблағлари тўғрисидаги маълумотларга қараб икки йўл билан аниқланади. Агарда корхонада юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан иккинчиси тўғрисида маълумотлар бўлса, яъни айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунлар кўрсаткичи бўлса қуйидаги йўл билан ҳисобланади:

УКК, ва $\dot{УКК}_0$ - жорий ва ўтган даврларда айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунлар; МТ—

сотилган маҳсулотлардан олинган тушум. В ^ таҳлил қилинаётган вақт - календар кунлар.

Кўриниб турибдики, айланма маблағларни бир марта айланиши учун жорий ва ўтган даврларда сарф қилинган ўртача календар кунлар сонининг ўзгариши бир кунда сотилган маҳсулотлар ҳажмига кўпайтирилади. Агарда корхоналарда юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан учинчиси тўғрисида маълумотлар бўлса, яъни айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичлари бўлса қуйидаги йўл билан аниқланса:

Бу ерда:

BK_1 ва BK_0 — жорий ва ўтган даврларда айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичлари, яъни сотилган маҳсулотларнинг бир сумига нисбатан айланма маблағларни сарфи.

Кўриниб турибдики, айланма маблағларни жорий ва ўтган даврлардаги кўрсаткичларни фарқи сотилган маҳсулотлардан олинган тушумга кўпайтирилади.

Корхоналар амалиётида ҳам иккинчи, ҳам учинчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Демак, бу корхоналарда бизнинг тўртинчи кўрсаткичимиз икки йўл билан аниқланиши мумкин. Лекин шунини тасдиқлаш керакки, агарда тўртинчи кўрсаткичимиз бир корхона маълумотлари бўйича икки йўл билан аниқланса, бир хил натижа олинади.

Бу усул юқорида келтирилгавдан биров мураккаб бўлсада, амалиётда кенг фойдаланилади. Бундан ташаари бу усул билан айланма маблағларни алоҳида элементлари бўйича айланиш кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Демак, бу усулни ҳам эътиборга олиб қўйиш керак.

Эндм юқормда кўрилган айланма маблағларни айланиши билан корхонанинг молиявий ҳолати ўртасидаги алоқани ифодаловчи кўрсаткичларни амалий маълумотларда кўриб чиқамиз.

Айланма маблағларни

айланиш кўрсаткичлари

	2004	2002 йил
1. Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум, минг сўм	76330,5	92796,8
2. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати, минг сўм	4207,5	7747,8
3. Айланма маблағларнинг айланиш микдори (1:2), марта	18,1	12,0
4. Айланма маблағларни бир марта айланишига сарф қилинган календар кунлар (365:3), кун	20,2	30,4
5. Айланма маблағларнинг бирюггиш кўрсаткичлари (2:1), тийин	5,5	8,3

Жадвал маълумошаридан кўриниб турибдики, корхонада 2002-2004 йилларда айланма маблағларнинг айланиши теалашган. Айланма маблағларнинг айланиш миқдори 12,0 мартадан 38,1 мартагача ошган, айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунлар 30,4 дан 20,2 кунларга қисқартирилган, айланма маблағларни бириктириш кўрсаткичи 8,3 тийиндан 5,5 тийингача камайтирилган. Демак, корхонада айланма маблағлар тежалган. Айланма маблағларни тежалган суммаси:

ёки $(8,3-5,5) \times 76330,5 = 2133$ м.

яъни 2133 минг сўмни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг айланишини ўзгаришини корхона молиявий ҳолатига таъсирини чуқурроқ таҳлил этиш учун айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланишини таҳлил қилиш лозим. Айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланишига корхонанинг алоҳида бўлинмаларининг -цехлар, омбор хўжалиги, маркетинг бўлимининг. фаолияти таъсир кўрсатади. Демак, айланма маблағларнинг алоҳида элементларини таҳлил қилиш, келгусида айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришга бағишланган тавсияларни аниқлаш-тиришда корхона бўлинмаларининг фаолиятини яхшилашда катта аҳа^агаятга эга.

Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича уларнинг айланишини таҳлил этиш қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

- ўзлик айланма маблағларнинг айланиши;
- меъёрланган айланма маблағларнинг айланиши;
- меъёрланмаган айланма маблағларнинг айланиши;
- ишлаб чиқариш захираларининг айланиши;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг айланиши;
- тайёр маҳсулотни айланиши;
- жўнатишган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағларнинг айланиши;
- пул маблағларни айланиши;
- дебиторлик қарзларни айланиши.

Айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланиб туриши ўз хусусиятларига эга. Масалан, ўзлик, меъёрланган, меъёрланмаган айланма маблағларнинг айланиб туриши сотилган маҳсул^а; арнинг ҳажмига, ишлаб чиқариш захираларининг умумий сарфига таъсир қилади; тугалланмаган ишлаб чиқаришни айланиб туриши тайёр маҳсулотга; тайёр маҳсулотларнинг омбордаги қолдиқларини айланиб туриши маҳсулотларни истеъмолчиларга жўнатиш ҳажмига; истеъмолчиларга жўнатишган товарларни айланиб туриши корхона ҳисоб-китоб счётига, пул тушишига ва ҳоказо.

Айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланиб туриш хусусиятлари шуни талаб этадики, уларнинг айланиб туриш кўрсаткичлари ҳар хил базаларга нисбатан ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Бу ҳолатни эътиборга олиб, айланма маблағларни айланиб туришини қушимча

кўрсаткичлари, яъни айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланиб туриш кўрсаткичлари қуйидагича аниқланади:

Энди юқорида кўрилган кўрсаткичлари амалий материаллардан фойдаланиб аниқпаймиз. Бунинг учун корхона ҳисоби маълумотларидан фойдаланамиз, (минг сўм).

1. Сотилган маҳсулотларнинг ҳажми — 55600.
 - 2.- Ишлаб чиқариш захираларнинг умумий сарфи — 3000.
 3. Умумий ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот — 50000.
 4. Жўнатилган товарларнинг умумий ҳажми —
 5. Корхона ҳисоб-китоб счётига тушган пул маблағлар — 54000.
- Ўртача қолдиқлар кўрсаткичлари:
- Умумий айланма маблағлар — 3500. шу жумладан:
- а) ўзлик айланма маблағлар — 2500.
 - б) меъёрланган айланма маблағлар — 2800.
 - в) меъёрланмаган айланма маблағлар — 700.
 - г) ишлаб чиқариш захиралари — 1500.
 - д) тугалланмаган ишлаб чиқариш - 1000.
 - е) тайёр маҳсулот — 500.
 - ж) жўнатилган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағлар — 300.
 - з) нақд пул маблағлар - 200.

Келтирилган маълумотларга асосланиб, айланма маблағларни алоҳида элементлари бўйича айланиб туриш кўрсалстеларини -бу айланма маблағларнинг бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунларта аниқпаймиз.

Айланма маблағларни алоҳида элементларини айланиб туриш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш услуби	Кунлар
1	2	3
1. Бутун айланма маблағлар	3500x365 55600	23
2. Ўзлик"айланма маблағлар	2500x365 55600	16,5
3. Меъёрланган айланма маблағлар	2800x365 55600	18,5
4. Меъёрланмаган айланма маблағлар	700x365 55600	4,5
5. Ишлаб чиқариш захиралар	1500x365 30000	18,5
6. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	1000x365 50000	7,3
7. Тайёр маҳсулот	500x365 60000	3,0
8. Жўнатилган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағлар	300x365 54000	2,0

9. Накд пул маблаелар	200x365 55600"	1	1,3
-----------------------	----------------	---	-----

Бутун айланма маблағларнинг бир марта айданиши учун 23 кун сарф этилган бўлса, айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича бу кўрсаткич, жадвалда берилганидек, 18,5 дан 1,3 кунларни ташкил этган. Келтирилган кўрсаткичлар, айланма маблағларнинг қайси элементлари бўйича уларнинг айланишини тезлаштириш учун керакли тадбирлар амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Бу кўрсаткичлар ҳам жорий даврни ўтган давр билан таққослаши, яъни динамикада таҳлил этилиши лозим. Бу таҳлил айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича ҳам, уларнинг айланиб туришини ўзгариши - тезлаштирилиши, сусайгирилиши натижасида айланма маблағларнинг тежалган-лиғи ёки айланма маблағларни тўлдирилганлиғи ҳам*аниқланиши мумкин.

Демак, айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича айланиб туриш кўрсаткичларини таҳлил этиш айланма маблағларни айланиши билан корхона молиявий ҳолати ўртасидаги алоқани таҳлил этишни чуқурлаштиради ва аниқлаштиради.

Маълумки, юқорида аниқланган айланма маблағларнинг ало-ҳида элементлари бўйича айланиб -гўриш кўрсаткичлари ҳар хил базаларга асосланиб ҳисобланган. Агар бу кўрсаткичлар бир аниқ базага - сотилган маҳсулотлар ҳажмига асосланса, уларни ўзаро таққослао^ мумкин. Бажарилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатади ки, умумий айланма маблағларни бир марта айланиши 23 кунни ташкил этган бўлса, уларнинг алоҳида қисмлари бўлмиш ишлаб чиқариш захираларда бу кўрсаткич 10,2 кунни, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича 6,6 кунни, тайёр маҳсулот бўйича 3 кун-ни, жўнатилган товарлар ва ҳисоб-китобдаг маблағлар бўйича 2 кунни за нақд пул маблағлари бўйича 1,3 кунни ташкил этган. Айланма маблағларнинг айланиб туришини корхона молиявий ҳолатига таъсирини га^хлил қилиш тўғрисида гап борар экан, яма қуйидагиларни эътиборга олишни зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, бозор муносабаблариға ўтиш билан корхона-лараро иқтисодий алоқалар мураккаблашиб бормоқда. Корхоналар фаолиятида айланма маблағлар. етишмай коляпти. Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш катга аҳамиятга эга бўлмоқ-да. Шу сабабли 1997 йил 9 июнда Ўзбекистон Республикаси_ Президентининг «Айланма маблағларни сақланиши ва уларни тўлдириб туриш жавобгарлигини ошириш тўғрисида^ги фармони қабул қилиндн.

Иккинчидан, корхоналарда фойдаланаётган айланма маблағ-ларни устандан назоратни ку^гайтириш ва мавжуд айлақма маблағ-лардан оқилона фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда. Шу сабабли 1997 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан корхона ва ташкилотлар учун айланма маблағларни меъёрлари тасдиқланди.

Айланма маблағларнинг айланиб туриши тахлили айланма маблағларнинг айланишини тезлаштирилиши ёки сусайтири-лиши сабабли корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ва олинаётган фойданинг ўзгаришини аниқлаш билан якун-ланиши лозим.

Кўриниб турибдики, агарда айланма маблағларнинг айланиши тезлаштирилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот кўпаяди ва аксинча, айланма маблағларнинг айланиши сусайтирилса, маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди. Демак, айланма маблағларнинг айланиш миқдори жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгаришига қараб, корхона фойдаси кўпаяди ёки камаяди. Айланма маблағлар айланиб туришининг корхона молиявий ҳолатига таъсирини таҳлил этиш айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришга сафарбар этилган таклиф ва тавсиялар билан якунланиши керак.

Назорат саволлари:

1. Бозор иктисодиёти шароитида корхоналарни самарали бошқариш нима учун иктисодий ахборотларга боғлиқ?
2. Нима учун ҳар бир мулкдор ёки бошқарув ходими молиявий ҳисоботларни уқий олиши шарт?
3. Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади
4. Қандай мақсадда молиявий таҳлил фани фан сифатида шаклланган?
5. Молиявий таҳлил фанининг предмети нимадан иборат?
6. Молиявий таҳлил фанининг мақсади деганда нимани тушунаси?
7. Молиявий таҳлил фанининг асосий вазифалари ва мақсади нималардан иборат?
8. Нима учун таҳлил манбалари икки гуруҳга ажратилади?
9. Молиявий таҳлилда ҳисобга олинадиган манбаларга қандай маълумотлар қиради?
10. Таҳлилда ҳисобга олинмайдиган манбаларга қандай ахборотлар қиради?
11. Молиявий таҳлилда қулланиладиган курсаткичлар тизими неча гуруҳга бўлинади?

17- Мавзу: Аудит асослари .

Режа:

- 17.1. Аудитнинг пайдо бўлиши ва аудиторлик хизматини ташкил этиш зарурияти.
- 17.2. Аудит фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
- 17.3. Аудит фанининг объектлари
- 17.4. Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади
- 17.5. Аудит турлари ва шакллари
- 17.6. Аудит ва тафтишнинг фарқлари.
- 17.7. Аудит стандартлари
- 17.8. Аудитнинг мақсади аудитор мезонларининг асосий тамойиллари.
- 17.9. Аудит утқизишнинг босқичлари.
- 17.10. Аудиторлик шартномаси ва унинг тузилиш тартиби
- 17.11. Корхоналарнинг фаолиятлари назорати
- 17.12. Аудиторлар, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятлари

17.13. Корхоналар молия хужалик фаолиятининг аудитини утказиш услубиёти

17.14. Аудитнинг якунланиши ва аудиторлик хулосаси .

Адабиётлар: 1,5,22,24,25,38,39,40,41,42,45,48,50,62.

Таянч иборалар:

Аудитнинг турлари. Ташқи аудит. Ички аудит. Молиявий аудит. Қонунларга мосликнинг аудити. Иқтисодий самарадорлик-нинг аудити. Таваккалчиликнинг аудити. Аудитнинг бошқа турлари. Аудит турларининг ўзаро боғлиқдиги ва фарқдари.

17.1. Аудитнинг пайдо булиши ва аудиторлик хизматини ташкил этиш зарурияти.

Аудит катта тарихга эга булиб, биринчи мустакил аудиторлар Европа акционер компанияларида XIX асрда фаолият курсата бошлаганлар. "Аудит" сузининг таржимаси "тингловчи" маъносини англатади.

Аудитнинг пайдо булиши корхонани бевосита бошқариш билан шугулланувчилар (маъмурият, менеджерлар) ҳамда унинг фаолиятига уз маблағларини йуналтирувчилар (мулкдорлар, акционерлар, инвесторлар) уртасидаги манфаат билан бевосита боғлиқ. Корхона эгалари факат бошқарувчилар ва уларга буйсинувчи бухгалтерлар томонидан берилган молиявий ахборотларга ишонишни хохламас эдилар. Шунингдек, корхоналарнинг инкирози ҳамда маъмурият томонидан алдашларнинг усиши молиявий куйилмалар таваккалчилигини оширди. Акционерлар, маъмурият томонидан берилган молиявий хисоботлар корхонанинг хақиқий молиявий ҳолатини акс эттирилишини хоҳлар эдилар.

Корхонанинг молиявий ҳолатини акс эттирувчи ахборотларнинг тугрилигини текшириш ва молиявий хисоботларнинг тугрилигини тасдиқлаш учун ташқаридан мутахассислар таклиф қилинар эди. Бу мутахассислар олдида куйилган асосий талаблар уларнинг ҳалоллиги ва мустакиллигидан иборат эди. У даврларда кишилар учун бухгалтерия ҳисоби буйича чуқур билимларга эга булишлари талаб этилмас эди, аммо бухгалтерия ҳисобини мураккабашуви билан аудиторлардан юқори даражадаги профессионал тайёргарлик талаб қилина бошланди.

Аудитнинг тарихий ватани Англия ҳисобланади. Чунки 1844 йилда Англияда акциядорлик компаниялар тугрисидаги қонунлар амалда қулланила бошлайди, бунга кура акционер компания бошқаруви 1 йилда камида 1 маротаба бухгалтерия ҳисоблари ва хисоботларини текшириш учун махсус мутахассисни-аудиторни таклиф қилишлари шарт эди.

1929-1933 йиллардаги жаҳонда содир булган иқтисодий кризиси профессионал бухгалтер-аудиторлар хизматида булган талабни ҳамда аудиторлик текширувларнинг сифатида булган талаб янада оширди. Кризис тугагандан кейин қупчилик мамлакатдларда йиллик хисоботларда келтириладиган ахборотларнинг ҳажмига мажбурий талаб қуйилди ва бу хисоботларнинг тугрилигини аудиторлик хулосалари билан тасдиқлаш ва

уларни матбуотда нашр этишни мажбурийлиги амал кила бошлади. Аудит товламачиликка карши кучли курулга айланди.

Асримизнинг 40-йилларнинг охирига кадар аудит асосан ёзилган пул операцияларини тасдиқловчи хужжатларни ҳамда молиявий хисоботларда бу операцияларни тугри гурухланганлигини текширишдан иборат эди. Бу тасдиқловчи аудит деб аталар эди.

1949 йилдан кейин мустакил аудиторлар купрок эътиборни компаниянинг ички назорат муаммоларига карата бошладилар. Чунки ички назорат тизимининг самаралилигида хатолар эҳтимоли кам ҳамда молиявий маълумотлар етарлича тулик ва аник булишлигини такоза этади. Аудиторлик фирмалари аудит текширувларига караганда купрок маслахатчилик фаолияти билан шугуллана бошладилар. Бу тизимли йуналтирилган аудит деб атала бошлади.

Аудит ривожланишининг 3-боскичида текширувларни ва маслахатларни амалга оширишда мавжуд булган таваккалчиллика эътиборни каратиш ва таваккалчилликларни самарали бошқаришга асосий эътиборни каратди. Бунда мижоз фаолиятини текшириш, асосан хатолар ва товламачилик таваккалчиллик максимал булган жойларда амалга оширила бошланди. Бу таваккалчилликка асосланган аудит деб аталади.

70-йилларнинг бошида аудиторнинг халқаро андозалари яратила бошланди.

Англияда аудитор деб,- молиявий хисоботларни ишонччилигини назорат килиш буйича фаолият курсатувчи мутахассислар тушунилади. Францияда эса мустакил аудиторлик фирмалари молиявий назорат ва хизматнинг куйидаги сахоларида фаолият курсатишади:

- бухгалтерия хисобини юритувчи, хисоботларни тузувчи ва шу саҳода маслахат хизматини курсатувчи фаолият;

- молиявий хисоботлар ишонччилигини назоратини таъминловчи, хисоб варакалар буйича комиссарлар.

АКШда молиявий хисоботлар тугрилигини текшириш дипломли жамоа бухгалтерлар томонидан амалга оширилди.

Гамма ривожланган мамлакатларда бухгалтер-аудитор касбини эгалламокчи булган кишиларга узок йиллар давомида укиш ва амалий фаолият билан шугулланишга тугри келади. Бу касб эгалари фаолияти доимо аудиторлар палатаси томонидан текшириб берилади ва аудиторлар палатасидан чиқиш аудиторлик фаолиятини давом эттиришни ман этади

Аудитор хизматида булган эҳтигж куйидаги шарт-шароитлар сабабли пайдо булди:

- маъмурият томонидан объектив булмаган ахборотларни берилиши мумкинлиги (корхона эгаларига, инвесторларга, кредиторларга);

- кабул килинадиган карорларнинг натижаси ахборотнинг сифатига богликлиги;

- ахборотни текшириш учун махсус билимларнинг зарурлиги.

Бу шарт-шароитлар мустакил экспертлар хизматида булган жамоа эҳтигжининг пайдо булишига олиб келди. Шу мустакил экспертлар махсус

тайёргарликка, малакасига, тажрибага ва шу турдаги хизматни амалга ошириш учун рухсатномага эга булишни талаб килинар эди. Аудиторлик хизмати - бу воситачилик хизмати булиб, у молиявий ахборотни хакикийлигини тасдиқлашдир.

хакикий ахборотнинг мавжудлиги капитал бозорининг фаолият курсатиш самарадорлигини оширишга имкон яратади, ҳамда турли-туман иктисодий қарорларининг натижаларини баҳолаш имкониятини беради.

Аудитор текширувини мажбурий булмаган ҳолларда ҳам утқизиш катта аҳамиятга эга. Бозор шароитида корхоналар, кредит муассасалари ва бошқа ҳужалик субъектлари мулки, пул маблағларини ишлатиш, тижорат операцияларини ва инвестицияларни амалга ошириш бўйича шартномавий муносабатларини амалга оширадилар. Бу муносабатларнинг ишончлилиги албатта молиявий ахборотлардан фойдаланиш имконияти билан боглиқ. Ахборотнинг аниқлигини мустақил аудиторлар тасдиқлайди.

17.2. Аудит фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Аудит фани корхона таъсис этишда ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳисобот, молия ва таҳлилнинг услубий томонларини ургатади.

Хусусан, корхона ривожланишига салбий таъсир килувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилаётган захираларни кидириб топиш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, корхона рақобатбардошлиги даражасини ошириш, ҳужалик фаолиятини саклаш каби услубий томонлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мазкур фан корхоналарда бухгалтерия ҳисоботини ташкил этиш, мавжуд барча ресурслардан фойдаланиш, самарадорликка эришиш йуларини аниқлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига баҳо бериш каби масалалар ечимини ҳам ургатади.

Умуман олганда менежерлар, маркетинг ташкилотлари олдида турган муоммолар ечимини урганишда бу фан кул келади. Чунки мулкка нисбатан эғалик ҳиссини талаб килади ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган ҳисоботларни аудит текширувидан утқизиш мажбурият тусига киради. Шу жиҳатдан аудит хизматига зарурият пайдо булади.

Аудит - муайян ваколатлар берилган шахслар томонидан ҳужалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларининг тугрилигини, улар амалга оширган молиявий-ҳужалик жараёнлари ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга қай даражада мувофиқлигини, муқаммаллигини ва асосланганлигини, бухгалтерия ҳисоб-китоби ва бошқа молиявий ҳисоботлар юритишга қуйиладиган талабларга ҳамда ўзга ҳужжатлар талабларига тугри келишлигини аниқлаш мақсадида утқизиладиган молия ҳужжатларининг экспертизаси ва таҳлилидир. Аудит, шунингдек маслаҳатни (қонсалтинг) миқоз билан шартнома асосида хизматлар курсатишни ўз ичига олади.

Аудитор- белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукукини олган ва аудиторларнинг касб реестрига киритилган мутахассисдир.

17.3.Аудит фанининг объектлари

Аудит фанининг объектлари қуйидагилар:

- халқ хужалигининг бошланғич бугини ҳисобланган турли мулк шаклларига асосланган корхоналар;

- аудит текширувини утказиш жараёнига қараб, хужалик жараёнлари, маблағлар ва уларнинг манбалари.

Бундан ташқари, корхоналарнинг юридик қучга эга бўлган меъёрий ҳужжатлари, технологик ишлари, хужалик юритиш ишлари, шартнома муносабатлари, режа тузилиши, шунингдек, унинг таркибий қисмлар ҳам аудит объектини ташкил қилади.

Аудит фани предмети максоди ва вазифаларидан қелиб чиқиб, жумладан мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш ҳамда корхона, тармок фаолиятининг самарадорлигини таъминлашдир.

Аудит фани предмети- у таҳлил ва улар бўйича корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган ёзма ҳулосаси демакдир.

Аудит-бу корхона молиявий ҳисоботларини мустақил экспертиза қилишдир. Бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини, сакланишини, хужалик молиявий операцияларнинг ўзбекистон қонунларига бўйсуншини, корхонанинг молиявий ҳисоботларда тулик ва аниқ акс эттирилганлигини текширилади. Экспертиза охирида аудиторлик ҳулосаси тузилади.

Аудитор-бу қонун томонидан урнатилган тартибда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳукукига эга бўлган, аттестациядан ўтган малакали мутахассисдир.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида аудит ўзққ даврлардан бери мавжуд бўлиб, бу тушунча турлича ғритилади.

Англияда аудит- деганда иқтисодий субъектларнинг молиявий ҳисоботларни текшириш ва бу тугрисида узининг мустақил фикрини билдириш тушунилади.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича америка ассоциациясининг фикрича булаудит - бу иқтисодий воқеа ва ходисалар тугрисидаги объектив маълумотларни туплаш ва баҳоли тизим жараёнидир.

Аудиторлик фаолияти - бу тадбирқорлик фаолияти бўлиб, у иқтисодий субъектнинг молиявий ҳисоботларини, тулов-ҳисоб ҳужжатларини солиқ деклорацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларни мустақил текширишга қаратилган фаолиятдир. Бундан ташқари аудиторлик фирмалари қуйидаги фаолиятни амалга оширади:

- бухгалтерия ҳисоботлари ва даромадлари тугрисидаги деклорацияларни тузиш;

- иқтисодий субъектнинг активлари ва пассивларини баҳолаш;

- молия, солиқ, банк ва бошқа хужалик қонунчилиги бўйича маслахатлар бериш;

- кадрларни кайта уқитиш.

Аудитор фаолиятига боғлиқ бир канча маълум коидалар мавжуд:

- хужалик субъекти аудиторларни эркин танлаши;
- аудитор ва мижоз уртасидаги шартномавий муносабатлар аудиторга мижозни узи танлаш имкониятини беради, яъни у давлат органларининг ҳар қандай курсатмаларидан мустақил бўлишидир.
- курсатилган камчиликларни йукотмасдан туриб, аудиторлик ҳулосасини мижозга бермаслик.
- мижоз билан қариндошлик ва бошқа муносабатлари бўлганда аудиторлик текширувини амалга ошириш мумкин эмаслиги;
- аудиторларга ва аудитор фирмаларига қонун томонидан рухсат берилган аудит ва маслаҳат хизматларидан ташқари бўлган хужалик, тижорат ва молиявий фаолият билан шугулланиш таъқиқланади.

Аудитнинг мақсади - қонун томондан белгиланган аниқ вазифаларини бажариш, аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш, мижоз ва аудитор уртасидаги шартномавий мажбуриятларни бажаришдир.

17.4.Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади

Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади - бу иқтисодий субъектларни бухгалтерия ҳисоботларининг ҳақиқийлигини аниқлаш ва улар томонидан амалга оширилган молиявий, хужалик операцияларини меъёрий ҳужжатларга тўғри қилишини текширишдир.

Аудит молиявий ҳисоботларнинг тўғри тузилганлигини текширишда:

- ҳисоботларнинг аниқлигини таъкидлаш ёки уларнинг ноаниқлиги тўғрисида маслаҳат бериш;
- бухгалтерия ҳисобида қарзлар, даромадлар ва қорхона молиявий натижаларини текширилаган даврда тулик, аниқ ва ҳақиқий курсатилганлигини текшириш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузишни тартибга солишчи қоидаларга, меъёрий ҳужжатларга ҳамда қонунчиликка амал қилинганлигини, шунингдек активлар, мажбуриятлар ва ўз капиталини баҳолаш усулларида риоя этилганлигини назорат қилиш;
- ўз асосий ва айланма маблағларини, молиявий захираларини ҳамда қарз манбағларидан яхшироқ фойдаланиш бўйича таклифлар беришдан иборат.

Аудиторнинг вазифалари - балансни, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг тўғри тузилганлиги ҳамда тушунтириш хатларида маълумотлар аниқлигини аудиторлик текшируви орқали қўриқдан иборатдир.

Бунда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

- ҳисоботда ҳамма активлар ва пассивлар курсатилганлиги;
 - ҳисоботда барча ҳужжатлардан фойдаланилганлиги;
 - ҳақиқатдаги мулкни баҳолаш усули қорхона бухгалтерия ҳисоби қилинида белгиланган усулидан қанчалик фарқ қилиши.
- Аудитор молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда солиққа қўрилган фойда тўғри ҳисобланганлигини текширади.

Аудитор асосий мақсадга эришиш ва хулоса бериш учун қуйидаги саволлар бўйича ўз фикрini шакллантириш керак:

- хисоботнинг умумий мос келиши - яъни хисобот умуман унинг олдига қуйилган талабларга жавоб бериши, ҳамда бир-бирига тугри келмайдиган ахборотдан ҳолис бўлиши. (товар моддий захираларнинг суммаси мос келади, ҳамда корхонанинг реал талабига тугри келади);

- асосланганлик - яъни курсатилган суммаларни хисоботга киритиш учун асос борлиги; (ҳамма товар моддий захиралар хисоботда курсатилган ва улар баланс тузилган кунда мавжуд бўлиши);

- яқунланганлик - яъни хисоботга ҳамма суммалар киритилганлиги, шунингдек барча активлар ва пасивлар корхонага тегишлилиги (барча мавжуд товар моддий захиралар саналган ва балансга киритилган бўлиши). Бу товар моддий захиралар корхона мулкидир.

- баҳолаш - яъни барча маблағлар тугри баҳоланган ва ҳатосиз хисобланганлиги (бух.хисобидаги товар моддий захиралар сони ҳақиқатда мавжуд сони билан мос келади; товар моддий захираларнинг баҳоси учун ишлатилган нархлар тугри; курсатилган нархлар ишлатилган давр ҳақиқатга тугри келиши).

- туркумлаш - яъни суммани шу хисоб варақда курсатиш учун асос борлиги (товар моддий захиралар, материаллар, тугалланилган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар сифатида тугри туркумланганлиги).

- ажратиш- яъни операциялар амалга оширилган даврда курсатилганлиги (сотилган ва сотиб олинган товар моддий захиралар суммаси 2 давр орасида ажратилганлиги).

- саранжомлик- яъни аналитик хисоб-китобларида ва журналларида келтирилган маълумотларнинг аниқлиги, улар тугри қушилганлиги ва бош китобдаги маълумотларга мос келиши (товар моддий захиралари умумий қиймати китобларда келтирилган аналитик хисоб маълумотлари).

- очиш бериш- яъни молиявий хисоботга ҳамма категориялар киритилган ҳамда улар хисоботда тугри курсатилганлиги (товар моддий захираларни асосий категориялари ва уларнинг баҳоси хисоботда тугри курсатилганлиги).

17.5. Аудит турлари ва шакллари

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, уни халқаро талаблар даражасига кўтариш аудиторлик фаолиятини тўғри ташкил қилишга бевосита боғлиқдир. Лекин, шуни қам қайд қилиш керакки, бугунги кунда ўшбу фаолият қўйлаётган натижаларни тўлиқ бермаяпти. Аудит соҳасида ўз ечимини қўйлаётган бир қанча муаммолар бор. Булар жумласига аудитнинг назарий, услу-бий ва уни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни қи-ритиш мумкин. Қабул қилинган меъерий ҳужжатларда, махсус адабиётларда аудитнинг турлари ва ташкилий шакллари кенг ёритилмаган.

Аудиторлик фаолиятига оид меъерий ҳужжатлар ва махсус адабиётларни ижодий таҳдил қилиш натижасида уларнинг қуйидаги турларини аниқдаш

имконини берди. Тадбиркорлик фаолиятига кирувчи аудит мақсади, вазифалари ва объектларига қараб куйидаги турларга бўлинади:

- ташқи аудит;
- ички аудит;
- молиявий аудит;
- қонунларга мосликнинг аудити;
- иқтисодий самарадорликнинг аудити;
- таваккалчиликнинг(рискнинг) аудити;
- отгериацион (ташаббускор) аудит;
- менежмендлик аудити;
- ижтимоий аудит;
- экологик аудит.

Аудитнинг турлари буюртмачилар билан тузилган шартно-маларга бевосита боғлиқ бўлиб ушбу буюртмачилар куйидагилар бўлиши мумкин;

муассислар (таъсисчилар);

- мулкдорлар;
- инвесторлар;
- банк муассасалари;
- бошқа манфаатдорлар.

Молиявий аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-вий кўрсаткичларини текширишга қаратилган. Бундай аудит кўпгина ҳрлларда таъсисчилар, инвесторлар ва бошқа ташқи манфаатдорларнинг буюртмалари асосида ўтказилади. Молиявий аудитнинг асосий мақсади молиявий натижаларнинг ҳаққоний, асосли эканлиги, молиявий х,исоботнинг тўғри тузилганлигига баҳр беришдан иборат.

Турли мулкдаги корхоналар ўз фаолиятларда қабул қилинган қонун-қоидаларга тўлиқриоя қдпишлари керак. Мулк тўғрисида, кор-хоналар тўғрисида, ижара тўғрисидаги қонунларнинг талабларига, солиқ қрнунчилигига амал қилиш барча хўжалик юритувчи субъект-ларнинг асосий вазифаларига киради. Шу мақсадларда қонунларга мосликнинг аудити ўтказилади. Бундай аудит кўп ҳрлларда давлат қамда бошқа ҳукукди ҳдмоя қ^лувчи органларнинг буюртмалари бўйича ўтказилади.

Корхона самарадорлигининг аудити мавжуд моддий, молия-вий ва мех^ат ресурсларидан окдлона фойдаланиш, ички имко-ниятларни аниқдаш мақсадида ўтказилади. Бундай аудит кўп ҳ,олларда хўжалик фаолиятининг тахлили шаклида ўтказилиб унинг буюртмачилари асосан корхона маъмурияти ёки таъсисчи-лари х^собланадилар.

Бозор йқтисодиётининг ривожланиши хавф-хатарнинг мав-жудлиги, таваккалчилик билан бевосита боғлиқдир. Корхона ўз ривожланиши ва барқдорлигини таъминлаши учун келажакда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарни, таваккалчилик нати-жаларини олдиндан билишга манфаатдор бўлади. Шу мақсадларда та-ваккалчиликнинг аудити ўтказилади. Унинг

натижасида содир бўлиши кутилаётган хавф-хатарнинг олдини олишга қаритилган чора-тадбирлар белгиланади.

Корхоналарнинг фаолияти маълум операциялар ва жараёнлардан иборат. Жумладан, таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни ва реализация (тақсимот) жараёни. Ушбу жараёнлар билан корхонаниш ички бўлинмалари (цехлар, бригадалар) шуғулланади. Корхона жараёнлари ва бўлинмалардаги ички имкониятлар операция (ташаббу-скор) аудит орқали аниқланади. Ушбу аудит корхона маъмурияги, цех, бригадаларнинг ташаббуси билан ўтказилиши мумкин. Мазкур аудит турининг асосий хусусияга шундан иборатки, у орқали мавжуд камчиликлар операция содир бўлаётганида аниқланади ва унинг олди тезкорлик билан олинади. Натижада мавжуд камчилик кейинги босқичга ўтмайди. Бундай аудит айниқса кичик ва ўрта бизнес фаолиятида жуда кўл келади.

Менежментлик (бошқарув) аудит корхона таркиби, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг нечоғлик тўғрилигини аниқдашга қаратилган. Ушбу аудит орқали менежерларнинг иш услуби ва натижалари ўрганилади. Аудиторлик текшируви натижасида корхона самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув (менежерлик) стратегияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Экологик аудит орқали атоф-муҳдги ҳимоя қилишга қаратилган, хом ашёлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга чиқарилган технологичларни жорий этиш бўйича тавсиялар берилади.

Аудит турлари ичида мижозларга бошқа хилдаги хизматлар кўрсатиш алоҳида ўрин тутди. Аудиторлик фирмалари (ташкилотлари) хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги хизматларни кўрсатиши мумкин: бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлар асосида ташкил этиш, бизнес-режаларни тузиш, жорий ва якун-ловчи ҳисоб маълумотларини ўзаро мувофиқлаштириш, янгидан жорий этилаётган бухгалтерия ҳисоби сўтлар режасини қўллаш бўйича маслаҳатлар бериш, солиқларни тўғри ҳисоблаш ва бух-галтерия ҳисобида тўғри юритиш, хўжалик жараёнлари (операциялари) ҳисобининг маълум турлари бўйича маслаҳатлар бериш ва бошқа турдаги хизматлар. Аудиторлик ташкилотлари ўзаро келишувларга асосан иқтисодий ислохотларнинг маълум йўналишлари (муаммолари) бўйича услубий семинарлар ташкил этади, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш билан ҳам шуғулланиди.

Ташқи аудит — бу ташқи манфаатдорларнинг буюртма-ларига асосан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва экспертиза қилишдир.

Ташқи аудитнинг асосий буюртмачилари давлат бошқарув органлари, таъсисчилар, инвесторлар, кредиторлар, солиқ идора-лари, банк муассасалари ва бошқа манфаатдорлар ҳисобланади.

Ташқи аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхона фаолиятида қабул қилинган қонунлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўлиқ амал қилинишини текшириш;

- корхона мулкининг мақсадли фойдаланиши ва самарадорлигини тахдил қилиш;
- четдан жалб қилинган сармояларнинг тўғри фойдаланишини текшириш;
- солиққа тортилувчи кўрсаткичлар, солиқларнинг тўғри ҳисобланишини ва бюджетга тўлиқ ўтказилишини назорат қршиш;
- ўзаро ҳисоб-китобларнинг тўғри олиб борилишини текшириш;
- корхонанинг қисоб сиёсати ва унга тўлиқ риоя кдлинишини аниқдаш;
- молиявий ҳисоботнинг асослиги ва ҳаққонийлигига ҳолисона бақо беришдан иборат.

Ташқи аудит бетараф ва дахлсиз аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) томонидан ўтказилади. Ушбу аудит турининг асосий объектлари қуйидагилардан иборат; молиявий натижалар; ўзаро қисоб-китоб операциялари, шу жумладан экс-порт-импорт, реэкспорт, реимпорт, бартер операциялари; хори-**жий** инвестициялар, пул-валюта операциялари, қимматбоқо қоғозлар, хусусийлаштириш билан боғлиқ операциялар.

Ташк)Н аудит натижалари бўйича асосли кдрорлар қабул қилинади.

Аудит шакллари

Аудит шакллариға қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аудитнинг тасдиқдовчи шакли;
- аудитнинг мақсадли (йўналтирилган) шакли;
- аудитнинг таваккалчиликка асосланган шакли.

Бундан ташқари аудитнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- операцион аудит;
- операцион аудит- барча хужалик операциялар ва жараёнлари тулик урганилиб, уларнинг иш самарадорлигига ва унумдорлигига булган таъсирини урганади.
- молиявий ҳисоботлар аудитида- бундай текширувлар молия ва бухгалтерия ходимлари томонидан утказилиб, асосан корхонанинг тулов қобилияти, молиявий натижаларнинг, ҳисоботларнинг қанчалик даражада тугри акс эттирилишини урганади.

Ички аудит ҳам уз урнида икки турға:

- бошқарув аудити;
- ишлаб чиқариш аудитига булинади.

Назорат - бошқарувнинг муҳим функцияси булиб, у жамиятнинг иктисодий ҳаётида объектив ходисадир. Молиявий маблагларни бошқариш саҳосининг назорати -тартибға солиш тизимининг ажралмас қисмидир.

Назорат фаолиятининг қаракерига ва субъектиға қура, молиявий назорат - давлат, бошқарма ва бошқармадан ташқари назоратға; назорат объектиға қура, ички ва ташқи назоратға; амалға оширишни ташқил қилинишиға қура, тафтиш ва аудитға булинади.

Назорат фаолиятини амалга оширишда хужжатли назоратни махсус усулларидан, эксперт, баҳолаш, таҳлил усулларидан фойдаланилади.

Аудит ва тафтиш иктисодий субъектларнинг молиявий-ҳукукий фаолияти устидан назоратни амалга оширишни ташкил қилиш усули бўлиб, улар уртасида умумийлик жуда кўп бўлишига қарамадан, принципиал фарқлар ҳам мавжуд.

17.6. Аудит ва тафтишнинг фарқлари.

1. Мақсадлари:

- аудитнинг - молиявий ҳисоботларни ҳақиқийлиги тўғрисида фикрини билдириш, хизмат қурсатиш, миқдорга ёрдам бериш;

- тафтишнинг - камчиликларни аниқлаш, уларни йўқотиш ва айбдорларни жазолаш мақсадида.

2. Характер:

- аудитнинг - тадбиркорлик фаолияти;

- тафтишнинг - ижрочилик фаолияти.

3. Узро муносабат асослари:

- аудитнинг - ихтигорий, шартнома асосида амалга оширилади;

- тафтишнинг - мажбурий, давлат органлари ёки юқори ташкилот қурсатмасига қўра утқизилади.

4. Бошқарув алоқалари:

- аудитнинг - горизонтал алоқалари, миқдор билан тенг ҳуқуқли муносабатлар, унга ҳисобот топширади;

- тафтишнинг - вертикал алоқалари. Юқори ташкилот томонидан тайёрланади, ижро этилганлиги ҳақидаги ҳисобот уларга топширилади.

5. Хизматга ҳақ тулаш тамойиллари:

- аудитнинг - миқдор ҳақ тулайди;

- тафтишнинг - юқори ташкилот ёки давлат органлари ҳақ тулайди.

6. Амалий вазифалари:

- аудитнинг - миқдорнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, пассивларни; (инвесторлар, кредиторларни) жалб этиш, миқдорларга ёрдам ва маслаҳатлар бериш;

- тафтишнинг - активни сақлаш, хиёнатнинг олдини олиш.

7. Натижалари:

- аудитнинг - аудиторлик ҳулосаси - бу юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва суд органлари олдида юридик маънога эга бўлган ҳужжат. Аудиторлик ҳулосасини охириги қисми нашр қилиши мумкин, яъни бухгалтерия ҳисоботини ҳақиқийлигини тасдиқловчи ёзув;

- тафтишнинг - ревизия ҳақидаги далолатномалар - бу барча аниқланган камчиликлар қурсатилган ички ҳужжат, далолатнома юқори ташкилотга қурсатилиши қерак.

Тафтиш ва аудит ишларини авваломбор, режалаштиришдан бошланади. Тафтиш ишларини режалаштириш перспектив ва жорий режалар асосида амалга оширилади.

Тафтиш ва аудиторлик фирмалари бошкармаларида текшириш утказиш режалари тузилиб, бошликлар томонидан тасдикланади. Бу режаларга мувофик ҳар бир текширувчи ходим узининг индивидуал режасини тузади ва булим бошлиғи томонидан тасдикланади.

Тафтиш ёки текшириш утказиш бошкарма раҳбари томонидан чиқарилган буйруқ ёки фармойишга мувофик тайинланади. Буйруқ ёки фармойишда текширув утказиладиган ҳужаликнинг номи, у қамраб оладиган давр, текширишнинг жорий усули ҳамда қимлар томонидан текшириши ва бошқалар курсатилиши мумкин. Тафтиш утказиш учун юбориладиган шахснинг ҳар бирига сафар гувоҳномаси берилади.

Текшириш ҳужжатлари маълумотнома билан расмийлаштирилади, маълумотномада ҳужаликнинг номи, текширилган объект, аниқланган захира, уларнинг сабаблари, қамчиликларнинг тузатиш юзасидан тақлифлар курсатилади. Тафтиш қўлатномалари текшириш утказилган объектнинг ҳажмига қараб, умумий ва оралик қўлатномаларга бўлинади.

Қўлатнома- бу юридик қўғга эга бўлган текширувчининг ёзма ҳужжати.

Тафтиш қўлатномаси икки хил тузилади, яъни,

•**қўғ** (умумий қўғ)- бу қўғда қўғонанин қўғлашган қўғи ва унга таълуқли маълумотлар, қўлатноманин қўғилган вақти, тафтиш ҳаётинин қўғиби, тафтишнинг қўғи, утқазилган давр ва бошқа маълумотлар курсатилади. Қўлатномани тузатиш қўғий ман қилинади.

•**асосий қўғларга** бўлинади.

17.7.Аудит стандартлари

Қўғалиқ қўғиувчи субъектларда аудит ўтқазиш маълум қўғи-қўғи-қўғидани ва қўғи-қўғиқни талаб қўғи. Ушбу қўғи-қўғидалар аудит стандартларида ўз ифодасини топади.

Аудит стандартлари - бу барча аудиторлар томонидан амал қилинадиган ва қўғиқларида қўғлиладиган аудитга оид умумий мазмундаги меъёрий талабларнинг мажмуасидир.

Аудиторлик қўғиқтида ушбу стандартларга қўғиқ амал қўғиш аудит сифатининг ошисиға олиб қелади. Аудит стандарт-ларининг мазмуни қўғидағиларни ўз ичига олади: аудиторлар ва аудиторлик ташқилотларига (фирмаларига) бўлган талаб, аудит-ни ўтқазилиш қўғиби, аудит натижаларини расмийлаштириш қўғидалари ва бошқа масалалар. Махсус адабиётларда аудит стан-дартларининг қўғидаги қўғиқлари қелтирилган [17, 16 б.]:

- аудитни ташқил қилиш билан боғлиқ бўлган стандартлар;
- аудитни ўтқазиш билан боғлиқ бўлган стандартлар;
- аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган стандартлар.

Аудит назарияси ва амалиётида эса аудит стандартлари қўғидаги қўғиқларга бўлинган [45, 49.]:

- ички аудит стандартлари;
- ташқир аудит стандартлари;
- халқаро аудит стандартлари;
- миллий аудит стандартлари;
- аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) нинг аудит стандартлари.

Халқаро амалиётда 50 га яқин аудит стандартлари қўлланилиб келинаётганлиги манбалардан маълум. Уларда аудитни ташкил қилиш тартиби, аудит ўтказувчи шахсларга қўйиладиган талаблар, аудитни ўтказиш жараёнидаги талаблар, аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаларининг мазмунига тегишли умумий қоидалар ифодаланган. Ўзбекистонда қўлланилаётган аудитнинг миллий стандартлари бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларига асосланган. Уларнинг сони бугунги кунда 20 га яқин бўлиб иқтисодий ўзгаришлар эътиборга олиниб сон жиҳатидан кўпайиб сифат жиҳатдан такомиллашиб бормоқда. Аудитнинг миллий стандартлари қуйидаги масалаларни ўз ичига олади: аудитни режалаштириш қоидалари, миқдорнинг ҳўжалик фаолияти билан таъносиш тартиби, аудиторлик хатарни (риски) белгилаш, аудит-торлик текширувини ўтказиш тартиби, маълумотларни компьютёрларда ишлов бериш шароитида аудит ўтказишнинг хусусиятлари, аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасига қўйиладиган талаблар ва бошқа масалалар. Проф. Ю. Иткиннинг фикрича аудитнинг миллий стандартларида аудит предмети ва объектларни текширишда маълум, мезонлар келтирилиши керак. Мисол учун, ҳўжалик юршувчи субъектнинг маданий ҳисоботида бахр бе-ришда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш лозим: бухгалтерия ҳисобининг тўлиқлиги, бухгалтерия ёзувларнинг асослилиги ва тўғрилиги, балансдаги активлар қийматининг асосли акс этирилганлиги, ҳисобот маълумотларининг жорий ҳисоб маълумотларига мослиги, маълумотларнинг назорат қилишга қулайлиги.

Миллий аудит стандартлари халқаро аудит стандартлари асосида ишлаб чиқрилган бўлиб доимий равишда такомиллашгарилмоқда.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан ишлаб чиқрилган стандартлар аудиторларнинг ижодий фаолияти натижалари бўлиб ушбу ташкилотнинг интеллектуал мулки ҳисобланади. Аудит стандартлари аудитнинг мазмуни, турлари, ўтказилиш тартиби ва расмийлаштирилиши билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

Аудиторлик стандартларининг аҳамияти ва мақсади.

Аудиторлик андозалари аудитнинг сифати ва ишончлилиги меъёрий талабларини аниқловчи асосий умумий талабларни шакллантиради. Бу қоидаларга риоя қилиш аудиторлик текшируви натижаларини қанолатли таъминлайди. Иқтисодий шароити ўзгариши билан молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчи эҳтигжини максимал қондириши учун аудиторлик андозаларини вақти-вақти билан қайта қуриб чиқишга тугри келади.

Аудиторлик андозалари судда аудит сифатининг далили бўлиб хизмат қилади ва аудиторнинг жавобгарлик даражасини аниқлайди.

Андозалар аудит утказишга умумий ёндошишни, аудиторлик текшируви масштабини, аудиторлик хисоботлари турларини, усуллари масалаларини, шунингдек аудит утказиш шароитларидан катъий назар аудиторлар риоя қилиш керак бўлган асосий тамойилларни аниқлайди. Аудитор уз амалиётида андозаларга амал қилмаган хужалик юритувчи субъектларга бунини тушунтириб беришга тайёр бўлиши керак.

Аудиторлик андозаларинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- аудиторлик текширувининг юқори сифатини таъминлайди;
- аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларни жорий қилишга қумаклашади;
- фойдаланувчиларга аудиторлик текшируви жараёнини тушунишга ёрдам беради;
- касбнинг ижтимоий имиджини яратади;
- давлат томонидан назоратни бартараф қилади;
- аудиторга миждоз билан суҳбат олиб боришга ёрдам беради;
- аудиторлик жараёнининг алоҳида элементлари алоқасини таъминлайди.

Трансмил корпорацияларининг ривожланиши, интеграцияси ва аудиторлик фирмаларини йирик халқаро гуруҳларга айланиши билан халқаро масштабда аудитни унификациялаш зарурияти тугилди. Аудит сахосидаги муаммолар бутун дунда бир хилдир, шунинг учун бирон-бир мамлакатнинг аудит ташкилотлари аудит тугрисидаги кейинги муаммони ечишда бошқа ташкилотлар муаммоларни қандай бажарганликларини урганадилар.

Аудитнинг халқаро қоидалари(стандартлари).

Профессионал талабларни ишлаб чиқиш билан халқаро миктсда бир қанча ташкилотлар шугулланади, шулар жумласига 1977 йилда вужудга қелган халқаро бухгалтерлар федерацияси (International Federation of Accountants - IFAC) ҳам қиради. Бу ташкилот доирасида аудиторлик андозалари билан аудиторлик амалиёти бўйича халқаро қомитет (International Auditing Practices Committee - IAPC) шугулланади. Бу қомитет томонидан чиқарилган аудит утказишнинг халқаро андозалари (International Auditing Guidelines - IAG) икки мақсадни қуздайди, яъни профессионализм умумжаҳон даражасидан қаст бўлган мамлакатларда профессионализмни оширишга ёрдам бериш ҳамда халқаро масштабда иложи борица аудитни унификациялаш.

Аудит фаолиятини юритишнинг халқаро андозалари билан бир қаторда миллий андозалар ҳам ишлаб чиқариши ва амалда қулланиши мумкин. Баъзи бир мамлакатларда (масалан Австралия, Бразилия, Индия, Голландия) халқаро стандартлар асосида миллий стандартлар ишлаб қикилмоқда. Миллий стандартларни ишлаб қикмаслик қарор қилинган мамлакатларда эса (масалан Қипр, Малайзия, Нигерия, Фиджи, Шри-Ланка) халқаро стандартлардан миллий стандарт сифатида қулланилади. Канада, Великобритания, Ирландия, США қабиривожланган мамлакатларда

аудитнинг миллий стандартлари булгани учун халкаро стандартлар профессионал штатлар томонидан эътиборга олинади.

IAG 1. Молиявий ҳисоботларни текширишнинг мақсади ва ҳажми.

IAG 2. Аудит утказиш учун розилик хати.

IAG 3. Аудит утказишнинг асосий принциплари.

IAG 4. Режалаштириш.

IAG 5. Бошқа аудиторлар иши натижаларидан фойдаланиш.

IAG 6. Аудит утказиш муносабати билан кулланиладиган бухгалтерия ҳисоби тизимини ва мувофиқ ички назорат воситаларини урганиш ва баҳолаш.

IAG 7. Аудит сифатини назорати.

IAG 8. Аудит маълумотлари.

IAG 9. ҳужжатлаштириш.

IAG 10. Ички аудит иши натижаларидан фойдаланиш.

IAG 11. Глгон ва хато.

IAG 12. Аналитик текширув.

IAG 13. Молиявий ҳисоботлар бўйича аудитор ҳулосаси.

IAG 14. Текширилган молиявий ҳисобот ҳужжатлардаги бошқа ахборот.

IAG 15. Маълумотларни электрон қайта ишлаш шароитида аудит утказиш.

IAG 16. Аудитнинг компьютер усуллари.

IAG 17. Кизиқиши бор томонлар.

IAG 18. Эксперт ишидан фойдаланиш.

IAG 19. Аудитор танлови.

IAG 20. Маълумотларни қайта ишлашда ҳисоб-китоб тизимини куллаш ички назорат воситаларини урганишда ва баҳолашга таъсири.

IAG 21. Аудиторлик ҳулосасига сана қуйиш. Балансга қул қуйилгандан кейинги ходисалар. Молиявий ҳисоботлар нашр қилинганидан кейин аниқланган далиллар.

IAG 22. Раҳбарнинг тушунтиришлари.

IAG 23. Ҳаракатдаги қорхона.

IAG 24. Аудиторнинг махсус ҳисоботлари.

IAG 25. Мавжудлик ва аудиторлик таваккалчилиги.

IAG 26. Аудитда баҳолаш ҳисоб-китоби.

IAG 27. Перспектив молиявий ахборотни урганиш.

IAG 28. Молиявий ҳисоботларни текширишда аудиторнинг бошланғич қолдиқлар учун маъсулияти.

IAG 29. Хусусий ва назорат таваккалчилиги ва уларни мустақил қараёнларга таъсирини баҳолаш.

Аудитнинг ички андозалари шу аудиторлик фирмаларида аудиторлик текшируви умум-ягона ёндошишни таъминлайди. У уз ичига қуйидаги элементларни олади:

1. Қелишув мақсадларини аниқлаш;
2. Бизнес шарҳи;
3. Таваккалчилик эҳтимолини баҳолаш;

4. Аудит стратегиясини ишлаб чиқиш учун ички назорат тизимини баҳолаш;
5. Аудиторлик текшируви стратегиясини аниклаш;
6. Назорат тизими самарадорлигини баҳолаш;
7. Мустакил изланишлар режаси;
8. Мустакил изланишлар;
9. Аудиторлик текшируви якуни;
10. Хулоса бериш.

Аудиторлик фаолиятининг миллий ва халқаро стандартларининг руйхати.

Аудиторлик фаолиятинимеъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи поГонаси-аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини (АФМС) ва бошқа меъёрий ҳужжатларни уз ичига олади. Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари(АФМС)- бу барча аудиторлик ташкилотлари узларининг профессионал фаолиятлари жараёнида риоя қилишлари лозим бўлган ягона асосий тамойиллардир.

Стандартлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Бухгалтерия ҳисоботи ва аудит услубиёти бошқармаси томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланади. Ва аслида вазирлигида руйхатга олинади. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти Миллий стандартлари(АФМС) Аудитнинг халқаро стандартлари АХС (International Standards of Auditing-ISAs) негизида ишлаб чиқилади ва асосан аудиторлик текширувларини утқизиш қоидаларини белгилайди. Бу қоидалар молия- ҳужалик фаолиятининг барча субъектларида бир хил қўлланилади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифатини ва унинг натижалари ишончлилигини кафолатлайди.

Аудиторлик стандартларининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- уларга риоя қилинганда аудиторлик текширувларининг юқори сифатли бўлиши таъминланади;
- аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларни жорий қилишга ёрдам беради;
- муайян вазиятларда аудиторлар қандай иш тутишларини белгилаб беради.

Ҳозиргача аудиторлик фаолиятига доир масалаларни акс эттирувчи қуйидаги миллий стандартлар қабул қилинган:

№	Стандартнинг № ва номи	Ўз.Р.МВ тасдиқлаган сана ва №	Ўз.Р. АВда руйхатга олинган сана ва №	Қўчга қирган санаси
1.	№-АФМС«Аудитни режалаштириш»	14.10.1990 №54	10.11.1999 №837	01.01.2000
2.	№5-АФМС»Аудитор ишининг сифатини	04.08.1999 №62	03.09.1999 №811	01.01.2000

	назора килиш»			
3.	№6-АФМС «Аудитни хужжатлаштириш»	04.08.1999 №61	03.09.1999 №812	01.01.2000
4.	№9-АФМС «Жиддийлик ва аудиторлик rischi»	04.08.1999 №63	03.09.1999 №813	01.01.2000
5.	№10-АФМС «молиявий хисобот таркибидаги бошка ахборотлар»	09.09.1999 №75	23.09.1999 №823	01.01.2000
6.	№11-АФМС «Маълумотларни компьютерда ишлаш(МКИ)»	09.09.1999 №76	23.09.1999 №823	01.01.2000
7.	№13-АФМС «Тахлилий амаллар»	04.08.1999 №64	03.09.1999 №814	01.01.2000
8.	№14-АФМС «Аудиторлик танлаш»	27.07.1999 №59	03.09.1999 №815	01.01.2000
9.	№16-АФМС «Эксперт ишидан фойдаланиш»	27.07.1999 №560	03.09.1999 №816	01.01.2000
10.	№24-АФМС «Молиявий хисоботни бузиб курсатилганлиги аникланганида аудиторлик ташкилотининг иш тутиши»	31.05.2001 №49	30.06. №1045	10.07.2001
11.	№25-АФМС «Аудиторлик текшируви утказилишда норматив ҳукукий хужжатларга риоя этилишини текшириш»	27.01.2003 №14	28.02.2003 №1223	10.03.2003
12.	№31-АФМС «Хужалик юритувчи субъект фаолияти (бизнеси) билан танишиш»	30.05.2001 №48	21.06.2001 №1043	01.07.201
13.	№50-АФМС «Аудиторлик далиллар»	03.04.2002 №48	18.04.2002 №1128	29.04.2002
14.	№55-АФМС «Узаро боглик шахслар уртасидаги битимлар буйича аудиторлик далилларини олиш боскичлари»	27.01.2003 №15	3.03.2003 №1224	10.03.2003
15.	№56-АФМС «Молиявий	9.04.2003	23.04.2003	23.04.2003

.	хисобот тузилганидан кейинги ходисалар»	№54	№12	
16	№60-АФМС «Бошка аудитор иши натижаларидан фойдаланиш»	27.01.2003 №16	20.02.2003 №1221	2.03.2003
17	№70-АФМС «Аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот хақидаги аудиторлик хулосаси»	14.02.2001 №20	10.03.2001 №1016	20.03.2001
18	№80-АФМС «Махсус масалани текшириш натижалари бўйича аудиторлик хисоботи»	27.01.2003 №13	19.02.2003 №1220	1.03.2003
19	№90-АФМС «Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари»	14.02.2001 №19	10.03.2001 №1017	21.03.2001

17.8.Аудитнинг мақсади аудитор мезонларининг асосий тамойиллари.

Профессионал аудиторларнинг мажбурий сифатларидан бири бу жамият олдидagi маъсулиятини тан олишдир. Шунинг учун аудиторлар аудиторлик хизматни курсатишда мижоз билан узаро муносабатларини аниқловчи этик ва профессионал меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларга қатъий риоя қилишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Аудитнинг мустақиллиги, ҳалоллиги ва объективлиги.

Аудиторларнинг мустақиллиги аудитор томонидан текшираётган корхона бўйича ҳеч қандай молиявий ёки мулкый қизиқиши бўлмаслиги; аудитор ўзи эгаларидан бири бўлган корхонани ёки раҳбарларидан бири билан қариндошлик алоқаси бўлганда корхонани текшира олмайди. Аудитор ўз хулосасини мустақиллиги ва объективлигига ҳеч қандай иккиланиш тугилишига йўл қўймаслиги керак.

Ахборотнинг махфийлиги (конфиденциаллиги).

Аудитор ўз текшируви ёки бошқа аудиторлик хизматини курсатиш жараёнида туплаган ахборотларидан мижозни ёзма розилигисиз ёки суднинг қарорисиз фойдаланилмаслиги ёки ўчинчи шахсларга бериш мумкин эмас. Мижоз тугрисидаги ахборотни ошқор қилиш ёки тарқатиш унга ҳеч қандай моддий ёки бошқа зарар етказмаса ҳам махфийлик принципига риоя қилиш керак.

Аудиторнинг профессионаллиги ва инсофлиги.

Аудитор зарур профессионал малакасига эга булиши керак, меъёрий хужжатлар талабларига жавоб бериши керак. Текширувга бошка аудиторларнинг ёки ёрдамчи ходим жалб килганда, аудитор уларнинг профессионал тайёргарлигига ишонч хосил килиш керак, хамда уларнинг иши сифатини назоарт килиш керак. Аудитор узини малакаси етарли деб, хисобламаган сахоларда мижозга хизмат курсатмаслиги керак.

Мижоз билан ишлаганда аудитор узини билимини ва тажрибасини тулик ишлатиши керак, хамда бухгалтерия хисоби ва соликка тортиш сахосидаги охирги узгаришлар ва янгиликларни билиши керак.

Аудиторларнинг маъсулияти.

Молиявий хисоботлар буйича ва аудиторлик хулосаси буйича маъсулиятни ажратиш зарур. Аудитор текшираётган корхонанинг молиявий хисоботлари тугрисидаги уз хулосаси учун маъсулиятга эга. хисоботларнинг мазмуни учун эса, текшираётган корхонанинг рахбарлари маъсулиятга эга.

Аудиторларнинг этикаси.

Аудитор профессионал мажбуриятларини бажараётганда куйидаги коида ва талабларга риоя килиши керак:

- умумий ахлок органлари;
- аудиторлик андозалари талаблари;
- конун томонидан белгиланган талаблар;
- фирманинг ички аудиторлик андозалари талаблари.

Аудит фанини урганишнинг узига хос усуллари мавжуд. Фаннинг предметини урганишда аудит усуллари ва аудиторлик мезонларини билиш мухимдир. Бунда аудитнинг максади хамда аудитор мезонларининг асосий тамойилларини билиш лозим.

Жумладан, - мажбуриятларнинг умумийлиги (аудитор ва мижоз учун);

- молиявий хисоботларнинг умумийлиги;
- жараёнларнинг бир-бири билан келишуви;
- молиявий хисоботларни йигиш ва улар юзасидан мажбуриятлар олиш;
- аудитнинг технологиясини билиш яъни аудиторлик дастури;
- аудиторлик танлови;
- ишнинг сифати;
- хакикий текшириш усуллари;
- исботлаш, хужжат асосида текшириш;
- кузатиш, суровнома, мутахасислар текширувидан фойдаланиш усуллари.

Текширув хатоларни урганиш ва аудиторлик хулосасини ёзиш билан тугалланади. Аудиторлик фирмаларини ташкил этиш ихтигрий булиб, тегишли хукук идораларидан узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг бошкармалари томонидан лицензия олиш билан уз фаолиятини бошкаради ва юридик шахс хисобланади.

17.9.Аудит утказишнинг боскичлари.

Аудит утказишнинг асосий боскичлари куйидагилардан иборат:

1.Аудит хажмини аниклаш.

Аудит хажми ҳаракатдаги қонунчилик, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий тизим ҳужжатлари ҳамда миқдор билан қелишилган шартлар асосида аникланади. Аудитор текширув объекти ва молиявий ҳужалик фаолияти бўйича ҳар томонлама етарли тасаввурга эга бўлиши керак. Жумладан, қорхонада бухгалтерия ҳисобини ва ички назоратни қандай ташкил этилганлиги туғрисида маълумотга эга бўлмоғи лозим.

Аудиторлик процедуралари бўйича аудитнинг ҳажми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иққиланишга сабаб бўлаётган алоҳида ҳужалик жараёнларининг мавжудлигини ва ҳужжатлаштирилганлигининг туғрилигини текшириш
- пул маблағларини, алоҳида турдаги товар моддий қийматликларини йўқламадан ўтқизиш имконининг мавжудлиги;
- баланс ва молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида қорхона молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;
- аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларининг туғри қелишини ҳамда қорхона даромад ва ҳаражатларини ҳисобот даврида туғри қурсатилганлигини текшириш;
- қабул қилинган ҳисоб қилганининг иқтисодий самаралилигини баҳолаш.

2.Аудит ишларини режалаштириш.

Текширилаётган қорхонада аудит ўтқизишни режалаштиришни дастлабки таҳлил, амалга ошириладиган ишнинг масштабини баҳолаш ва қулланилаётган ички назорат асосида олиб бориш керак. Текширув жараёнида қулланиладиган процедурани аниклаш зарур, яъни текширувга бошқа аудиторлар, экспертларни ва қўшимча ходимлар жалб этишни ҳамда миқдорнинг қилилигини олиб, улар фаолиятини режалаштириш. Шунинг ҳақида тутиш керакки бошқа мутахассислар ишидан қўйдаланиш аудитордан аудиторлик ҳулосаси ўчун жавобқарордан озод қилмайди.

3.Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш.

Аудитор текшираётган қорхонада қулланилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимига баҳо бериши керак. Бу молиявий ҳисоботлар аниклигига таъсир этувчи ҳатолар вужудга қелиш эҳтимолини аниклаш ўчун лозим. Баҳолаш асосида аудиторлик процедурасининг мазмунини, масштаби ва қони аникланади.

4.Аудиторлик далилларини туплаш (аудит маълумотлари).

Аудитор ўз текшируви жараёнида далиллар туплайди. Бу далиллар молиявий ҳисоботлар амалдаги қонунчилик ва бухгалтерия ҳисоби меъёрий ҳужжатларига амал қилинган ҳолда тайёрланлигини исботлаши керак.

5.Аудиторлик ҳужжатларини расмийлаштириш.

Мухим аудиторлик далиллари ҳужжатлаштирилган бўлиши керак. Зарурият туғилганда аудиторлик процедураси ўчун иш ҳужжатлари (қайдномалар, схемалар ва бошқалар) тузилган бўлиши керак. Аудиторлик ҳужжатлари аудиторнинг қулқидир, аммо улардаги ахборот қонфиденциал

булиб, уни мижознинг розилигисиз фойдаланиш ва овозга куйиш мумкин эмас.

6.Аудиторлик хулосаси ва аудиторлик хисоботи.

Аудитор текширув натижаларини аудиторлик хисоботида ва хулосасида акс эттиради. Молиявий хисоботларни тугрилигини белгилашда уларни ҳаракатдаги конунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мос келишига эътиборни қаратиш зарур. Чегараланган хулоса, салбий хулоса ва хулоса беришдан бош тортиш аудитор томонидан асосланган бўлиши керак.

Тахлилий жараён аудитнинг муҳим бир услубиятларидан бўлиб, у куйидаги тартибда иш олиб боришни тақозо қилади ва улар куйидагича:

- мақсадни белгилаш;
- текстни режалаштириш;
- текстни утказиш;
- натижани таҳлил этиш ва хулоса.

17.10.Аудиторлик шартномаси ва унинг тузилиш тартиби

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқрий муносабатлар маълум меъёрий ҳужжатлар билан муво-фиклаштирилиб борилади ва бошқарилади. Ана шундай ҳужжатлардан бири томонлар ўртасида тузилган шартномадир. Аудит мижоз билан тузилган шартнома асосида ўтказилади.

Аудиторлик шартномаси - бу аудит ўтказишга асос бўладиган, аудиторлик ташкилотлари ва буюртмачилари ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ҳуқуқдарини, мажбу-риятларини ва масъулиятларини ифода этувчи ҳамда муво-фиклаштирувчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Аудиторлик текширувининг самараси кўп ҳолларда икки томонлама тузилган шаргаомага боғлиқ бўлади. Аудиторлик шартномаси қанчалик тўғри ва асосли тузилган бўлса, унинг самараси шунчалик юқори бўлади. Аудиторлик шаргаомаларини тузишга, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар кодекси ва бошқа ҳу^{^^}ш нормалар асос бўлиб хизмат қрлади. Аудиторлик шаргаомаси аудиторлик ташкилотла-рининг (фирмаларининг) қрнун талабларидан келиб чшфдиган вазифа-ларини бажаришга қаратилган бўлиб куйидаги турларга бўлиниши мум-кин: доимий амал қрлувчи аудиторлик шаршомаси, бир марталик фой-даланишга мўлжалланган аудиторлик шаргаомаси.

Доимий амал қдлинадиган аудиторлик шартномалари мижоз-лар билан узоқ муддатга тузилган бўлиб, аудиторлик ташкилот-лари (аудиторлар) уларга доимий равишда ўз хизматларини кўрсатиб борадилар. Бир марталик фойдаланишга мўлжалланган аудиторлик шартномалари эса маълум ҳўжалик жараёнларини аудитдан ўтказишга мўлжалланган бўлади. Ўзбекистонда бугунги кунда аудиторлик шартномасининг иккинчи тури кенг қўлланилиб келинмоқда. Аксарият аудиторлик ташкилотлари турли фаолиятлар билан шуғулланаётган корхоналарнинг маълум жараёнларини текшириш билан чегараланмоқдалар, холос. Аудиторлик шартномасининг тури ва амал қдлиниш муддати ауди[^]-нинг мақсади хдмда вазифаларига

бевосита боғлиқдир. Фикри-мизча турли мулкдаги корхоналар билан аудиторлик ташкилот-лари ўртасида узоқ муддатларга мўлжалланган аудиторлик шарт-номалари тузилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ҳам ми-жозлар, ҳам аудиторлик ташкилотлари манфаатдор бўладилар. Бу турдаги шартномалар туфайли томонлар бир-бирларини яхши ўрганадилар, аудит ўтказишга кетадиган *вакт*, нисбатан қисқаради. Энг муҳими ҳам аудиторлик ташкилоти (аудиторлар), ҳдм хўжалик юритувчи субъект бир-бирларининг обрў-эътиборини (имиджини) кўтаришга ҳдракат водпадилар.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, махсус адабиётларда ва аудит амалиётида аудиторлик шартномаларининг яна қуйидаги турлари мавжуд [49, 88 б.]:

- Аудит ўтказиш учун тузилган шартномалар;
- аудитор соҳасида абонимент хизмати кўрсатишга мўлжалланган шартномалар;
- маслаҳат-ахборот хизматида мўлжалланган аудиторлик шартномалари.

Аудит ўтказишга мўлжалланган шартномаларга асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум фаолиятлари аудит-торлик текширувидан ўтказилади. Бундай текширувнинг объект-лари корхонанинг молиявий ҳисоботи ва молиявий қолати кўрсаткичлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар, пул-валюта операциялари, инвестициялар, банк операциялари, бюджет билан ҳисоб-китоблар ва бошқа жараёнларнинг аудити бўлиши мумкин. Абонимент хизматини кўрсатишга мўлжалланган аудиторлик шартномаларига асосан ми-жозларга вақт-вақти билан (ойда, чорақда) маълум операциялар бўйича аудиторлик хизматлари кўрсатилади. Бундай хизматлар корхонанинг ҳисоб сиёсатини белгилаш, жорий ҳисобни юритиш, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тузиш, солиқдарни тўғри ҳисоблаш каби операциялар бўлиши мумкин. Маслаҳат-ахборот хизматини кўрсатишга мўлжалланган аудиторлик шарт-номалари одатда бир марталик фойдаланишга мўлжалланган бўлиб ив^исодиётнинг турли соқалари бўйича хўжалик юритувчи субъектларга аудиторлик хизмати кўрсатилади.

Аудиторлик шартномасини тузиш маълум кетма-кетликда амалга оширилади. Даставвал режалаштирилаётган ми-жознинг фаолияти обдан ўрганилади, аудитнинг мақсади, вазифалари ва объектлари белгиланади. Шуни эътироф этиш керакки, аудиторлик шартномалари бошқа тубдаги хўжалик ва фуқаролик шартномаларидан тубдан фарқ қилади ҳдмда маълум хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

Аудиторлик шартномасининг мазмун-моҳияти ва амалга оширилиши аудит ўтказишга ваколати бўлган юқори малакали мутахассислар, яъни аудиторларнинг ижодий фаолияти билан боғлиқ, Мазкур шартномадаги аудиторларнинг вазифалари кор-хоналарда штатлар бўйича белгиланган мутахассисларнинг вазифаларидан тубдан фарқ ққпади. Корхоналардаги

бўлим бошлиқлари, масъул шахсларнинг асосий вазифалари иш берувчи томонидан белгиланган ва корхона ички интизомига мўлжалланган қоидаларни сўзсиз бажаришга қаратилган бўлса, аудиторлар эса шартнома шартларини бажаришда масалаларга индивидуал ён-дошадилар, аудит усуллари мустақил белгилайдилар. Аудит объектлари эса бир-биридан тубдан фарқиладиган, корхонанинг турли соҳаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан иборат бўлади. Ушбу хусусиятлар аудиторлик шартномасининг мазмунига таъсир кўрсатади. Аудиторлик шартномасининг энг муҳим фарвда ва хусусияти шундан иборатки аудит ўтказиш жараёни ва унинг натижалари олдиндан кўриб бўлмайдиган хрдисалар, хавф-хатарлардан (рисклардан) иборат бўлиб аудитордан чуқур би-лимни ва шижоатни талаб қилади. Шу боис аудиторлар маълум шароитларда таваккалчилик билан иш кўришни ўзларига маъқул деб биладилар.

Аудиторлик шартномаси ва аудиторлик фаолиятининг яна бир муҳрм хурусияги унинг натижасидадир. Аудиторлик текшируви нати-жаси, албатга, биринчи навбатда мижознинг манфаатига кдратапган бўлиши керак. Лекин, аудит ўтказиш даврвдага ўзгаршплар бу натижани «йўкка» чикариши мумкин. Аудаг ўпсазиш пайгвда ва хулосаларни тайёрлаш давомида амалдаги айрим қонун-қоидалар ўзгариши, янга меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин. Ушбу ҳрллар х#м, сўзсиз аудиторлик шартномасини тузишга, ундан кутилаётган натижа-ларни режалашгиришга ўз таъшрини кўрсатади. Аудиторлик фаолиятининг яна бир муҳдм томони шундаки, аудит ўтказиш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар ва унинг натижалари ҳужалик юритувчи субъект, яъни мижознинг мулки ҳрсобланади [48, 12 б.]. Аудиторлик шартно масини тузишда юқоридага хусусиятлар эътиборга олиниши керак.

Аудиторлик шартномаси қонун талаблари асосида аудиторлик ташкилога ва мижоз (ҳўжалик юритувчи субъект) билан биргаликда тузилади. Аудиторлик шаргаомасида куйидагилар ўз аксини топади:

- шартноманинг мазмуни ва тури;
- шартноманинг предмети ва объектлари;
- аудит хатари;
- томонларнинг мажбуриятлари;
- томонларнинг масъулиятлари;
- келиб чикддиган низоларни кўриб чиқрш тартиби;
- кўшимча шартлар;
- аудиторлик хизматининг қ^ймати;
- шартноманинг амал ққйиш муддатлари;
- томонларнинг манзили ва реквизитлари.

17.11. Корхоналарнинг фаолиятлари назорати .

Назорат - бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш, мавжуд ички имкониятларини топиш, камчилик-ларини аниқлаш, фаолиятни яхшилашга қаратилган тавсия-лар ишлаб чиқишдан иборат.

Назорат бошқарув функцияси сифатида ўзининг мақсади ва вазифаларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- давлат назорати; иқтисодий назорат;
- молиявий назорат;
- банк назорати;
- маъмурий назорат;
- ички назорат;
- ташқи назорат;
- дастлабки назорат;
- жорий назорат;
- мавсумий (тасдиқловчи) назорат;
- аудиторлик назорати;
- бошқа назорат турлари.

Назорат - бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқариш мақсадида кузатиш ва текширишдир.

Назорат - бошқарувнинг функцияси, қарор қабул қилишнинг асоси ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат назорати давлат бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Бундай назоратнинг асосий масъулия-ти Республика прокуратураси зиммасига юклатилган бўлиб улар барча мулкдаги корхоналар, мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилинишини назорат қилиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида «Ўзбекистон Республикасида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади» деб эътироф этилган.

Республикаимизда иқтисодий назорат молия органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат Божхона қўмитаси молиявий назоратни амалга оширувчи асосий тузилмалардан ҳисобланади. Мазкур назорат органлари орқали хўжалик юритувчи барча субъектлар томонидан бож ва солиқ сиёсатига амал қилиниши назорат қилинади. Банклар орқали пул-молия ресурсларининг мақсадли фойдаланилиши ва самарадорлиги текширилади. Ички назорат шу корхонанинг ходимлари, моддий жавобгар шахслар томонидан амалга оширилади.

Ташқи назорат мулкдорлар, таъсисчилар, инвесторлар, акция эгалари ва бошқа назорат органлари томонидан амалга оширилади. Ташқи назоратнинг муҳим шакли - молиявий назорат ҳисобланади. Бозор иқтисодиётининг чуқурлашиб бориши туфайли назорат турлари ва шакллари ҳам такомиллашиб бормокда.

Молиявий назоратнинг хусусиятлари

Бозор иқтисодиёта тамайиллари орқали ривожланаётган Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари маълум моддий, молиявий ва меҳрат ресурслардан фойдаланиш билан белгиланади. Корхоналар, аҳоли ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар молия тизими орқали мувофиқлаштирилади. Мамлакатда вужудга келтирилган ялпи ички маҳсулот умумлаштирилади, тақсимланади ва қайта тақсимланади. Ушбу жараён доимий равишда назорат қилиниб борилиши керак. Бундай назорат турларидан бири — молиявий назоратдир.

Молиявий назорат - бу хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд молиявий ресурсларнинг давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларга мос равишда ташкил этилиши, фойдаланилиши ва қўпайтилишининг текширишдир.

Молиявий назорат давлат назорат тизими таркибига кириб қуйидагича амалга оширилади:

- ички молиявий назорат;
- ташқи молиявий назорат.

Молиявий назоратнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат: давлат маблағларининг тўғри ташкил бўлиши ва ишлатилиши, ижро этилуви хўжалиқ органларининг фаолиятлари, молия, бюджет, солиқ ва валюта сиёсатини амалга оширувчи ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳдумаси мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишига қаратилган қарорлар қабул қилади, Президент Фармонлари ва фармойишларининг ижросини таъминлайди, уларнинг бажарилишини назорат қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги асосий иқтисодий-молиявий тизим сифатида мамлакатда молия-пул сиёсатини олиб боради ва уни бошқаради. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг шаклланиши ва тўғри ишлатилишини назорат қилади, бюджет ташкилотларининг харажат-сметаларини тасдиқлайди, уларнинг тўғри бажарилишини текширади. Молия вазирлиги ўз ваколатлари доираида молия тизимига қарувчи барча ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолиятларини назорат қилади, турли мулкдаги корхоналар, фирмалар, муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича услубий раҳбарлик қилади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган корхоналар, бирлашмалар фаолиятини комплекс тафтиш қилади, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий ресурсларни доимий равишда назорат қилиб боради. Барча банк муассасалари кредит ресурсларидан қабул қилинган қонун талаблари асосида фойдаланиш, миқдорлар билан олиб борилаётган ҳисоб-китоб интизомининг тўғри юритилиши, мамлакат валютасининг тўлов қудратини оширишга қаратилган пул-валюта сиёсатини юритиш, ташқи иқтисодий фаолият бўйича олиб

бориладиган қисоб-китобларни давлат манфаатлари ва халқаро мезонлар асосида амалга ошириш, банкларнинг молиявий ресурсларин кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган ягона иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқади.

Шундай қилиб молиявий назорат давлат назоратининг муҳим таркибий қисми бўлиб давлат бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Молиявий назорат кўйилган мақсади ва вазифалари-га қараб қуйидаги шаклларга бўлинади:

- дастлабки молиявий назорат;
- жорий молиявий назорат;
- даврий молиявий назорат.

Дастлабки молиявий назорат молиявий ресурслар билан боғлиқ хўжалик операцияларнинг содир этилишига асос бўлган ҳужжатларни текшириш орқали амалга оширилади. Мисол учун, мақаллий бюджет харажат - сметаларини тузиш билан боғлиқ

бўлган ҳужжатларни текшириш ёки бюджет ташкилотларининг келгуси давр (йил) учун штат жадвалилари тўғрисидаги маълумотларини текшириш. Дастлабки молиявий назоратнинг хусусия-ти шундан иборатки, ушбу назорат натижасида асоссиз сарф қилинадиган харажатларнинг олди олинади. Бундай назорат юқори молия бошқарув органларига тақдим этилган ҳужжатлар ва тасдиқланган меъёрономаларга асосан амалга оширилади.

Жорий молиявий назорат орқали молия органлари томонидан тасдиқланган харажатлар сметасининг 1^й даражада амал қилинаётганлиги текширилади. Мисол учун, бюджет ташкилот-ларининг ажратилган молиявий ресурсларнинг маъмурий-бошқарув мақсадларда тўғри ишлатилишини текшириш. Ушбу назорат орқали содир этилаётган ноқонуний операцияларнинг олди олинади. Бундай текширувни молия органларининг назорат инспекциялари ходимлари жойларга келиб ўтказди. Даврий молиявий назорат хўжалик юригувчи субъектлар фаолиятида барча операциялар содир эгаланидан сўнг ўтазилади. Бундай назорат кўпинча ҳисобот даври (чорақ йил) тугагандан сўнг юқори назорат орган-лари томонидан комплекс тафга ш ўтказиш йўли биан амалга оширилади. Даврий молиявий назорат орқали ташкилот ёки муассасанинг фаолият нагажалари ўрганилади, йўл қуйилган камчиликлар аниқланади, уларни бартараф қилишга йўналдирилган

17.12.Аудиторлар, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятлари

Аудит орқали корхоналар ва фирмаларнинг фаолиятлари текширилиб уларнинг натижасига малакавий баҳр берилади. Бундай вазифа аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларга маълум талаблар ва масъулиятлар юклайди. Аудитни аудитор ўтказди. Ўзбекистон

Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 3-моддасида аудиторга қуйидагича таъриф берилган: «Аудитор — аудитор малака сер-тификатига эга бўлган жисмоний шахсдир.

Агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фукаролик-хуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин» [4]. Аудитор махсус касб эгаси, малакали мутахассис ҳисобланади. У ўзининг фаолият йўналиши ва бажарадиган вазифасига кўра бухгалтерия ходими, тафтишчи ва солиқ инспекторидан фарқ ққпади. Аудитор махсус фанлардан чуқур билимга, маълум иш тажрибасига эга бўлган, дунёқараши кенг мутахассисдир. У олий ёки ўрта махсус билимга эга бўлиши керак. Аудағгор доимий равишда ўз устида ишлаши, касбий махрратини ошириб бориши лозим.

Аудитор - муайян ваколатга эга бўлган, олий ёки махсус маълумотли, тажрибали мутахассисдир.

Аудитор текшириш натижалари бўйича якуний хужжатлар тузади ва уларга имзо қўяди. Аудиторлик ташкилотларида ауди-торнинг ёрдамчилари хдм фаолият юритишлари мумкин. Аудиторнинг ёрдамчиси аудиторлик фаолиятини юриташга хуқуқ (сертификати) бор бўлган аудитор рақбарлигида ва топшириғига асосан иш олиб боради. Улар аудиторлик текширув хужжатларига имзо қўйиш хуқуқига эга эмаслар. Аудиторлик ёрдамчилари билан қонун хужжатларида кўзда тутилган талаблар асосида меҳрат шартномаси тузилади ва ишлаган даври малака сертификатини олиш учун зарур бўлган иш стажига киради.

Аудиторнинг вазифалари, хуқуқлари маъсулияти ва жавобгарлиги қонун хужжатларида белгиланган. Аудиторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат :

- шартномагаасосан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини юқори малакавий даражада текшириш;
- текшираётган корхона (хўжалик) рақбарига бухгалтерия ҳисобиний юритишда, молия-солиқ сиёсатига амал килишда аниқланган камчиликлар ҳақида маълумот бериш;
- текшириш пайтида аниқданган ва ошкор ққпиши мижозга зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни (суд талабидан ташқари) сир саклаш;
- текшириш тугалланиб, хулоса чиқдрилгунча сабабсиз ўз фаолиятини тўхтатмаслик;
- текшириш жараёнида ўз хатги-хдракатларида ҳолислик бўлмаса аудиторлик фаолиятини тўхтатиш;
- аудит натижаларини белгиланган муддатларда умумлаштириш ва юқори савияда расмийлаштириш.

Аудитор ўз ваколати доирасида қуйидаги хуқуқдарга эга:

- текшириш шакли ва усуллари мустакил равишда белгилаш;

- хўжалик юршувчи субъектнинг фаолиятига оид ҳужжатлардан кенг фойдаланиш;

- маъсул шахслар ва бошқд моддий жавобгар шахслардан тушунтиришлар олиш;

- ўз ҳуқуқини ҳимоялаш.

Аудиторлик ташкилотларининг (фирмаларининг) аудиторлари бир-бирлари билан ҳамда текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ходимлари билан ўзаро ҳурмат ва ҳайрихоҳликда бўлишлари керак. Аудиторлар билан текширилаётган корхона ёки фирмаларнинг ходимлари умумий мақсад ва қўйилган вази-фалар бўйича иккиёқдамали жавобгар ҳисобланадилар.

Аудиторнинг аудиторлик фаолияти қуйидаги ҳрлларда тақиқданади [4]:

- аудитор текширилаётган корхона раҳбари билан кариндошчилик муносабатвда бўлганда;

- аудиторнинг текширилаётган корхонадан моддий манфаатдорлиги бўлганда;

- аудитор таъсисчи ёки мулк эгаси бўлганда;

- аудитор текширилаётган корхонада (муассасада) ишлаётган бўлса;

- аудит жараёнида кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар иштирок этса.

17.13. Корхоналар молия ҳужалик фаолиятининг аудитини утказиш услубиёти

Аудиторлик текширувини утказишнинг асосий усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳақиқий текшириш;
- текшириш якунларини ҳужжатлар билан тасдиқлаш;
- кузатиш, суров;
- механик жихатдан аниқланган текшириш;
- махсус текшириш;
- юзлаштирилиб текшириш.

Аудиторлик текширувини утказишда ташкилий жихатдан ҳам усуллар булиши мумкин, булар қуйидагилар:

- аралаш текшириш;
- танлаб текшириш;
- аналитик текшириш;
- комбинацион текшириш.

Аудитор корхонани текширувдан утказганда унинг фаолиятини баҳолайди. Баҳолашда қуйидаги саволларга жавоб бериши зарур.

- корхонанинг молиявий аҳволи қай ҳолатдалиги;
- банкротлик ҳолатини аниқлаш;
- банкротлик ҳолати юз берса, ундан чиқиш имконияти мавжудлиги;
- маслаҳатларни аудиторлик ҳулосасида қандай акс эттириш мумкинлигига эътибор қаратилади.

Аудитор фаолияти турт фазани уз ичига олади:

- аудиторнинг ёндошув йуналиши;
- хужалик жараёнларини назорат қилишни текшириш;
- баланс моддаларини текшириш;

-аудитнинг тугалланиши ва хулоса ёзиш.

17.14.Аудитнинг якунланиши ва аудитторлик хулосаси .

Аудиторлик хулосаси корхона молиявий ҳисоботларининг ҳақиқийлиги ва объективлиги ҳақидаги мустақил гувоҳнома.

Аудитор аудитторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва аудитторлик хулосасини тузади. Аудиторлик ҳисоботи уч қисмдан иборат:

-қилиш,

-аналитик

-якуний.

Қилиш қисми - уз ичига аудитторлик фирмасининг барча реквизитларини олади.

Аналитик қисмда текширилган молиявий ахборотни ва аудитни ифодалайди.

Аудиторлик хулосасининг қуйидаги турлари мавжуд:

1) Ижобий аудитторлик хулосаси корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ақс этирган ҳолда берилади. Ижобий аудитторлик хулосасини аудитор қуйидаги ҳолларда беради:

- молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисобининг аниқ ва объектив маълумотлари асосида виждонан тайёрланганда;
- бухгалтерия ҳисоби белгиланган тамойиллар ва талабларга мос келганда, ҳамда корхонанинг ҳисоб сифати тугри танланганда;
- солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар уз вақтида ва тулик туланганда;
- ички назорат хужалик операцияларининг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаганда.

2) Шартли ижобий аудитторлик хулосаси молиявий муносабатларнинг ҳақиқати шартли тасдиқлаганда берилади. Аудитор баъзи бир масалада норози бўлганда берилади. Унинг норозилигига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- корхона раҳбари билан хужалик фаолиятини баъзи далиллари ва молиявий ҳисоботнинг қуратқичлари билан фикрининг ажралиши;
- ҳисоб сифатидаги баҳолаш усуллари бўйича, эскириш микдорининг тугри ҳисобланганлиги бўйича;
- ҳисоб варақаларининг узаро боғлиқлиги хужалик амалиётларини иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунга мос келмаганда;
- қонунчилик ҳужжатларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тушунишнинг ва қуллашнинг турличалиги;
- молиявий ахборотнинг ҳақиқийлигига таъсир қилувчи корхонанинг ноадвақат ҳисоб сифати.

3) Салбий аудитторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг ҳақиқийлиги бўйича аудитнинг ишончи йук бўлган ҳолларда берилади. Бундан ташқари

аудитор хулосасида аудитор молиявий таваккалчилигини ҳаракатдаги конунчилик ва бухгалтерия ҳисоби меъёрий ҳужжатларига мос келмаслик сабабларини курсатилиши керак.

4) Аудиторлик хулосасини беришдан бош тортиш - текширув ҳажми чекланишлари шунчалик моддийки, аудиторга молиявий ҳисобларнинг ҳолати буйича хулоса беришга асос бўлмайди.

Баланс тузилган вақтдан кейинги воқеалар тавсифи.

Аудиторлик ҳисоботи берилган муддати курсатилган бўлиши керак. Аудиторлик ҳисоботига қул қуйилгандан кейин ҳисобот берилган вақтгача бўлган ҳамма воқеаларга асосланган далилларни урганиш ва текшириш курсатилади. Аудитор ўз ҳисоботининг муддати миқдорнинг молиявий ҳисоботларида курсатилган вақтдан илгари бўлиши мумкин эмас.

. Аудиторлик процедуралари қуйидагилардан иборат бўлади:

- баланс тузилгандан кейин ҳисоб регистрларини текшириш;
- янги очилган далилларни қорхона раҳбари билан муҳокама қилиш;
- қорхона раҳбарларидан, бош бухгалтердан баланс тузилган вақтдан кейинги далиллар буйича ёзма тушунтириш хатлари олиш.

Бунда аудитор қуйидагилар буйича маъсулиятли:

- баланс тузилгандан кейинги давр давомида юз берган воқеаларни молиявий ҳисоботда тўғри ақс эттирилишини текшириш буйича;
- баланс тузилгандан кейинги воқеаларни назорати буйича;
- аудиторлик хулосасининг ўзига сабаб бўладиган ахборот олинганда аниқ қораларни қуриш.

Назорат саволлари

1. Аудитнинг пайдо бўлиши ва аудиторлик хизматини ташкил этиш зарурияти.
2. Аудит фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
3. Аудит фанининг объектлари
4. Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади
5. Аудит турлари ва шакллари
6. Аудит ва тафтишнинг фарқлари.
7. Аудит стандартлари.
8. Аудитнинг мақсади аудитор мезонларининг асосий тамойиллари.
9. Аудит ўтказишнинг қадай босқичлари мавжуд?
10. Аудиторлик шартномаси ва унинг тузилиш тартиби
11. Қорхоналарнинг фаолиятлари назорати
12. Аудиторлар, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятлари
13. Қорхоналар молия ҳужалик фаолиятининг аудитини ўтказиш услубиёти
14. Аудитнинг яқунланиши ва аудититорлик хулосаси

18- Мавзу: Пул маблағлари ва ҳисоб китоб муомалалари аудити.204

Режа:

18.1. Пул-валюта маблағлари аудитининг вазифалари ва хусусиятлари

- 18.2. Кассадаги пул маблағларининг аудити**
- 18.3. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг аудити**
- 18.4. Валюта операцияларининг аудити**
- 18.5. Ҳисоб-китоблар ва кредит операциялари аудити.**
- 18.6.Товар операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити**
- 18.7.. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг аудити**
- 18.8. Бошқа ҳисоб-китоб операцияларининг аудити**
- 18.9. Кредит операцияларининг аудити**

Адабиётлар:1,4,5,22,24,25,41,46,49.

Таянч иборалар:

«Пластик каргоч-калари», валюта маблағлари, валюта операциялари, валюта курси ҳисобдор шахслар,. даъволар бўйича ҳисоб-китоблар мулкӣ ва ижтимоӣ суғурталар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити. Бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг аудити. кредитлардан мақсадли фойдаланишни текшириш., кредит фойзаларининг аудити.

Пул давлат монополияси бўлиб иқтисодий барқдорликни таъминлашда муқим роль ўйнайди. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида миллий пулимизнинг кудратини ошириш, тўлов қобилиятини кўтариш бўйича муқим тадбирлар амалга оширилмоқца.

Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот қажми сези-ларли даражада ошиб бормоқца, давлат бюджетининг даромад қисми ҳам ошмоқца. Мамлакатда макроиқтисодий барқдорликка эришилмоқца, пул-валюта ва тўлов интизоми мустах^камланиб бормоқца. Шулар билан биргаликда пул-валюта ресурсларидан самарали фойдаланишда, тўлов интизомини бозор талабларига мослаштиришда маълум камчиликлар, бу соқада тўлиқ фойдаланилмаган ички имкониятлар бор. Шулар жумласига пул маб-лағлари, валюта операцияларини узлуксиз тартибда ҳисобга олиб бориш, уларнинг назоратини доимий равишда такомиллаштириш киради. Пул-валюта маблағлари аудитнинг муқим предмети ва объектлари ҳисобланади.

Пул маблағлари ва валюта операцияларининг аудити вазифа-ларига қуйидагилар киради:

- пул маблағлари, пулли хужжатлар, валюта операцияларининг ҳисоб маълумотларига мувофиқдигини текшириш;
- касса ҳўжалиги, ўзаро қисоб-китобларнинг қабул қдлинган қоида ва тартибларга мослигини текшириш;
- пул-валюта маблағларининг мақсадли сарфланиши ва унинг қонунийлигини текшириш;
- пул-валюта маблағларининг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишини текшириш;

- пул-валюта маблағлари тўғрисидаги ҳисобнинг жорий ҳисоб маълумотларига мослигини текширишдан иборат.

Пул маблағлари ва валюта операцияларининг аудити маълум хусусиятларга эга. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фаолият юритувчи субъектларнинг пул маблағлари турли манбалардан ташкил топади (ўз маблағлари манбалари, инвесторларнинг, таъсисчиларнинг маблағлари, банк кредитлари ва бошқа манбалар);

- корхоналарнинг пул маблағлари турли йўналишлар бўйича сарф қилинади;

- пул маблағларининг сарфи нақд пул ва нақд пулсиз амалга оширилади;

- корхоналарда пул маблағлари Ўзбекистон валютасида ва хорижий валюталарда юритилади;

- пул маблағлари нақд пуллар, пул ҳужжатлари (пул эквивалентлари) орқали муомалада бўлади;

- пул маблағлари бухгалтерия ҳисобининг турли счётларида юритилади (5010 - «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020 - «Хорижий валютадаги пул маблағлари», 5110 - «Ҳисоб-китоб» счёти, 5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 - «Хориждаги валюта счётлари», 5500 - «Банкдаги махсус счётлар ҳисоби счётлари», 5610 - «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)», 5620 - «Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)», 4420 - «Хизмат сафари учун берилган бўнақлар» ва бошқа счётларда олиб борилади);

- корхона кассасида ҳам миллий пул, ҳам чет эл валютаси бўлади;

- пул маблағлари бўйича компенсацион қолдиқ (яхлит керак бўладиган пул маблағи) белгиланган.

Аудитор ушбу хусусиятларни чуқур билиши ва текшириш жараёнида ҳисобга олиши керак.

18.2. Кассадаги пул маблағларининг аудити

Кассадаги пул маблағларининг аудити унинг мақсади ва турига бевосита боғлиқ. Пул маблағлари «Тасдиқловчи аудит», «Мақсадли аудит», «Йўналтирилган аудит», «Таваккалга асосланган аудит» турларининг бирортаси орқали текширилиши мумкин.

Пул маблағлари доимий равишда ички назорат қилиб борилади. Лекин, аудиторлик назоратини ҳам ўтказиш керак бўлади. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат. Корхоналар фаолиятида нақд пулларни ноқонуний ўзлаштириш ҳоллари мавжуд. Тадқиқот маълумотларига қараганда, савдо соҳасида ноқонуний операцияларнинг содир этилиши туфайли ўзлаштиришларнинг 80 фоизига яъни пул маблағларига тўғри келади. Бундан ташқари пул маблағлари барча ҳисоб-китобларнинг асосий манбаси ҳисобланади. Ўз навбатида мижозлар корхона активлари таркибидаги пул маблағларининг қажмига қизиқадилар ва унга қатъий назорат берадилар.

Кассадаги пул маблағлари қуйидаги кетма-кетликда аудит қилинади:

- «Катта касса», «Кичик касса»даги пул маблағларининг хақикий миқдори текширилади (инвентаризация қилинади);

- қадқий пул маблағларининг миқдори бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ўзаро солиштирилади;

- касса, ҳисоб-китоб счётларидаги маълумотлар бухгалтерия балансининг актив томони, «Айланма активлар» бўлимидаги маълумотлар билан таққосланади;

- пул маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши молиявий ҳисоботнинг «Пул оқдмлари тўғрисида ҳисобот» маълумотлари билан ўзаро солиштирилади;

- пул маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларнинг мезонларга, яъни қонун-қоидаларга, корхонанинг «Ҳисоб сиёсати»га мослиги текширилади;

- пул маблағларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс этирилиши экспертиза қилинади;

- аудит натижалари умумлаштирилади ва маълум тартибда расмийлаштирилади.

Аудитор пул маблағларини текшириш пайтида корхоналар амалиётда содир бўлиши мумкин бўлган қуйидаги ноқонуний операцияларга эътибор бериши керак:

- корхоналар амалиётида турли йўллар билан нақд пулларни ноқонуний равишда ўзлаштириш қолларининг мавжудлиги;

- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича қонунбузарлик қолларининг тез-тез содир этилиши;

- корхоналарда «Қушиб ёзиш», «бажарилмаган ишларни бажарилди» деб сохталаштириш йўли билан пул маблағларини ўзлаштириш қолларининг мавжудлиги;

- бухгалтерия ҳужжатларини сохталаштириш йўли билан пул маблағларини ўзлаштириш;

- нақд пулларни вақтида банкка топширмаслик, солиқларни белгиланган муддатларда бюджетга тўламаслик, пул ресурсларидан бошқа мақсадларда ноқонуний фойдаланиш қолларининг мавжудлиги;

- пул маблағларини акс этгарувчи бухгалтерия ҳисоби счётлари ва ҳисобот маълумотларидаги номувофиқликларнинг борлиги;

- корхоналар фаолиятида «яширин иқтисодиёт» туфайли пул маблағларининг бошқд йўллар билан ўзлаштирилиш ҳоллари.

Аудитор касса, ҳисоб-китоб ва бошқа счётларидаги пул маблағларини дастлабки ҳужжатлар, банк кўчирмалари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисоботлар орқали текширади. Бунда корхонада касса ҳўжалигига амал қилинишнинг ҳолатига, банк орқали ўзаро ҳисоб-китоб интизомига қай даражада амал қилинаётганлигига эътибор берилиши керак.

Пул маблағларининг аудити масалаларини «Умид» фирмаси-нинг шартли мисоллари асосида кўриб чиқамиз. Шартномага асосан мазкур фирманинг пул-валгота маблағлари 2002 йилнинг биринчи чораги бўйича аудиторлик текширувидан ўтказилган. Аудитни «Сўғаудит» аудиторлик фирмасининг аудитори Ахмедов С. Н. (0025-сонли рухсатнома) амалга оширган. Аудит натижасида кассадаги пул маблағлари бўйича бир қанча ноқонуний операциялар аниқланган. Ушбу операциялар аудитор томонидан маълум тартибда умумлаштирилган (1-жадвал).

1-жадвал

«Орзу» фирмасининг кассасида 2002 йилнинг биринчи чораги даврида пул маблағлари аудити бўйича аниқланган ноқонуний операциялар

Т/р	Операцияларнинг мазмуни	Ҳужжатнинг номи, санаси, мазмуни	Ноқонуний операцияларнинг мазмуни, келтирилган зарар миқдори, сўм	Айбдор (айбдор)
1	Фирма кассасига магазин мудири томонидан топширилган савдо	ККО, 2002 й. 15 январ, №150. Савдо пули топширилган	Касса ордери ва квитанцияси 4000 сўмдан 400 сўмга ўзгартирилган, зарар 3600 сўм.	Бош бухгалтер
2	Кассадан сарф килинган пул маблағи	ЧКО, 2002 й. 6 март, №170. Фирма дилерига мукофот берилган микдори	Мукофот беришга асос йўқва буйруқ чиқарилмаган. Чиқим касса ордери-дафирма раҳбарининг имзоси йўқ	Бош бухгалтер
3	Кассадан пул маблағи берилган	Инвентаризация да-лолатномаси, 2002 й. 1 март, №6. фирма ходимида тилхатга	Тилхатда раҳбаркинг им-зоси ва рухсатномаси мўқ.. Камомад гўгри х^собга олинмаган ва муддатида	Бош бухгалтер, фирма х

Аудитор кассадаги пул маблағларининг тўғри кирим-чиқимлиги ва сарфланганлигини текшириб натижаларини ауди-торлик қисоботи ва хулосасида ёзди қдлади. Аниқланган қар бир ноқонуний операция бўйича айбдорлар исботланади ва улар бўйича маълум хулосаларга келинади.

Аудит жараёнида савдо тушумларининг чакана савдо шохобча-лари томонидан корхона кассасига ёки банк ташкилотига вақтида ва тўлиқ топширилиши текширилади. Бундай текширув қуйидагича амалга оширилади:

- савдо тушумларининг кассага топшириш муддатлари текширилади;
- бизнес-режага асосан топширилиши керак бўлган савдо тушумларининг миқдори аниқланади;

- савдо шохобчаларида касса аппаратларининг ишлаш тартиби ўрганилади;

- ҳақиқатда топширилган савдо тушумларининг миқдори текширилади;
- савдо шохобчаларида асоссиз сақданган савдо тушумлари аниқланади.

Аудитор савдо тушумчаларининг корхона кассасига вақтида топширилганлигини текшириш натижалари бўйича куйидаги мазмундаги ҳужжатни тузиши мумкин (2- жадвал).

Жадвал маълумотларидан аниқ бўлдики фирманинг чакана савдо шохобчаларига уларнинг бизнес-режалари ва жойланишларига қараб савдо тушумини кассага топшириш муддати ва миқдори турлича белгиланган. Фирманинг 1-сонли чакана савдо шохобчаси ҳар куни ўртача 36500 сўм, етти кунда эса 219000 сўмлик савдо тушумини фирма кассасига топшириши керак эди. Ушбу магазин етти кунда ҳақиқатда 188500 сўм савдо тушумини кассага топширган, ушбу муддатда асоссиз кассага топширилмаган савдо тушуми 30500 сўмни ташкил қилган. Иккинчи магазин 7300 сўмни кассага топширмаган. Учинчи магазин эса 2500 сўмни топширмаган. Аудитор ушбу магазинларда савдо тушум-ларига таъсир этуви омилларни ўрганади ва ўз хулосаларини беради.

Савдо тушумлари фирма кассасидан банкдаги қисоб-қўб счётига муддатида ва тўлиқ топширилиб борилиши керак. Савдо тушумлари-нинг белгиланган тартибда фирма кассасига ва банкка топширишшас-лиги товарооборот режасининг вақтида бажарилишига, корхонанинг даромади, фойдаси ва тўланадиган солиқ миқдорига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун кассадаги пул маблағларининг шаклланиши, мақсадли ишлатилиши ва банкка вақтида топширилишини текшириш аудагнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади..

18.3. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг аудити

Хўжалик юритувчи барча субъектлар банкларда ўзларининг ҳисоб - китоб ва бошқарув счётларига эга бўладилар. Ушбу счётлар-нинг очилиш тартиби махсус меъёрий ҳужжатларда қайд қилинган. Банкдаги счётлар орқали корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоб - китоблар амалга оширилади. Банк счётларидаги пул маблағлари аудитининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъект-лар ўртасида амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлиги, уларнинг ҳисоб-китоб интизомига тўлиқ риоя қилишларини текширишдан иборат. Аудитор банкдаги счётлар билан боғлиқ операцияларни аудит қилишда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун, «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низом, «Ўзбекистон Республикаси банкларида жорий ва ҳисоб-китоб счётларининг очилиши тўғрисида»ги инструкция, «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини бузганлик учун жарималар тўғрисида»ги Низом ва бошқарув меъёрий ҳужжатларга асосланади.

Корхоналар фаолиятида банкдаги ҳисоб-китоб счёти ва у билан боғлиқ операциялар алоҳида ўрин тутди. Чунки, корхона-нинг ўзига тегишли бўлган пул маблағларининг асосий қисми айнан банкдаги «Ҳисоб-китоб»

счётида сақиянади ва у орқали фойдаланилади. Ҳисоб- китоб счётидаги пул маблағларини аудит в^илишда ^йидагиларга эътибор берилиши керак:

- банк кучирмалари ва уларга илова қилинган хужжатларнинг тўғрилигига;
- ҳулсжатларда банк муҳри («штампи»)нинг мавжудлигига;
- нақд топширилган пул маблағларининг банк томонидан тўлиқ қабул қилинганлигига;
- банк чекларидан тўғри фойдаланганлигига;
- банк операциялари бўйича бухгалтерия қисоби ёзувларининг тўғрилигига;

ҳисоб-китоб счёти бўйича жорий ҳисоб маълумотларининг оборот кайдномаи, баланс, Бош китоб қамда «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» маълумотларига нечоғлик мослигига.

«Орзу» савдо фирмаси чакана савдо шохобчалари бўйича 2002 йил, март ойи кунлари учун савдо тушумларини фирма кассасига муддатида ва тўлиқ топширилганлиги тўғрисида
маълумотлар

Савдо шохобчаларининг	Савдо тушуми касса ш топш	Бизн - режаг асосан 1 кунли	Кассага кунлар бўйича толширилган ҳақиқий савдо тушумлари, еўм								Кассага 7 кунда топширилиши керак бўлган тушумл	Кассага 7 кунда ҳақиқатда топширилган тушумлар, сўм	Асо қол туш
				2	3	4	5	6	7	жам и 7 кунд			
№1	Кунли	36500	32	340	Д	345	290	285	305	1885	219000	188500	30
№2	Кунар	24000	22	-	Д	210	-	212	-	6470	72000	64700	73
№3	Икки кунда бир	21500	20 60 0		д	204 00	-	-	210 00	6200 0	64500	62000	23

Аудитор даставвал бухгалтерия балансидан 5110 - «Ҳисоб-китоб» счётининг қолдиғини текшириб кўради. Ушбу счёт балан-сининг актив томони, «Айланма активлар» бўлимида ифодалан-ган бўлади. Балансдаги «Ҳисоб-китоб» счётининг қолдиғи оборот кайдномаи, Бош китоб маълумотлари билан солиштириб кўрилади. «Ҳисоб-китоб» счётидаги маълумотлар аналитик қисоб маълумотлари ва банк кўчирмаларидаги маълумотлар билан таққосланади. Корхонанинг «Ҳисоб-китоб» счётидаги пул қолдикларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун аудитор банк муассасасига ёзма равишда мурожаат қилиб ушбу счётнинг банкдаги ҳақиқий қолдиғи тўғрисида маълумотни олади. Айрим ҳрларда корхона маълумотлари билан банк маълумотлари ўртасида тафовутлар бўлиши мумкин. Бундай ҳрли «Орзу» фирмасининг шартли мисолида кўриб

чиқамиз. Аудитор фирманинг 5110 — «Хисоб-китоб» счётадаги пул қолдиғини текширган-да қуйидаги натижаларга дуч келган:

1. Фирманинг 5110 — «Хисоб-китоб» счётидаги банк кўчирмасига асосан пул маблағларининг 2002 йил 1 апрелдаги қолдиғи (сальдоси) — 102890 сўмни ташкил қилган.

2. Фирма баланси бўйича ушбу счётнинг қолдиғи — 103890 сўмга тенг бўлган. Ўртадаги фарқ — 1000 сўмни ташкил қилган.

Ушбу фарқни аниқлаш мақсадида аудитор 2002 йилнинг январ-март ойлари бўйича банк операцияларини тўлиқ текширган. Натижада қуйидагилар келиб чиққан:

1. «Хисоб-китоб» счётининг 2002 йил 1 январ ҳолатидаги қолдиғи - 208480 сўм бўлган.

Ушбу счётнинг 2002 йил январ-март ойларидаги оборотлари:

Дебет обороти — 190830 сўм,

Кредит обороти — 296420 сўм бўлган.

«Хисоб-китоб» счётнинг қолдиғи (2002 йил 1 апрелга) — 102890 сўмни ташкил қилди.

Касса ва баик ҳужжатлари ўзаро текширилганда фирма кас-сири томонидан банкдаги «Хисоб-китоб» счётига кассадан 1000 сўм пул кўп ўтказилган деб ҳужжат сохталаштирилган. Ушбу ноқонуний операция кассир томонидан амалга оширилган бўлиб, бош бухгалтер томонидан назоратнинг пасайтирилганлиги ту-файли келиб чиққан. Ушбу камчилик аудиторлик хисоботи ва ҳу-лосасига киритилади.

Аудитор 5110 — «Хисоб-китоб» счёти билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ёзувларини ушбу счётнинг дебети ва кредити бўйича текширади. Жумладан, 5110 — «Хисоб-китоб» счётининг дебети билан 4710, 4010, 5010, 5510, 5520, 5620, 4310, 4210, 4810, 5830 ва бошқа счётларнинг кредитидаги ёзувлар, 5110 — «Хисоб-китоб» счётининг кредити билан 5010, 5210, 0610, 0810, 6010, 6410, 6310, 7310, 6520, 6910, 7510, 6810 ва бошқа счётларнинг дебетидаги ёзувлар ўзаро солиштирилиб чиқилади.

Корхонанинг «Хисоб-китоб» счётидаги пул маблағлари билан боғлиқ операцияларни аудит қилганда аудитор қуйидагиларга эътиборини қўйиштириши керак: мавжуд ўзгартирилган (тузатил-ган) бухгалтерия ёзувларига, корхона ҳисобидан тўланган даъво суммаларига, умумхўжалик мақсадлари учун фойдаланилган деб ҳисобдан чиқарилган пул маблағларига (операцияларига), тўланган кредиторлик қарзларига, коммунал хизматлари учун тўланган пул операцияларига. Корхонанинг «Хисоб-китоб» счётидан тўланган пул маблағлари ҳақиқатдан ҳам бажарилган ишларнинг қажмига, қабул қилинган товар-моддий қўлланмалар микдорига мос келиши керак. Бундан ташқари аудитор қайтадан тўланган операцияларга эътиборини қўйиштириши керак.

Корхоналар амалиётида нақд пулсиз амалга оширилган операциялар учун қайтадан нақд пул билан ҳисоб-китоблар қилиш қоллари учраб туради. Аудитор бундай ҳолларни банк ва касса қужжатлари орқали текширади.

Янги ҳўжалик юритиш шароитида корхоналар амалиётида «Пул чегирмалари» («Денежною скидки»), яъни «Овердрафт» каби тушунчалар жорий қилинмоқда. Маълумки, ҳўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳисоб-китобларда тўлов имтиёзлари (чегирмалари) қўлланилиши мумкин, яъни ҳисоб-китоблар белгиланган муддатидан олдин амалга оширилса, ёки банк миқдорнинг ҳисоб-китоб ҳисобида пул маблағлари кам бўлсада мол етказиб берувчига қўп миқдорда пул ўтказиши мумкин («овердрафт» — «актив ҳисобнинг кредит сальдоси»). Аудитор халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ушбу тартибларни билиши ва текширув жараёнида эътиборга олиши керак.

Аудитор ҳисоб-китобларда жорий қилиб борилаётган «Пластик қарточкалари» орқали ҳисоб-китобларга алоҳида эътиборини қилатади. Бугунги кунда республикамиздаги маълум банк муассасалари аҳоли билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ихчамлаштириш, пул ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида «Пластик қарточкалари» орқали ҳисоб-китобларни йўлга қўймоқда. Банк фаолиятининг аудити жараёнида ушбу операцияларга алоҳида жўбдор берилиши керак. Миқдорларга «Пластик қарточкалари»нинг берилиши (очирилиши), ушбу шакл орқали ҳисоб-китобларнинг *тўғри* амалга оширилиши аудит қилинади.

Банкдаги «Ҳисоб-китоб» ҳисоби операцияларини текширишда банк ҳисобларининг берилиши, улардан тўғри фойдаланганлик ҳоллари чуқур ўрганилади. Ушбу мақсадларда 5520 -«Чек қарточкалари», 5530 — «Бошқа махсус ҳисоблар»даги ёзувлар текширилади. Бошқа ҳисоблардаги пул маблағларининг тўғри ҳисобга олиб қилинганлиги миқдорлар ўргасида тузилган шарҳномалар, амалга оширилган ҳисоб-китоб операциялари орқали аудит қилинади. Аудит натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмийлаштирилади.

18.4. Валюта операцияларининг аудити

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланиши қўлга олишда корхоналарнинг тузилиши ҳорижий таъсисчилар, инвесторлар ва сотиб олувчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларни халқаро валюта маблағлари орқали амалга оширилиши тақозо қилади. Бугунги кунда қўлга олишда корхона ва фирмалар чет мамлакатларидан товарлар сотиб оломоқдалар ва ўз навбатида уларга тайёр маҳсулотлар, хом ашёлар сотмоқдалар. Ушбу операциялар бўйича ҳисоб-китоблар валюта маблағлари орқали амалга оширилади. Шу-нинг учун валюта маблағлари ва улар билан боғлиқ бўлган операциялар аудитнинг муҳим объектларига қиради.

Аудитор валюта операцияларини миқдорларнинг бўйича тузилган шарҳномаларига асосан текширади. Бундай бўйича ҳорижий таъсисчилар (муассислар), инвесторлар, кредиторлар, акциядорлар, барча муассасалари бўлиши мумкин. Валюта маблағлари бўйича тартибда аудит қилинади:

- хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасидаги маблағлари аникланади;
- корхона учун банкда очилган валюта счёти, унинг асослилиги ва мақсадлилиги текширилади;
- корхонанинг валюта маблағи қолдиғи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади;
- валюталар билан амалга оширилган хўжалик операцияларининг тўғри хужжатлаштирилганлиги текширилади;
- валюта операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги текширилади;
- валюта курсидаги ўзгаришлар, уларнинг вақтида ҳисобга олиниши ўрганилади;
- валюта маблағлари бўйича ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги текширилади;
- валюта операцияларини текшириш натижалари бўйича ҳисобот ва аудиторлик ҳулосаси тайёрланади.

Валюта операцияларининг аудиш таъсис хужжатлари, ўзаро тузилган шартнома-қошрақлар, банк ва товар хужжатлари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари орқали амалга оширилади. Корхонанинг валюталари бухгалтерия ҳисобининг махсус счётларида ҳисобга олиб борилади. Жумладан, банкдаги валюталар бўйича 5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 - «Хориждаги валюта счётлари»да, корхона касса-сидаги валюталар эса 5020 - «Хорижий валютадаги пул маблағлари» счётларида ҳисобга олиб борилади.

Аудитор даставвал ушбу счётлардаги қолдиқларнинг тўғрилигини текширади. Мазкур счётлар актив бўлиб қолдиқлари дебет томонида ифодаланган бўлади. Инвентаризация йўли билан корхонадаги валюта маблағларининг қанчалик миқдори аниқланиб бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади. Ушбу счётлар корхонанинг «Молиявий ҳисоботи»да, яъни «Баланс»да ҳам ўз аксини топган бўлади.

Аудитор валюта маблағларининг қолдиғини Бош китоб, обо-рот кайдномалари ва баланс маълумотлари билан ўзаро текшириб кўради. Баланснинг актив томони, Пул - «Айланма активлар» бўлими таркибида валюта маблағларининг қолдиғи ифодаланган бўлади. Ушбу маълумотлар корхона кассасидаги, банкдаги валюта қолдиқларига мувофиқ келиши керак. Аудитор кейинчалик валюта маблағларининг кўпайиши, сарфланиши (камайиши) билан боғлиқ операцияларнинг қонунийлигини экспертиза қилади. Бу-нинг учун мавжуд банк кўчирмалари, касса ҳисоботлари, товар-моддий бойликлар, кўрсатилган хизматлар бўйича тузилган даст-лабки хужжатлар, бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар, молиявий ҳисобот маълумотлари ўзаро текширилади.

Валюта маблағларининг ҳаракати белгиланган хужжатларда қабул қилинган мезонлар бўйича расмийлаштирилган, бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилган бўлиши керак. Валюта маблағларининг

кўпайиши асосан куйидаги бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали текширилади (5200 — «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари» дебети ва бошқа счётлар-нинг кредитидаги ёзувлар):

4710 - «Устав капшали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари», 5020 - «Хорижий валютадага пул маблағлари», 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёглар», 5520 - «Чек дафтарчалари», 6810 - «Тўланадиган лизинг», 5620 - «Йўддаги пул маблағлари», 4210 - Даъволар бўйича олинadиган счёгаар», 8521 - «Эмиссион даромад», 9540 - «Курс фарқларидан (ижобий) олинган даромадлар» ва бошқа счётлар.

- мол етказиб берувчиларга маблағ тўланганда;
- чет эл фирмаларининг кўрсалшхиад
- иш ҳақи валюта билан берилганда;
- инвесторлар, хорижий таъсисчиларга маблағ ўтказилганда ва бошқа ҳолларда.

Аудитор валюта маблағларининг камайишини (сарфланишини) куйидаги бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали текширади (5200 - «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари» юг кредити ва бошқа счётларнинг дебетидаги ёзувлар): 6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 5020 - «Хорижий валютадаги пул маблағлари», 5610 - «Пул эквивалентлари», 0610 - «Кдматбақо қоғозлар», 6610 - «Тўланадиган дивидендлар», 6810 - «Тўланадиган лизининг», 6910 - «Қрсқа муддатли банк кредитлари», 7510 - «Узоқ муддатли банк кредит-лари», 0830 - «Номоддий активларни сотиб олиш» ва бошқа счётлар. Аудитор ушбу счётлардаги ёзувларни алоҳдца ҳужжатлар, шартномаларга асосан текширади. Бунда ҳар бир операция қабул кдпинган ҳисоб сиёсати, солиқкодекси талаблари ва банк қоидаларига мос келиши керак. Аудит жараёнида валюта курсининг ўзгариши 5200 - «Валюта счётлари ҳисобининг счёг-лари» ва 9540 - «Курс фарқларидан (ижобий) олинadиган даро-мадлар», 9620 - «Курс фарқдаридан зарарлар» счётлари орқали текширилади. Валюта операцияларининг аудити натижалари умумлаштирилиб аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаси тузилади. Ушбу ҳужжатлар буюртмачига тақдим этилади.

18.5. Ҳисоб-китоблар ва кредит операциялари аудити.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида бошқд кор-хоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан ўзаро қисоб-китобларни олиб боради. Жумладан, мол етказиб берувчилар би-лан сотиб олинган материаллар, товарлар бўйича, харидаорлар би-лан жўнатилган ва сотилган маҳрулотлар бўйича, транспорт таш-килотлари билан кўрсатилган хизматлар бўйича, бюджет билан со-ликлар бўйича, ҳисобдор шахслар билан уларга берилган пул маб-лағлари бўйича, ишчи-хизматчилар билан меҳнат ҳақи бўйича. Корхоналарда булардан ташқари мулкый суғурталар бўйича ҳдгсб-китоблар, таъсисчилар (муассислар) билан уларнинг улушлари бўйича х>1сб-китоблар, ижтимоий суғурта бўйича қисоб-китоблар, коммунал хизматлари бўйича ҳисоб-китоблар, билдирилган даъво-лар бўйича ҳисоб-китоблар, корхонанинг ички бўлинмалари билан ўзаро х^сб-китоблар олиб борилади.

Хисоб-китоб операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши, юридик шахслар ўзаро хисоб-китоб интизомига тўлиқ амал қилишлари керак. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро хисоб-китобларнинг тўғри ташкил қилиниши ва юритилиши пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, корхона-ларнинг тўлов интизомини мустахдамлайди. Шу боис хисоб-китоблар доимий равишда аудит қилиб борилади.

Хисоб-китоб операцияларининг аудити унинг тури ва мақсадига бевосита боғлиқдир. Тузилган шартномага асосан кор-хона фаолиятидаги барча хисоб-китоб операциялари ёки уларнинг айримлари (мол етказиб берувчилар билан, бюджет билан, давволар бўйича хисоб-китоблар) аудит қилиниши мумкин.

Хисоб-китоб операциялари аудитининг вазифалари қуйидашларга қаратилган:

- корхоналар ўртасидаги хисоб-китобларнинг тўғри ва тўла юритилишини текшириш;
- товарлар, материаллар, кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммаларнинг қонунийлигини текшириш;
- корхоналар ўртасидаги мавжуд қарзларнинг ҳаққонийлиги ва асослилигини ўрганиш;
- хисоб-китоб операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларнинг молиявий қисботда тўғри ифодаланганлигини аниқлаш;
- хисоб-китоб операциялари ҳисобини яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Корхоналар ўртасидаги хисоб-китобларнинг аксарият қисми нақд пулсиз амалга оширилади. Шу мақсадларда аудитор хисоб-китоб операцияларини аудит қилишда банк ҳужжатлари, товар ва пул ҳужжатларидан кенг фойдаланади. Хисоб-китоб операцияларининг аудити маълум тартибда ва кетма-кетликда амалга оширилади. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин (9- қизма):

Хисоб-китоб операциялари ҳисобининг аудити қандай асосан уларни инвентаризация қилиш орқали амалга оширилади. Аудитор инвентаризация орқали хисоб-китоблар бўйича қолдиқларнинг қатъийлигини аниқлайди. Дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганади ва ушбу масалаларга ўз муносабатини билдиради.

18.6.Товар операциялари бўйича хисоб-китобларнинг аудити

Ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари мол етказиб берувчилар билан сотиб олинган хом ашё, материаллар, товарлар бўйича хисоб-китобларни юритади. Сотиб олувчилар ва буюртмачилар билан эса тайёр маҳсулотларни ва товарларни жўнатиш (сотиш) бўйича **хисоб-китобларни** олиб боради.

Товар операциялари бўйича ҳисоб-китоблар аудитнинг асосий мақсади - мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан олиб бориладиган операцияларнинг қонунийлиги, бухгалтерия **ҳисобининг** миллий стандартларига мос келиши, томонларнинг тўлов иртизомига тўлиқ риоя қилишларини аниқлашдан иборат. Бозор иқтисодиёти ша-роитида корхоналарга ҳам ашё, материаллар ва товарлар турли ман-балардан, шу жумладан хориждаги мол етказиб берувчилардан келиб тушиши мумкин.

Ўз навбатида корхоналарнинг тайёр маҳсулотлари ҳамда товарлари қам-ишки бозорга, ҳдм хорижий истеъмолчиларга соти-лиши мумкин. Шунинг учун ҳам аудиторлар экспорт-импорт операцияларининг хусусиятларини, ушбу операцияларнинг халқаро андозалар бўйича ҳужжатлаштирилиши, ҳисоб-китобларининг олиб борилишини мукамал билишлари керак.

Мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан ҳисоб-китобларнинг аудити қуйидаги тартибда амалга оширилади: мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан тузилган шартномаларнинг қонунга мослиги аниқланади, сотиб олинган ва сотилган материаллар, товарларнинг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги,

бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри юритилиши текширилади, товар операциялари бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳаққонийлиги аниқланади.

Корхоналар фаолиятида мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларда маълум камчиликлар бўлиши мумкин. Жумладан, ҳам ашё, материаллар, товарларнинг сифатсизлиги, товарлар таркибининг буюртма та-лабларига мос келмаслиги, тўловлар бўйича асоссиз даъво-лар-нинг билдирилиши ва ҳ.к. Аудитор ушбу жараёнларни товар ва банк ҳужжатларига асосан чуқур текшириб қўриши керак. Кор-хоналар фаолиятида мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар ўртасида асоссиз дебиторлик ва кредиторлик қарзлари келиб чиқади. Ушбу қарзларнинг ҳаққонийлигини аудитор қуйидаги тартибда текшириши керак: дебиторлик ёки кредиторлик қарзларининг келиб чиқдш муддатлари ва сабабларини аниқлаш, томонларнинг ўзаро тузган шартномаларга қай даражада амал қилганликларини текшириш, ҳисоб-китоблар бўйича билдирилган даъво-лар-нинг асослилигини исботлаш.

Мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан олиб бо-риладиган ҳисоб-китобларнинг самардорлиги бир қанча омиллар-га боғлиқдир. Биринчи навбатда ушбу ҳисоб-китобларнинг бух-галтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиб боришига боғлиқ.

Маълумки, ҳўжалик юритувчи субъектлар мол етказиб берувчи-лар ва сотиб олувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни алоҳида счётларда акс эттириб борадилар. Корхона-нинг "Ҳисоб-сисёсати"га асосан улар учун алоҳида синтетик ва аналитик счётлар очилади. Ҳисоб регистрларида ўзаро ҳисоб-китоблар умумлаштирилиб борилади. Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар вақт-вақти билан текширилиб борилиши керак.

Аудитор ушбу масалаларни аудит тдштода куйидагиларга эътибор бериши керак: товарларни сотаб олиш ёки соташ бўйича корхонада шартномаларнинг мавжудлигига, мол етказиб берувчилар ёки сотиб олувчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг тскширилиб (солишшрилиб) борилши ҳрлатига, материаллар, товарлар ҳаракатининг тўғри рас-мийлаштирилишга (товар-моддий бойликларни қабул ққпнш учун ишонч қоғозларини берилиш тартаби, кайд ққпиниши), мол етказиб бе-рувчилар, сотиб олувчиларга бериладиган ҳужжатлар (счёт-фактуралар, товар-транспорт накладнойлари) нинг алоҳдда журналда кайд қдиинишига, мол етказиб берувчиларга муддатида билдирилган даъво-ларга, товарлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигига. Аудитор ушбу ҳрлатларни текшириш натажалари бўйича маълум ҳулосаларга келади ва ўзининг тавсияларини беради.

Аудитор мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан ҳ,исоб-китобларни аудит қилиш жараёнида қуйидаги масалаларга ойдинлик киритади:

- товар- моддий бойликларни сотиб олиш ёки сотиш бўйича асосли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг қонуний равишда тузилганлиги;
- корхона фаолиятида ҳужжатлаштирилмасдан олинган ёки сотилган товар-моддий бойликларнинг мавжудлиги;
- мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчиларга ўзаро ҳисоб китоблар бўйича даъволарнинг вақтида билдирилганлиги;
- мол етказиб берувчилар, сотиб олувчилар бўйича синтетик счётлардаги маълумотларнинг аналитик счётлардаги маълумотларга мос келиш-келмаслиги;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг қаккрнийлиги;
- товар операцияларининг бухгалтерия ҳдтсоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги;
- валюталар орқали амалга оширилган товар операциялари ҳ,исоб-китобларининг тўғри юритилиши (валюта курсининг ҳисобга олиниши);
- товарлар қолдикдарининг, дебиторлик ва кредиторлик кдрзларининг молиявий ҳдтсботда тўғри акс эттирилганлиги.

Аудитор текшириш жараёнида маҳсус қдйдномалар, далолат-номалар, маълумотномалар тузади. Товар операциялари бўйича дебиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги тар-тибда расмийлаштириш мумкин (3-жадвал).

Аудитор товар операциялари бўйича мол етказиб берувчилар билан олиб бориладиган ҳ,исоб-китобларнинг тўғрилигини қуйидаги счётлар орқали текширади: 6010 - «Мол етказиб берув-чилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (жорий мажбури-ятлар бўйича), 7010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича). Ушбу счётларнинг кредит қолдикдари корхонанинг мол етказиб берувчилар олдидаги товарлар бўйича қарзини билдиради. Ауди-тор ушбу счётлардаги ёзувларни 2900 - «Товарлар ҳ,исоби счёт-лари», 5110 - «Ҳисоб китоб» счёти,

5200 - «Валюта счёта хисобининг счёта», 6910 - «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 - «Узоқ муддатли банк кредитлари» ва бошқа счёта (9400, 5510, 4310, 4010, 9540, 6910, 7510) орқали текширади.

3-жадвал

«Орзу» фирмасининг 2003 йил 1 май ҳолатидаги товар операциялари бўйича дебиторлик қарзлари тўғрисида маълумот

№	Оспрациянинг мазмуни	Баланс бўйича сумма, минг сўм			Шулардан, карздорлик	муд
		Хаммаси	шу жумладан			
				Дебитор тан		
1	«Барчиной»	1560,0	1360,0	200,0	140,0	100,0
2	савдо акционер- лик жамиятига жўнатилган,	540,0	400,0			
	Жами	2100,0	1760,0	340,0		100,0

Сотиб олувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аудити қуйидаги счёта орқали амалга оширилади: 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёта», 6310 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган бўнақлар», 2900 - «Товарлар ҳисоби счёта», 9110 - «Сотижан товарларнинг таннари», 5000 - «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счёта», 5110 - «Ҳисоб китоб» счёти, 5200 - «Валюта счёта хисобининг счёта» ва бошқа счёта. Аудитор товар операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг аудитида банк ҳужжатлари, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари ва ҳисоб регистрларидан кенг фойдаланади.

18.6. Хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити

Турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектларга бошқа кор-хона ва ташкилотлар маълум хизматларни кўрсатади. Жумладан, почта, телефон, телеграф, факс бўйича хизматлар, электроэнергия, газ, иссиқлик бериш бўйича хизматлар, савдо тушумларини инкасса қилиш бўйича хизматлар, транспорт бўйича хизматлар ва бошқа турдаги хизматлар. Корхона пул маблағининг маълум қисми кўрсатилган ушбу хизматлар учун сарф бўлади. Амалиёт маълумотлари билан яқиндан танишиш шуни кўрсатдики, ушбу хизматларни ҳисобга олиш ва «азоратини таъминлашда маълум камчиликлар мавжуд. Жумладан, бажарилган хизматларнинг ҳажмини асоссиз ошириб кўрсатиш, хизмат таърифларини ўзгартириш ҳоллари учраб туради. Натижада, корхоналар ўртасида мавжуд келишмовчиликлар ва даъволар келиб чиқади. Бу ўз навбатида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг қўпайишига, корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб интизоми-нинг бузилишига олиб келади. Шу мақсадларда кўрсатилган хиз-

матлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити ўтказилади. Ушбу аудит куйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- кўрсатилган маиший хизматлар бўйича тўланган маблағларнинг қонуний-лигини текшириш;

- кўрсатилган хизматлар ҳдждмининг тўғрилиги, таърифларнинг асосли қўлланганлигини аниқлаш;

- хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва мақсулот таннархига, корхонанинг давр қаражатларига асосли олиб борганлигини текшириш;

- ҳисоб-китоб операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини экспертиза қилишдан иборат.

Хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни аудит қилишга куйидаги ҳужжатлар асос бўлади: томонлар ўртасида тузилган шартномалар, ҳаражатлар таркиби ва молиявий нагизларнинг шаклланиши тўғрисидаги низом, банк кўчирмалари, бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисидаги маълумотномалар, корхонанинг ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа меъёронлар. Ауди-тор кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудитини куйидаги тартибда ўтказди: даставвал хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича қолдиқдари ўрганилади, кейинчалик ҳисоб-китоб операцияларининг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ва бухгалтерия ҳисоби счётларида қабул қилинган тартибда акс эттирилганлиги текширилади. Текширув жараёнида аниқданган камчиликлар умумлаштирилади ва ҳолисона ҳулосалар берилади.

Корхоналарга кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар асо-сан 6800 - «Турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби счётлари» (6890 - «Бошқд мажбуриятлар») счёти орқали аудит қилинади. Ушбу счётнинг кредит қолдиғи корхонанинг кўрсатилган хизматлар бўйича бошқа юридик шахслар олдидаги қарзини ифодалайди. Кўрсатилган хизматларининг қийматига ушбу счёг кредитланади, пули тўланганда эса дебетланади. Корхона учун кўрсатилган хизматларнинг қиймати ҳаражат бўлиб, ушбу ҳаражатлар 9400 - «Давр ҳаражатлари ҳисоби счётлари» (9420 - «Маъмурий ҳаражатлар», 9439 - «Бошқд операцион ҳаражатлар») счётига олиб борилган бўлади. Аудитор кўрсатилган хизматлар бўйича ҳаражатларни юқоридаги счётлар орқали текширади. Кўрсатилган хизматлар учун 5110 - «Ҳисоб-ютғоб» счёти, 5200 - «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», айрим ҳолларда эса 5000 - «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари» орқали пул тўланади. Аудитор банк кўрсатмалари орқали ушбу операцияларнинг қонуний амалга оширилганлигини текширади.

Хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги жорий ҳисоб маълумотлари, «Молиявий ҳисобот» маълумотлари орқали текширилиб кўрилади. Корхонанинг хизматлар бўйича ыдарзлари бухгалтерия балансининг пассив томони, II - «Мажбуриятлар» бўлимида кўрсатилган бўлади. Ушбу қолдиқ хизмат турлари бўйича очилган аналитик ҳисоб

регистрлари билан солиштирила-ди. Текшириш натижалари аудиторлик х^асоби ва хулосасига киритилади.

18.7. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг аудити

Турли мулкдаги корхоналар бюджет билан ўзаро ҳисоб-китобларни олиб боради. Бундай ҳисоб-китоблар икки йўналишда амалга оширилади:

- бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар;

- бюджетдан олинган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар. Корхонанинг бюджетдан олган маблағлари товар-моддий бойликларни қайта бақолашда (кукумат ирорлари билан моддий бойликларнинг нархлари туширилганда), ишчи-хизматчиларга бюджет ҳисобидан маблағлар ажратилганда содир бўлади. Шунинг қам қайд қилиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан олинган маблағлари доимий равишда камайиб бормокда. Шу боис бюджет билан ҳисоб-китобларнинг асосий қисми бюджетга тўланадиган солиқлар ва бошқа тўловлар орқали амалга ошмокда. Корхонанинг бюджет олдидаги мажбуриятлари (тўловлари) аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади. Чунки корхоналар бюджетга қанчалик тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширсалар мамлакатнинг устивор бўлган иқтисодий-ижтимоий вазифаларини амалга ошириш шунчалик тез амалга ошади. Солиқдорнинг тўғри қисобланиши ва бюджетга тўланиши асосан солиқ органлари орқали назорат қилинади. Лекин, солиқ турларининг кўплиги, солиқ базалари-нинг қамда ставкаларининг доимий равишда ўзгариб бориши, солиқ сиёсатида оид меъёрномаларнинг кўплиги ушбу жараёнда аудиторлик хизматидан фойдаланишни тақозо қилади. Шунинг учун шартномага асосан аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) ҳўжалик юритувчи субъектнинг бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини аудит қилишлари мумкин.

Корхонанинг бюджет олдидаги мажбуриятлари молиявий ҳисоботнинг биринчи шакли, яъни «Бухгалтерия баланси» (пас-сив томони, иккинчи - «Мажбуриятлар» бўлими, «Бюджет бўйича қарзлар» сатри) ҳамда иккинчи шакли, яъни «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да келтирилган («Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот» номли иловада ифодаланган бўлади). Бюджет билан корхонанинг ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисобининг 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётида олиб борилади. Ушбу счётнинг кредит томонидаги қолдиғи корхонанинг бюджет олдидаги солиқлар бўйича қарзини ифодалайди. Аудитор даставвал ушбу счётнинг қолдиғини бухгалтерия балансидан аниқлайди (460-сатр). Мазкур счётнинг қолдиғи Бош китоб, оборот қайдномалари билан ўзаро солиштирилади. Солиқларнинг турлари молиявий ҳисоботдаги «Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот»да келтирилган бўлади.

Турли мулкдаги корхоналар бюджетга 20 дан зиёд солиқлар ва тўловларни тўлайди. Солиқ турлари корхонанинг мулк шакли, фаолият йўналишига бевосита боғлиқ ва «Солиқ Кодекси» билан мувофиқлаштирилиб борилади.

Аудитор корхонанинг бюджет билан солиқлар бўйича қисоб-китобларини текширганда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

- солиқ базаларининг тўғри аниқданганлигига;
- солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланилишига;
- солиқ ставкалари ва солиқ суммаларининг тўғрилигига;
- солиқдарнинг муддатида ва тўлиқ бюджетга ўтказилганлигига;
- боджет билан хисоб-китобларнинг бухгалтерия х,исобида тўғри юритилишига;
- тўловлар бўйича аналитик ҳисобнинг тўғри юритилишига;
- бюджетга тўловлар бўйича ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ва асослилигига.

Аудитор корхонанинг солиқдар бўйича ҳисоб-китобларини 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қараздорлик» ва у билан ўзаро боғланадиган счётлардаги ёзувлар орқали текширади. Текшириш жа-раёнида фарқлар чиқса уларнинг сабабларини аниқдайди, Қуйида «Орзу» фирмасининг шарғли маълумотлари асосида мол-мулк солиининг аудити натажаларини кўриб чиқдмиз):

жадвал

«Орзу» ишлаб чиқариш фирмаси бўйича ҳисобот йилидаги мол-мулк солиғининг аудити натижалари

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов биплиг	Фирма маълумотлари бўйича	Аудиторнинг маълумоти	Фарқи
1	Фирманинг умумий мол- мулки	минг сўм	18560,0	18560.0	
2	Солиққа тортилмай-диган мол-мулк	минг сўм	2850,0	2550,0	-300.0
3	Солиққа тортилувчи мол- мулк	минг сўм	15710,0	16010.0	+300.0
4	Солиқ ставкаси	%	2,0	2.0	-
5	Солиқ стммаси	минг сўм	314,2	320,2	+6,0

Аудит жараёнида маълум бўлдики, «Орзу» фирмаси ҳисобот йилида мол-мулк солиғини 6,0 минг сўмга кам ҳисоблаган. Ушбу фарқ солиққа

тортилмайдиган мол-мулк микдорининг асоссиз 300.0 минг сўмга кўпайтирилиши туфайли келиб чиққдн. Аудитор ушбу фарқни чуқур текшириб, натижасини аудиторлик ҳисоботида ва ҳулосасида акс эттиради.

Ҳисобланган солиқдарнинг тўғрилиги 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётининг кредитидаги ёзувлар 9439 - «Бошқа операцион харажатлар», 9810 - «Даромад (фойда) солиғини тўлаш» счётларидаги ёзувлар билан солиштирилиб кўрилади. Бюджетга тўланган солиқдарнинг тўғрилиги эса 6410 -«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётидаги дебет сумма билан 5110 - «Ҳисоб-китоб» счётидаги кредит сумма ўзаро со-лиштирилиб кўрилади. Тайёр мақсулотлар реализацияси бўйича кўшилган киймат солиғи ва аксиз солиғининг ҳисобланиши 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»даги де-бет сумма билан 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётининг кредитидаги сумма ўзаро солиштирилиб текширилади. Бошқа солиқ турлари кам маълум счётлардаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Солиқпар аудитининг кетма-кетлиги 10- чизмада келтирилди.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар турлари бўйича алоқида аналитик ҳисоб регистрларида акс эттириб борилади. Текшириш натижалари аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасига киритилади.

Солиқдарнинг бюджетта муддатида ва тўлиқ ўтказилишини текшириш

Солиқпар ҳисобининг тўғрилиғини текшириш

Текшириш натижаларини расмийлаштириш

18.8. Бошқа ҳисоб-китоб операцияларининг аудити

Корхона фаолиятида бошқа турдаги ҳисоб-китоб операцияла-ри мавжуд бўлиб улар қуйидагилардан иборат: меҳдат ҳдқи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар, ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар, даъволар бўйича ҳисоб-китоблар, кредитга со-тилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар, моддий зарарларни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар, муассислар (таъсисчилар) билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар. Хўжалик юритувчи субъект-лар яна қуйидаги ҳисоб-китобларни олиб боради: алоҳдда балансга ажратилган бўлинмалар билан ҳисоб-китоблар, ижтимоий сугурта бўйича ҳисоб-китоблар, мулкый суғурта бўйича ҳисоб-китоблар, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳисоб-китобларнинг турлари.

Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларнинг аудити Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меҳдат қонунчилигининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қай даражада амал қилинаётганлигини текширишга қаратилган бўлиб у қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- меҳнат ҳақи бўйича қонуний ҳужжатларнинг корхона фаолиятида амал қилинишини текшириш;
- ишчи-ҳодимларнинг ишга қабул қилиниши ва бўшатилишининг тўғрилигини аниқлаш;
- бажариладиган ишларнинг қажми ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;
- меҳнат ҳақи бўйича таърифлар, ставкаларнинг тўғри кўйилганлиги ва иш ҳақи қажмнинг тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш;
- меҳнат ҳақидан ушланган солиқларнинг тўғрилигини текшириш;
- иш ҳақи харажатларининг ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таркибига тўғри олиб борилганлигини текшириш;
- ишчи-хизматчиларга ҳисобланган ва берилган нафақаларнинг тўғрилигини аниқлаш;
- меҳнат ҳақи ва нафақаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Аудитор меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни текширганда қуйидаги ҳужжатларга асосланади: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, меҳнат ҳақи бўйича махсус низомлар, кор-хона низоми, штат жадвали, ишчи-ҳодимларни ишга қабул қилиш-бўшатиш тўғрисида буйруқлар, меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар қамда қайдномалар, ишчи-хизматчиларнинг шахсий карточкалари, журнал-ордерлар, мо-лиявий ҳисобот, нафақаларни белгилаш, тўлашга оид меъёрий ҳужжатлар. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити 6700 - «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби счётлари» (6710 - «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар», 6720 - «Депонентлик меҳнат ҳақи») счёти ва ушбу счёт билан алоқадор бўлган бошқа счётлар орқали амалга оширилади. Ушбу счётларнинг кредит қолдиги меҳнат ҳақи бўйича корхонанинг ишчи-хизматчи олдидagi қарзини билдиради. Меҳнат ҳақи ҳисобланганда 6710 - «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счёти кредитланиб тўланганда эса дебетланган бўлади. Аудитор ушбу счёт билан корреспонденцияда бўлган счётлардаги операцияларнинг тўғрилигини текширади. Жумладан, иш қанднинг тўғри ҳисобланганлиги (6710 -счётнинг кредити билан бошқа счётларнинг дебети орқали) 2010, 2310, 2510, 0800, 9400, 9210, 9720, 8710 ва бошқа счётлар орқали аудит қиланади. Меҳнат ҳақидан ушланган суммалар ва берилган иш ҳақининг тўғрилиги (6710 - счётнинг дебети ва бошқа счётларнинг кредити) 6410, 4420, 4710, 6110, 4630, 5020 ва бошқа счётлар орқали текширилади. Аудитор меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини алоҳида ходимлар бўйича жо-рий ҳисоб маълумотлари орқали текширади (ҳодимларнинг шахсий карточкалари, ишга чиққанлик тўғрисидаги табелъ маълумотлари, аналитик ҳисоб маълумотлари). Ушбу маълумотлар статистик маълумотлар ва «Молиявий ҳисобот» маълумотлари билан таққосланади.

Ишчи-хизматчилар меҳнат қобилиятларини йўқотганларида уларга нафақалар тўланади. Ушбу операцияларнинг тўғрилиги 6710, 6520, 5010, 2010, 9400 ва бошқа счётлардаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар текширилганда қуйидаги камчишклар аниқланган бўлиши мумкин: ишчи-хизматчилар бўйича табелнинг тўғри юритилма-ганлиги, маълум иш ҳақи турларини асоссиз равишда маҳсулот таннарига киритилиши, ишдан бўшаганларга қўшимча равиш-да иш ҳақининг ёзилиши, бажарилмаган ишларни «бажарил-ди» деб сохта ҳужжатлар тузиш, иш ҳажмини сунъий равишда кўп қилиб кўрсатиш орқали иш ҳақини асоссиз ошириш, иш қақидаги даромад солиғини нотўғри ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоби счётларида сунний ёзувлар қилиш. Аниқланган бу каби камчиликлар аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасида ўз аксини топади.

Корхонанинг ишчи-хизматчилари ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълум қўшимча операцияларни амалга оширади. Шу мақсадларда улар хизмат сафар-ларида бўладилар. Ҳисобдор шахслар корхона маблағларидан ҳўжалик эҳтиёжлари учун турли хил буюмлар, инвентарлар сотиб олишлари мумкин. Ушбу жараёнлар маълум мазмундаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг аудити қуйидаги счётлар орқали амалга оширила-ди: 6870 - «Ҳисобдор шахслардан қарзлар», 4420 - «Хизмат са-фари учун берилган бўнақлар». Аудитор ушбу счётлар билан боғлиқ бўлган операцияларни текширганида қуйидаги масалаларга ўз эътиборини қаратади: хизмат сафари учун ҳўжалик мақсадлари учун ходимларга берилган пул маблағларининг нечоғлиқ асослилиги (бунинг учун маҳсул буйруё^шнг бор-йўқдиги), бўнақ суммалар Ҳисобидан бажарилган ишлар, сотиб олинган моддий бойликларнинг тўғрилиги, ҳисобдор шахслар томонидан қисботларнинг муддатида топширилганлиги, ҳисобдор шахслар билан олиб борилган ҳисоб-китобларнинг бух-галтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги ва бошқа масалалар. Аудитор ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни қуйидаги счётлар орқали текширади: 6870, 4420, 2010, 2310, 2510, 9436, 2910-2990, 9419, 9720, 7710, 5010, 5020, 5110, 5210, 5610, 4630, 0810, 0710 ва бошқа счётлар.

Ҳисобдор шахслар амалга оширган ишлар, уларга килинган харажатлар маҳсулот таннарининг ва давр харажатларининг ошишига олиб келади. Шунинг учун аудитор ушбу операцияларнинг қонунийлигига алоҳида эътибор бериши керак. Ҳисобдор шахслар билан олиб борилган ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги қар бир ҳисобдор шахс бўйича уларнинг қисботлари ва ҳисоб регистрлари орқали текширилиб чиқдлади.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузади. Ушбу шартномаларга асосан мол-мулкларнинг сакданиши (даҳдсизлиги) таъминланади. Лекин, корхоналар фаолиятида тур-ли хил сабабларга кўра пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг камомадлари келиб чиқдди. Меъёрдан ортиқ бўлган

ка-момадлар айбдор шахслардан ундирилиб олиниши керак. Камо-мадлар бўйича хисоб-китобларнинг аудити 4630 - «Моддий за-рарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти орқали амалга оширилади. Аудитор моддий зарарларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади, уларнинг қонуний равишда ундирилиши-ни текширади. Ушбу операцияларнинг аудити 4630 - «Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти билан корреспонденцияда бўлган счётлар орқали аудит қилинади. Жум-ладан, кассада пул маблағлари кам чиққан бўлса 5010 - «Миллий валютадаги пул маблағлари» (ёки 5020 - «Хорижий валютадаги пул маблағлари») счёти орқали, товарлар кам чиққан, ёки сифати бузилган бўлса, 2900 - «Товарлар хисоби счётлари» орқали, хом ашёлар кам чиққан бўлса, 1010 - «Хом-ашё ва материаллар» счётлари орқали текширилади. Камомадлар, келтирилган зарар-ларнинг ундирилиши, уларнинг келиб чиқиш сабабларига қараб 9433 - «Моддий бойликларнинг камомадлари ва бузилиши бўйича харажатлар» (корхона х^собидан қопланадиган камомад-лар, товар-моддий бойликларнинг бузилиши қийматлари), 5010 -«Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5020 - «Хорижий валютадаги пул маблағлари», 5110 - «Хисоб-китоб» счётлари (ка-момадлар ва зарарлар бевосита айбдор шахслар томонидан тўланганда) орқали аудит қилинади. Аудит натижалари аудитор-лик х,исоботи ва хулосасида қайд қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсисчилар, (муассис-лар) билан ўзаро хисоб-китоблари куйидаги счётлар орқали аудит қилинади: муассисларнинг устав капиталига улуш сифатида қарзлари 4710 - «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича му-ассисларнинг қарзлари» счёти орқали, таъсисчиларга тўланадиган дивидентлар 6710 - «Тўланадиган дивидентлар» счёти орқали, таъсисчилар чиқиб кетганда уларнинг оладиган улушлари эса 6620 - «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» счёти орқали аудит қилинади. Аудитор ушбу счётлар билан корреспонденцияда бўладиган (Таъсис ху>юкатлардаги шартларга асосан) 5200, 1000, 2800, 2900, 5000, **5110**, 5200, 0400, 0610, 5810, 8710, 8620 ва бошқа счётлардаги ёзувларни текширади.

Корхоналар ўзларининг мустақил балансга эга бўлган бўлинмаларига моддий, молиявий ёрдам беради. Ушбу бўлинмалар ўз новбатида олинган фойдаларидан корхонага аж-ратмалар қилсади. Натижада булар ўртасида маълум хисоб-китоб муомаласи келиб чиқади. Корхонанинг мустақил балансга эга бўлган бўлинмалари билан олиб борадиган қисоб-китоблари 6110 - «Алохда балансга ажратиладиган бўлинмаларга тўланадиган счётлар» орқали аудит қилинади. Ушбу счёт куйидаги счётлар билан корреспонденцияланган бўлади: 5110, 5200, 0710, 2800, 2900, 0100, 1200 ва бошқа счётлар. Аудитор корхона билан унинг мустақил бўлинмаси орқали хисоб-китобларини алохда турлари бўйича текширади ва маълум хулосаларга келади.

Турли мулкдаги корхоналар мулкий ва ижгамоий суғурта ҳамда бюджетдан ташкари фондларга ажратмалар бўйича хисоб-китобларни юритади. Аудитор

ушбу хисоб-китобларни тўғрилигини куйидаги счётлар бўйича текширади: 6510 - «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» счёти, 6520 - «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счёти, 6530 - «Бюджетдан ташкари фондларга тўловлар счёти». Аудитор мулкий ва ижтимоий суғурталар бўйича хисоб-китобларни текширган-да суғурта кипинган мол-мулкларнинг микдорига, ижтимоий суғурта бўйича тузилган қисоб-китобларнинг (расчётларнинг) тўғри тузилган-лигига эътибор бериши керак. Ижтимоий суғурга суммаси давлат иж-тимоий суғурта фонди, нафақа фонди ва аҳоли бандчилигини таъминлашга к^ратилган фондга бўлинади. Шунинг учун ушбу фондларга аж-ратмалар қонун талаблари асосида амалга оширилган бўлиши керак. Аудитор ушбу операцияларнинг тўғрилигини куйидаги счётларнинг маълумотлари оркали текширади: 6510, 6520, 6530, 2010, 2310, 9420, 9429, 5110, 5210, 1000, 6710, 5010 ва бошк^ счётлар. Текшириш натижаларида аниқданган камчиликлар аудиторлик хисоботи ва хулосасида ўз аксш топади.

18.9. Кредит операцияларининг аудити

Корхоналар фаолиятида банк кредитлари муҳим аҳамиятга эга. Кредитлар хисобидан корхонанинг молиявий ресурсларга бўлган эътиёжи қондирилади. Шу мақсадларда хўжалик юритувчи субъектлар турли мақсадларга қаратилган банк кредитларидан фойдаланадилар. Банкларнинг кредитларидан фойдаланиш корхоналар томонидан мустақил равишда белгиланади. Банклардан кредит олиш, ундан фойдаланиш тартиби банк фаолияти тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Банк кредитлари, улар учун тўланадиган фоизлар, кредитлар-нинг белгиланган мақсадлар бўйича фойдаланилиши корхона-нинг молиявий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. ТТТу мақсадларда банк кредитлари билан боғлиқ операциялар аудит-нинг муҳим объектларига киради.

Банк кредитлари аудити жараёнида қуйидагилар аниқданади:

- корхона томонидан олинган кредит турлари ва муддатлари;
- кредитни олиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги;
- кредит ресурсларининг мақсадли фойдаланганлиги;
- кредит фоизларининг тўғри белгиланганлиги ва вақтида тўланиши;
- кредитларнинг муддатида қайтариши;
- кредитлар билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия хисоби счётларида тўғри акс этгарилиши;
- корхонада хисоб-китоб ва кредит интизомига тўлиқ амал қилиниши.

Аудитор тузилган шартномага асосан кредит операцияларини куйидаги ҳужжатларга асосан текширади: корхонанинг Низоми ва «^гсоби сиёсати», кредит шартномаси, банк кўчирмалари, мо-лиявий ҳисвот, бухгалтерия хисобининг махсус регистрлари, кредитни олишга асос бўлган бошқа ҳужжатлар. Банк кредитла-рини аудит қилишда кредит шартномаси муҳим ўринни эгаллай-ди. Ушбу ҳужжатда кредитнинг тури, мақсади, объекти, кредит беришга қаролат, кредитни тўлаш тартиби, кредит берувчи ва кредит

олувчининг ҳуқуқтрити ҳамда мажбуриятлари ифодаланган бўлади. Аудитор томонларнинг ушбу талабларга тўлиқ амал қилишларини текшириб кўради.

Хўжалик юритувчи субъектлар кредитларни Ўзбекистон валютасида ва халқро валюталарда олиши мумкин. Халқро валю-таларда бериладиган кредитлар халқро талаблар асосида амалга оширилади.

Корхоналарнинг банкдан оладиган кредитлари кдсқа муддат-ли (бир йилгача) ва узоқ муддатли (бир йнлдан кўп муддатга) кредитларга бўлинади.

Узоқ муддатли кредитлар асосан ишлаб чиқаришни кенгайти-риш (қурилиш), янги жихрзлар сотиб олиш учун, қисқа муддатли кредитлар эса товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун бери-лади. Барча кредитлар мақсадли фойдаланилиши керак.

Аудитор банк кредитининг тўғрилигини махсус дастурга асо-сан куйидаги кетма-кетликда текширади:

- кредитнинг олинишига асос бўлувчи шартноманинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;

- кредитнинг тўлалиги ва мақсадлилигини текшириш;

- кредит фоизининг тўғри белгиланганлиги ва вақтида тўланишини текшириш;

- кредит операцияларининг синтетик ва аналитик счётларда тўғри акс эттирилишини текшириш;

- кредитларнинг синтетик счётларда ҳамда Бош китоб, бухгалтерия балансида тўғри акс эттирилишини текшириш;

- текшириш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.

Корхоналарнинг банкдан олган кредитлари турларига караб 6910 - «Киска муддатли банк кредитлари» ва 7510 - «У.зоқ муддатли банк кредитлари» счётларида хисобга олиб борилади. Ушбу счётлар пас-сив бўлиб уларнинг кредит қолдикдари корхонанинг банк олдидаги кредитлар бўйича карзини билдиради. Аудтггор ушбу счётларшшг қолдикдарини баланснинг пассив томони, -«Мажуриятлар» бўлими оркали аниклайди. Ушбу қолдиклар оборот кайдномалари ва Бош китобдаги қолдикларга мос келиши керак.

Банк кредитларининг тўғрилигига ишонч хосил қилиш учун ау-дитор кредит олинган банк муассасасига ёзма равишда хат юбориши мумкин. Банк ўз навбатида мижознинг олган кредити, фоизлари, кре-дит қолдиғи тўғрисида тегишли маълумотларни бсради.

Аудитор кредит қолдикларини аникдагандан сўнг кредит опе-рацияларининг бухгалтерия хдтсобида тўғри акс эттирилганлиги-ни текширади. Бунинг учун банк хужжатлари, бухгалтерия ёзув-лари, уларнинг қонуний амалга оширилганлиги ўрганилиб чикдлади. Корхонанинг банкдан олган к^сқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлари 6910 - «Киска муддатли банк кредитлари», 7510 - «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларининг кредит

томонида акс эттирилган бўлади. Кредитларнинг кдйтарилиши (тўланиши) эса ушбу счётларнинг дебитида ифодаланган бўлади. Аудитор

корхона томонидан олинган ва фойдаланилган банк кредитларини қуйидаги счётлар орқали текширади:

- кредитлар пул-валюта шаклида олинганда: 5110 - «Хисобкитоб счёти», 5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счётлари»нинг дебет томонидаги ёзувлар текширилади.

- кредитлар хисобига хом ашё, материаллар хдмда товарлар олинганди: 1010 - «Хом ашё ва материаллар», 2910 - «Омбордага товарлар», 2920 - «Чакана савдодаги товарлар» счётларидаги ёзувлар текширилади;

- кредитлар хдкбидан мол етказиб берувчиларга пул (валюта) тўланганда: 6010 - «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (7010 - «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»-узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича) даги ёзувлар 6910 - «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 - «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларидаги ёзувлар билан ўзаро таққослаб кўрилади.

Кредитлар бўйича фоизларнинг тўғрилиги 9610 - «Фоиз кўринишидаги харажатлар», 5110 - «Хисоб-китоб» счётидаги ёзувлар орқали текширилади. Узоқ муддатли кредитлар хисобига асосий воситалар сотиб олинган бўлиши мумкин, капитал қўйилмалари амалга оширилган бўлиши мумкин.

Кредит операциялари кредит шартномалари, счёт-фактуралар, далолатномалар, тўлов топшириқромалари, банк кўчирмалари хдмда бухгалтерия хисоби счётлари орқали текширилади. Аудитор бунинг учун 0820 - «Асосий воситаларни сотиб олиш», 7010 - «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 5110 - «Хисоб-китоб» счёти ва бошқа счётларни текшириб кўради.

Корхонанинг банкдан олган қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлари тўланганда пул маблағларини хисобга олиб боровчи счётлар камаяди (кредитланади). Аудитор банк кўчирмаларига асосан 6910 - «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 - «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларининг дебитидаги ёзувларни 5110 - «Хисоб-китоб» счёти, 5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5530 - «Бошқа махсус счётлар»нинг кредитидаги ёзувлар билан ўзаро таққослаб кўради.

Банк кредитларининг аналитик хисоби кредитларнинг турлари бўйича алоҳида регистрларда хисобга олиб борилади (кредит турлари, мақсадли йўналишлари ва тўланиш муддатлари бўйича). Аудитор кредитларнинг аналитик ва синтетик хисоби ҳамда бухгалтерия балансида тўғри акс эттирилганлигини текширади. Текшириш натижалари умумлаштирилиб аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасида қайд қилинади.

Корхоналар амалиётида кредит операцияларини хисобга олиш, кредит ресурсларидан фойдаланишда қуйидаги ноқонуний ёки чекланишларга йўл қўйилган бўлиши мумкин: кредит операциялари бўйича ҳужжатларнинг тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги, кредит фоизларини маҳрулот таннарига асоссиз қўшиш қоллари, кредит хисобига сотиб олинган мол-мулкларнинг харид қиймати асоссиз ошириб юбориш, бухгалтерия хисоби счётларида

кредитлар билан боғлиқ операцияларнинг нотўғри акс эттирилиши, кредитлардан мақсадсиз фойдаланиш ва бошқалар. Аудитор ушбу камчиликларни чуқур текшириб далилларга асосан хулосалар қилиши керак. Банк кредитларидан самарали фойдаланиш, уларни тўғри ҳисобга олиш ва доимий равишда назорат қилиб бориш ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигини таъминлайди.

тўғрилигини текшириш.

19- Мавзу: Асосий воситалар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг аудити.

Режа:

19.1.Асосий воситалар аудитининг мазмуни ва вазифалари.

19.2.Асосий воситаларнинг эскириши ва турли хил ҳисобдан чиқаришларни тўғрилигини текшириш.

19.3.Номоддий активларнинг аудити

19.4.Бошқа турдаги узоқ муддатли активларнинг аудити

19.5.Ишлаб чиқариш захираларининг аудити

Адабиётлар: 2.5,22,24,25,38,39,40,41,42,45,48,50,62.

Таянч иборалар:

Хом ашё ва материаллар, материал ресурслар, асосий воситалар аудити, асосий воситалар ҳаракатининг аудити, асосий воситалар эскиришининг аудити, номоддий активлар аудити номоддий активлар кўпайишининг аудити, номоддий активлар камайишининг аудити, номоддий активлар эскиришининг аудити, узоқ муддатли инвестициялар аудити, капитал кўйилмалар аудити.

19.1.Асосий воситалар аудитининг мазмуни ва вазифалари.

Асосий воситаларнинг аудити уларнинг қолдиқларини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари орқали аниқлашдан бошланади. Узоқ муддатли активлар таркибига кирувчи асосий воситалар бухгалтерия балансининг актив қисми, биригичи «Узоқ муддатли активлар» бўлимида ифодаланган (010 сатр). Аудитор балансидаги асосий воситаларнинг ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги қолдиқларини текшириб кўради. Ушбу маълумотларни оборот кайдномалари ва Бош китоб қолдиқлари билан ўзаро солиштиради. Корхонанинг асосий воситалари бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли — «Асосий воситалар» миллий стандартига ҳамда «Сўётлар режаси»га асосан 0100 — «Асо-сий воситаларни ҳисобга олиб боровчи сўётлар» ҳамда 0310 — «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби сўётлари»да олиб борилади. Ушбу сўётлар асосий воситаларнинг турлари бўйича юритилади Киска муддатга ижарага олинган асосий воситалар эса 001—«Ижарага олинган асосий воситалар» номли балансдан ташқари сўётда ҳисобга олиб борилади.

Аудитор асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдиқларини уларнинг ҳақиқий қолдиғи билан солиштиради. Бунинг учун асосий воситалар қабул қилинган тартиб бўйича инвентаризация қилинади. Инвентаризация натижасига кўра асосий воситаларнинг ҳақиқий қолдиғи маълум бўлади. Ушбу жараён амалга оширилгандан сўнг асосий

воситаларнинг ҳаракати, яъни кўпайиши ва камайиши (хиисобдан чиқарилиши) аудит қилинади.

Асосий воситалар кўпайишини аудит қилишда қирим ҳужжатлари бўйича асосий воситаларнинг тўғри баҳоланишига, бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилишига эътибор берилади. Янги жихозлар қелиб тушганда унинг тўлиқдигига, техник ҳрлатига эътиборни қучайтириш қерак. Айрим ҳрлларда қорҳона томонидан маънавий эскирган асосий воситалар харид қилинган бўлиши мумкин. Қурилиш орқали қирим қилинган асо-сий воситаларнинг сметалари, техник-иқтисодий ҳисоб-қитоблари тўлиқ текширилади. Асосий воситалар таъсисчилардан, қомийлардан ва бошқа шахслардан теқинга ҳам олинган бўлиши мумкин. Аудитор ушбу операцияларни қабул қилиш ҳужжатларига, моддий жавобгар шахсларнинг ҳсботларига ва бухгалтерия ёзувларига асосан текширади.

Аудит жараёнида ўрнатилмаган, захирадаги асосий воситаларга алоҳида эътибор берилиши қерак. Уларни вақтида ўрнатмаслик ёки фойдаланилмаслик сабаблари аниқланади. Вақтида ўрнатилмаган захирадаги асосий воситалар учун қорҳона қўшимча миқдорда мол-мулк солиғини тўлайди.

Асосий воситаларнинг аудитида уларнинг сотилиши ва ижарага олиниши ёки берилишига (лизинг операцияларига) алоҳдда эътибор берилади. Айрим ҳрлларда маънавий эскирган асосий воситалар сотиб олинган бўлиши мумкин. Бундай текширув асосий воситаларни баҳрлаш, сотиш-сотиб олиш, ижарага бериш шартномалари ва тўлов ҳужжатлари орқали амалга оширилади

19.2.Асосий воситаларнинг эскириши ва турли хил ҳисобдан чиқаришларни тугрилигини текшириш.

Аудитор асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва тугатилиши билан боғлиқ операцияларга эътиборини қаратиши қерак. Асосий воситалар тўлиқ эскирган, ўз фойдаланиш муддатини тўлиқ ўтагандан кейингаиа ҳисобдан чиқарилиши лозим. Айрим ҳрлларда рўзғорбоп асосий воситалар - музлатқичлар, вқдео, телеаппаратуралар, енгил автомашиналар фойдаланиш муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилиб юборилиши мумкин. Бундай операцияларни аудитор асосий воситаларнинг ҳрлатини ва эскиришини акс этгарувчи ҳужжаҳяр ҳамда уларнинг паспорти орқали текширади. Аудит жа-раенида ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳрлати ва мақсадлилигига алоҳдда эътибор берилиши қерак.

Асосий воситаларни аудит қилишда уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилишини текшириш муҳдм ҳисобланади. Аудитор 0100 — «Асосий воситаларни ҳисобга олиб қорувчи счёт-лар» (0310 — «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий восита-лар») билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби ёзувларини обдан тек-ширади. Асосий воситаларнинг кўпайиши уларнинг турлари бўйича 0110 - «Ер», 0120 -«Биоқлар, иншоотлар ва узатувчи усқуналар», 0130 - «Машиналар ва жихрзлар» ва бошқд счётларнинг дебет томонида аск эттирилган бўлади. Аудитор ушбу счётлардаги

ёзувларни 0810, 0310, 4710, 8511, 8531, 6110 ва бошқа счётларининг кредитидаги ёзувлар билан ўзаро солиштириш йўли билан текшириб чиқади. Асосий воситаларнинг кўпайганлиги тўғрисидаги маълумотлар дастлабки ҳужжатларда (кдбул қилиш далолатномалари, счёт-фактуралар, накладнойлар, кайдномаларда) ўз аксини топган бўлади. Асосий воситаларнинг камайиши эса 0100 — «Асосий воситаларни ҳисобга олиб боровчи счётлар»нинг кредитида кўрсатилиб ушбу маълумотлар 9210 — «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» ҳамда 4110, 9310, 0200, 8531, 5110, 5200 ва бошқа счётлардаги маълумотлар билан ўзаро таққослаш йўли билан аудит қилинади. Асосий воситаларнинг эскириши 0200 - «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиб боровчи счётлар» счётидаги ёзувлар орқали текширилади. Ҳозирги пайтда корхоналар асосий воситалар амортизациясининг ажратмаси усулини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар ва «Ҳисоб сиёсати»да акс эттирадилар. Амортизация ажратмалари куйидаги тўрт усулнинг бирида аниқланган бўлиши мумкин:

- тўғри ҳисоблаш усули орқали;
- коррекция усули орқали;
- тезлаштирилган усулда;
- бажарилган иш (ишлаб чиқарилган маҳсулот) қажмига нисбатан мутаносиб равишда.

Аудитор ушбу усулларнинг нечоғлик асосланганлиги ва эскириш суммаларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри фойдаланганлигини текшириб чиқади. Бундай текширув 0200 — «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиб боровчи счётлар» счётидаги ёзувлар ҳамда 2010, 2310, 2710, 2510, 2210, 9419, 9450, 0310, 8531 ва бошқа счётлардаги ёзувлар орқали амалга оширилади. Корхонанинг лизинг шартномалари бўйича узоқ муддатга ижарага олган асосий воситаларининг аудити бухгалтерия қисобининг 6-сонли - «Лизинг ҳисоби» миллий стандарти талаблари асосида амалга оширилади. Лизинг шартномалари бўйича олинган асосий воситалар 0310 - «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида қисобга олинган бўлади. Аудитор ушбу счётида қилдикри ва ҳақиқий **миқдорини** текширади. Лизинг бўйича олинган асосий воситаларнинг ҳаракати 0310, 6810, 7630, 8511, 8513, 0110-0191, 0299, 0211-0290 ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади. Бундай текширувга асос бўлиб лизинг шартномалари, далолатномалар қисобанади.

Аудит жараёнида асосий воситалар турлари ва фойдаланиш (сакланиш) жойлари бўйича ҳам аудит қилинади. Бунинг учун асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби регистрлари (китоблар, журнал-ордерлар, машинограммалар), «Молиявий қисобот» маълумотларидан (3-шакл - «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида қисобот»дан) кенг фойдаланилади.

Аудит жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар аудитор томонидан умумлаштирилиб белгиланган тартибда расмийлаштирилиб борилади.

Аудиторлик хисоботи ва хулосасида текширув натижал-ри ўз аксини топади камда буюртмачига такдим этилади.

19.3. Номоддий активларнинг аудити

Номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операциялар доимий равишда назорат қилиб борилади. Бунинг сабаби, биринчи-дан, хориждан янги технологиялар, ихтиролар фақат чет эл валютасида сотиб олинган бўлади. Иккинчидан, номоддий активларни сотиб олиш жараёнида маънавий эскирган, самараси нисбатан юқори бўлмаган ихтиролар, технологияларнинг мамлакатимиз ичкарасига келиб қолиш эҳтимоллари ҳам йўқ эмас. Шу сабабли номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операциялар ҳам **ташқи** ҳам ички назорат қилиниши керак. Маълумки, хорижий мамлакатлардан келтириладиган барча моддий бойликлар, улар билан боғлиқ операциялар даставвал божхона назоратидан ўтказилади. Божхона назорати жараёнида сотиб олинган номоддий активлар-нинг шартномалари, товар ва банк ҳужжатлари изчил текшири-лади. Бунда тузилган шартномаларнинг белгилаган талабларга қай даражада мослигига, номоддий активларнинг баҳрсига, бож тўловларига эътибор берилади.

Хорижий мол етказиб берувчиларга тўланадиган валюта маб-лағларининг тўғрилиги банк орқдли ҳам назорат қилинади. Бунда номоддий активлар бўйича ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилганлиги, валюта курсидаги ўзгаришларга алоқида эътибор берилиши керак. Номоддий активларнинг самарали фойдалани-лиши корхона (фирма) мутахассис-ходимлари томонидан ҳам ички назорат қилиб борилади. Сотиб олинган номоддий активлар-нинг дастлабки ҳужжатлари, уларни ишлаб чиқариш соҳасига жорий қилиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар текширилади. Корхонада номоддий активларнинг ҳдракати бух-галтерия ҳисоби счётларида ва регистрларида акс эттирилиб дои-мий равишда назорат қилиб борилади.

Ташк[^] иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, мамлакатимиз-га номоддий активларнинг кўплаб кириб келиши уларнинг ауди-торлик назоратини ҳдм долзарб қилиб қўймоқда. Номоддий ак-тивларнинг аудити таъсисчилар (муассислар), сармоядорлар, мулк эгалари ва бошқа манфаатдорларнинг буюртмаларига асо-сан ўтказилади. Аудит орқдли номоддий активлар билан боғлиқ операцияларнинг қабул қилинган қонун-қоидаларга муво-фиклиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўғри акс эттирил-ганлиги текширилади.

Номоддий активларнинг аудити буюртмачилар билан тузил-ган шартномалар асосида қуйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

- номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдиғи аникланади;
- номоддий активларнинг қакдқдй миқдори бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади;
- номоддий активларнинг харид қилиниши ва сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг қонуний тузилганлиги текширилади;
- номоддий активлар қаракатининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги назорат қилинади;

- номоддий активлар бўйича эскириш суммаларининг тўғри хисобланганлиги, қисобдан тўғри чиқарилганлиги текширилади;
- номоддий активлар бўйича ўзаро қисоб-китобларнинг вақтида ва тўлиқамалга оширилганлиги ўрганилади;
- номоддий активларни ишлатишдан олинган фойда ва уни кўпайтириш йўллари белгиланади.

Аудитор номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия хисобининг 0400 — «Номоддий активларни қисобга олиб боровчи счётлар», 0500 — «Номоддий активлар-нинг эскиришини ҳисобга олиб боровчи счётлар», 9220 — «Бошқд активларнинг сотилиши ва хисобдан чиқарилиши» счёт-лари орқали текширади. Аудит жараёнида ҳар бир операциянинг тўғри хужжатлаштирилганлиги, бухгалтерия хисоби счётларида аниқ ифодаланганлиги кўриб чиқилади. Келиб тушган номоддий активлар 0400 — «Номоддий активларни қисобга олиб боровчи счётлар»нинг дебетдаги ёзувлар билан 4710, 0830, 8523, 5110, 5210 ва бошқа счётларнинг кредитдаги ёзувларни солиштириш йўли билан аудит қилинади.

Сотилган, камайган ва эскирган номоддий активлар 0400 -«Номоддий активларни хисобга олиб боровчи счётлар», 0500 -«Номоддий активларнинг эскиришини хисобга олиб боровчи счётлар», 9220 - «Бошқа активларнинг сотилиши ва хисобдан чиқарилиши», 9320 - «Бошқа активларнинг сотилиши ва хисобдан чиқарилишидан олинган фойда», 9400 - «Давр харажатларини хисобга олиб боровчи счётлар» ҳамда 0650, 5810 счётлардаги ёзувлар орқали текширилади. Аудит натижасида аниқданган хато-камчиликлар маълум таршбддумлаштирилади.

Номоддий активлар қолдигининг тўғрилиги 0400 ~ «Номоддий активларни хисобга олиб боровчи счётлар», Бош китоб, оборот кайдномалари ва бухгалтерия баланси маълумотлари орқали текширилади. Номоддий активлар бухгалтерия баланси-нинг актив томони, биринчи бўлинмасида кўрсатилган бўлади. Балансдаги қолдиқ 0400 - «Номоддий активларни қисобга олиб боровчи счётлар», Бош китобдаги қолдиқларга мувофиқ келиши керак. Номоддий активларининг умумий миқдори уларнинг турлари бўйича қолдиқларига мос келиши лозим. Аудитор номоддий активлар бўйича тузилган шартномалар, уларнинг мақсадлилигини, ва самарадорлигини аудит қилади. Аудит натижалари ҳисобот ва аудиторлик ҳулосаси билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжатлар аудитор томонидан буюртмачига берилади ва тегиш-ли қарорлар қабул қилинади.

Шундай қилиб, номоддий активларни тўғри қисобга олиш ҳамда вақтида аудит қилиш орқали уларнинг самарадорлиги таъминланади.

19.4.Бошқа турдаги узоқ муддатли активларнинг аудити

Корхонанинг активи хисобланган бошқд турдаги узоқ муддатли маблағлар ҳам маълум тартибда ва кетма-кетликда аудит қилинади. Даставвал, ушбу активларнинг қолдиқлари баланс маълумотлари орқали

текширилиб чиқлади. Балансдаги маълу-мотлар оборот кайдномаи ҳамда бош[^] регистрлардаги маълу-мотларга мувофиқ келиши керак.

Бошқа турдаги узоқ муддатли активлар узоқ муддатли капитал қўйилмалари шаклида бўлса, аудитор 0800 — «Капитал қўйилмаларини ҳисобга олиб боровчи счётлар»даги операция-ларнинг қонунийлиги, тўғри х[^]тсобега олинганлигини текширади. Ушбу счётнинг қолдиғи узоқ муддатдаги капитал маблағларини ифодалайди. Капитал қўйилмалари қурилиш жараёнида янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олинганда амалга оширилган бўлади. Аудитор ушбу счёт орқали капитал қурилишига сарф бўлган моддий ва молиявий ресурсларнинг миқдорини текширади. Капитал қўйилмаларига сарф бўлган қурилиш материаллари 1000 - «Материалларни ҳисобга олиб боровчи счётлар» орқали, ўрнатилган асбоб-ускуналар 0710 - «Ўрнатилган асбоб-ускуналар ҳисоби счётлари» орқали, иш қак[^] харажатлари эса 6710 - «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счёти орқали текширилади. Бошқ[^] харажатлар 0600, 1210, 5000, 5100, 6010 ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади. Капитал қўйилмалари орқали қурилган ва қирим қилинган асосий воситалар 0100 - «Асосий воситаларни ҳисобга олиб боровчи счётлар», ва 0800 - «Капитал қўйилмаларини ҳисобга олиб боровчи счётлар» орқали ўзаро текширилади. Тек-шириш жараёнида ҳар бир харажатнинг мақсадлигига ва қонунийлигига алоҳида эътибор берилади. Қурилиш ташкилот-ларининг амалиётида тўлиқ тугатилмаган ишлар «тугатилди» деб расмийлаштирилган бўлиши ёки «қўшиб ёзиш» ҳоллари бўлиши мумкин. Аудитор бундай ноқонуний операцияларни қурилиш сметалари, калькуляциялар, хизмат таърифлари, бинони топши-риш - қабул қилиш ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали текширади.

Бошқа турдаги узоқ муддатли активларга бир йилдан кўп бўлган муддатларга қилинган инвестициялар ва бошқд молиявий қўйилмалар, яъни қимматбаҳр қоғозлар чиқариш ёки сотиб олиш билан боғлиқ операциялар ҳдм қиради. Узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар ва қимматбаҳр қоғозлар билан боғлиқ молиявий қўйилмалар 0600 - «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиб боровчи счётлар»да акс эттирилган бўлади. Аудитор ушбу счётнинг қолдиғини, қўпайиши ва қамайишини уларнинг турлари ва маълум операциялари бўйича чуқур текширади. Аудитор ушбу счётнинг қўпайганини қуйидаги счётлар орқали текширади (0600 - «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳдтсобега олиб боровчи счётлар»нинг дебети):

— узоқ муддатли қимматбаҳр қоғозлар сотиб олинганда (5000- «Кассадаги пул маблағларини ҳисоби счётлари», 5110 - «Ҳисоб-китоб» счёти, 5200 - «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари»да) маблағлар қамайдиган бўлади;

- бошқд ташкилотнинг устав капиталига айланма маблағлар қўйилганда 1010 - «Ҳом ашё ва материаллар», 2810 - «Омборхонадаги тайёр маҳсулотлар», 2910 - «Омборхонадаги товарлар» счётлари ҳдм қамайдиган

бўлади. Аудитор ушбу счётларнинг кредитдаги суммаларни 0600 - «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиб боровчи счётлар»нинг дебетдаги суммалар билан ўзаро солиштиради.

Корхонанинг 0600 - «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиб боровчи счётлар» узоқ муддатли қдматбаҳр қоғозлар со-тилганда камаяди. Бу жараён 9220 - «Бошқа активларнинг соти-лиши ва ҳисобдан чиқарилиши счётлари» қамда 5010, 5110, 5210, 9320 ва бошқд счётлар орқали текширилади. Қимматбаҳо қоғозлар бўйича х^асобланган ва тўланган дивидентлар 9890, 4710, 5010, 5110, 6710 ва бошқд счётлар орқали аудит қилинади.

Аудит натижалари умумлаштирилиб аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасида ўз аксини топади.

19.5.Ишлаб чиқариш захираларининг аудити

Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва фирмаларда материаллар, уларни тўғри баҳрлаш, ҳисобга олиш ҳамда назоратини таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Чунки, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг таннархига киритилади.

Хом ашёлардан самарали фойдаланиш туфайли янги мақсулот таннархида моддий **харажатларнинг** улуши камаяди. Натижада харидорларнинг сотиб олиш қобилиятига мос келадиган тайёр мақсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунинг учун хом ашё ва материаллар аудити муҳим аҳамиятга эга.

Аудитор тузилган шартномага асосан хом ашё ва материал-ларни куйидаги тартибда ва кетма-кетликда аудит қилади:

- хом ашё ва материалларнинг қолдиги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари орқали аниқланади;
- хом ашё ва материалларнинг ҳдқиқий қолдиғи текширилади;
- хом ашё ва материаллар нархининг тўғри кўйилиши ва унга амал қилиниши текширилади;
- хом ашё ва материалларнинг мақсулот таннархига тўғри олиб борилганлиги таҳлил қилинади.

Аудитор хом ашё ва материалларни текширганда куйидагиларга эътибор бериши керак: ишлаб чиқариш жараёни-нинг хом ашё ва материаллар билан таъминланиш даражаси, материалларга бўлган талабнинг нечоғлиқ асосланганлиги, тайёр мах,сулотларни ишлаб чиқаришга кетадиган асосий ва кўшимча материаллар меъёрининг тўғрилиги, корхонада ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини жорий этилиши туфайли хом ашё ва материалларга бўлган эқтиёжнинг ўзгариши, мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларнинг асослилиги, хом ашё. материаллар учун ортиш-тушириш ва ташиш харажатлари-нинг тўғрилиги ва бошқа операциялар.

Хом ашё ва материаллар назоратини таъминлаш, улардаги нархларнинг (баҳрларнинг) тўғрилиги ўта муҳдм ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарида хом ашё ва материалларнинг манбайи, тури ва баҳрси қар хил

бўлиши мумкин. Лекин, улар мақсулот таннархига тўғри олиб борилиши керак. Хўжалик юри-тишнинг янги шароитида ҳам ашё ва материалларнинг таннархи, бахрлари қуйидаги усулларда аниқданади ва юритилади:

- ҳам ашёларнинг таннархини уларнинг алоҳида турлари бўйича юритиш;
- ўртача таннарх бўйича юритиш;
- ФИФО усулида (даставвал сотиб олинган ҳам ашё таннархида) юритиш;
- ЛИФО усулида (охирида сотиб олинган ҳам ашё таннархида) юритиш.

Аудитор материал ресурслари бўйича қўлланиладиган гоқоридаги усулларга алоҳида эътибор бериши керак. Чунки, ма-териаллар таннархининг тўғри асосланмаганлиги туфайли тайёр мақсулотнинг фшмати асоссиз ошиб кетиши мумкин.

Хом ашё ва материалларнинг қолдиғи бухгалтерия баланси-нинг актив томони, иккинчи бўлинмасида акс эттирилган бўлади. Ушбу қолдиқ моддий ресурсларнинг ҳақиқий миқдори билан со-лиштирилади. Бунинг учун аудиторнинг ташаббуси билан ҳам ашё ва материалларнинг инвентаризацияси ўтказилади. Инвента-ризация жараёнида материалларнинг сифатига (ярокли-яроқсизлигига), фойдаланиш муддатларига алоҳида эътибор бе-рилиши керак.

Хом ашёларнинг ҳақиқий қолдиғи аниқлангандан сўнг улар-нинг ҳаракати, яъни келиб тушиши (сотиб олиниши) ва фойдаланиши текширилади. Бундай текширув ҳам ашё ва материаллар ҳаракатини ифодаловчи ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Аудитор ҳам ашё ва материаллар бўйича ишонч қоғозлари, счё-т-фактуралар, кирим накладнойлари, чикимм накладнойлари, буюртма-накладнойлар, лимитланган варақалар ҳамда ҳ^асоб регистр-ларидан кенг фойдаланади.

Аудитор ҳам ашё ва материаллар ҳаракатини текширганда ушбу масала бўйича «Ҳисоб сиёсати» ва унга қдй даражада амал қилинаётганлигига алоҳида эътибор бериши керак. Бунинг учун ҳам ашё ва материалларни ҳисобга олишнинг БҲМС дан, аудит стандартларидан кенг фойдаланилади. Аудитор бухгалтерия ҳлқобида қўлланиладиган 1000 — «Материаллар» ҳисоби счё-тлаирини қуйидаги йўналишлар бўйича текширади:

- ҳам ашё ва материалларнинг ҳисобга олиниш тартиби;
- ҳам ашё ва материалларнинг бухгалтерия ҳисобида бахрланиш тартиби;
- материалларнинг маҳрулот таннархига тўғри олиб борилганлиги;
- ҳам ашё ва материаллар инвентаризациясининг вақтида тказилганлиги;
- материаллар ҳаракати бўйича хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счё-тларида тўғри акс эттирилганлиги.

Аудит жараёнида қуйидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳдқоби счё-тларида тўғри акс эттирилганлигига эътибор берилади: мол етказиб берувчилар билан олиб борилган ҳисоб-китоблар (1000, 6010, 7010, 5110,

5200, 5500, 1500 1600 ва бошқа счётлар-даги ёзувлар), материаллар бўйича мол етказиб берувчиларга билдирилган даъволар ва уларнинг ўндирилиб олинishi (1000, 6010, 7010, 6860, 5110, 5200 ва бошқа счётлардаги ёзувлар) тек-шириб чиқилади. Аудитор ҳам ашё ва материаллар бўйича қўшилган қиймат солиғининг тўғрилигини 1000 — «Материаллар ҳисоб счётлари», 6410 — «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик», 4510 — «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар», 5110 — «Ҳисоб-китоб» счёти ва бошқа счётлар орқали текширади. Бундай текширув товар ва банк ҳужжатлари, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоблари, аналитик ҳисоб регистрлари орқали амалга оширилади. Ҳам ашё ва материалларнинг ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши 1000 — «Материаллар ҳисоби счётлари»нинг кредити билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ёзувлари орқали аудит қилинади. Ушбу счётнинг кредитидаги ёзувлар 2010 - «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 — «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 - «Умумий ишлаб чиқариш», 2800 — «Тайёр маҳсулот ҳисоби счётлари», 9720 - «Фавқулоддаги зарарлар», 4630 — «Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қдрзлари», 6310 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар», , 4010 — «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар», 5110 — «Ҳисоб китоб» счёти, 5200 - «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари» ва бошқа счётларнинг дебитидаги ёзувлар билан ўзаро солиштирилиб чиқилади. Аудит жараёнида ҳам ашё ва материалларнинг инвен-таризацияси, унинг натижалари обдан текширилиб қўрилади.

Аудитор корхонада ҳам ашё ва материалларнинг турлари, сақланиш жойлари бўйича ҳисобга олинishi билан яқиндан та-нишади. Бу мақсадларда материалларнинг аналитик ҳисоби регистрлари (китоблар, журналлар, карточкалар, машинограммалар), моддий-жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари текширилиб чиқилади. Бухгалтерия Ҳисобидаги ҳам ашё, материалларнинг синтетик ҳисоби маълумотлари аналитик ҳисоб маълумотларига мос келиши ва ўзаро монанд бўлиши керак. Аудиторлик текши-рув натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмий-лаштирилади.

Назорат саволлари

1. Асосий воситалар аудитининг вазифаларинималардан иборат?
2. Асосий воситаларнинг эскириши ва турли хил ҳисобдан чиқаришларни тўғрилигини текшириш.
3. Номоддий активларнинг аудити
4. Бошқа турдаги узоқ муддатли активларнинг аудити
5. Ишлаб чиқариш захираларининг аудити
6. Ҳам ашё ва материаллар, материал ресурсларни аудити.
7. Капитал қўйилмалар аудити.

20-Мавзу: Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, тайёр маҳсулот ва унинг сотилиши аудити.

Режа:

20.1. Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари аудити.

20.2. Давр харажатларининг аудити.

20.3. Тайёр махсулотларнинг аудити

20.4. Товар операцияларининг аудити

20.5. Фойда (зарар)нинг аудити

Адабиётлар: 1,5,9,22,24,25,38,43,48,49.

Таянч иборалар:

Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари аудитининг кетма-кетлиги, тайёр маҳсулотлар аудитининг кетма-кетлиги. махсулот таннархининг аудити, тайёр маҳсулотлар харажати ҳисобининг аудити, тайёр маҳсулотлар реализацияси натижаларининг аудити, товар операциялари аудити, келтирилган товарларнинг аудити, сотилган товарларнинг аудити. Экспорт-импорт операциялари аудити, Товар нобудгарчиликларининг аудити, молиявий натижанинг аудити, фойданинг шаклланишини аудити, фойданинг ишлатилишини аудити, Маржинал фойда.

20.1. Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари аудити.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти бевосита харажатлар билан боғлиқ, Харажат — бу махсулотларни ишлаб чиқариш, товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодаланишидир.

Иқтисодий ислоқотлар туфайли харажатларнинг турлари ва таркиби ҳам такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Низомга асосан ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи барча корхоналарнинг харажатлари қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

- махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;
- давр харажатлари;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда харажатлар (зарарлар).

Харажатларнинг турлари маълум моддалардан иборат бўлиб алоҳида ҳисобга олинади ва назорат қилиб борилади. Харажатлар аудит объекти сифатида ўрганилади, уларни пасайтириш йўллари белгиланади. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, корхоналар фаолиятида харажатларнинг асоссиз камайирилиши қўйиб қўйилган натижаларни беравермаслиги мумкин. Тадбиркорликни ривожлантириш, кўпроқ даромад (фойда) олишга қараганда харажатлар ошиши керак. Бу эса харажатлар аудити орқали ашкланади. Харажатлар аудитида махсулот таннархини аниқлаш алоҳида ўрин тутади.

Махсулот таннархини аудит қилишда қуйидагиларга эътибор берилади:

- маҳсулот таннархига киритилган хом ашё ва материалларнинг тўғри баҳрланиши ва ҳисобга олиниши;
- махсулот таннархи ва қўйиматининг корхона ҳисоб сиёсати ва солиқ қонунчилигига мос келиш-келмаслиги;

- мақсулот таннархининг тўғри хисобга олиниши;
- ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия ҳдуюби счётларида тўғри акс эттирилиши;
- тайёр мақсулотларнинг тўлиқ қирим- қдлиниши ва сотишга тайёрлаш.

Мақсулот таннархи тўғри ва ўзгарувчан харажатларга бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш қажми" қанчалик ошиб бораверса мақсулот таннархидаги ўзгарувчан харажатларнинг ҳдссаси ҳам шунчалик ошиб бораверади Шунинг учун мақсулот таннархи аудит қилинганда қорхонанинг «Бизнес-режа»сига, «Ишлаб чиқариш дастури»га, «Харажатлар смета-си»га, «Режали (қакикдй) калькуляция»га алоҳида эътибор берилади. Мақсулот таннархи сарф қилинаётган хом ашё ва материаллар, улар бўйича белгиланган нархларга бевосита боғлиқдир. Аудитор хом ашёлар бўйича белгиланган бах,оларнинг «ЛИФО», «ФИФО» ва «Ўртача нарх» усулларига алоҳида эътибор бериши қерак.

Ўзгарувчан харажатлар — бу мақсулот ҳажмига нисбатан пропорционал ўзгарадиган харажатлардир.

Ишлаб чиқариш қорхоналарида мақсулот қажмига бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар қам мавжуд. Мисол учун, ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг ишлаш қолатини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар, асосий восита-ларни ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чикдришдаги ишчиларнинг техника хафсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Ушбу харажатларнинг ҳажми маълум даврда мақсулот ҳажми ўзгарганда қам ўзгармайди. Уш-бу

Доимий харажатлар - бу маълум давр ичида мақсулот ҳажми ўзгарганда ҳам ўзгармайдиган харажатлардир.

Аудитор маҳрулот таннархи билан боғлиқ бўлган харажатларни асосан қуйидаги бухгалтерия ҳисоби счётлари орқали текширади:

2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» (Ушбу счётаинг дебетиди ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар акс эттирилган бўлади);

2310 - «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;

2510 - «Умумишлаб чикдраш харажатлари»;

2610 - «Ишлаб чиқаришдаги брак»;

1000 — «Матераллар ҳисоби счётлари»;

2810 - «Омбордаги тайёр маҳ,сулот»;

9110 - «Солтилган тайёр маҳрулотлар таннархи» ва бошқд счётлар.

Маҳрулотнинг ишлаб чиқариш танннархини шаклландрувчи харажатлар 0200, 1210, 1310, 1610, 5110, 5010, 5210, 6010, 6710, 6870, 6890 ва бошқд счётлардаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр мақсулотлар 2810 - «Омбор-даги тайёр маҳрулотлар» счётнинг дебетиди ва 2010 - «Асосий ишлаб чикдриш» счётининг кредитидидаги ёзувларни ўзаро солиш-

тириб кўриш орқали аудит қилинади. Аудитор ишлаб чиқариш харажатларини алоҳида моддалари бўйича таҳлил қилиб уларга таъсир этувчи омилларни аниқлайди, маҳсулот таннархини па-сайтиришга қаратилган тавсиялар беради.

Қсрхона фаолиятини бошқариш, маҳсулотларни сотишга тайёрлаш ҳамда сотиш билан боғлиқ харажатлар давр харажатларини ташкил қилади. Давр харажатлари таркиби қабул қилинган Низомга асосан қуйидаги харажатларни ўз ичига

20.2. Давр харажатларининг аудити.

Давр харажатлари аудити Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Вазирлар Маҳдамасининг харажатлар таркиби ва мо-лиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисидаги Низоми қамда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг 4 - «Товар-моддий заҳралар» стандарти асосида амалга оширилади.

Давр харажатлари турларига қараб 9400 - «Давр харажатлари ҳисоби счётлари»да (9410-9450- счётлар) акс эттирилиб борилади. Аудитор давр харажатларининг шаклланиши ва «Якуний мо-лиявий натижа» счётига тўғри олиб борилганлигини қуйидаги счётлар орқали текширади:

9410 - «Сотиш харажатлари»;

9420 - « Маъмурий харажатлар»;

9430 - «Бошқд операцияларнинг харажатлари»;

9440 - «Келгусида соливд тортиладиган базадан чегариладиган ҳисобот даври харажатлари»;

9450 - «Ёрдамчи ҳўжаликлар» ва бошқа счётлар.

Ушбу счётларнинг дебётдаги ёзувлар давр харажатларининг шаклланишини билиради. Аудитор давр харажатларининг шаклланишини 5110, 6010,4210,6710,5010,6520,0200,1310,6890,9210,6110 ва бошқа счётлардаги ёзувлар (ушбу счётларнинг кредитдаги ёзувлар) орқали текширади. Ой тугагандан сўнг барча давр харажатлари 9900 - «Якуний молиявий натижа» счётига ўпсизилган бўлади (давр харажатларини ҳисобга олиб боровчи счётларда қолдик, қолмайди). Аудитор жараёнида давр харажатлари алоҳида моддалари бўйича текширилиб маълум ҳулосаларга келинади.

Қорхонанинг молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган харажатлари фоииз кўринишидаги харажатлар, курс фарқларидаги зарарлар ҳамда бошқа гурдаги молиявий фаолроғ харажатларидан иборат. Аудитор ушбу харажатларнинг тўғрилигини 9600- «Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счётлари» орқали текширади. Мазкур счёг 6820, 7510, 6920,5210,0610,4620 ва бошқа счётлар билан корреспонденцида бўлиб ой охирида 9900 - «Якуний молиявий нагажа» счёти билан ёгашади. Аудитор ушбу счётлардаги ёзувларнинг қонуи талабларига мос келиш-келмаслигини текширади. Харажатлар аудитининг кетма-кетлигини қуйидагача ифодалаш мумкин .

Харажатлар аудити натижалари аудиторлик қисоботи ва ҳулосасига киритилади.Харажатларнинг режалаштиришини текшириш.

20.3. Тайёр маҳсулотларнинг аудити

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ ўтаган ва сотишга мўлжалланган маҳрулот қисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги тайёр маҳсулотларнинг хажми ва сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Тайёр маҳсулотлар буюртмаларга асосан ишлаб чиқарилган бўлса ундан қам ишлаб чиқарувчи, ҳам сотиб олувчи манфаат кўради.

Тайёр маҳсулотнинг аудити жараёнида қуйидагилар аниқланади:

- тайёр маҳрулотлар ҳақиқати таннархининг асослилиги;
- тайёр маҳсулотларнинг тўғри кирим қилинганлиги;
- тайёр маҳрулотлар инвентаризациясининг тўғри ўтказилганлиги;
- тайёр маҳсулотла таннархидаги фарқлар сабаблари.
- Тайёр маҳсулотлар реализациясининг тўғри амалга оширилганлиги;
- тайёр маҳсулотлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилиши;
- тайёр маҳсулотларнинг сакланиш жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича тўғри қисобга олиб борилиши;
- тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган молиявий натижалар ҳисобининг асослилиги.

Тайёр маҳсулотларни аудит қилишда қуйидаги ахборот манбалари-дан фойдаланилади: тайёр маҳрулотларни қабул қилиш далолатномаси, кирим накладнойлари, тайёр маҳрулотларни омборхоналарда ҳисобга олиш регистрлари, тайёр маҳрулотларни ишлаб чиқариш қайдномалари, сотиб олувчилар билан тузшган шартномалар, сўёт- фактуралар, товар-транспорт накладнойлари, банк ҳужжатлари, солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар.

Аудитор тайёр маҳрулотларни аудит қилишда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

- корхонада тўлиқ ҳисобга олинмаган ҳол ашёлардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг мавжудлигига;
- моддий жавобгар шахслар томонидан ҳақдор тайёр маҳсулотларнинг тўлиқ кирим қилинган ёки қилинмаганлигига;
- тайёр маҳрулотлар таннархи ҳақида сифатининг белгиланган меъёрларга мос келиш-келмаслигига;
- харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотларнинг сифати ва тўлиқлигига;
- сотиб олувчилар томонидан қайтарилган тайёр маҳрулотларнинг мавжудлиги ва уларнинг сабабларига;
- тайёр маҳрулотлар таркибидаги яроқсиз (брак) маҳрулотларнинг мавжудлиги ва уларнинг келиб чиқиш сабабларига;
- тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишига.

Корхоналар фаолиятида тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш жараёнида қуйидаги камчиликлар бўлиши мумкин: тайёр маҳсулотларни бахрлаш ва ҳисобга олиш корхонанинг «Ҳисоб сиёсати» талабларига мос келмаслиги, маҳсулот таннархидаги фарқлар нотўғри аниқланганлиги, жўнатилган ва сотилган тайёр маҳсулотлар қажмида фарқларнинг мавлиудлиги, синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларидаги номувофиқликлар.

Тайёр маҳсулотлар корхона бухгалтериясида 2800 — «Тайёр маҳсулот ҳисоби счётлари»да юритилади. Ушбу счётнинг қолдиги бухгалтерия балансининг акшв томони, иккинчи бўлинмасида кўрсатилган бўлади. Аудитор ушбу қолдигининг тўғрилигини оборот кайдномалари, Бош китоб маълумотлари билан ўзаро солиштириб кўриши керак.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали аудит қилинади: ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар 2800 - «Тайёр маҳсулот ҳисоби счётлари»нинг дебитида акс эттирилган бўлиб 2010 - «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 - «Ёр-дамчи ишлаб чиқариш», 2110 - «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счётларининг кредитидаги ёзувлар билан таққосланади. Корхона омборига келиб тушган тайёр маҳсулотлар 2810 -«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётада ўз аксини топган бўлади. Сотишга яроқсиз (брак) бўлган тайёр маҳсулотлар 2610 - «Ишлаб чиқаришдаги брак» счётдаги маълумотлар орқали аудит қилинади. Тайёр маҳсулотларнинг бошқд манбалардан келиб тушиши қуйидаги счётлар орқали текширилади: муассислардан (таъсисчилардан) устав капиталига улуш сифатида олинганда 4710 - «Устав капитали (фон-ди) да улушлар бўйича муассисларнинг қдрзлари» счёти, бошқа юри-дик шахслардан кўтарилмайдиган молиявий ёрдам сифатида олинганда 9380 - «Кўтарилмайдиган молиявий ёрдам» ёки 8523 -«Кўтариб бермаслик шарти билан олинган мол-муж» счётлари, алоҳида балансда турган бўлинмалардан олинган бўлса 4110 -«Алоҳида балансга ажаратилган бўлинмалардан олинган счётлар» орқали текширилади.

Аудит жараёнида тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига ва сотиб олиш баҳрсига (қўйимати) алоҳида эътибор берилади. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳрамаси томонидан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби қамда молиявий натижаларни шакллантириш тарғаби тўғрисидаги Низом талаблари, Солиқ Кодекси, бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли «Товар-моддий захира» миллий стандарти асосида аудит қилинади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг тўғри шаклланиши;
- таннарх таркибининг тўғри аниқланганлиги (моддий харажатлар, иш қилиш харажатларининг тўғри ҳисобга олинганлиги);

- тайёр мақсулотнинг тўла таннархини асослиги. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилган

мақсулот хажми билан харажатлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб корхонанинг молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Шу мақсадларда ишлаб чиқарилган мақсулотларнинг қажмини, таннархини ҳақиқатда қўстинган харажатларнинг турлари бўйича ҳисобга олиб бориш ва аудит қилиш ижобий натижалар беради. Тайёр мақсулотлар аудитида унинг таннархи ва қийматини ўзгарувчан, қисман ўзгарувчан ва доимий харажатлар бўйича текшириш моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларни тежашга олиб келади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борган сари харажатларнинг умумий миқдори ҳам ошиб боради. Бу асосан ўзгарувчан ҳамда ўзгарувчан харажатлар ҳисобидан содир бўлади. Аудитор ушбу ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликларни эътиборга олиб маҳсулот ҳажми ва унинг таннархини таҳлил қилиши керак.

Тайёр мақсулотларни сотиш, уларнинг қамайтиши билан боғлиқ операциялар 2800 - «Тайёр мақсулот ҳисоби счётлари» (2810 - «Омбордаги тайёр мақсулот») нинг кредити ва бошқа счётларнинг дебитидаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Бунинг учун аудитор 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар», 9110 - «Сотилган тайёр мақсулотлар», 5110 - «Ҳисоб китоб» счёти, 5200 — «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», 5000 - «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари»даги ёзувларни текширади.

Фойдаланилган тайёр мақсулотлар 2010 - «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 - «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2820 - «Кўргазмадаги тайёр мақсулот» ва бошқа счётлардаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Инвентаризация натижасида кам чиққан тайёр маҳсулотлар, уларнинг ўндирилиши 4630 - «Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари», 9433 - «Моддий бойликларнинг қамомати ва бузилиши бўйича харажатлар», 5000 - «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари» орқали текширилиб кўрилади.

Тайёр мақсулотларнинг қайта баҳоланиши билан боғлиқ операциялар ҳам бухгалтерия ҳисоб счётлари (9439, 2810 ва бошқа счётлардаги мавжуд ёзувлар орқали аудит қилинади. Фаолият юритишнинг ҳозирги шароитида ички ва ташқи бозор харидорлари тайёр мақсулотлар учун олдиндан маблағ ўтказишлари мумкин. Аудитор бундай операцияларни 2810 - «Омбордаги тайёр мақсулот», 6310 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» 5200 - «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», 5110 - «Ҳисоб-китоб» счёти, 9010 - «Тайёр мақсулотларни сотишдан олинган даромадлар» ва бошқа счётлар орқали аудит қилади.

Корхонанинг тайёр маҳсулотлари шу корхонага қарашли бўлган чакана савдо, оқдотганиш корхоналарига, иш ҳақи ҳисобидан эса ишчи-хизматчиларга ҳам берилиши мумкин. Бундай операцияларнинг тўғрилиги 2920 - «Чакана савдодаги товарлар», 6710 - «Меҳнат ҳақи бўйича

ходимлар билан хисоб-китоблар» ва бошқа счётлар орқали текширилади. Аудит натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмийлаштирилади.

расмийлаштирилиши.

20.4.Товар операцияларининг аудити

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва фирмаларда товар операциялари аудитнинг муҳрм объектларидан қисобланади. Тайёр мақсулот бозорга чиқарилганда товарга ай-ланади. Ушбу товар талаб ва таклифга асосан сотилади. Сотилган товарнинг ҳажми товарооборотни (товар айланишини) ташкил қилади. Товарооборот муҳим кўрсаткич бўлиб у корхонанинг даромадлари, харажатлари ва сўнгги молиявий натижасига ўз таъсирини кўрсатади. Сотилган товарларнинг қажми қанчалик кўп бўлса корхона шунчалик кўп даромад (фойда) олади.

Савдо корхоналари товарооборот ҳажмининг оширилишидан манфаатдордир. Бундан ташқари товарларнинг кўп миқдорда со-тилиши ақоли эҳ,тиёжининг қондирилаётганлигини ифодалайди.

Товар операцияларининг аудити қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- корхонада товарлар реализациясининг ташкил этилишини текшириш;
 - ахрлининг товарларга бўлган эҳтиёжи қай даражада қондирилаётганлигини ўрганиш;
 - товар захдраларини кўпайтириш имкониятларини белгилаш;
 - товарлар билан боғлиқ бўлган операциялар хисоби корхонанинг «хисоб сиёсати»га мос келиш-келмаслигини аниқлаш;
 - аудит натижалари бўйича маълум тавсиялар ишлаб чиқиш.
- Товар операцияларининг аудити қуйидаги тартибда ва кетма кетликда амалга оширилади. Даставвал аудитор бухгалтерия қисоби маълумотларидан товарларнинг қолдиғини аниқпайди. Бундай маълумот корхона балансининг актив томони, иккинчи бўлинмасида ифодаланган бўлади. Аудитор баланс қолдиғини оборот кайдномаи ва Бош китоб маълумотлари билан ўзаро со-лиштиради. Кейинчалик товарларнинг сакданиш жойларидаги қажқдй қолдиқлари бухгалтерия хисоби маълумотлари билан тақосланади. Бунинг учун товарларнинг инвентаризацияси ўтказилади. Корхонадаги товарлар чакана савдо шохобчаларида, ошхоналарда, омборхоналарда сакланаётган бўлиши мумкин. Ушбу товарлар сакланиш жойлари бўйича тулиқ инвентаризация қилинади. Товар қолдиқларининг ҳажқдй миқдори аниқдангандан сўнг товарларнинг ҳаракати, товарооборот ҳажми текширилади. Бундай текширув қуйидаги ҳужжатлар орқали амалга оширилади: мол етказиб берувчилар, сотиб олувчилар билан тузилган шарт-номалар, товар ҳужжатлари (счёт-фактуралар, товар-транспорт накладнойлари, қирим-қикдм накладнойлар, далолатномалар, пул ҳужжатлари (қирим касса ордерлари, илова кайдномалари, алоқа қвитанциялари, хисоб-китоб

пластиклари), банк хужжатлари (тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари, қисоб-китоб чеклари) ва бошқа хужжатлар.

Корхонанинг «Хисоб сиёсати» талабларига асосан товарлар чакана нархда (хдкдкдй таннархда) 2900 - «Товарлар хисоби счётлари»да ифодаланган бўлади. Товарлар сақланиш жойларига қараб алоқида счётларда қисобга олиб борилади. Мол етказиб берувчилар билан қисоб-китоблар 6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (қиска муддатли мажбу-рийлар бўйича) ва 7010 - «Мол етказиб берувчиларга ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» (узок муддатли **мажбуриятлар** бўйича)да қисобга олиб борилади. Харидорлар билан эса 4010 -«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» 6310 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётида хисобга олиб борилади. Сотилган товарларнинг таннархи 9120 -«Сотилган товарлар таннархи» счётида қисобга олиб борилади.

Мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар мамлакат ичидаги ва хорюқцаги хўжалик юршувчи субъектлар бўлиши мумкин. Шунинг учун товарлар бўйича ўзаро хисоб-китоблар Ўзбекистон валютасида (сўмда) ва халқаро валютада (АҚШ долларида) хисобга олиб борилади. Товарларнинг экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курсига асосан фақат халқаро валютада амалга оширилади. Товар операциялари нақд пулсиз ва нақд пулли хисоб-китоб шаклларида олиб борилади. Аудитор юқоридаги хусусиятларни инобатга олган ҳрлда товар операцияларининг аудитини ўтказиши керак.

Товарларнинг кўпайиши (келтирилиши) билан боғлиқоперациялар бухгалтерия хисобининг куйвдаги счётлари орқали аудит килинади:

- товарлар мол етказиб берувчилардан олинганда мажбурият турларига қараб 6010 - «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланандиган счётлар» (жорий мажбуриятлар бўйича), 7010 - «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланандиган счётлар» (узок муддатли мажбуриятлар бўйича) орқали;

- ишлаб чиқарилган, қайта ишлаш натижасида олинган товарлар 2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» счёти орқали;

- мулк эгасидан савдо корхонанинг устав капиталига улуш сифатида берилган товарлари 4710 - «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счёти орқали;

- хисобдор шахслар томонидан харид қилган товарлар 6870-«Хисобдор шахслардан қарзлар» счёти орқали;

- юридик шахслардан қайтариб бермаслик шарти билан (бепул) олинган таворлар 8523 - «Қайтириб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк» счёти орқалар текширилади.

Товарлар, уларнинг киймати яна куйидаги ҳрлларда кўпайиши мум-кин: қайта баҳрланиш натижасида (9370 - «Товар-моддий захдраларни қайта бақолаш»), инвентаризация натюкасида товарларнинг кўп чик^ш ҳрлдарида (9390 - «Бошқа

операциялардан даромадлар»). Бундай операциялар далолатномалар, журнал-ордерлар ва бухгалтерия ёзувлари оркали текшириб кўрилади.

Товарларнинг тўлиқ келиб тушганлиги ва кирим кўлинганлиги то-варлар учун тўланган пул ҳужжатлари ва бухгалтерия ёзувлари оркали таққосланади. Ушбу мақсадларда тўлов турига қараб 5110 - «Ҳисоб-кигоб»счёта, 5200 - «Валюта счётлари қисобнинг счётлари», 6870 -«Ҳисобдор шахслардан қарзлар», 6020 - «Берилган векселлар» (қдоқа муддатли), 4310 - «Товар-моддий захиралар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнақлар», 6910 - «Қиска муддатли банк кредитлари», 7310 - «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар», 7020 - «Берилган векселлар» (узоқ муддатли) счётларидаги ёзувлар обдан текширилади. Савдо қорхонасининг мулк шаклига қдаб товарлар (аксарият ^шлоқ хўжалиги маҳрулотлари) нақд пулга харид қддиниши мумкин. Бундай ҳолларда 5010 - «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётидаги ёзувлар текширилиб чиқилади.

Товараар улгуржи ва чакана савдо қорхоналарвдан истеъмолчиларга нақд пулга, нақд пулсиз шаклларда реализация қилинади. Ушбу операция-ларнинг туғрилиги қуйидаги бухгалтерия счёглари оркали аудит қилинади:

- товарлар шартномаларга асосан сотиб олувчиларга жўнатилганда: 9120 - «Сотилган товарлар таннари» счёти оркали;

- қайта ишлашга берилган товарлар: 2010 - «Асосий ишлаб қикдриш» счёти оркали;

- товарлар қиска муддатли ва узоқ муддати молиявийқўйилмалар шаклида берилганда: 5810 - «Қдматбаҳр қоғозлар», 0600 - «Узоқмуддатли инвестициялар ҳисоби счётлари» оркали;

- товарлар реализацияси бўйича топширижан савдо тушумлари: 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар», 5010 -«Қассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари», 5110 - «Ҳисоб-китоб» счёти, 5200 - «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», 5620 - «Йўлдаги пул маблағлари» ва **бошқа** счётлар ор^фли аудит қдлинади.

Бозор муносабатларнинг ривожланиши ту'файли товарларни аҳолига кредит (**пластик**) қарточкалари оркали сотиш жорий этилиб қорилмоққа. Аудитор ушбу муомалаларнинг тўғрилигини банк ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисобидаги маҳсус ёзувлар оркали аудит қилинади. Бунда мижоз учун банкда очилган шахсий счётнинг асослиги, пластик қарточкаси орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар (2900, 5500 счётлар) обдан текширилади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларнинг тўғрилиги 9020 - «Товарларни сашшдан олинган даромадлар», 5010 - «Миллий валютада-ги пул маблағлари», 5110 - «Ҳисоб-кигоб» счёти, 5210 - « Мамлакат ичи-даги валюта счётлари» оркали текширилади. Товарлар ташиш, саклаш реализация қдпиш жараёнида турли сабабларга қўра қамайиши мумкин. Бундай қамайишлар табиий офатлар туфайли ҳам қодир бўлади. Аудитор ушбу операцияларга тузилган ҳужжатлар ва бухгалтерия счётларидаги ёзувлар орқали аудит қдлади. Буца 2900 - «Товарлар ҳисоби счёглари» билан боғлиқбўлган қуйидаги счётлар қуқур текширилиб қикдлади: 4210 -

«Даъволар бўйича олинадиган счётлар», 4630-«Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари», 9433- «Моддий бойликжрнинг камомади ва бузилиши бўйича зарарлар», 9411 - «Саклаш ва ташиш ҳа-ражатлари», 9720 - «Фавкулотдаги зарарлар», 5010 - «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 - «Ҳисоб-китоб» счёти ва бошқа счётлар.

Чакана савдо корхоналаридаги айрим товарлар ҳукумат қарори билан қайта баҳрланиб нархи тушурилиши мумкин. Ушбу операцияларнинг тўғрилиги 2920 - «Чакана савдодаги товарлар», 9439 - «Бошқа операцияларнинг харажатлари», 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик», 5110 - «Ҳисоб-китоб» счёти ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади.

Товарларнинг қолдиқлари, сотилшли «Молиявий ҳисобот» маълумотларига тақрибланади. Реализация қилинган товарларнинг ҳажми «Молиявий ҳисобот»нинг «Пул оқимлари туғрисида ҳисобот»ида ўз аксини тоғпган бўлади. Ушбу ҳисоботнинг қирим қисмида хариддорлардан қелиб тушган пул-валюта маблағлари ифодаланган бўлади.

Товар операциялари аудити бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган тизимида маълум хусусиятларга эга. Савдо фирмасининг товарларни сотиб олиши, сотиши ва молиявий натижалари бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган тизимида қуйидагича ифодаланади

Аудитор товарларни сотиб олиш, саклаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларининг аудитини машинограммаларга асосан маълум қетма-қетликда амлага оширади.

20.5. Фойда (зарар)нинг аудити

Фойда ҳар бир қорхонанинг муҳдм сифат қўрсаткичи ҳисобланади. Фойдадан солиқ тўланади, устав капиталига ажратмалар қилинади. Фойда иқтисодий категория сифатида хўжалик юритувчи субъектга қарашли маблағнинг ошишини ифодалайди. Фойда қорхонанинг сифат қўрсаткичи ҳисобланади. Фойда барча даромадлар билан барча харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат:

Фойда миқдори нархга нисбатан тўғри муносибликда, харажатларга нисбатан эса тесқари муносибликда бўлади. Қабул қилинган «Харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисидаги Низом»га асосан қорхоналарнинг фойдаси вуйидаги қўрсаткичлар билан ифодаланади:

- мх,сулотни сотишдан олинган ялпи фойда;
- аосий фаолиятнинг фойдаси;
- хўжалик фаолиятидан олинган фойда;
- солиқ тўлангунгача олинган фойда;
- йилнинг соф фойдаси.

Фойданинг асосий манбаси - бу қорхонанинг асосий фаолияти натижасидир. Фойдани қўпайтириш барча қорхоналарнинг муҳ^ш вазифаси ҳисобланади. Фойда туфайли қорхона фаолияти қенгаяди, ўзаро ҳисоб-

китоблар вақтида амалга оширилади, иш-чи-хизматчилар кўшимча моддий рағбатлантирилади. Фойда

кўрсаткичи таъсисчилар, мулк эгалари, давлат бюджети ва банк томонидан доимий равишда назорат ққниб борилади. Фойда аудитнинг муҳим объекти қисобланади. Аудитор тузилган шартномага асосан фойданинг тўғри ҳисобланганлигини, йил давомида қонун талаблари асосида ишлатилганлигини текши-ради. Бундай текширув 8710 - «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)», 9900 - «Якуний молиявий натижа» ва бошқа счётлар орқали амалга оширилади.

Аудитор фойда кўрсаткичининг тўғри ҳисобланганлигини қуйидаги операциялар орқали текширади:

- даромад турлари бўйича операциялар;
- харажат турлари бўйича операциялар;
- йил давомида ишлатилган фойда бўйича операциялар.

Фойданинг аудити 9900 - «Якуний молиявий натижа» счёти-даги бухгалтерия ёзувларини текшириш орқали амалга оширилади. Бундай текширув тартибини «Умид» ишлаб чиқариш фирма-си мисолида кўриб чиқамиз. Ҳисобот даври бўйича фирманинг 9900 - «Якуний молиявий натижа» счётида қуйидаги ёзувлар бўлган:

9900 - «Якуний молиявий натижа»
 ЛТ КТ

Қолдиқ- 2)850000- 00 1)150000	Қолдиқ -1) 1500000-00 2)750000
Об. 1500000-00	Об. 2400000-0

Фойда кўрсаткичининг аудити натижасида қуйидагилар аниқланган: фирма маълумотлари бўйича солиққа тортилмайдиган фойда 300,0 минг сўмга кўп қилиб кўрсатилган. Натижада солиққа тортиладиган фойда 300,0 минг сўмга кам бўлган. Фирма кўшимча 72,0 минг сўм фойда солиғини ва солиқ қонунчилигида белгиланган жарималарни бюджетга тўлаши керак бўлади.

Аудит жараёнида молиявий натижалар бўйича кўрсаткичлар (даромадлар, харажатлар, фойда) «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл), «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4-шакл), «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (5-шакл) маълумотлари билан ўзаро таққрслаш йўли билан текширилиб кўрилади.

Корхонага келиб тушган ва сарфланган пул маблағлари «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»да ифодаланса, даромадлар, харажатлар, фойда кўрсаткичлари эса «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботда ўз аксини

топган бўлади. Бюджетга тўланиши керак бўлган ва тўланган солиқлар 2-шаклга илова қилинган махсус маълумотномада келтирилади.

Аудитор ушбу ҳужжатлардаги маълумотларни бухгалтерия ҳисобининг жорий (аналитик) маълумотлари билан ўзаро таккослаб текширади. Аудитор ҳисобот йилидаги соф фойданинг тақсимланишини (зарарнинг ёпилишини) куйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали текширади: ишлаб чиқариш фирмаларида турлича бўлиб улар фойда кўрсаткичиға ўз таъсирини кўрсатади. Аудит жараёнида ушбу кўрсаткичларни хўжалик юритувчи субъектлар бўйича таккослаб таҳдил қилиш ижобий натижаларни беради. «Зилол» ва «Хумо» фирмаларининг шартли мисоллари асосида харажат турларининг фойда кўрсаткичиға таъсирини аниқдаш маълум натижаларни берди (6-8 жадваллар).

6-жадвал

Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг корхона (фирма) фойдасига таъсири (1)

Кўрсаткичлар	«Зилол» фирмаси	«Хумо» фирмаси
Оборот (тушум)	1000,0	1000,0
Ўзгарувчан харажатлар	300,0	100,0
Доимий харажатлар	100,0 400,0	300,0 400,0
Фойда	600,0	600,0

Дт	Кт	Сумма
8710	8532	1474000-00
8532	8710	(зарар суммаси)

Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг корхона (фирма) фойдасига таъсири

Хусусий капитал ва молиявий натижаларни аудит қилиш жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳдил қилинади ва тегишли тавсиялар берилади. Корхонанинг молиявий қолатини бахрловчи кўрсаткичларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонанинг мулкӣ қолати;
- корхона балансининг ликвидлиги;
- корхонанинг тўлов қобилияти;
- корхонанинг молиявий барқарорлиги;
- корхонанинг молиявий натижалари;
- корхонанинг рентабеллик даражаси.

Молиявий натижа - ҳисоб давридаги фойда ёки зарардир. Рентабеллик - самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Аудитор молиявий натижани (фойда

еки зарарни) текшириш жараёнида харажатлар таркибининг фойда (зарар) кўрсаткичига таъсирини аниқдаши керак. Харажатлар аудити шуни кўрсатдики ўзгарувчан ва доимий харажатлар фирмаларнинг якуний молиявий натижаларига тур-лича таъсир кўрсатган. Аудитор текширув жараёнида ушбу омилларни аниқлаб маълум тавсиялар бериши керак. кўрсаткичлардан бири корхонанинг маржинал фойдасидир. Молиявий натижалар аудити жараёнида мазкур кўрсаткични аниқдаш ва унга бахр бериш муҳим ҳисобланади..

Корхона фойдаси муҳим сифат кўрсаткичлардан бўлиб ресурслардан самарали фойдаланганликни ифодалайди. Олинган фойда микдорига қараб активларнинг рентабеллигини билиш мумкин. Активларнинг рентабеллик даражалари куйидаги тар-тибда аниқланади). Аудит жараёнида активларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси таҳлил қилинса фойдани янада оширишга қаратилган асосли тавсиялар ишлаб чиқдиш им-конияти яратилади.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши корхоналар фаолиятини халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган кўрсаткичлар орқали бахрлашни тақозо қилади. Шундай

Корхонанинг маржинал фойдасини аниқлаш учун ялли даромаддан ўзгарувчан харажатлар олиб ташланади. Чиққан натижа эса маржинал фойдани беради. Ушбу кўрсаткичдан доимий харажатлар олиб ташлангандан сўнг эса корхона ихтиёридаги фойда қолади. Маржинал фойда тамойилининг мазмунини куйидагича ифодалаш мумкин (19-чизма).

Ушбу тамойил асосида халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган харажатлар ҳисобининг «Директ-костинг» усули ётади. Мазкур усулнинг афзаллиги шундан иборатки аудитор харажатлар ва молиявий натижаларни текширганда маҳсулот реализациясидан тушган тушумларда ўзгарувчан харажатларнинг салмоғини, уларни пасайтириш ҳдмда маржинал фойдани кўпайтиришга қаратилган асосли тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Фойда кўрсаткичининг аудити натижалари аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасида ўз аксини топади.

Назорат саволлари

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари аудити кетма-кетлиги.
2. Давр харажатларининг аудитининг мақсади ва мазмуни нимадан иборат?.
3. Тайёр маҳсулотларнинг аудити
4. Товар операцияларининг аудити
5. Фойда (зарар)нинг аудити
6. Харажатларни аудит қилишда фойдаланадигин манбалар.

21 -Мавзу: Молиявий ҳисоботни текшириш

Режа:

21.1.Молиявий ҳисобот аудитининг хусусиятлари ва вазифалари

21.2.Бухгалтерия балансининг аудити

21.3.Молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари текшириш

21.4. Хусусий капитал ва молиявий натижалар аудитининг вазифалари

21.5. Хусусий капиталнинг аудити

25.6. Даромадларнинг аудити

Адабиётлар:1,3,4,5,9,22,24,25,30,37,41,49,74.

Таянч иборалар:

Молиявий ҳисоботнинг моҳияти ва аҳамияти. Молиявий ҳисоботнинг турлари ва таркиби. Молиявий ҳисобот аудитининг хусусиятлари. Молиявий ҳисобот аудитининг асосий вазифалари. Молиявий ҳисоботнинг таркиби. Бухгалтерия баланси. Ба-анснинг актив қисми. Баланснинг пассив қисми. Бухгалтерия балансини аудит қилиш тартиби. Молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари.

Харажатларнинг мазмуни. Харажатларнинг турлари. Мақсулот таннархининг аудити. Давр харажатларининг аудити. Молиявий фаолият харажатларининг аудити. Бошқа турдаги харажатларнинг аудити.

21.1.Молиявий ҳисобот аудитининг хусусиятлари ва вазифалари

Бозор муносабатлари шароитида турли мулкка асосланган корхоналарнинг сони тобора ошиб боради. Бунинг асосий сабаби олдинги давлат мулкнинг хусусийлаштириши ва тадбиркорликнинг ривожлантирилиши шр. Бугунги кунда иқтисодий ҳаётнинг турли тармоқларида давлат корхоналари билан бир каторда акционерлик жамиятлари, ширкатлар, ижара, кичик корхоналар ҳдмда кушма корналар фаолият юритмоқда. Юридик ҳуқуққа эга бўлган ушбу хўжалик юритувчи субъектлар мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб рақамларига эга. Улар бошқа корхона ва фирмалар билан шартнома-лар тузиб мустақил равишда ўзаро ҳисоб-китобларни юрита оқдалар.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларга асосан ҳар бир корхона молиявий ҳисобот тузиши ва тақдим этиши кўзда тутилган. Молиявий ҳисобот турли мулкка асосланган корхоналар фаолиятларини ҳисобга олишнинг яқунловчи босқичи бўлиб, ҳисобот давридаги мулкӣ ва молиявий қолатнинг, хўжалик юритиш натижаларининг йиғиндиси ҳисобланади. Ҳисобот маълумотларига асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари ва мажбуриятларига баҳо берилади, корхонанинг молиявий барқарорлиги аниқланади. Ушбу маълумотлар «молиявий ресурслар, уларни жойлаштиришнинг оқилоналиғи, улардан фойдаланиш самарадорлиги, ўз айланма ва асосий воситаларни сақдаш қамда кўпайтиришни, эришилган натижаларни бахрлашда жуда муҳимдир» [25, 6 б.].

Иқтисодий ҳаётдаги мулкӣ ўзгаришлар, халқаро андозаларнинг жорий этилиши бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг турлари ҳдмда мазмунига ҳам

ўз таъсирини кўрсатди. Эндиликда ҳисоботлар мулк шаклларига қараб бирмунча ихчамлаштирилди, корхоналарнинг кўрсаткичлари эса соддалаштирилган. Республикамизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожлантирилиши, чет эл инвестицияларининг мамлакатимиз иқтисодиётига тезкорлик билан кириб келиши молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва аниқлигига бўлган талабларни янада оширмоқда. Бу ўз навбатида **молиявий** аудитнинг мавқеини кўтарди ва янада долзарб қилиб Молиявий ҳисоботнинг аудити маълум хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар қуйидагилардан иборат: аудит жараёнида молиявий ҳисобот алоҳида тарзда ёки корхонанинг бошқа операциялари (кўрсаткичлари) билан бир вақтнинг ўзида текширилиши мумкин;

- молиявий ҳисобот корхона ҳисоб сиёсатининг яқунловчи қисми ҳисобланади, шунинг учун молиявий ҳисобот аудитининг самарадорлиги бошқа кўрсаткичлар аудити натижаларига бевосита боғлиқ бўлади;

- молиявий ҳисобот аудити аниқ ва маълум даврни ўз ичига олади, ушбу давр ҳисобот турига (жорий, йиллик ҳисоботларга) бевосита боғлиқдир;

- молиявий ҳисоботларнинг таркиби мулк шакллари, корхоналарнинг турларига қараб мазмунан фарқ қилади;

- молиявий ҳисоботнинг аудити молиявий натижалар аудити билан бевосита олиб борилади ва бир-бирини тўлдириб боради.

Аудитор аудит жараёнида ушбу хусусиятларни эътиборга олиши керак.

Молиявий ҳисобот аудитининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- молиявий ҳисоботнинг корхона ҳисоб сиёсатига мослигини текшириш;

- молиявий ҳисобот тури ва таркибининг бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларига (стандартларига) мослигини аниқлаш;

- молиявий ҳисоботнинг жорий ҳисоб маълумотларига монандлигини текшириш;

- ҳисобот маълумотларининг «Бизнес-режа» кўрсаткичларига тўғри келишини аниқлаш;

- молиявий ҳисоботларнинг белгиланган муддатларда тузилиши ва тақдим этилишини текшириш;

- ҳисобот маълумотларидан ички ва ташқи ахборот истеъмолчилари томонидан самарали фойдаланишини таҳлил қилишдан иборат.

Ушбу вазифалар молиявий ҳисобот таркибини кетма-кет аудит қилиш орқали амалга оширилади.

21.2. Бухгалтерия балансининг аудити

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи ва унинг таркиби аудитнинг муҳим объектларидандир. Шунинг ҳам эътирофи этиш жойиздирки, меъёрий ҳужжатларда, махсус адабиётларда молиявий ҳисоботнинг аудити масалалари умумий тарзда ёритилган, ҳалол. Ҳисобот кўрсаткичларини назорат қилишда аудиторлик хизматидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий хисоботнинг шакли ва таркиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган бўлиб 1997 йил 15 январда тасдиқланган «Корхоналарнинг чораклик ва йиллик молиявий хисобот шакллари тўлғазиш бўйича кўрсатмаси»га асосланади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қўқтунинг 16, 17, 18, 19, 20 ва 21 моддаларида молиявий хисоботнинг таркиби, тузилиши ва тақдим этилиши кенг ифодаланган [5]. Амал қдлинаётган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидаги (андозаларидаги) биринчи андозаси **ҳам** «*Ҳисоб* сиёсати ва молиявий хисобот» деб номланган. Мазкур андозага мувофиқ ҳ,ар бир корхона ўзининг «Ҳисоб сиёсати»ни иш-лаб чиқиши ва унга ҳуқуқ^й мақом бериш мақсадида уни тас-диқлаши керак. Ушбу сиёсат иқгисодиётимизнинг бозорга ўтиш та-моийлларига, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва ҳалқдро андозала-ри ҳамда солиқ сиёсати талабларига мос келиши керак. Молиявий хисоботнинг муҳдм таркибий қдсми бухгалтерия баланси ҳисобланади. Бухгалтерия балансида корхонанинг мол-мулклари, молиявий ресурслари ҳамда мажбуриятлари пулда ифодаланган бўлади.

Аудитор бухгалтерия балансини қуйидаги тартибда ва кетма-кетликда аудит қдлади:

- баланс таркиби ва моддалари билан танишиш;
- баланс суммаларининг тўғрилигини текшириш;
- баланс тузмишга асос бўлган ҳисоб регистрларини текшириш;
- баланс қолдиқлари билан жорий ҳисоб маълумотларини таққослаш;
- баланс маълумотлари билан молиявий ҳ,исоботнинг бошқа шаклларидаги маълумотларни текшириш;
- аудит натижалари бўйича ҳулосалар қилиш.
- Аудитор шунга иқроқ бўлиши керакки, йиллик бухгалтерия баланси тузилишидан олдин барча ҳўжалик операциялари тугри ҳужжатлаштирилган, жараёнлар бухгалтерия ҳисоби сётларида тўлиқ акс эттирилган, мол-мулкларнинг ҳдқдқий қолдиқлари ин-вентаризация қилинган, дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг миқдори ва таркиби ўрганилган, умидсиз қарзлар бўйича маълум ҳулосалар қилинган бўлиши керак. Ушбу масалаларга аниқдик қиритилгандан сўнг аудитор бухгалтерия балансининг таркибини текширишга қиршади. Балансининг аудити даставвал унинг актив ва пассив томонларидаги суммаларининг тўғрилигини тек-ширишдан бошланади. Балансининг актив қисмида ҳўжалик юри-тувчи субъектнинг узоқ ва қиска муддатли активлари, пассив қисмида эса ўз маблағларининг манбалари ва мажбуриятлари ифодаланган бўлади. Йиллик бухгалтерия балансида ушбу кўрсаткичлар йил бошида ва охирида кўрсатилади. Балансининг актив ва пассив томонларидаги суммалар бир-бирига мос кели-ши, яъни «баланс» бўлиши керак. Агар текшириш пайтида фарқ қикса аудитор унинг сабабларини аниқпайди.

Аудитор балансдаги активлар, уларнинг манбалари ва мажбу-риятларининг тўғри баҳрланганлигига алоҳида эътибор бериши керак. Меъёрий ҳужжатларга асосан корхонанинг асосий восита-лари, номоддий

активлари бошланғич баҳода, товар-моддий захиралар ҳақиқий таннарида, мажбуриятлар эса ҳисоб баҳрида акс эттирилган бўлиши керак. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва фирмалардаги товарлар чакана нархиларда кўрсатилади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари томонларнинг ўзаро келишилган (тан олинган) қийматларида ифодала-нади. Аудитор бундай текширувларни ўтказганидан сўнг бухгалтерия балансининг таркибини экспертизадан ўтказди. Жумладан, баланснинг актив қисмидаги «Узоқ муддатли активла «Айланма активлар», пассив қисмидаги «Ўз маблағларин манбалари», «Мажбуриятлар» бўлимларининг суммалари текширилади. Ушбу бўлимлар, уларнинг моддаларидаги сумма ҳамда баланс суммаси ўзаро тенг ва бир-бирига монанд бўлиши керак. Қуйида бухгалтерия баланси аудитини «Зилол»

чиқариш фирмасининг шартли йиллик маълумотлари асо кўриб чиқамиз (9-жадвал):

«Зилол» ишлаб ишлаб чиқариш фирмасининг йиллик бухгалтерия баланси аудити натижалари

9-жадвал

(минг сўм)

		Йил бошида	Йил охирида	Пассив	Йил охирида	Йил охирида
	Актив					
	(Узоқ муддатли активлар			I. Ўз маблағларнинг манбаалари		
	1.1 Асосий воситалар	150,0	180,0	1.1 Устав капитали	180,0	200,0
	1.2. Номоддий активлар	50,0	20,0	1.2. Қўшилган капитал	60,0	50,0
	1.3 Узоқ муддатли сармоялар			КЗ. Резерв капитали	50,0	60,0
	1.4. Капитал қуйилмалар	120,0	150,0	1.4. Тақсимланмаган		
		130,0	150,0	фойда	120,0	160,0
				1.3. Махсус фондлар	90,0	110,0

				Жами	500,0	580,0
	Жами	450,0	500,0			
	П.Ай - Я11.ма активлар			П.Мажбурия глар		
				2.1.Мол етказиб бевув		
	2.1.Товар— моддий бойликлар	140,0	180,0	чилар олдидаги мажбу		
				риятлар	120,0	140,0
				2.2 Бюджет		
	2..2.Пул маблағлари	60,0	80,0	қарзлар	50,0	80,0
	2.3.Қисқа			2.3.Иш хз;у1 бўйича		
	2.4.Дебиторлик	150,0	130,0	қарзлар	160,0	170,0
	2.5.Вошқа жорий активлар	60,0	70,0	2,4-Банк олдидаги		
		90,0	60,0	қарзлар	70,0	40,0
				2.5.Бошқа кредиторлик		
				қарзлари	50,0	10,0
	Жами	500,0	520,0	Жами	450,0	440,0
	Баланс	950,0	1020,0	Баланс	950,0	1020,0

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, «Зилол» фирмаси-нинг узсэк муддатли активлари йил охирида 50,0 минг сўмга, айн-ланма активлари эса 20,0 минг сўмга кўпайган. Ушбу даврда фирманжнг ўз маблағлари манбайи йил охирида 80,0 минг сўмга кўпайгал бўлса, мажбуриятлари эса 10,0 мингтага камайган. Бу ижобий натижа х,исобланади. Чунки, фирма маблағлари таркибида ўз ма_блағларининг манбаси кўпайган, натижада мажбуриятлар нисбатан камайган. Умуман, фирманинг баланси йил охирида 70,0 миьзг сўмга кўпайган.

Аудиторнинг кейинги қдладиган иши баланс қолдикдарини молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари (жадваллари)даги маълумсэтлар билан солиштиришдан иборат бўлади.

Аудитор баланс таркибини текшириб бўлгандан сўнг ушбу кўрсатюнчларни баланс тузишга асос бўлган ҳисоб регистрлари маълумотлари билан таққослайди. Бунинг учун баланс активи ва пассивидаги маълумотлар оборот кайдномалари ва Бош китобда-ги қолдиқлар билан ўзаро солиштирилади. Оборот кайдномаидаги актив сётларнинг йил бошидаги ва охиридаги қолдиқлари бухгалтерия балансининг актив қисмидаги моддаларга, пассив сёт-ларнинг йил боши ва охиридаги қолдиқлари эса бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги

моддаларга мос келиши керак. Агар текшириш жараёнида фарқчикса, аудитор уларнинг сабабларини аниқлайди.

21.3.Молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари текшириш

Корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботи баланс (1-шакл)дан ташқари яна қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: «Молиявий на-тижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл), «Асосий воситаларнинг ҳдракати тўғрисида ҳисобот» (3-шакл), «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4-шакл), «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (5-шакл). Молиявий ҳисоботда булардан ташқари «Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот», «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳусусида маълумотнома» келтирилган бўлади. Аудитор шартномага кўра молиявий ҳисоботнинг юқоридаги шакллари экспертизадан ўтказди.

Йиллик молиявий ҳисоботнинг «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи» жорий ҳисоб регистрларига асосан даромад-лар, харажатлар ва фойда (зарар) кўрсаткичлари бўйича тузилади. Ушбу маълумотлар ҳисоботда ўтган йил ва ҳисобот йил учун алоҳида келтирилган бўлади. Аудитор даромадлар ва харажатларни гуруҳдари ва моддалари бўйича текшириб чиққиси керак. Бунда да-ромадлар, махрулот реализациясидан олинган даромад, (9010, 9030) бошқа асосий фаолиятдан олинган даромадлар (9300 счёт), молия-вий фаолиятдан (9500 счёт) ва бошқд фаолият турларидан олинган даромадлар (9710 счёт) бўйича аудит қилинади. Харажатлар ўз на-вбатида махрулот таннархига киритиладиган моддий харажатлар (9100 счёт), давр харажатлари (9400 счёт), молиявий ва бошқд операцияларнинг харажатлари бўйича (9600, 9720 счётлар) текширила-ди. Бундай текширувга даромадлар қамда харажатларни ҳисобга олиб боровчи бухгалтерия ҳрсоби счётлари, регистрлар (китоблар, журналлар, машинограммалар) асос бўлади. Аудитор текширув жа-раёнида сўнгги молиявий натижа, яъни фойда ёки зарарнинг не-чоғлик асослилигини чуқур таҳлил қилади. Аудитор йиллик молия-вий натижаларни жорий қисоб маълумотлари билан ўзаро таққрслайди. Агар текшириш жараёнида фарқлар чиқса, уларнинг сабаблари обдан ўрганилади. Қуйида «Умид» фирмасининг шартли мисоллари асосида йиллик молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг аудити натижалари келтирилди (-жадвал):

10-жадвал

«Орзу» ишлаб чиқариш фирмасининг йиллик молиявий ҳисоботи кўрсаткичлари аудити натижалари

Т/р №	Кўрсаткичлар	Сатр	Бухгалтерия эъясобининг аналитик ре-гистрларидаги	«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»	Фарк и (+;-)
1	Асосий фаолиятнинг	070	3793,8	3793,8	
2	Давр харажатлари: - сотиш харажатлари: -	080 090	2000,0 900,0	2060,0 940 0	+ 60,0

3	Бошқа фаолиятнинг молиявий натижалари: -	100 110	43,6	43,6	
4	Солиққача бўлган молиявий натижа (фойла)	120	850,2	7_50,2	- 100,0
5					
6	Бўнак шаклида	140	190,0	262,0	-30,1
7	Тўланши керак	150	102,0 157,6	72,5	+
8 9	бўлган фойда солиғи	160	400,0	157,6	30,1
	Тўланган	170		330,1	69,9

Аудиторлик текширув натижалари шуни кўрсатдики, фирма-нинг давр харажатлари аналитик ҳисоб регистрларида ва «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да турлича ифодаланган, яъни ҳисоботда сотиш ва маъмурий харажатлар 100,0 сўмга кўп қилиб кўрсатилган. Натижада солиқда тортиладиган фойда кўрсаткичи 100,0 сўмга камайган. Ушбу ноаниқлик туфайли фойда солиғи 30,1 минг сўмга кам ҳисобланган ва бюджетга ҳам кам ўтказилган. Аудитор текшириш натижаларини аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида акс эттиради.

Молиявий ҳисоботнинг бошқа жадвалларидаги кўрсаткичлар ҳам маълум тартибда аудит қилинади. Жумладан, «Асосий восита-лар қаракати тўғрисида ҳисобот» маълумотлари 0100 - «Асосий воситалар ҳисоби сўтлари», 0300 - «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби сўтлари» ва бошқд бухгалтерия ҳисоби сўтларидаги ёзувларга асосан текширилади. Бунда аудитор асосий воситаларнинг йил давомида кўпайганлиги ва камайганлиги билан боғлиқ бўлган операцияларга алоҳида эътибор бериши керак. Ушбу ҳисоботга асосан асосий воситаларнинг ҳаракати уларнинг алоҳида гуруҳлари ва турлари бўйича таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига эътибор берилади. Асосий воситаларнинг қиймати ва фойдаланиши мол-мулк солиғига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун аудитор асосий воситаларининг баҳоланиши ва ҳисобга олиб борилишига алоҳида эътибор бериши керак.

Молиявий ҳисоботнинг «Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи» маълумотларига асосан корхонанинг пул-валюта ресурслари, уларнинг ҳаракати аудит қилинади. Аудитор пул-валюта маблағларининг келиб тушишини уларнинг манбалари бўйича текшириб кўради. Пул маблағлари корхонанинг жорий фаолияти, инвестициялар, молиявий фаолиятини яхшилаш учун ажратилади. Ушбу ресурслар мол етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчилар ҳамда бюджетга солиқ шаклида сарф қилинади. Пул маблағларининг маълум қисми корхона ишчи-хизматчиларига иш ҳақи сифатида берилади. Аудитор ушбу операцияларнинг қонунийлигини 5010, 5110, 5510, 5200, 6010, 6710, 4010, 4710 ва бошқа сўтлар орқали обдан текширади. Аудитор «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» маълумотларини текширганда валюта маблағлари ва улар билан боғлиқ бўлган операцияларга алоҳида эътибор бериши керак.

«Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»да хўжалик юритувчи субъектнинг йил давомидаги хусусий (устав) капитали ифодаланган бўлади. Аудитор ушбу капиталнинг дастлаб тўғри ташкил қилинганлигини, йил давомида

кўпайиши ёки камайишининг қонун-қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилади. Бундай текши-рув 8510 - «Устав капитали (фонди) ҳисоби счётлари» ва у билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар, ҳисоб регистрларидаги маълумотлар орқали амалга оширилади.

Аудитор молиявий ҳисоботнинг ахборот истеъмолчиларига ўз вақтида топширилиши ва тасдиқданишини ўрганади. Ҳисоботлар вақтида тақдим этилмаса корхона амалдаги тартибга асосан жа-рима тўлайди. Бу эса ўз навбатида унинг молиявий ҳолатига сал-бий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб корхона ва фирмаларнинг молиявий х[^]исоботлари қонунда белгиланган тартибда аудиторлик текширувидан ўтказилгандан сўнг ошқора ҳдқобланади ва матбу-отда эълон қдгаинади.

21.4. Хусусий капитал ва молиявий натижалар аудитининг вазифалари

Турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятлари асосий ва ай-ланма маблағларга бевосита боғлиқдир. Ушбу маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар ташкил қдпингандан эътиборан фойдала-нилади ва кўпайтирилиб борилади. Хўжалик маблағларининг муҳдм манбаси хусусий капитал х[^]собланади. Капитал ўз навба-тида ўзлик капитали, кўшилган капитал ва захира (резерв) капи-талидан ташкил топади. Ушбу манбалар асосан корхона фаолия-тидан олинган сўнгги молиявий натижа, яъни фойда ҳдисобидан кўпайтирилиб борилади. Шунинг учун ҳдм корхона хусусий ка-питали аудитнинг муҳим объекти ҳиисобланади.

Турли мулкдаги корхоналарнинг молиявий натижалари даро-мадларга ва харажатларга бевосита боғлиқдир. Корхоналардаги мавжуд ресурслар самарали фойдаланилиши керак. Акс ҳрлда корхона фаолиятида юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Шу-нинг учун даромадлар, харажатлар уларнинг турлари ва келиб чиқиш манбалари доимий равишда назорат қилиб борилади. Шундай назорат турларидан бири аудиторлик назоратидир.

Хусусий тсапитал ва молиявий натижаларнинг аудити маълум хусусиятларга эга бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- хусусий капитал ва молиявий натижаларнинг шаклланиши бир қанча кўрсаткичларга боғлиқ;
- молиявий натижа ҳисобот давридаги корхона фаолиятининг якуни ҳисобланади;
- корхонанинг фойда билан ишлаши еки ҳисобот даврини зарар билан якунлаши молиявий натижаларни шакллантирувчи кўрсаткичларга бевосита боғлиқ бўлади;
- молиявий натижаларга олдиндан аниқ бўлмаган хавфхатарлар, тасодифий қодисалар ўз таъсирни кўрсатади.
- Аудитор юқоридаги хусусиятларга эътибор берган ҳ,олда ҳу-сусий капитал ва молиявий натижаларни экспертизадан ўтказиши керак.

Аудитнинг асосий вазифалари қуйидагиларга қаратилган:

- хусусий капиталнинг қонуний равишда ташкил қилинганлигини текшириш;

- хусусий капиталнинг кўпайиши ёки камайиши биланбоғлиқ операцияларнинг тўғрилигини текшириш; текшириш;

- фойданинг тўғри ишлатилишини текшириш;

- хусусий капитал ва молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини аниқдаш;

- хусусий капитал ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг асослилиги ва тўғри тузилганлигини текшириш.

21.5. Хусусий капиталнинг аудити

Аудитнинг муҳим объекти корхонанинг хусусий капитали, яъни ўз маблағлари ва уларнинг манбалари ҳисобланади. Ауди-тор тузилган шартномага асосан хусусий капиталнинг тўғри ташкил қилинганлигини, уни кўпайтирилишини текширади. Хусусий капитал қуйидаги тартибда ва кетма-кетликда аудит қилинади:

- т хусусий капитални ифодаловчи бухгалтерия ҳисоби счётлари-даги қолдиқларнинг тўғрилигини текшириш;

- устав капитали, қўшилган капитал ва резерв капиталининг қонуний ташкил бўлганлигини текшириш;

- корхона томонидан ажратилган давлат субсидиялари вагрантларининг тўғри фойдаланишини текшириш;

- махсус жамғармалар (фондлар)нинг тўғри ташкил этилишини текшириш;

- бухгалтерия ҳисоби счётларида хусусий капиталнинг тўғри ҳисобга олиб борилганлигини аудит қилиш;

- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг асослилигини текшириш;

- хусусий капитал аудити натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришдан иборат.

Аудитор хусусий капитални текширишда корхона устави, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, бизнес-режадан кенг фойдаланади. Аудитор хусусий капиталнинг қолдиқларини текширишдан сўнг унинг таркибини, кўпайишини, фойдаланилишини аудит қилади.

Корхонанинг хусусий капитали бухгалтерия балансининг пасив қисми, биринчи бўлинмасида жойлашган бўлади. Хусусий капитал таркибига қуйидагилар киради: устав капитали, қўшилган капитал, захира (резерв) капитали, тақсимланмаган фойда, грантлар ва субсидиялар ва бошқа турдаги зақиралар. Аудит жараёнида хусусий капиталнинг таркиби, унинг тўғри ташкил қилинганлиги ва бухгалтерия ҳисобида қўлун талаблари асосида юритилиши текширилади.

Корхонанинг хусусий капитали қуйидаги счётларда акс эттирилган бўлади: 8510 - «Устав қисми (фонди) ҳисоби счётлари», 8520 - «Қўшилган капитал (фонди) ҳисоби счётлари», 8530 - «Заҳра (ре-зерв) капитали ҳисоби счётлари», 8610 - «Сотиб олинган хусусий акциялар», 8710 - «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)», 8810 - «Грантлар ва субсидиялар (капитал)».

Аудитор даставвал мазкур счётларнинг қолдиқларини текширади. Хусусий капитал турларининг қолдиқлари ушбу счётларнинг кредитида (балансининг пассив томонида) ифодаланган бўлиб корхоянинг ўз маблағлари манбаларини ифодалайди. Хусусий капиталнинг ҳаракати турлари бўйича «Молиявий)хисобот»нинг 5-шакли «Хусусий капитал тўғрисида хисобот»да ўз ифодасини топган бўлади. Аудитор ушбу маълумотларни жо-рий ҳисоб маълумотлари, яъни журнал-ордерлар (мемориал ор-дерлар), Бош китоб, оборот кайдномалари билан ўзаро солишти-ради. Ушбу ҳужжатлардаги маълумотлар бир-бирига монанд бўлиши керак.

Аудитор 8510 - «Устав капитали (фонди) ҳисоби счётлари»ни куйидаги счётлар орқали аудит қилади (мазкур счётнинг дебети ва кредити бўйича): 4710 - «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» (таъсисчиларнинг қўшган улушларини текширганда), 8710 - «Хисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)» (фойданинг бир қисми устав капи-талига ўтказилганда), 0100 - «Асосий воситалар ҳисоби счётлари» (асосий воситалар қўйириб олинмаслик шarti билан корхонага берилганда), 6620 - «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қдрзлар» (таъсисчиларга уларнинг улушлари қайтарилганда) ва бошқа счётлар.

Қўшилган капитал (8520 - счёт)нинг ҳаракати билан боғлиқ операциялар куйидаги счётлар орқали аудит қилинади:

- 0610, 5810 - қайтириб бермаслик шarti билан (бепул) қимматбаҳо қоғозлар олинганда;

- 0110, 0192 - қайтариб бермаслик шarti билан асосий воситалар олинганда;

- 4710, 4890 - таъсисчиларнинг улуши тўланишидан олдин мулкларнинг ижобий курси фарқига;

- 8610, 8620 - қўшимча капитал маблағларининг қимматбаҳо қоғозлар қийматидаги фарқи қоплашга йўналтирилганда.

Корхоналар таъсис ҳужжатларига асосан маблағларнинг бир қисmini захдра жамғармасини ташкил қилиш учун фойдаланиш-лари мумкин. Мазкур захира (8530 - счёт) корхона активларини қўпайтириш, фаолиятини кенгайтириш ва бозор муносабатларидан келиб чиқадиган хавф-хатарнинг олдини олишга мўлжалланган бўлади. Аудитор ушбу захдранинг тўғри ташкил этилиши ва мақсадли фойдаланишини 8530 — «Захира капитали х^соби счёт-лари» орқали текширади. Мазкур зах^ранинг ташкил этилиши ушбу счётнинг кредитида, ишлатилиши эса дебет томонида акс эттирилган бўлади. Шу мақсадларда 8530 - счётнинг кредити (0110, 0199, 0710, 0720, 0810, 0820 счётларнинг дебети) ва дебети (0110, 0199, 0610, 0690, 9560, 6610 счётларнинг кредити) чуқур текширилиб чиқилади.

Корхоналарнинг иқтисодий-ижтимоий мавқеи ва ақамияти эътиборга олиниб давлат томонидан молиявий ёрдам (субсидия) берилиши мумкин. Ушбу маблағлар хўжалик юритувчи субъект-ларни молиявий томондан

кўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Бухгалтерия хисоби миллий стандартларининг 10-стандарт, яъни - «Давлат субсидияларини хисобга олиш ва давлат ёрдами мазмуни» стандартида субсидияларнинг хисобга олиниш тартиби келтирилган. Аудитор ушбу стандарт талаблари бўйича грантлар ва субсидияларнинг аудитини ўтказди. Давлат грантлари ва субсидиялари бухгалтерия хисобининг 8810 - «Грантлар ва субсидиялар (капитал)» счётида турлари бўйича хисобга олиб борилган бўлади. Грантлар қамда субсидияларнинг ташкил этилиши (оли-ниши) ва фойдаланиши қуйидаги счётлар орқали текширилади:

- грантлар ва субсидияларнинг ажратилиши - 4890 «Бошқа шахслар қарзлари» счёти орқали;

- грантлар, субсидияларнинг маблағ шаклида олинганлиги 5110 - «Хисобкитоб» счёти, 5210 - «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 - «Хориждаги валюта счётлари» орқали текширилади.

Грантлар ва субсидиялар орқали олинган маблағлар корхона устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилганда 8511, 8512, 8513, 8523, 8530 счётлар кредитланган (кўпайган) бўлади. Шу мақсадларда аудитор ушбу счётларнинг кредитидаги ёзувларни обдан текшириб чиқади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаси хусусий капитални кўпайтиришга йўналтирилади. Заҳира капитал(фонди)ни кўпайтиришга ажратма қилинганда 8710 - «Хисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёта дебетланиб (камаиб) 8532 - «Заҳира капитал» счёти кредитланган (кўпайган) бўлади. Аудитор захдра капиталининг фойда хисобидан тўғри ташкил этижанлиги ва мақсадли ишлатилганлигини 6610, 6620 ва бошқа счётлар орқали текширади. Текшириш натижалари умумлаштирилиб аудиторлик хисоботи ва хулосасига киритилади.

Корхонанинг устав капитални корхона зарар билан ишлаганда ёки банкротга учраганда камаяди. Капиталнинг камайиши 8510 -«Устав капитал» счётининг дебет томонида ифода қилинган бўлади. Мисол учун* корхона қисбот йилини зарар билан якунлади. Ушбу зарар корхонага бевосита боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли содир бўлган деб бахрланди. Бундай ҳолда корхона Низоми, жа-моа аъзоларининг (таъсисчилар, мулк эгаларининг) қарори асо-сида зарар хусусий капитал хисобидан қопланиши мумкин. Ушбу операцияларни аудитор қабул қилинган қарорлар, бухгалтерия хисобидаги ёзувлар, яъни 8510 - «Устав капитал» счётининг де-бети ва 8700 - «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) хисоби счётлари»нинг кредитидаги ёзувлар орқали чуқур текширади. Аудит натижалари бўйича маълум хулосалар қилинади.

21.6. Даромадларнинг аудити

Турли мулкдаги корхоналарнинг мулкни кўрсатгичи фойда ҳисобланади. Фойда иқтисодий категория сифатида барча даромадлар билан барча харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат. Фойданинг миқдори даромадларга

бевосиста боғлиқдир. Аудитор даромадларни куйидаги турлари бўйича текширади:

- маҳсулот (товар) реализациясидан олинган даромадлар;
 - асосий фаолиятдан бошқа даромадлар
 - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
 - фавқулодда келиб чиққан даромадлар,
- Даромадларнинг аудити куйидаги хужжатларга асосан амалга

оширилади: Ўзбекистон Ёеспубликаси Вазирлар Махкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқданган «Махрулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом», бухгалтерия хисоби миллий стандартларининг 2-стандарт: -«Асосий хўжалик фаолиятининг даромадлари», 3-стандарт; - «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот», 4-стандарт: - «Товар-моддий закиралар» ва бошқд меъёрий хужжатлар.

Даромадлар аудити уларнинг турлари ва шаклланишига қараб ўтказилади. Аудитор даромадларнинг шаклланишини куйидаги бухгалтерия ҳдтеоби сўётларидаги ёзувлар орқдди текширади: 9000 - «Асосий (операциялар) фаолиятдан олинган даромадлар хисоби сўётлари», 9200 - «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар хисоби сўётлар», 9500 - «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар хисоби сўётлари», 9700 - «Фавқулодда фойда (зарар)лар хисоби сўётлари» 9800 - «Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиш хисоби сўётлари», 9900 -«Яқуний молиявий натижа» ва бошқд сўётлар.

Асосий фаолиятдан даромадлар тайёр мах,сулотларни, товар-ларни сотишдан олинган даромадлар, сотилган ишлар ва хизмат-лардан олинган даромадлардан иборат. Ушбу даромадлар 9010 -«Тайёр махсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 - «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 - «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» сўётларининг кредитида ва 4010 - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сўётлар», 5110 - «Хисоб-китоб» сўётининг дебитида акс ёттирилган бўлади. Накд пулга сотилган товарлар, тайёр махрулотлардан олинган тушумлар ёса бевосита 5010, 5020 сўёт-ларида ифодаланган бўлади. Реализациядан олинган даромадлар ой охирида яқуний молиявий натижалар сўётига ўтказилган бўлади. Шу мақсадларда аудитор 9010 - «Тайёр махрулотларни сотишдан олинган даромадлар» (9020, 9030 сўётлар бўйича ҳам) сўётининг дебитидаги ёзувлар билан 9900 - «Яқуний молиявий натижа» сўётининг кредитдаги ёзувларни ўзаро солиштириб кўради. Ушбу маълумотлар Бош китоб, оборот кайдномалари ва «Молиявий хисобот»даги 2-шакл: «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» кўрсаткичлари билан тақкрсланади. Даромадларнинг аудити жараёнида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, яъни асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар (9310 -сўёт), бошқа активларни сотишдан олинган даромадлар (9320 -сўёт), ўндирилган жарималар (9330- сўёт), бошқд асосий фаоли-ятнинг даромадлари (9340, 9320 - сўётлар бўйича) текширилиб

чикдлади. Ўндирилган жарималар пул маблағларини хисобга олиб боровчи счётларда (5110, 5210, 5220) ифодаланган бўлади. Ой охирида ушбу даромадлар ҳам 9900 - «Якуний молиявий на-тижа» счётига ўтказилган бўлади. Аудитор ушбу операциялар-нинг бухгалтерия хисоби счётла'рида тўғри акс эттирилганлигига эътиборини кучайтириши керак.

Корхоналар молиявий фаолиятдан ҳам даромад олади. Ушбу даромадларга корхона капиталини бошқа хўжалик юритувчи субъект фаолиятига жалб қилиш туфайли олинган даромадлар, фойзалар кўринишидаги даромадлар, лизинг операцияларидан олинган даромадлар, қимматбаҳр қоғозларга жалб қилинган маб-лағларнинг қўйта бақоланишидан олинган даромадлар, валюта счётидаги маблағларнинг ижобий курсидан олинган даромадлар ва бошқд молиявий фаолиятнинг даромадлари киради. Аудит жараёнида ушбу даромадларнинг қонунийлиги 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560, 9590 счётлар орқали текширилиб чикдлади. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳам ой охирида 9900 - «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилган бўлади. Аудитор ушбу операцияларнинг тўғрилигини маълум хужжатларга асосан текширади.

ларнинг турлари ва моддалари корхоналарнинг фаолиятидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатлари асосан хом ашё, материаллар, ёкилғи, меҳдат ресурсларидан иборат бўлса, савдо фирмаларининг аксарият харжатлари эса товарларни сотиб олиш, ташиш, сакдаш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган харажат-лардан иборат.

Ишлаб чикдрилаётган маҳрулотларнинг таннарни бевосита харажатлар, ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлиқ, Корхонадаги моддий, молиявий ва меҳдат ресурсларидан қанчалик са-марали фойдаланилса ишлаб чиқарилаётган маҳрулотнинг тан-нарни ва қиймати шунчалик паст бўлади. Бу ўз навбатида корхонанинг молиявий барқдорлигига ижобий таъсир қилади. Шу боис харажатлар доий равишда назорат қилиб борилиши керак. Харажатларнинг аудити натижасида ички имкониятлар, ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари аниқланади.

Назорат саволлари

- 1.Молиявий хисобот аудитининг хусусиятлари ва вазифалари нималардан иборат?
- 2.Бухгалтерия балансининг аудитининг кетма-кетлиги қандай амлга оширилади.
- 3.Молиявий хисоботнинг бошқа шакллари текшириш
4. Молиявий натижалар аудитининг вазифалари
5. Хусусий капиталнинг аудити
6. Даромадларнинг аудити

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Тошкент 1995—1996 йиллар. I—II қисмлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 30 август.
4. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли Қарори. 1999 йил 5 февраль.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. "Солиқлар ва божхона хабарлари", 2000 й. 3 июнь
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрирда) Т.: - 2002 й.
9. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. №0—21. Т.: Узб. Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси —1998-2002 й.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоқотларни чуқурлаштириш

- йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
 - 12.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. —Т.: Ўзбекистон, 2000.
 - 13.Бобожонов О., Жуманиёзов К. "Молиявий ҳисоб". — Т.: "Молия" , 2002.
 - 14.Бухгалтерия ҳисоби ва унинг хусусиятлари. — Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
 15. Хошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси.. - Т.: «Yangi ar avlodi»2004й.
 - 16.Умарова м. Эшбоев У Ахмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби «УАЖБНТ» маркази 2004 й.
 - 17.Гадоев. Э. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари, 1999 йил 2-сон.
 - 18.Иткин Ю.М., Гадоев Э.Ф., Сотиволдиев А.С., Тулаходжаева М.М. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. Том №1, №2. Ташкент — 2000.
 - 19.Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Т.: -2002.
 - 20.Карпова Т.П. Управленческий учет: Учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.
 - 21.Пардаев А. Бошқарув ҳисоби. — Т.: Академия, 2002.
 - 22.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали 2002-2005 йиллар.
 - 23.Улмасов А, Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. — Т.: Мех,нат, 1995.
 - 24.Гуломова Ф.Г. Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий кулланма. — Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ. дунёси, 1999.
 - 24.Бозор, пул ва кредит" журнали 2000—2005 йил сонлари.
 - 25."Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси, 2000—2005 йил сонлари.
 - 26.Mveller, Gernon and Meek. Accounting: An International Perspective. Third edition 1993.
 - 27.Pany and Whittington. Auditing. 1999.
 28. Шоалимов А.Х. Саноат корхоналарини ҳужалик фаолиятини таҳлил қилиш. -Т.: Ўзбекистон, 1992й.
 - 29.АбдукаримовИ.Т., Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили.-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи ,2003й.
 - 30.Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни уқиш ва таҳлил қилиш йуллари. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи ,1999й.
 31. Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: Муаммолар ва уларни ҳал қилиш -Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи ,2003й.
 - 32.Акрамов Э.А. Корхоналар молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: «Молия » нашриёти,2003й.
 - 33.М. К. Пардаев, Б. И. Исроилов Молиявий таҳлил, Тошкент, 1999.
 - 34.Н. Хасанов Молиявий таҳлил, Тошкент, 1999й.
 - 35.А. Т: Иброхимов. Молиявий таҳлил. Тошкент,1995.

36. А. Н. Ли, С. И. Шевченко. Корхона молиявий тахлилининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари, П-сон, 1995.
37. Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий тахлил. — Т.: "Шарк," 2002.
38. Аренс Э. А., Лоббек Дж. К. Аудит. М., «Финансн и статистика» 1995.
39. Белуха Н. Т. Аудит. Кмев, «Знания», 2000.
40. Камъшганов П. И. «Знакомтесь Аудит», М., 1994.
41. Камъшшнов П. И. Практическое пособие по аудиту. М., ИНФРА, М, 1996.
42. Подольский В. И, Поляк Г. Б, Савин А. А и др. Аудит. Учебник для вузов, М., «ЮНИТИ» 2001.
43. Ризоқулов А., Нарзиев Р. Аудит. Ўқув қуланма. Т., «Катортол-камолот» 1999.
44. Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. Т., «Шарк» 2001.
45. Справочник аудитора, Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов гюд ред. Проф. Ю.М.Иткина Республики Узбекистан. Т., 1997.
46. Стуков С.А., Гольпнев В.Д. Введение в аудит. «Тарвер» М., 1992.
47. Тўлахўжаева М.М. Корхона молиявий аҳволи аудити. Иккинчи, (кайта ишланган нашр) Т., «Иқтисодиёт ва ҲУҚУҚ дунёси» 1996. Бухгалтер кутубхонаси сериалининг 9-сони.
48. Тўлахўжаева М.М. «Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими» Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1998. Бухгалтер кутубхонаси сериалининг 12-сони.
49. Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. СПб: Лань, 2000. с. 656
50. Бычкова С.М. Доказательства в аудите. М.: Финансы и статистика, 1998. с. 176.
51. Хамдамов Б.Қ. Аудит: умумий назария, Тошкент, ТМИ, 1999.
52. Крупченко Е.А., Замицкова О.И. Аудит. (учебное пособие), Ростов на Дону, «Феникс» №. 2000.
53. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий тахлил. Т, «Молия», 2000.
54. М. К. Пардаев, Б.И. Исроилов. Молиявий тахлил. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999й.
55. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий тахлил. Т.: «Мехнат», 2004
56. <http://www.iaa.org.uy.k>
57. <http://www.iasc.org.uk>
58. <http://www.aicpa.org/indcx.htm>
59. <http://www.referat.uz>
60. <http://www.gao.gov/>
61. <http://www.taxsites.com>
62. <http://www.accounting.com/>
63. <http://www.fasb.org>
64. <http://www.dfas.mil>

64. <http://www.accounting.rutgars.edu>
65. <http://www.accountingweb.com>
66. <http://www.buhgaltcria.com.ua>
67. <http://www.lc.ru>
68. <http://www.gaap.ru>
69. <http://www.glavbukh.ru>
70. <http://www.saldo.ru>
71. <http://www.mkdgaap.narod.ru>
72. <http://www.konto.ru>
73. <http://www.referat.ru>
74. <http://www.72.repherats.ru>
75. <http://www.referat2000.bizforum.ru>
76. <http://www.access-accounts.com>
77. <http://www.accounting.megareferats.ru>

ДАРСЛИҚДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ МУРАККАБ АТАМАЛАРНИНГ ИЗОХЛИ ЛУГАТИ

1. Аббревиатура (итальянча *abbreviature*, *Brevic* -киска) -ёзувда ёки огзаки нуткда ишлатиладиган кискартма.
2. **Аккредитив (лотинча *accredo* - ншонаман, инглизча *Letter of credit, Lc*)** — курсатилган шартларга мувофик, маълум микдордаги пул суммасини 'аник ҳукукий ёки жисмоний шахсга тулаш т[^]грисидаги топширик. ёзилган хужжатдир. Пул аккредитивлари аталган булиб, улар аккредитивда к[^]рсатилган суммани маълум вақт оралигида тулик. Ёки қисман олиш имконини беради; 2) корхона ва ташкилотлар уртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар усули булиб, унинг моҳияти шундан иборатки, туловчининг банки туловни оловчига хизмат к[^]рсатувчи банкка талаб қилинган суммани белгиланган муддатда туловчининг аккредитив қуйиш тугрисидаги аризасида қўзда тутилган шартлар асосида тулашга топширик, беради; бундай усул ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли деб аталади.

3. **Активлар (лотинча Activus - фаол, амалдаги, инглизча As set, Assets)** - корхона, фирма ёки компанияга тегишли булган мулклар ва пул маблакларининг йириндиси булиб, (бинолар, иншоотлар, машиналар ва курилмалар, моддий захиралар, банк счётлари, кимматли коғозлар сотиб олишга килинган сарфлар, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари), уларга мулк эгаларининг мабларлари куйилади;
- пулда ифодаланадиган мулк. Активлар материал (сезила диган), номатериал (сезилмайдиган, жисмоний шаклга эга бўлмаган) активларга бўлинади. Номатериал активларга интеллектуал мулклар, технологиялар, **патентлар**, бошқа корхоналарнинг қарз мажбуриятлари; ер, сув, тоғ-қон, Урмон ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун берилган махсус ҳуқуқлар. Корхона активлари (инглизча enterprise's assets) тарқибига: узок, муддатли активлар (асосий восита Лар, тугалланмаган капитал куйилмалар, узок муддатли молиявий куйилмалар); номатериал активлар; жорий активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий куйилмалар, дебитор қарзлар). Аудитор баланс маълумотлари бўйича корхона активларини тафтиш қилишда мулкларга умумий баҳо беради, мулклар таркибида айланма (сафарбар қили-нўвчан) ва айланишдан ташқари (сафарбар қилиниши Кийин) маблағларга ажратади.
4. **Акциялар (инглизча Shares; амер. stock; нем. Aktie голландча actie)** - Акционерлик жамияти томонидан чиқарилиб, муомалада бўлиш муддати қўрсатилмаган кимматли коғозлар. Акцияэгасининг акционерлик жамияти капиталида улуши борлигини тасдиқлайди ва фойданинг маълум бир қисмини дивиденд сифатида олишни таъминлайди, жамиятни бошқаришда, фойдани тақсимлашда ва жамиятни тугатиш вақтида мулкларни тақсимлашда қатна-

шиш хукукини беради.

5. **Акцепт (лотинча acceptus - қабул килинган, инглизча acceptance)** - туловчининг утказма вексел (фогга)ни, т^алов-га такдим килинган счетни ва тулов туррисида бошка талабларни кондирйш, белгиланган муддатда тулаш мажбурияти (розиликни тасдиқлаш). Акцепт тулов-талабнома устига "акцептланган" (инглизча accepted) деган ёзув ёзиш ва имзо қуйиш билан расмийлаштиркинчи томоннинг таклифи (оферта) б^айича шартнома тузишга розилиги ҳам акцепт деб аталади.
6. **Андеррайтер** - Эмитентнинг кимматли коғозларини муқофот эвазига жойлаштиришни қафолатлайдиган жисмоний ёки юридик (одатда банк) шахсдир. Бошка ҳолда — сугурта контрактларни тузиш учун масъул шахс.
7. **Банк акцепти (инглизча banker's acceptans)** - банкнинг тулов ҳужжатларини тулашга розилиги ёки уларнинг туланишини қафолатлаш шакли; акцептловчи ~ банкнинг ҳужжат устига ёзуви билан расмийлаштирилади.маси — сумка (ҳалта) деган маънони англатади. Купинча, давлат, корхона, муассаса ҳамда айрим шахс (оила)нинг маълум давр учун қўтилаётган даромад ва харажатларининг таъминий ҳисобини бюджет деб юритилади. Давлат бюджети маълум муддат учун тузилган ва қонун билан тасдиқланган давлат даромадлари ва харажатларининг саклаш одатда 1 йилдан 1,5 йилгача бўлиши мумкин. Агар товар бу давр ичида сотилмаса, у эгасига (консигнантга) унинг ҳисобидан қайтарилади.
15. **«Ноу-хоу»** - (инглизча суума-суз "қандайлигини биламан"), ишлаб чиқариш сири — илмий-техникавий, тижорат, ташкилотчиликка оид билимлар, тажрибалар ва уларга танҳо эга бўлиш. У корхона учун ҳам, шаҳе учун ҳам муайян устунликни таъминлайди. «Ноу-хоу» патентланмайди, шунинг

учун ҳам «ноу-хау» буйича шартномада берилаётган маълумотлар сир сакланиши ва бу шарт бузилган тақдирда қуриладиган зарарни қоплаш ҳақида алоҳида банд бўлади. Муайян ишлаб чиқариш жараёнидаги «ноу-хоу» у ёки бу фирманинг мулки ҳисобланади ва шу сабабли олдинсиз килинади. Одатда, «ноу-хоу» товар сифатида патентлар ва лицензиялар билан биргаликда со-
тилади, лекин «ноу-хау» мустақил сотилиши ҳам мумкин. «Ноу-хоу»ни лицензия билан бирга сотиб олиш (наҳи арзон бўлади) ишлаб чиқаришни йулга қуйиш, ишлаб чиқариш сирларини туларок қулга қиритиш, ишлаб чиқаришни ишга туширишда сотувчи фирма мутахассислари иштирокини осонлаштиради.

16. Облигациялар (лотинча *Obligatio* мажбурият) - уз эгаларига бў қимматли қргозда қурсатилган муддат давомида вақти-вақти билан (облигациялар буйича туловлар, қупон туловлари) ёки бир марталик (ютук, суммаси) туловларни ва облигацияларнинг муомалада бўлиш муддати тугаганидан сунг эса уларнинг қийматини олиш ҳуқуқини қафолатлайдиган қимматли қокоздир. Облигациялар уларнинг эгалари томонидан қимматли қргозларни сотиб олганлиги учун қул мабқаклари туланганлигини ва шу билан бирга уларни қарз мажбурияти сифатида қурсатишга ҳақли эканлигини тасдиқлайди. Облигацияни қикарган ташқилот унинг номинал қийматини қурсатилган муддатда тулаши лозим. Бундай тулаш облигацияларни қ.оплаш деб аталади. Облигацияларни давлат, маҳ.аллий ҳуқумат, қорхоналар, қомпаниялар, қорпорациялар турли муддатларга қикариш ҳуқуқларига эга.

17. Опцион - (немисча *Option*, лотинча *Optio* - танлаш) - бирор-бир қ.имматбаҳр қ.огозлар ёки товарларни муайян давр давомида белқиланган наҳрларда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи. Ҳақ. тулаб олинади. Фьючерс опцион биржа битишуви турларидан бири, товарни

кейинчалик биржада қайта сотиш мақсадида харид қилиш.

18. Субвенция (инглизча Subvention, лотинча Subvenire ёрдамга қелиш) —

маълум объектни, тадбирни маблаг билан таъминлаш учун марказий органлар томонидан бериладиган пуллик нафақа. Субвенцияни уз мақсадида ишлатишга риоя қилинмаса уни берган орган томонидан қайтариб олинади.

19. Субсидия (инглизча Bounty, лотинча Sabsidium ёрдам, қуллаб

қувватлаш) — жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга ва хорижий давлатларга давлат бюджети, маҳаллий бюджет ёки махсус фондлар маблағлари ҳисобидан пул ёки натура шаклида бериладиган нафақа. Субсидия дотация сингари такрорланмай, фақат бир марта қайтариб олмаслик ёки қайтариб олиш шарти билан берилади.

20. Чек (инглизча Cheque, америка Check) - қимматли қогозларнинг қуп

тарқалган турларидан бири бўлиб, белгиланган шаклдаги пул қаражати қуринишига эгадир. Чек узининг моҳиятига қараб чек берувчи (чек ёзиб берувчи шахс)нинг банкка ёки бошқа кредит муассасасига чекни тақдим этувчи (чек берилган шахс) га чекда қурсатилган суммани сузсиз тулаш тугрисидаги қармоғи ёки буйруғидир. Бу суммага чек берувчининг банкдаги ҳисоби камайтирилиб, банк томонидан ушбу сумма чек тақдим этувчининг ҳисоб қарамига ўтказилади ёки бевосита нақд пул билан берилади. Бундай муомала чек берувчи ва банк ўртасида тузилган чек шартномасида олдиндан қўзда тутилади. Банк чекларни чек берувчига қарз ҳисобидан ҳам тулаши мумкин. Чеклар белгиланган муддат ичида ҳақиқийдир. Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун банк чекларидан фойдаланилади.

21. Эмиссия (лотинчадан - Emissio - чиқариш) - барча қуринишдаги

қимматли қогозлар ва пул белгиларини муомалага чиқариш. Пул

эмиссияси дейилганда нафакат пул бел гиларини босиб чикариш, балки муомаладаги барча нақд пул ва нақд пулсиз массанинг купайиши тушунилади. Эмитент ~ пул белгилари, кимматли коғозлар ёки туловхисоблашув хужжатларини муомалага чикарувчи шахс

Мундарижа

№	Мавзулар	бет
	Кириш.	4
2.		6
	1-Мавзу: Бозор иктисодиёти шароитида хужалик ҳисоби хақида тушунча	
	2-Мавзу: Бухгалтерия ҳисобининг предмети, усули, шакллари ва регистрлари.	15
3.	3-Мавзу: Хужалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш.	25
4.	4- Мавзу: Пул маблағлари ва ҳисоблашиш муомалаларини ҳисобга олиш	30
5.	5-Мавзу: Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш.	46
6.	6-Мавзу: Товар моддий захираларини ҳисобга олиш.	66
7.	7-Мавзу: Меҳнат ва унга ҳақ тулашни ҳисобга олиш.	75
8.	8-Мавзу: Тайёр маҳсулот (ишлар , хизматлар) ва унинг сотилишини ҳисобга олиш.	83
9.	9-Мавзу: Ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннаرخини калькуляция қилиш тизими	88
10.	10-Мавзу: Фонд(капитал)лар ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш.	97
11.	11- Мавзу: Молиявий ҳисобот	115
12.	12- Мавзу: Корхоналар хужалик фаолияти таҳлилининг мазмунива вазифалари	122

13.	13-Мавзу: Махсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш (реализация) қилишнинг таҳлили.	133
14.	14.1. Махсулотлар таннарни таҳлилининг мақсад ва вазифалари ҳамда маълумот олиш манбалари	146
15.	15- Мавзу: Фойда ва рентабеллик таҳлили.	152
16.	16- Мавзу Корхона молиявий ҳолати таҳлили.	159
17.	17- Мавзу: Аудит асослари .	177
18.	18- Мавзу: Пул маблағлари ва ҳисоб китоб муомалалари аудити.	204
19.	19- Мавзу: Асосий воситалар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг аудити.	227
20.	20-Мавзу: Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, тайёр махсулот ва унинг сотилиши аудити.	235
21.	21 -Мавзу: Молиявий ҳисоботни текшириш	247